# Ёшлик

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
ЖУРНАЛ

(36)
1984
ЙИЛ
ДЕКАБРЬ

12

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,

Эркин АЪЗАМОВ,

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Мурожон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),

Омон МАТЖОН,

Хайриддин СУЛТОНОВ
(масъул секретарь),

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмамбет ХЎЖАНАЗАРОВ,

Урие ЭДЕМОВА,

Ўткир ҲОШИМОВ.

ТОШКЕНТ
«Ёш гвардия» нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНДАРИЖА

**Ҳаёт ҳақиқатини, социализмнинг юксак идеалларини қарор топтирайлик. Аср билан ҳамнафас бўлайлик.** СССР Ёзувчилар Союзи Правлениесининг юбилей Пленуми . 3
СССР Ёзувчилар Союзи Правлениесининг 1984 йил 25 сентябрдаги юбилей Пленумида ўрток **К. У. ЧЕРНЕНКО** нутқи . . . 4
КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Советн Президиумига СССР Ёзувчилар Союзи юбилей Пленуми қатнашчиларининг хати . . . 8

НАСР

**Мурод МУҲАММАД ДЎСТ.** Совчилик ҳангомаси . . 18
**Қамчибек КЕНЖА.** Гаров. Ҳикоя . . . 23
**Раҳимжон ОТАЕВ.** Қалб дарчаси. Бадиа . . . 29

НАЗМ

**Усмон АЗИМОВ.** Шеърлар . . . 9
**Ҳамид НОРҚУЛОВ.** Шеърлар . . . 21
**Юсуф ЖУМАЕВ.** Шеърлар . . . 28

ҚАЛДИРҒОЧ

**Абдулла ҚЎШБОҚОВ.** Шеърлар . . . 22

«ЁШЛИК» ЙЎҚЛАМАСИ

**Юсуфжон ЛАТИПОВ.** Жала. Ҳикоя . . . 11
**Ҳамроқул РИЗО, Абдуҳаким АБДУЛЛАЕВ, Жонибек СУВОНҚУЛОВ.** Шеърлар . . . 17
**Саттор ҚОРАБОЕВ.** Шеърлар . . . 41
**Шукрулла ФАЙЗУЛЛА, Абдурашид ҚОСИМОВ, Шарофат БОТИРОВА, Матназар АБДУЛҲАКИМОВ.** Шеърлар . . . 42
**Уллибиби ОТАЕВА, Жуманазар ЮСУПОВ, Рустам НАЗАР.** Шеърлар . . . 43

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

**Геворг ЭМИН.** Шеърлар . . . 35
**Юрий НАГИБИН.** Шоҳчорбоқ тонги. Ҳикоя . . . 37

ДЎСТЛИК ЧАМАНЗОРИ

**Жамолиддин ТОШМАТОВ.** Дуторнинг икки тори . . 47

ПУБЛИЦИСТИКА

**Саъдулла СИЕЕВ.** Искандарнинг очиқ қўллари . . . 44
**Жалгас ЙЎЛДОШЕВ.** Устюрт жумбоғи . . . 51
**Турсунали АЗИЗОВ, Жўра САЪДУЛЛАЕВ.** Тарози . . 55

ОЙБЕК ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

**Ҳомил ЁҚУБОВ.** Ойбек Ленинградда . . . 63

ДАВРА ГУРУНГИ

Ёзувчининг муқаддас ҳуқуқи . . . 58

МУТОЛАА

**Муҳаммад СОЛИҲ.** «Сеҳрли қалпоқ эмас, сеҳрли сўз» 65

АДАБИЙ ТАНҚИД

**Нуриддин ШУКУРОВ, Илҳом ҲАСАНОВ.** Камалакдек ранг-баранг . . . 68

БУ КИТОБНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Улуғлар ҳаёти. Учинчи учрашув. Очилаётган қўриқ . 72

«ЁШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ

Асал нега ширин? . . . 73
Мукофотлар муборак! . . . 75

1984 йил «Ёшлик» журнали саҳифаларида эълон қилинган асосий асарлар рўйхати . . . 76

**МУҚОВАДА:**

Биринчи бет. Қиш сурури.

**Б. МИЗРОХИН** фотоси

Тўртинчи бет. Излар.

**Р. ЯРУЛЛИН** фотоси

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ, СОЦИАЛИЗМНИНГ ЮКСАК ИДЕАЛЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

# АСР БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛАЙЛИК

## СССР Ёзувчилар Союзи Правлениесининг юбилей Пленуми

Бундан ярим аср илгари мамлакатимизнинг сўз усталарини бирлаштирган совет ёзувчиларининг Биринчи съезди Ватан маданияти тарихига шонли саҳифа бўлиб қўшилди. Улар ягона оила туйғулари билан жипслашиб, улуғ мақсад ва вазифалардан илҳомланиб, эндиликда социалистик Ватан халқларининг 78 тилида замонамиз буюк зафарларининг йилномасини яратмоқдалар.

Ана шу ижодий ташкилотнинг 25 сентябрь куни Москвада бўлиб ўтган юбилей пленуми СССР Ёзувчилар союзининг эллик йиллигига бағишланди. Кўпмиллатли совет адабиётининг, барча ижодий союзларнинг вакиллари Катта Кремль саройида тўпланишди. Бу ерда чет эллардан келган меҳмонлар — Европа, Америка, Осиё ва Африкадаги 33 мамлакатнинг сўз усталари, бир қанча халқаро ва миллий адабий ташкилотларнинг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Юбилей пленумининг қатнашчилари К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев ўртоқларни ўринларидан туриб, гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари, совет ёзувчилари биринчи Бутуниттифоқ съездининг делегатлари, ижодий союзлар ва СССР Фанлар академиясининг вакиллари ҳам ўтирибдилар.

Пленумни СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. Марков очди. У мамлакат бадиий зиёлилари номидан ўртоқ К. У. Черненкони Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени ҳамда учинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан самимий табриклади.

Ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненкога сўз берилади. Пленум қатнашчилари Константин Устиновични узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар.

Константин Устинович Черненко СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва гулдурос, давомли қарсаклар остида Халқлар дўстлиги орденини СССР Ёзувчилар союзининг байроғига қадаб қўйди.

Г. Марков «50 йил партия ва халқ хизматида» деган мавзуда доклад қилди.

Шундан сўнг РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси С. Михалков, СССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси, «Правда» газетасининг бош редактори В. Афанасьев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Мишин, СССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси Н. Пономарев, Москва ёзувчилар ташкилоти правлениесининг биринчи секретари Ф. Кузнецов, Бутунроссия театр жамияти правлениесининг раиси М. Царев, СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Л. Кулижанов, СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари Т. Хренников, М. Горький номидаги адабиёт институтининг студенти Н. Веселовская гапирдилар.

Доғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Р. Ҳамзатов, Украина ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари П. Загребельний, Озарбойжон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси М. Иброҳимов, Қозоғистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Сулейманов, Литва ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси А. Малдонис ўз нутқларини миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши проблемасига бағишладилар.

Ленинград ёзувчилар ташкилоти правлениесининг биринчи секретари А. Чепуров, Белоруссия ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Максим Танк, СССР Архитекторлар союзи правлениесининг биринчи секретари А. Полянский, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ч. Айтматов, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг раиси Ю. Жуков, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Литературная газета» бош редактори А. Чаковский, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари адмирал А. Сорокин ҳозирги даврнинг актуал ижодий масалаларига тўхталдилар.

Чет эллик меҳмонлар — Л. Левчев (Болгария), Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг бош секретари А. Ла Гума совет ёзувчиларини табрикладилар.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига ғоят баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# СССР Ёзувчилар Союзи Правлениесининг 1984 йил 25 сентябрдаги юбилей Пленумида

# ўрток К. У. Черненко нутқи

Азиз ўртоқлар!

Сизларнинг пленумингиз совет маданияти тарихидаги жуда муҳим воқеа — совет ёзувчилари биринчи Бутуниттифоқ съездининг эллик йиллигига бағишланган. Биз бугун Улуғ Октябрь туфайли бунёдга келган Совет адабиёти босиб ўтган йўлга фахр билан назар ташлаймиз. XX асрнинг революцион ўзгаришлари бу адабиётда ўзининг яққол ифодасини топган.

Бу адабиёт — халқ билан, партия, мамлакат билан ҳамнафас бўлиб яшаётган адабиётдир. Унинг саҳифаларида Ленин ва сафдошларининг, Гражданлар уруши ва биринчи беш йилликлар қаҳрамонларининг, Улуғ Ватан уруши ўлмас жангчиларининг улуғвор сиймолари бутун борлигича намоён бўлади. Бу — марказида меҳнат аҳли ва меҳнат қўйнидаги инсон, синчков, изланувчи, фаол, актив социализм қурувчиси турган адабиётдир. Бу — ўз замондошини, унинг бутун мураккаб ички дунёси ва маънавий изланишларини, унинг қувончлари ва ташвишларини, ҳақиқат ва адолатга интилишларини тушуниб, тасвирлай оладиган адабиётдир.

Горький ва Маяковский, Фадеев ва Шолохов ажойиб тарзда бошлаб берган ишни бугунги кунда бизнинг кўпмиллатли адабиётимизда актив ва самарали ишлаётган ёзувчилар билан шоирлар давом эттирмоқдалар. Мен бунда номларни ёки конкрет асарларни айтиб ўтирмайман, албатта. Бир нарсани қайд этиб ўтаман: кейинги йилларда адабиётда пайдо бўлган янги, талантли ва теран асарлар, совет китобхонини тўлқинлантираётган, ўйлашга ва баҳслашишга мажбур этаётган мавзулар — бизларнинг кўз ўнгимизда совет классикасига, қолаверса жаҳон классикасига ҳам шундай асарлар қўшилмоқдаки, бу асарлар асло эскирмай, ўз даври тўғрисида авлодларга ҳаққоний сўзлаб беришнинг ниҳоятда аниқ далилидир.

Адабиёт ва умуман санъат муваффақиятларининг энг аниқ мезони — улар халқнинг ғоявий-маънавий қиёфасини шакллантиришга ўтказадиган таъсирнинг реал даражасидир, деб айтсам хато қилмаган бўламан, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан олганда совет адабиёти ҳақиқатан ҳам тенгсиздир. Бу адабиёт янги социалистик цивилизациянинг маънавий бойлигини ўзида мужассамлаштиради. Шу боисдан ҳам партия, халқ ёзувчиларнинг, барча санъат усталарининг олижаноб меҳнатига шу қадар ҳурмат билан қарамоқда.

Ўртоқлар, ёзувчилар биринчи съездининг йиллиги адабиётдаги ишларнинг аҳволи тўғрисидагина эмас, шу билан бирга умуман бадиий ижодиёт проблемалари ҳақида, санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни тўғрисида ҳам рўй-рост, муфассал гаплашиб олишни тақозо этади. Сизларда, совет санъати арбобларида шундай суҳбат учун эҳтиёж бор, деб ўйлайман. Бундан неча ўн миллионлаб китобхонларингиз, томошабинларингиз, тингловчиларингиз — хуллас, бутун жамиятимиз манфаатдор эканлигига аминман. Бу суҳбатда мен ҳам иштирок этишни истаётганлигимни яширмайман. Табиийки, бадиий ижодиёт проблемалари тўғрисида гапирганда, уларни қандай қилиб ҳал этиш кераклиги тўғрисида сизларга кўрсатмалар ҳам бермоқчи эмасман. Мен аввало, мазкур проблемаларнинг сиёсий жиҳатлари юзасидан фикрларимни билдиришни, ўз мулоҳазаларимни баҳам кўришни, партия сиёсатининг бугунги кундаги туб вазифалари тўғрисида, биз уларни қандай тушуниб, қандай ҳаракат қилаётганлигимиз ҳақида сўзлаб беришни истардим.

Бадиий ижодиёт проблемалари сиёсатдан ташқарида мавжуд эмас, бу биз учун аниқ-равшан ҳақиқатдир. Аммо маълумки, бу ҳақиқат ўз йўлини осонликча очгани йўқ. Унинг принципиал қарор топишига ёзувчиларнинг биринчи съезди бебаҳо ҳисса қўшганлиги шак-шубҳасиздир.

Ана шу съездда адабиётнинг социалистик жамиятдаги вазифаси тўғрисида, унинг янги инсонни тарбиялашдаги роли ҳақида, адибнинг гражданлик бурчи тўғрисида гап борган эди. Алексей Максимович Горький шу масалаларга кенг кўламда ленинча ёндашди. Унинг асосий фикри сизларнинг ёдингизда бўлса керак, албатта: Ёзувчи ўзига социализм бериб қўйган буюк ҳуқуқдан актив фойдаланишни ўрганиб олиши керак. Бу ҳуқуқ янги ҳаёт қурилишида бевосита иштирок этиш, ўз умрини яшаб бўлган барча қолоқ нарсаларнинг қатъий ҳакамни бўлиш, ўз санъати билан чинакам инсонпарварликни, социализмнинг юксак идеалларини қарор топтириш ҳуқуқидир. Адабиётимиз, санъатимизнинг асосий бадиий методи бўлган социалистик реализмнинг сиёсий моҳияти аслида мана шундан иборатдир.

Биринчи съезд янги социалистик йўналишдаги адабиётнинг қарор топиши жараёнида бурилиш босқичи бўлиб қолди. Бу босқич эса қуруқ жойда бошланиб қолмай, балки илғор рус адабиёти, Россиядаги барча халқларнинг демократик маданияти, жаҳон классик мероси пойдеворида қад кўтарди.

Горький съездга якун ясаб, унга большевизмнинг ғалабаси деб баҳо берди. У сўзсиз ҳақ эди: коммунистик партиявийлик ва уюшқоқлик адабиёт соҳасига киритилганлиги Ленин башорат қилганидек, унинг ҳақиқатан ҳам эркин, меҳнат аҳли билан ошкора боғланган адабиёт бўлиб қолишига ёрдам берди. Адибларни бирлаштиришнинг узоқ изланишлардан кейин топилган ва съездда мустаҳкамланган ташкилий формасини бошқа санъат усталари ҳам қабул қилдилар. Бу форма замон синовидан ўтди.

Лекин биринчи съезднинг аҳамияти бадиий турмуш доираси билан чекланиб қолмади: бу съезд совет зиёлилари қарор топиши тарихида ҳам бир марра бўлиб қолди. Съезд делегатларининг учдан икки қисми ўз келиб чиқиши билан ишчилар ва деҳқонлардан иборат бўлганлигини эслаб кўринг. Бошқача қилиб айтганда, улар биринчи авлодга мансуб зиёлилар бўлишган эди. Бу факт янги зиёлилар бунёдга келиб, жамиятимизда муносиб ўринни олганликлари тўғрисида ҳар қандай сўздан кўра яхшироқ далил бўлган эди.

Адиблар съезди Октябрдан кейин таркиб топган меҳнат билан маданиятнинг иттифоқини мустаҳкамлади. Шундай иттифоқ бўлмаса, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг иттифоқи бўлмаса, социализмни муваффақиятли равишда барпо этишнинг мутлақо иложи йўқ. Ишчилар синфи шу иттифоқнинг мустаҳкамловчи кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу ярим аср муқаддам тўғри эди, зиёлилар маълумотли кишиларнинг энди тор қатлами бўлмай, балки меҳнаткаш халқнинг қудратли қатлами бўлиб қолган бугунги кунда айниқса тўғридир. Зиёлиларнинг муштарак ишимизга — СССРда барпо этилган социализмни такомиллаштиришга қўшаётган ҳиссаси муттасил ортиб бораётган ҳозирги пайтда бу айниқса тўғридир.

Бу иш мураккаб эканлиги тушунарли. Бу иш енгилтаклик билан оддийгина ёндашувга тоқат қилмайди. Бунда ҳар қан-


www.ziyouz.com kutubxonasi

дай ишни ҳам пухта ўйлаб қил, деган нақл ўз-ўзидан эсга тушади. Дарҳақиқат айни шундай. Бугун биз ҳатто машиналардан ҳам уларнинг ақлли бўлишини талаб қилмоқдамиз. Бу гарчи мажозий маънода бўлса-да, у ҳозирги ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятини — унинг интелектуал жиҳатдан тобора кучайиб бораётганлигини тўғри таъкидлайди. Биз халқ хўжалиги самарадорлигини оширишни, ишлаб чиқаришни интенсивлашни фан кашфиётлари, инженерлик тафаккури ютуқларини жадал ўзлаштириш билан ғоят чамбарчас боғлаётганлигимиз бежиз эмас-ку, ахир. Иқтисодий тафаккурнинг ўзини қайта қуриш билан ҳам жуда қалин боғламоқдамиз, албатта.

Умуман, ўртоқлар, партия, давлат, хўжалик ишининг қайси бир соҳасини олиб кўрманг, биз чуқур билимларга, барча меҳнаткашларнинг юксак онглилиги ва маданиятига, совет кишиларнинг авлодлари тўплаган ғоят катта маънавий, ижодий потенциалга таянмай туриб, бирон соҳада ҳам олға томон муваффақиятли ҳаракат қила олмаймиз.

Аслини олганда XXVI съезд, кейинги вақтлардаги Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ана шу потенциални тўла-тўкис сафарбар этишга қаратилгандир. Бу эса бутун ривожланишимизга қудратли суръат бахш эта олишига ишончимиз комилдир.

Бу залга анъанага кўра ижодкор зиёли деган ном мустаҳкам бериб қўйилган касбларнинг намояндалари йиғилишган. Аммо бугунги кунда ижодий меҳнат қилиш, ўз ишига ижодий ёндашиш, ҳар бир зиёлига — олим ёки инженерга, ўқитувчи ёки врачга хос фазилат бўлиб қолиши керак, деб айтсам сизлар мени қўллаб-қувватлайсизлар, деб ўйлайман. Бундай фазилат ҳар бир ишчига, ҳар бир колхозчига ҳам, Улуғ Ватанимизнинг равнақ топиши йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган барча кишиларга ҳам хос бўлиши керак, албатта. Бундай кишилар эса бизда кўп, миллион-миллиондир.

Ўртоқлар, мен қандай хулосага келмоқчи эканлигимни пайқаб олган бўлсангиз керак: жамиятимиз олдида турган вазифалар хусусиятининг ўзи совет зиёлилари барча отрядларининг ижодий куч ва ғайратларини сарфлашлари учун ҳақиқатан ҳам чексиз имкониятлар яратади. Улар фаолиятининг формалари ва йўналишлари ниҳоятда хилма-хилдир. Аммо уларни бирлаштириб турган қандайдир муштараклик ҳам мавжуд. Мен зиёлилар жамоатчилик онгига, жамиятнинннг маънавий турмушига ўтказадиган ғоят катта таъсирини назарда тутмоқдаман. Ленин таълим берганидек, буни партия сиёсатида, унинг идеологик ва ташкилотчилик ишида ҳамиша ҳисобга олиш керак. Лекин буни ҳисобга олиш жамият сифат жиҳатдан янги вазифаларга дуч келган, уларни ҳал этиш учун, табиийки, жамоатчилик онгининг янги даражага кўтарилиши талаб этиладиган даврларда, айниқса муҳимдир.

Ҳозирги кунларда ҳам иш айни мана шу тарзда давом этмоқда. Партиянинг назарий тафаккури бизни ривожланган социализм концепцияси билан қуроллантирди. Бу концепциянинг кучи шундаки, у янги жамиятнинг социал-иқтисодий етуклигида биз эришган даражани жуда тўғри аниқлашимизга, энг яқин ва истиқболдаги мақсадларимизни аниқроқ тасаввур этишимизга имкон беради. Эҳтимол бир қараганда бу бирмунча мавҳум бўлиб кўриниши мумкин. Лекин чуқур ўйлаб кўрилса, партия ҳужжатларини эътибор билан синчиклаб ўқиб чиқилса, бунда гап жуда конкрет, ҳаётий нарсалар тўғрисида бораётганлигини пайқамаслик мумкин эмас. Бунда гап биз бошдан кечираётган давр хусусиятларига шубҳасиз буюк ютуқларимиз камситилишига ҳам, воқеликни бежаб кўрсатишга ҳам, камчиликларни бўрттириб юборишга ҳам йўл қўймай, вазминлик билан реалистик баҳо бериш зарурлиги ҳақида, пайдо бўлаётган вазифаларни ҳал этишнинг мана шу хусусиятларга мос келадиган янги йўлларини ижодий қидириб топишнинг аҳамияти тўғрисида бормоқда.

Омма КПСС сиёсатини қўллаб-қувватлаши — бу сиёсатни самарали амалга оширишнинг жуда муҳим шартидир. Бундай қўллаб-қувватлаш эса одамлар билан рўй-рост сўзлашув орқали таъминланади. Сиёсатда ҳалоллик, самимият партия учун қатъий қонундир. В. И. Ленин ёзганидек, «Сиёсат борасидаги, яъни айрим шахсларни эмас, балки **миллионларча** шахсларни кўзда тутган кишилар муносабати соҳасидаги самимият, сиёсат борасидаги самимият — **сўз билан ишнинг мувофиқлиги** — батамом текшириш мумкин бўлган **мувофиқлигидир».**

Шу боисдан, ўртоқлар, ривожланган социализм концепциясида илмий мазмундан ташқари жуда зўр маънавий-сиёсий мазмун ҳам ифода этилган.

Воқеликни реалистик идрок этишни талаб қилиш гўё биз кундалик икир-чикирлар билан ўралашиб қолаётганлигимизни асло билдирмайди. Партия олға назар ташлайди. Партия мамлакатнинг, халқнинг келажаги, кўп жиҳатдан эса жаҳон майдонидаги ишларнинг аҳволини ҳам ҳал этишга боғлиқ бўлган проблемаларга жуда катта эътибор бермоқда.

КПССнинг XXVII съезди яқинлашмоқда. Ҳар бир съезд партия билан халқ ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса шубҳасизки, навбатдаги съезднинг аҳамияти унда янги таҳрирдаги КПСС Программаси қабул қилиниши билан белгиланади. Бизнинг ана шу программа асосида неча ўн йиллаб ишлашимизга тўғри келади.

Марказий Комитетнинг Программа комиссиясида гапириб ўтганимдек, биз вужудга келган реаллика асосланишимиз, кейинги салкам чорак аср мобайнида ижтимоий практика ва назарияда пайдо бўлган барча муҳим янгиликларни ҳисобга олишимиз, омма орттирган тажрибани назарда тутишимиз керак. Тажриба эса шуни кўрсатадики, коммунизм қурилиши билан бевосита боғлиқ вазифаларни ҳал этишдан олдин ривожланган социализмнинг тарихан узоқ босқичини босиб ўтиш зарур. Бизнинг мамлакатимиз ана шу босқичнинг бошида турибди.

Меҳнаткашларнинг хатларини, жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил этиш масаланинг шу таҳлитда қўйилиши сўзсиз қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга одамлар билан гаплашганда, хатларни кўриб чиқаётганда баъзан: шу билан биз коммунистик истиқболни орқага суриб қўймаётганмикинмиз? деган саволга дуч келасан киши. Бу саволнинг жавоби оддий ва қатъийдир: албатта орқага суриб қўяётганимиз йўқ. Аксинча, биз ана шу истиқболни яқинлаштириш учун ҳамма ишни қилмоқдамиз. Уни эса фақат бир йўл — коммунистик формация биринчи фазасининг у ёки бу босқичларига тааллуқли катта ва мураккаб проблемалар бутун комплексини ҳал этиш йўли билангина яқинлаштириш мумкин. Бу эса Лениннинг «Коммунизм — социализмнинг энг юқори ривожланиш босқичи» эканлиги тўғрисидаги тасаввурига тўла даражада мос келади. Ўртоқлар, мен шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ривожланган социализм босқичининг узоқ давом этиши биз суръатларни муттасил кучайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмаслигимиз, қандайдир етилган ишларни номаълум вақтга қолдириб қўйишимиз мумкин, деган маънони асло билдирмайди. Биз бугунги кунда халқнинг бутун ижодий кучини, унинг меҳнатдаги ташаббускорлигини ривожланишимизни мумкин қадар кўпроқ жадаллаштиришга йўналтирмоқдамиз.

Шунинг учун «ривожланган социализм» иборасидан айтиш мумкинки, бизнинг ўтмишдаги муваффақиятларимиздан гувоҳлик берувчи ва келгусида бизнинг муваффақиятларимизни ўз-ўзидан гарантияловчи бир ёрлиқ сифатидагина фойдаланиш мумкин эмас. У бизни бошқа нарсага йўналтиради. Совет жамияти ҳаётининг барча томонларини социализм тўғрисидаги энг юксак, энг талабчан ва, албатта, илмий асосланган тасаввурларга мувофиқ ҳолга келтиришга йўллайди.

Бу нарса хўжалик ва ташкилотчилик соҳасидаги зўр куч-ғайратларни талаб этиши равшан. Шу билан бирга омманинг онглилигини ошириш, жамоатчилик партия олға сураётган янги ғояларни тезроқ ўзлаштириб олиши, эскирган, қолоқ қарашлардан қатъиян ҳалос бўлиши учун унинг онгини, таъбир жоиз бўлса, муайян тарзда қайтадан йўлга солиб боришда сабот билан ишлаш зарур. Бинобарин, мана шу муҳим ғоявий-сиёсий ишда биз зиёлиларимизнинг актив ёрдамига умид боғлаймиз.

Бу вазифа адабиётимиз ва санъатимиз арбоблари учун ғоят катта илҳомбахш аҳамиятга эга эканлигига ишончим комил. Улар ўз асарлари билан ҳаётга, унинг проблемаларига партия талаб қилаётган, курашаётган ўша ёндашувни қарор топтиришлари керак. Дарвоқе бундай ёндашувнинг моҳиятини қисқача таърифлаш талаб этиладиган бўлса, бунда сизларга яхши таниш сўзлардан — социалистик реализм сўзларидан фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Ҳозир адабиёт, кино, театр кўпинча мураккаб, зиддиятли ҳодисаларга мурожаат қилмоқда. Бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Социалистик жамиятни ривожлантириш жараёнида зиддиятлар табиий ва муқаррардир. Зотан улар ҳамиша биронбир тарзда кишиларнинг тақдирига таъсир ўтказиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

маънавий тўқнашувлар манбаи бўлиб қолади, албатта. Бунинг устига, гарчи ана шу зиддиятлар бизда антагонистик руҳда бўлмасада, уларни бартараф этиш талайгина куч-ғайрат, зўр гражданлик жасоратини, принципиалликни талаб этади. Бу — ёзувчининг фикр юритиши учун, адабиётнинг азалий вазифаси — жамиятни, ҳар бир инсонни ўзига синчиклаб, қатъий назар ташлашига ундаш вазифасини бажариши учун ниҳоятда бой озиқдир. Инсоннинг ҳамиша ва ҳар ишда муштарак ишимизнинг матонатли курашчисидек актив позицияда туришига ҳам ёрдам берадиган жуда бой озиқдир.

Адабиётимиз, санъатимиз кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашда, чинакам совет характерини шакллантиришда партияга ёрдам бериб, бундай характернинг табиатини очиб кўрсатиш учун, халққа, социализмга астойдил содиқ бўлган, янги дунё қурилиши қаҳрамонлигини гавдалантирувчи кишиларнинг ҳаққоний, баркамол образларини яратиш учун кўп иш қилди. Биз ҳаммамиз буни амалга ошириш, ҳаётдаги шундай кишиларни бадиий асарга кўчириш осон эмаслигини тушунамиз.

Шунинг учун ҳам ижодкорлар муҳитида ижобий қаҳрамон қандай бўлиши кераклиги тўғрисида баҳслар табиий ва зарур бўлса керак. Мен албатта, бундай баҳсларга аралашмоқчи эмасман, фақат биргина мулоҳазани айтиб ўтишни истардим, холос. Масалан, қаҳрамоннинг ижобий ва салбий фазилатларини тасвирлаш «мезони» қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги мунозаралар кам самарали бўлиб кўринмоқда. Ўртоқлар, санъаткорнинг ижодий изланишлари, таъбир жоиз бўлса, ягона бошланиш нуқтасига эга бўлиши — ҳаёт ҳақиқатига, социалистик идеалларга содиқ бўлиши муҳимдир. Бу — санъат партиявийлиги, халқчиллигининг зарур шартидир.

Ўз-ўзидан равшанки, айниқса ёш китобхон, томошабин китобда ёки экранда ўз замондоши билан, унга ишона олишни, уни севиб, ундан ибрат олишни истаб қоладиган замондоши билан тез-тез учрашиб туришни хоҳларди. Марказий Комитет июнь Пленумида айтган гапимни такрорлайман, чунки аминманки, кишиларнинг ижтимоий феъл-атворини ва ҳис-туйғуларини тарбиялашда онгга ҳам, қалбга ҳам таъсир ўтказиш қобилиятида ҳеч нарса адабиёт, санъатнинг ўрнини боса олмайди.

Шу муносабат билан яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим, инсонни бадиий маданиятдан баҳраманд этиш, уни эстетик тарбиялаш ёшликданоқ бошланганида мустаҳкам натижалар беради. Мактабимизнинг шубҳасиз хизмати шундаки, бизда классик адиб масхара қилиб кулган «митрофанушкалар» ҳақиқатда энди йўқ. Аммо эмоционал-психологик маънодаги думбуллар ҳам афсуски, ҳали бор. Афтидан адабиёт ва санъатнинг шахсни камол топтиришга таъсирини кучайтириш учун мактаб ислоҳотидан фойдаланиш керак бўлади. Бугунги кунда ёш авлодни ғоявий-маънавий жиҳатдан камол топтиришга, ҳис-туйғу маданиятини тарбиялашга илм-фан асосларини ўргатишга қараганда кам эътибор берилмаслиги кераклигига аминман. Партия бу ишда ижодий союзларнинг, санъаткор зиёлиларимизнинг конкрет ёрдамига умид боғламоқда.

Тарих асосида тарбиялаш гражданликни, совет ватанпарварлиги, интернационализмни тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Адабиётда, санъатда тарихий мавзу ўзига хос тарзда қайта жонлантирилаётганлиги яхши иш. Ўтмиш тўғрисида жиддий, марксча-ленинча дунёқараш позицияларида туриб, вазминлик билан гапира олиш маҳорати шу ишда муваффақият келтиражагини практика кўрсатиб турибди. Тарихни қайта ёзиб ҳам, уни тузатиб ҳам бўлмайди. Совет халқининг социализм учун кураш тарихини бадиий ифодалаш айниқса чуқур ўйлаб, чинакам синфий ёндашувни талаб этади. Зотан, ҳақиқатга хилоф иш қилмаслик учун санъаткор фактларга қаттиқ асосланиши, ижтимоий ривожланиш қонуниятлари ҳамда унинг реал боришини билиш ўрнига ҳиссиётлар ва эркин хаёлларга берилиб кетмаслиги шарт.

Яна бир нарса ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Совет санъаткорлари публицистикага тез-тез мурожаат этаётганликлари қувончлидир. Бу уларнинг одамларни тўлқинлантираётган жуда муҳим проблемаларга, конкрет иқтисодий ва социал масалаларга дадиллик билан ўз вақтида қўл уришларига имкон беради. Бу шундай асарлар яратишга ёрдам берадики, бу асарлар санъат воситалари билан кўпинча баайни вақтдан ўзиб, етилган ҳаётий проблемаларни ўткир қилиб қўяди ва уларни ҳал этишнинг конкрет йўлларини таклиф этади.

Хуллас, ўртоқлар, санъаткор замонавий ёки тарихий, ички ёки халқаро мавзуга қўл урмасин, қайси жанрларда ижод қилмасин, унинг асарининг ижтимоий қиммати аввало у эгаллаган ва қарор топтираётган актив ғоявий-сиёсий дунёқараш позицияси билан белгиланади.

Ўртоқлар! Бизнинг олға томон ҳаракатимиз суръатларига ташқи сиёсий вазият талай даражада таъсир қилмоқда. Ҳозир эса бу вазият жуда хатарли бўлиб бормоқда. Кейинги вақтларда менга бу ҳақда неча марталаб гапиришга тўғри келди. Шунинг учун ҳам фақат бир қанча фикр-мулоҳазаларни айтиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Афсуски, ядро хавф-хатарининг ғоят катта эканлиги ҳозирги халқаро вазиятнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳақиқатдан қочиб, ҳазил-ҳузил билан қутулиб бўлмайди. Ядро хавф-хатарига қарши актив ва собитқадамлик билан курашиш керак. Биз ҳам худди шундай қилмоқдамиз.

Бизнинг Қўшма Штатлар билан муносабатларда ёндашувимиз ҳам аввало шу билан белгиланади. Чунки халқаро майдондаги ишларнинг аҳволи талай даражада шу муносабатларнинг ҳолатига боғлиқдир. Аммо АҚШдагилар тенглик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида Совет Америка муносабатларини нормалаштиришдан бошқа оқилона йўл йўқ эканлигини тушунишни истамаётганликларини ёки буни тушунишга ҳозирча тайёр эмасликларини ҳамма нарса кўрсатиб турибди.

Бизнинг кунларимизда қудратли ядро потенциалига эга бўлиш — жуда оғир юкдир. Мен ҳатто бу қанчалик қимматга тушаётганлиги тўғрисида гапираётганим ҳам йўқ. Мен бу ҳол сиёсий арбоблар зиммасига юклаётган, улардан уруш ва тинчлик масалаларига, можароли вазиятларга ниҳоятда жиддий муносабатда бўлишларини талаб этаётган ғоят буюк масъулият юки тўғрисида гапирмоқдаман. Биз худди мана шунга асосланмоқдамиз. Бизнинг мақсадларимиз равшан ва ўзгармасдир: биз ҳарбий соҳада муҳолифликка қатъиян қаршимиз.

Биз қуролланиш пойгаси тубдан чекланиши ва қисқартирилишининг, ядро қуроли таъқиқланиши ва батамом тугатилишининг қатъий тарафдоримиз.

Бугунги кунда чет элларда турли қарашлар ва эътиқодлардаги миллион-миллион кишилар худди шу мақсадлар учун курашмоқдалар. Уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари урушга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга сезиларли таъсир ўтказмоқда. Бу эса жуда муҳимдир, ўртоқлар. Бунда ҳам зиёлилар, маданият арбоблари кўп иш қилишлари мумкин. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Горькийнинг: «Маданият арбоблари. Сизлар ким билан?» деган машҳур даъват саволи шу қадар мислсиз ташвишли ва талабчан оҳангда янграмоқда. Бунда гап кўпинча антикоммунистлар тасвирлаётганидек, СССР ёки АҚШни шунчаки танлаб олишдангина иборат эмас, албатта. Гап ҳаётнимиз ёки цивилизациямиз ҳалокатинимиз танлаб олиш тўғрисида бормоқда. Бу ерда ҳеч қандай учинчи, мақбул йўл йўқ: сен урушга ҳозирлик кўраётган кимсалар билан бўласан ёки империализмнинг авантюрачилик сиёсатини рад этаётган, тинч-тотув яшаш учун, қуролсизланиш учун курашаётган кишилар билан бўласан.

Бизнинг ижодкор зиёлиларимиз ўзларининг чет эллардаги ҳамкасбларига шундай йўлни танлаб олишда ёрдам беришлари шу боисдан ҳам жуда муҳимдир. Дарвоқе, Ғарбнинг ҳукмрон доиралари мана шундан жуда хавотирланмоқдалар. Улар ўз мамлакатлари зиёлиларининг кўз ўнгида социализм ғоялари ва практикасининг обрўсини тўкишга, уларни социалистик давлатларнинг ижодкор зиёлилари билан уруштириб қўйишга интилмоқдалар. Тинчлик душманлари миллионлаб кишилар овозига қулоқ солаётган маданият арбобларининг жипслашувидан қўрқадилар.

Ваҳоланки, Ғарбдагилар ғоялар ва қарашларни таққослаш, одамлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш фойдали эканлиги тўғрисида гап сотишни ёқтиришади. Биз бунинг тарафдоримиз, албатта. Аммо биз амалда нималарга дуч келяпмиз? Ички ишларимизга беҳаёларча аралашиш йўлидаги уринишларга, чинакам психологик урушга дуч келмоқдамиз. Маданиятимиз арбобларининг партия билан бирлигини бир оз бўлсада бўшаштириш — психологик урушнинг мақсадларидан бири-дир.

Ўзларингиз биласизки, тўғрисини айтганда, зиёлиларга хос бўлмаган усулларни — туҳмат-бўҳтонни, фактларни чалкаш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тириш, тушунчаларни қолбакилаштириш каби усулларни қўлламоқдалар. Масалан, социализм ижод эркинлигига «тоқат қилиб турмайди», гўё КПСС бадиий изланишлар йўлини тўсиб қўймоқда, адабиёт билан санъатда «бир хилликни» талаб қилмоқда, деб айтмоқдалар. Бунда ҳамма нарса оёғи осмондан қилиб қўйилган. Албатта, асло бехабарликдан шундай қилинган эмас. Бинобарин ғоявий мухолифларимизни қайта ишонтириб ўтириш беҳуда ишдир, албатта. Аммо қарашларимизни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва тушунтириш, янги тузумнинг нопок «мунаққидлари»ни фош қилиш, социализм тўғрисидаги ҳақиқатни одамлар онгига чуқур етказиш, совет кишиларини, айниқса ёшларни синфий хушёрлик, улуғ Ватанимизни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш ишларини тинимсиз олиб бориш лозим.

Яна шуни ҳам қайд этиб ўтишни истардим. Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш даврида ижодий союзлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳарбий-ватанпарварлик мавзуига санъат усталарининг яна ҳам чуқурроқ эътиборини жалб қилиш имкониятини топадилар, деб умид қиламиз. Бугун бизнинг шу мавзуда яратилган асарлар сонига нисбатан шикоятимиз йўқ, бу мавзу қадимдан маданият арбобларимизнинг ижодиётида муносиб ўринни олиб келмоқда. Аммо шундай асарларнинг тез-тез пайдо бўлиши мамлакатнинг бадиий ҳаётида, совет адабиёти ва санъати ривожида чинакам бир воқеа бўлиб қолишини истардик.

Ўртоқлар! Партиямиз билан давлатимиз шундай шароитларни яратмоқдаки, бундай шароитлар истеъдоднинг тўла даражада намоён бўлишига, халқ манфаатлари йўлида ижод қилишига ёрдам беради. Биз ижодий меҳнат кишиларига майда-чуйда ишларда васийлик қилинишини қатъиян рад этамиз. Ижодиёт эркин бўлганлиги учун ҳам ижодиётдир: ҳеч қандай янги, ажойиб асарни ҳақиқатан ҳам калтак остида ярата олмайсан. Бу қадимий ҳақиқат бўлиб, уни исботлаб ўтириш эшик қолиб ўзингни тешикка уриш билан баробардир.

Бироқ ижод эркинлиги — истеъдод соҳиблари учун бир имтиёз эмас. Партия истеъдодни авайлаб-асраб, уни жамиятнинг ғоят қимматли бойлиги деб билади. Аммо жамиятнинг ҳамма учун мажбурий талабларидан, унинг қонунларидан инсонни ҳеч ким ва ҳеч нарса озод қила олмайди. Тузумимизнинг маънавий-сиёсий негизларини қоралаш билан айни бир вақтда ундан неъматлар ва эътирофларни кутиш мумкин, деб ўйлаш гўлликдир. Бугунги кунда жаҳонда давом этаётган жуда ўткир курашда ғоявий мухолифларимиз томонига ўтган кишиларни эса халқ кечирмайди, албатта. Бунда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас.

Дарҳақиқат, ўртоқлар, санъатга партиявий ёндашиш моҳиятининг ўзини бузиб кўрсатиш учун Ғарбда кўпгина тутуруқсиз, ошкора бемаъни нарсалар ёзилган ва гапирилган. Баъзан шундай ҳам бўладики, совет авторининг ҳаётни бадиий тадқиқ этиш, баландпарвоз гап-сўзлар билан алмаштирилган, унча муваффақиятли чиқмаган асарини рўкач қилиб олишади. Шундан кейин ҳар жойда ҳаммани: мана, КПСС амал қилишга мажбур этаётган эталонни кўриб қўйинг, деб ишонтиришга уринадилар. Партиявий позицияларда туриб ёзилган теран, ўткир китобни нормадан «четга чиқиш» деб таърифлайдилар. Конкрет мисоллар келтирмаслигимга ижозат берасизлар, деб ўйлайман: шу залда ўтирган баъзи ўртоқлар ана шундай найрангларга учраган.

Чуқур ғоявийлик, гражданлик ва бадиий маҳоратнинг юксак савияси — партиянинг, халқнинг санъат арбоблари олдига қўяётган энг асосий талабидир. Марказий Комитет 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари ҳамда кейинги вақтларда маданият масалалари юзасидан чиқарилган ва сизларга маълум бир қанча қарорлар ҳам ижодкор зиёлиларимизни айни мана шунга йўналтиради.

Бизнинг улуғ ишимиз, инсонпарварлик мақсадларимиз эҳтироссиз қофиябозлик ва прозада жонсиз сўз ўйинига муҳтож эмас. Шчедрин заҳархандалик билан айтганидек, оригинал, янги фикр «оддий ҳақиқатни ёқимсиз чайнайвериш билан» алмаштирилган асарларни мазах қилиш учунгина бадиий асар деб аташ мумкин. Саёз асарлар ва опералар, жўн усулда суратга олинган телефильм ва кинофильмлар, беўхшов ишланган ҳайкалтарошлик асарлари ва картиналар миллионлаб кишиларнинг дидини шунчаки бузибгина қолмай, улар ана шу асарларнинг ижодкорлари қўл ураётган мавзу ва ғояни обрўсизлантиради. Шу боисдан санъатдаги саёзлик ва мужмалликка қарши қатъият ва принципиаллик билан курашиш керак. Ғоясизлик ёки дунёқарашда чалкашлик кўринишларига юзхотирчилик қилиш мумкин эмас, албатта.

Дарвоқе, ўртоқлар, баъзи танқидчиларимиз ишга бир томонлама ёндашиб, «мавзуининг муҳимлиги» учун заиф роман, спектакль, фильм тўғрисида мақтов сўзларини ёғдираётганликлари ёки ғоявий асоссиз асарнинг «эстетик топилмалари»га маҳлиё бўлаётганликларининг ҳам сабаби шунда эмасмикан?

Ҳолбуки, буюк адабиёт, улкан санъат юксак профессионал, гражданлик жиҳатдан масъулиятли танқидсиз яшай олмаслигини Ватанимиз, қолаверса жаҳон тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди. Бу эса бизнинг марксча-ленинча танқидимиз у ёки бу асарларга аниқ баҳо берибгина қолмаслиги керак, деган маънони билдиради. Биз танқиддан кўп нарсани кутмоқдамиз. Асарларда гап бораётган проблемаларнинг чуқур ижтимоий моҳиятини очиб кўрсата билиш, авторлар шу проблемаларни тўғри ўртага қўйганлари тақдирда уларни қўллаб-қувватлаш, чалғиб қолганларида эса улар билан далиллар асосида баҳслаша билиш маҳоратини кутмоқдамиз. Хуллас, танқидчилигимиз халқнинг маънавий турмушини ҳаракатга келтиришда ёрдам бериши керак. Шу боисдан ҳам, Ленин айтганидек, «Адабий танқидни ҳам партия иши билан... мустаҳкамроқ боғлашимиз» зарур.

Партия санъат соҳасида ленинча йўлни ўтказишни ишониб топширган кишиларнинг ҳаммаси буни ақл-фаросат билан, ташаббускорлик билан амалга оширишлари зарур. Бу эса ижодий меҳнат аҳли билан рўй-рост, принципиал сўзлашув демакдир. Санъаткорни тўлқинлантираётган ўткир проблемалардан сира ҳам бўйин товламаслик керак. Ана шу проблемаларни ҳал этишни юқори идоралар деб аталмиш идоралар зиммасига юкламаслик, суҳбатдошни ишонтира билиш, керак бўлиб қолган тақдирда эса қайта ишонтириш ҳам лозим. Бусиз адабиёт ва санъатга партиявий раҳбарликни тасаввур этиб бўлмайди. Горькийнинг жуда аниқ ибораси билан айтганда, айни шу нарса адабиёт ва санъатни «маънавий жиҳатдан нуфузли кучга» айлантиради.

Ўртоқлар! Ижодий союзларда ишловчи коммунистлар — шу союзларнинг сиёсий ўзаги, жипслаштирувчи кучидир. Улар санъаткорлар муҳитида партиявийлик руҳини изчиллик билан қарор топтиришлари, ижоднинг ғоявий йўналишига актив таъсир ўтказишлари, адабиёт ва санъат арбобларида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга кўмаклашишлари, ижодкор ёшларнинг камол топишида ёрдам беришлари керак. Санъаткорларнинг бир-бирларига нисбатан юксак талабчанлик муҳитини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу нарса санъаткорларнинг ўзларига ҳам, умуман санъатга ҳам наф келтиради, холос.

Бугунги кунда совет маданияти мамлакатдаги барча миллатлар ва элатлар яратаётган маънавий бойликларнинг узвий қотишмаси сифатида намоён бўлмоқда. Шу боисдан ҳам ёзувчи ва рассомнинг, музикачи ва архитекторнинг ўз халқи кўп асрлик маданияти анъаналарига таяниш, ўз республикасининг ҳаётини чуқур ва ёрқин тасвирлаш йўлидаги интилиши мутлақо тушунарлидир. Шу билан бирга бадиий практика миллий маданият бошқа маданиятлар билан қанчалик мустаҳкам боғланса, бу маданият қардош халқларнинг интернационал аҳамият касб этган маънавий ва бадиий тажриба хусусиятларини ўзига қанчалик интенсив сингдириб олса, у шунчалик тезроқ ва самаралироқ ривожланишга ишонч ҳосил қилдирмоқда. Бу маданият бутун совет халқи, бутун жамиятимиз маънавий турмушини бойитишга шунчалик кўпроқ ҳисса қўшади.

Азиз ўртоқлар! Нутқимни тугатишдан аввал янгиликни маълум қилмоқчиман, бу янгилик ҳаммангизни ҳурсанд этишига шубҳаланмайман. СССР Олий Совети Президиуми совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, совет ёзувчиларининг коммунистик қурилишга қўшаётган катта ҳиссалари учун ва СССР Ёзувчилар союзи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан уни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлади.

Энди эса ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилашга ва Ёзувчилар союзига муносиб юксак мукофотни топширишга ижозат бергайсиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, совет ёзувчиларининг коммунистик қурилишга катта ҳисса қўшганлиги учун ва ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан СССР Ёзувчилар союзи Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**К. ЧЕРНЕНКО**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ**
**Москва, Кремль, 1984 йил 25 сентябрь**

# КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига СССР Ёзувчилар Союзи юбилей Пленуми қатнашчиларининг хати

Биз, СССР Ёзувчилар союзи юбилей пленумининг қатнашчилари Коммунистик партиянинг жанговар штаби — ленинчи Марказий Комитетга, Олий Совет Президиумига ва улуғ Ватанимизнинг ҳукуматига алангали салом йўллаймиз.

Улуғ Октябрнинг меваси бўлган кўпмиллатли совет адабиётининг йўлига назар ташлар эканмиз, қувонч ва ифтихор билан таъкидлаб айтамизки, унинг тарихий тараққиёти ва гуллаб яшнаши халқ ва партия ҳаёти, жонажон мамлакатимиз тақдири билан чамбарчас боғланиб кетгандир.

Ёзувчилар ўз ижодий ташкилотлари тузилгандан бери ўтган йилларда социалистик жамиятнинг йўлбошчиси ва йўналтирувчи кучи — Коммунистик партиянинг оталарча меҳрибонлиги, эътибори ва мададидан баҳраманд бўлиб келадилар ва келмоқдалар.

Бизнинг айниқса, бугун тантанали пленумимиз минбаридан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненко томонидан мамлакат қаламкашлари союзининг фаолиятига юксак баҳо берилганидан ифтихоримиз чексиз.

Эндиликда СССР Ёзувчилар союзининг байроғида Ленин ордени билан ёнма-ён Ҳалқлар дўстлиги ордени бор — бу кўпмиллатли Ватанимиз адабиётларининг қардошлиги рамзи бўлган мукофотдир.

Биз партия Марказий Комитетига, азиз Константин Устинович Черненкога бизга илҳом бағишлаб, ишимизни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

Ўртоқ Константин Устинович Черненконинг ушбу пленумда сўзлаган нутқида илгари сурилган самарадор ғояларни биз социалистик бадиий маданиятни янада ривожлантириш юзасидан олиб бораётган барча ишларимизга асос қилиб оламиз.

Инсоният мураккаб даврда яшамоқда.Жаҳон майдонида икки ижтимоий тузум ўртасида кескин кураш бормоқда. Империализм уруш хавфини зўрайтирмоқда. Мана шундай шароитда халқлар хавфсизлиги ва тинчлик таянчи Совет Иттифоқи ёзувчилари кишилар онги ва қалби учун курашда партия ва халқ билан биргадирлар.

Бизнинг адабиётимиз антисоветизм мафкурасини, коммунизмга қарши «салб юриши» илҳомчиларини шафқатсиз суратда фош қилмоқда, Совет Иттифоқининг жаҳон социализми кучлари билан бутун тинчликсевар тараққийпарвар инсониятни янада маҳкамроқ жипслаштиришда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Юксак гуманистик вазифаларини теран англаган совет ёзувчилари талант ва маҳоратларининг бутун қудратини ўз асарларида социалистик турмуш тарзининг афзалликлари ва ғоявий-бадиий бойликларини ёритишга бағишлайдилар, совет кишиси деган мағрур номни, яратувчи инсон, ватанпарвар ва интернационалист номини Горькийчасига куйлайверадилар.

Совет ёзувчилари ленинчи партия Марказий Комитетининг тинчликни сақлаш, инсониятни ядро фалокатидан қутқариш юзасидан олиб бораётган доно ички ҳамда ташқи сиёсатини қизғин маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Гитлер фашизми билан Улуғ жанг тугаганига қирқ йил бўлмоқда. Халқимизнинг Улуғ Ватан урушида кўрсатган қаҳрамонлиги, Ватан ҳимоячиларининг жанговар ҳамда меҳнат жасоратлари ҳозир ҳам моҳир сўз намояндаларининг етакчи мавзуларидандир.

Жонажон Коммунистик партияни, Совет ҳукуматини, бутун халқимизни ишонтириб айтамизки, бундан буён ҳам ҳаёт билан, коммунистик қурилиш тажрибаси билан алоқамизни мустаҳкамлайверамиз. Ривожланган социалистик жамиятнинг маънавий қудратига қудрат қўшадиган бадиий юксак асарлар яратишни ўзимизнинг олий бурчимиз деб биламиз. Бутун кучимиз, талантимизни Ленин партияси ва совет халқига фидокорона хизмат қилишга бағишлаймиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi



**Усмон Азимов**

# *Тазарру*

**Маяковскийга тақлид қилиб, муаллиф бу шеърни ҳурмат билан ўзига бағишлайди.**

*Қараб қўйинг!*
*Таслим бўлдим —*
*Мен кўтардим қўлимни!*
*Худди эски туникадай букилар қилич сўзим...*
*Ҳеч кимнимас,*
*навбат етди,*
*фош қиламан ўзимни.*
*Гуноҳкорсан,*
*қани, тик тур,*
*менинг муҳтарам ўзим.*
*Кўкрагингга қанча урма —*
*сенинг кимлигинг аён.*
*Сен — аблаҳни мен биламан,*
*кутма заррача шафқат.*
*Икки юзу ўн беш марта*
*Кўрқоқлик қилдинг пинҳон,*
*Икки юзу ўн беш марта*
*Йиғлаб қолди ҳақиқат.*
*Жим!*
*Гапирма!*
*Мана, менда*
*ҳамма ҳисоб-китоби,*
*юрагимнинг ўзи ҳужжат,*
*Ханжар билан битилган...*
*Тилларимга кўчмагайдир*
*бўғзимдаги азобим,*
*ўн бир марта*
*«Дўстман» деган*
*қасамим ҳам йиртилган.*
*Шоирликдан нима фойда*
*ўзингни фош этмасанг?*
*Покламасанг*
*дилни айтиб,*
*Яқин келмас*
*Диёнат.*
*Ҳар кимсага*
*кимлигини*
*очиқ айтиб*
*кетмасанг,*
*бу — онангга хиёнатдир,*
*Ватанингга хиёнат.*
*Тулкимассан,*
*қилпиллама,*
*тек тур,*
*муҳтарам ўзим,*
*айтайинми неча минг бор*
*сўйладинг ёлғон-яшиқ.*
*Биров ночор турганида*
*неча бор юмдинг кўзинг,*
*ҳаром ошга*
*неча марта*
*ликиллаб*
*бўлдинг қошиқ.*
*Мен — жаннатман сенинг учун,*
*Менман дўзах олови.*
*Йўқ, қўлларим қалтирамас,*
*одил ҳукм ёзаман...*
*Тирноғу*
*эт ўртасига*
*ботди*
*Виждон ғарови,*
*сени минг бор отаману*
*минг бир марта осаман!*
*Анграйма, зал!*
*Шу лаҳза ҳам*
*Ҳукм этилар ижро:*
*мана, сиртмоқ бўйнимдадир,*
*ўқ тешиб борар танам...*
*Менга қаранг,*
*наҳотки, мен*
*неча марта ўлиб, оҳ,*
*неча марта тирик қайтган*
*одамга ўхшамасам?!*
*Ўзимни фош қилиб бўлдим,*
*Омон бўлсин Диёнат!*
*У албатта омон қолар*
*Виждон деб ёнолсангиз.*
*Сиз ҳам ўзни...*
*Суд қилсангиз,*
*мана, минбар —*
*марҳамат!*
*Суд қилишга*
*Ўзингизни мабодо тополсангиз.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Дашт ҳақида баллада

Э. А. га

*Тоғлар кичрайди. Пасайди осмон.*
*Яшаб бўлмайди-ку, ахир энгашиб.*
*Жўнадим баландроқ осмонлар томон,*
*Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашди.*

*Мени ишонмади уфқларга у,*
*Дош бериб тезликнинг шамолларига.*
*Ортимдан югурди, югурди ёҳу,*
*Қоқилиб темир йўл шпалларига.*

*Вагонга чиқазиб қай бир бекатда,*
*Қойидим — бу ишдан зарра йўқ маъни.*
*У руҳсиз чўзилди тепа қаватга,*
*Билетсиз ва пулсиз йўловчи каби.*

*Сўнг шаҳар кўчаси, хиёбонлари*
*Аро кездим жойлаб дилимга уни,*
*Одаму машина оломонлари,*
*Топтаб кетишмасин куп-кундуз куни.*

*Даврy даврон сурдим ҳар ҳафта кўчиб,*
*Ижара уйларнинг шавқи ёдимда.*
*Қаттиққўл хўжайин кўзидан чўчиб,*
*У беун яшади менинг ёнимда.*

*Муҳаббат ловуллаб кирди юракка,*
*Илк бора аламли сўзлар тингладим.*
*Юзларимни босиб хору хашакка,*
*Даштимни қучоқлаб тунлар йиғладим.*

*Баҳорда кўкариб, кузда сарғайиб,*
*Сукунату қорга ўраниб қишда,*
*Ғўра шеърларимга боқди мунғайиб —*
*Хуллас, содиқ бўлди ҳар эзгу ишда.*

*Аммо, нима қилиб қўйди бу йиллар,*
*Гарчи мен, мунаққид айтгандай, ўсдим.*
*Ўртамизга кирди қай айёр жинлар,*
*Кўп хона уйимга сиғмайди дўстим.*

*Ялинаман унга: — Бор, Бойсунга бор,*
*Шаҳарга ярашмас саҳройи сўхтанг.*
*Борсанг, шамол тайёр, ёмғир ҳам тайёр,*
*Тоғлар орасида яшайсан кўркам.*

*Панду насиҳатлар бериб толаман,*
*Алдайман:— Юр, кетдик ифор тергани.*
*Ҳар баҳор довдираб Бойсун бораман,*
*Бойсунга даштимни ташлаб келгани.*

*Қайтаман. Аммо дашт сезиб улгурар,*
*Дош бериб тезликнинг шамолларига.*
*Ортимдан ҳаллослаб, шошиб югурар,*
*Қоқилиб темир йўл шпалларига.*

*Уйимга бўзариб кириб келаман —*
*Мени асра энди, инглизча қулф!..*
*Шундай остонада дашт қолар гаранг,*
*Эшикка термулиб уф тортади... Уф!..*

*Мана, тонг чоғида ишга кетяпман,*
*Юрак, безовтасан — қандай дард эзар?*
*Жунжикиб, эгасиз ит каби ҳорғин,*
*Вокзал майдонида ёлғиз дашт кезар...*

# Довул

*Нега ғазабланар бу довул — бадбахт,*
*Шиддат лашкарини шаҳарга ташлар?*
*Илдизин суғуриб югурар дарахт,*
*Кўчалар лентадай ҳилпирай бошлар.*

*Телба югураман мен довул аро,*
*Кўзимдан ёш оқар, дилим порадир...*
*Қарайман: ёмонлик турар бепарво,*
*Қарайман: яхшилик учиб борадир.*

* * *

*Бу жой театрмас. Бу жой ишхона,*
*Аммо фожиага мос эрур таъби.*
*Соат ўн. Эшикдан кирар замона*
*Уни қарши олар Ҳамлет асабий.*

*Лаблари пичирлар — ичмоқда қасам,*
*«Прима» бурқсийди бармоқларида.*
*Клавдий ўтади ёнидан бардам,*
*У мағрур шоҳликнинг сиртмоқларида.*
*«Чекиш мумкин эмас» — деворда эълон,*
*Қайдадир телефон жиринглай бошлар.*
*Кафтин манглайига босиб, бекалом —*
*Гўзал Офелия кўзини ёшлар.*

*— Пенсия керакмас! Сўзимдан қайтдим.*
*Қизларда тартиб йўқ. Ўрнимга қолдир! —*
*Кимгадир ғазабнок сўзларни айтиб,*
*Лифтдан чиқиб келар оқсоч қирол Лир.*

*Қарсаклар янграйди... Генерал қайтар!*
*Теграсида содиқ мулозимлари,*
*Мусобақадамас, ютгандай жангда,*
*Виқор-ла келади байроқ кўтариб.*

*Дездемона уни табриклар босиқ —*
*Ғолиб генералга олий тортиқ шу.*
*Яго югуради қучоғин ёзиб,*
*Ҳозир рўмолчани топиб олди у.*

*Бу жой театрмас. Бу жой ишхона.*
*Бунда шоҳ асарлар қайта ёзилар.*
*Ёзилар бир рақам, ё сўз баҳона,*
*Қоғозмас, қалбларга абад босилар.*

*Ишхона — тўрт қават бетон иморат —*
*Эльсинор қалъаси билан эгиздир.*
*Соат ўн бир ярим... Ғамгин аланглаб,*
*Кечикиб келмоқда ишга Шекспир...*



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎзКП
Ўз ССР
60



Юсуфжон
Латипов

# Жала

ҲИКОЯ

Чўлп... чилп... чиёп...

— Кетаман! Уйга бормасам бўлмайди!

Комил дераза олдидан шаҳд билан бурилиб, ойнаванд кўк эшикка йўналди. Тарақлаб кетмаслиги учун уни оҳиста ёпаркан, пакана бўйли, семиз ҳамхонасининг «псих» дея ҳиринглаб кулгани қулоғига чалинди. Малол келса ҳам индамади.

— Уйга кетмасам бўлмайди, дўхтир! — деди у эшикка бошини суқар-суқмай.

Барваста, чўзинчоқ юзли дўхтир бу ҳовлиқма беморнинг кимлигини эслашга урингандек манглайини тириштириб, бир зум тикилиб тургач:

— Мумкинмас, — деди.

— Жон дўхтир, — дея ялинди Комил у ўтирган столга яқинлашиб. — Жавоб бериб юборинг энди...

— Мумкинмас ахир, ука! Ҳали... яхши тузалмагансиз.

— Соппа-соғман! Мана, отдайман!

— Бошимга бир бало бўлинг, тағин шамоллаб, а? Ҳавоям бундай... — деди дўхтир узун ияги билан деразага ишора қилиб.

— Уйдан хавотир оляпман, дўхтир. Бораману келаман.

— Қизиқ йигит экансиз! Ўзбекчалаб айтяпман-ку, иложим йўқ, мумкинмас, деб!

Дўхтир кулдондан ўчиб қолган сигаретини олиб қайта ёндиргач, бир нималарни ёзишга тутинди. «Терслашмай ўл!», деди Комил ичида ва тарвузи қўлтиғидан тушиб, хонадан чиқди. У торгина йўлакда ғижиниб бораркан, замбил кўтариб келаётган ҳамшираларга урилиб кетаёзди. Замбилда кўзлари юмуқ бир чол ётарди. Комил унинг хиёл оқарган сочларида қотиб қолган қип-қизил қонни кўриб, эти дириллади. Йўлакда тентираб юрган беморлар орасида ивир-шивир бошланди.

— Учак[1] босибдими?

— Эҳ, балои офатингдан-а!

«Ёмғир шунча кўп ёққанми? Уйдан чакка ўтаётгандир...»

Расмни О. ҚОЗОҚОВ чизган

[1] Учак — том (шева).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўлп... чилп... чиёп...

Комил деразадан касалхона ҳовлисига кўз югуртирди. Ариқчалар ёмғир сувларига тўлай деб қолибди.

«Бирпасда-я!..»

У ёмғирдан қўрқарди. Бир йили баҳорда ёққан жала эсида; Комил унда кичкинагина бола эди. Раҳматли отасининг пахтали гупписи уни катта қилиб кўрсатарди... Ўша куни ётиб ухлаш қаёқда, бирпас ўтириб нафас ростлагани ҳам қуруқ жой топилмаган эди. Ҳаммаёқ сув, лой... Сал вақт ичида гуппи ёмғирга пишилиб, совуқ Комилнинг суяк-суягидан ўтиб кетган. Шунда опаси каравотнинг устига нарвон ётқизиб, кигиз, қоп-қуп билан маҳкам ёпган, ўзи эса унинг ёнига — каравотнинг бир чеккасига ўтириб, тунни бедор ўтказган. Комил барибир ухлай олмаган. Кўзи илинди дегунча, чийланган шифтнинг ивиб кўчган лойсувоғи шалоплаб полга тушар, чўчиб уйқуси қочар эди. Шу-шу, у ёмғирдан қўрқади...

Комил юзини ойнага босди. Дераза тирқишларидан димоғига сал намхуш, тоза ҳаво урилди. Аллақачон қоронғи тушган, касалхона рўпарасидаги уйларнинг гулдор парда билан тўсилган деразаларидан хира ёғду таралларди. Шохлашишга чоғлангандек бошини қийшайтириб пастга қаради. Кўлмакларда беҳисоб ҳалқачалар... Ҳалқачалар... Сиртмоқлар!

«Опамга[1] қийин бўлди...»

Опаси ҳавога бир парча булут чиқса ҳам ташвишга тушиб, ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Даставвал, саватдаги нонларнинг устини қалинроқ қилиб ёпар, сўнгра ул-бул нарсаларни йиғиштириб қўйгани уннар эди. Ва ҳар ёмғир ёққанида: «Дўст-душманнинг олдида шарманда қилма, ишқилиб!», деб қўярди.

«Дўст киму душманимиз ким? Саттор карми душманимиз? Опам уни «ичиқора одам» дейди. Ҳасад қилганимиз эмасми бу? Бой-бадавлат, иккита машинаси бор; «Москвич»ни ўзи минади, «Жигули»ни ўғли. Ишини суриштирсангиз, бор-йўғи универмагда қора ишчи...»

Ёмғир ёғса на уйга, на ҳовлига сиғасан. Дунё анча торайганга ўхшайди. Саттор карга ҳам шундай туюлармикан? Нақшиндор дарвоза олдида унинг тарашадай қотма гавдаси кўринди дегунча, атрофида катта-кичик болалари ўралашиб қолади. Саттор кар замбаракнинг қувуридай узун ва қорамтир тарновдан шариллаб қуйилаётган сувга жун босган бармоқларини тутаркан:

— Ёмғир ёмон, ў-ў, ёмо-о-он! — дея қичқирарди. Комилнинг опаси эшитсин, деб атай қичқирарди.

Отасига тортган болалар ҳам ғуж бўлиб, бармоқларини сувга тутишарди.

— Ўт, уйга кир! Кўчада бало борми ёмғирда ивиб? Телевизор кўриб ўтирмайсанларми, оёқни узати-иб... Ҳў, эшшаклар!— дерди Саттор кар ёлғондакамига пўписа қилиб.

Бироқ, «эшшаклар» пўписадан зиғирча ҳайиқишмас, қулоқларини динг қилиб, Ҳуржон момога тикилишар эди.

— Ёмғир ёмо-о-он! — дея яна қичқирарди Саттор кар. — Ёмғир ничик, момо?

Шунда Комил, ичида нимадир чирт узилиб, тишларини маҳкам қисар, аламини ютар эди. Опаси эса:

— Осмон тешилдими, нима бало? — деб қўярди хийла босиқ оҳангда.

— А? — дерди Саттор кар ҳеч нарса «тушунмай».

Болалар энди ўзларига гал етганини фаҳмлаб, бир-бирларига сўз бермай чувиллашар, тилмочлик қилишар эди. Саттор кар хахолаб кулганча кўздан йўқоларди...

Саттор карнинг ўз «фалсафа»си бор эди. Буни қишлоқ совети раисининг ўғил уйлантириш тўйидан қайтишда йўл-йўлакай ўзи тушунтириб келган.

— Сан, ука, яхши боласан, — деган ва овозини хийла пасайтириб шипшиган эди: — Лекин опанг ёмон! Юзингга айтаман... Тўғрими?

Комил маст одам билан пачакилашиб ўтиришни эп кўрмай, ноилож бош ирғаб қўйган эди.

— Сан, ука-а, ўзинг яхши боласан. Лекин, тўй-пўйда кам кўринасан. Ну, ничиво... Лекин бундай одамларнинг тўйига бориш керак. Абиз-за-телни! Опанг билмийди шуларни. Сани укам деб айтиб турибман... Тушундингми? Раис — керакли одам. Ҳаммавақт! — Саттор кар пойинтар-сойинтар одим ташлаб бораркан, тинмай жаврарди.—Манга қара, Комил... жон! Қора нонни ейсанми? Иккинчи ё учинчи уннинг нонини? Йўқ! Ютолмайсан. Тортмайди! Одамлар ҳам сортларга ажралади... Ман — биринчи, сан — иккинчи, масалан-да энди. Хафа бўлма яна... Директоримиз — зўр! Нани сўрасанг, «ажаб» дейди. Қўли кўксида. Саттор ҳам унинг хизматидан қочмайди. Ҳамма нарсани пулга олаверсанг, пул чидайдими, ахир! Лекин, ўғирлаб олмайман. Худо ҳаққи! Мана, қиблага қараб боряпмиз: сўраб оламан! Юзимни осиб сўрайман. Бошимни эгиб... сўрайман. Етиб... оёғини ўпиб сўрайман! Беради... Бола-чақа учун ҳаммаси, ука. Шулар бировдан кам яшамасин дейман!

Ўша пайтда Комил унинг афт-ангори қанақалигини аниқ кўролмаган эди. Бироқ, орик елкасига, туртиб чиққан куракларига кўзи тушган ва негадир раҳми келиб кетган эди.

— Сан, ука, ўзингни шундай одамларнинг даврасига ур! — деган эди Саттор кар тағин. — Кам бўлмайсан... Мартабанг ошади ё давлатинг тошади. Улар сани писанд қилмасалар ҳам, еб ташлаган суякларини ғажиб ўтирсанг ҳам... қўшил! Бир кун бошингни силашади, қаторга қўшиласан... Паст одамлардан қоч! Дастурхонига бол қўйиб чақирса ҳам, борма! Бўлмаса, пешингни босиб юраверасан.

— Аччиққина чой ичамиз, Саттор ака! — дея таклиф қилган эди Комил уйларига яқинлашгач.

— А?

Шу боис уни «Саттор кар» дейишарди.

Комил палата эшигини очганида димоғига гупиллаб ёқимли шўрва ҳиди урилди. У бир зум тараддудланиб тургач, секин бориб каравотига чўзилди. «Семиз» кичкина идишни тепакал бошига кийгудек бўлиб, хўриллатиб шўрва ичаркан, Комилга кўз қири билан қаради.

— Шўрва ич! Дим мазали бўпти. Қайнатма шўрва!

— Йў-ў, раҳмат, — деди Комил оёқларини бир-бирига чалиштириб.

— Қайнонанг суймас экан. — «Семиз» идишни боши узра кўтарди. Шўрва оз қолган эканми, бу гал унчалик қаттиқ хўрилламади. — Ёмғир яхши нарса. Иштаҳа карнай! — «Семиз» идишни жавонча устига қўйди. Сўнг қорнини силаб қаттиқ кекирди. — Во-ей! Кекирсанг яхши-я, яна овқат егинг келади!

Дераза олдида қўлларини қўлтиғига тиқиб турган озғингина «Кўзойнак» ўзича ниманидир минғирлай бошлади.

— Э, шеърингни қўй! Ашула айт бир. Қулоқларимиз очилсин! — деди «Семиз» яна кекириб.

«Кўзойнак» у томонга ўгирилиб, қўлларини белига тиради. Қорнини ичига тортиб, кўкрагини чиқарди. Худди овозининг борича айтмоқчидек кучаниб, лекин паст овоз билан ўқиди:

— Ёмғи-и-ир ёға-а-ар!..

— Қўй, қў-ей! Сасингни айттирма. Ўпера артистидан ҳам жонлисан! — деди «Семиз» қўлларини силкитиб.

— Ёқмадими? — «Кўзойнак» илжайди. — Жўрамга сарёғдай ёқиб турибди...

Комил индамади. Абажурли лампага кўз тикиб ётаверди.

— Буни ўзи... бир-икки кун бўлди, мазаси йўқ. Булутдай бўлиб юрибди, — дея «Семиз» каравотини ғижирлатиб оғир тебранди.

— Ёмғир, бу — гўзаллик! — «Кўзойнак» бармоғини бигиз қилиб шифтни кўрсатди. — Шоиртабиат кишилар ёмғирни яхши кўрадилар. Илҳоминг келади, қуйилиб...

— Мен колхозчиман! — деди Комил тишини тишига қўйиб.

— Билиниб турибди, — дея минғирлади «Кўзойнак».

— Уй-элидан ташвиши йўқ шоир жўшиб юраверади! — деди Комил пича қизишиб.

— Қичқирманг, жўра, кар эмасмиз!

— Қичқираётганим йўқ..

— Ўзинг ҳам шеър ёзсанг кераг-ов? — деди «Семиз» пихиллаб куларкан.

[1] Онамга, демоқчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Кўзойнак» жиддий тортди.

— Оз-моз ёзамиз. Редакциядагилар билан танишман. Мақтаб хат ёзишади.

«Семиз» унга бошдан-оёқ ажабсиниб разм солиб чиқди. Кейин Комилга юзланиб:

— Учак шипирми? — деб сўради. Комил «йўқ» дегандай бош чайқагач: — Унда, ўхшатиб сомон лой билан суваш керак эди, — деди.

— Ҳозир ҳамма аввал учакни шипир билан ёпиб, сўнг ичининг ремунтига киришади, — деди «Кўзойнак» насиҳатомуз.

— Бешта бармоғингиз тенгми? — дея Комил ёстиқни биқинига тортди.

«Кўзойнак» Комил томонга хиёл энгашди.

— Тенглик йўқ демоқчимисиз?! Қип-қизил ғўрсиз, жўра! Одам оғзига қараб гапириши керак!

— Сизники тўғри! — деди Комил ён бергандай бўлиб.

Тортишувга «Семиз» аралашди:

— Э, ҳозир одамларда инсоф-диёнатдан тирноқча ҳам қолмаган... Оғзимни очтирма, ука, дим яхши биламан уларни!

— Раҳмат, ака... Уларни мен ҳам биламан, — деди Комил ва «Кўзойнак»нинг кифтини учириб қўйганига парво қилмай, сўзида давом этди: — Уч-тўрт йил олдин истансадан ёғоч олиб кўрганмиз...

«Кўзойнак» ўрнидан аста турар экан:

— Энди битта чекиб келмасам бўлмайди, — деди ва палатадан чиқди.

«Семиз» бўйнини чўзиб бир қараб қўйди-да, Комилга юзланиб шипшиди:

— Шу боланинг кўзойнаги дим шубҳали кўриняпти...

Комил нафасини ичига ютиб, «Семиз»нинг қон тепган кўзларига жимгина тикилди.

«Семиз» афсусланган кишидек аллапайтгача бош чайқаб ўтирди, сўнг яна нимадир демоқчи бўлибми энди оғиз жуфтлаган эди, «Кўзойнак» кириб қолдию жим бўлди.

Комил сувқоғоз ичидан бир бурда нон олиб, дераза олдига борди. Бўғриқиб, хира тортган ойнани кафти билан артди. Ёмғир ҳамон ёғар, ёруғ деразаларнинг кўлмакларга тушиб турган аксини синдиришга чоғлангандай, тинмай савалар эди.

— Ҳақиқат ана шундай аччиқ, уни тан олиш ўзидан ҳам аччиқроқдир! Зўр гап-а? — деди «Кўзойнак» каравотига ўтириб, қалин бир китобни варақлашга тутинаркан.

— Ҳей, ётинглар энди. Чироқни ўчиринглар! — деди «Семиз» ва оғзини карракдай очиб эснади.

«Кўзойнак» уф тортиб қўйди...

Комил алламаҳалгача ухлаёлмай ётди. «Семиз» бир маромда хуррак отар, «Кўзойнак» эса жим қотган эди. Ой тиккага келган палла Комилнинг ҳам кўзи илинди.

...Ёмғир сувларининг тарновлардан шариллаб қуйилаётгани элас-элас қулоққа чалинади. Эҳтимол, Саттор карларникидир... Ана, у чўпдай узун бармоқларини сувга тутиб, муздайлигидан чўчибми, хахолаб куляпти. Йўқ, бошқа нарсага куляпти!.. Опаси боёқиш муштдай гавдаси билан каттакон деворни суяб турибди! Шунга куляпти. Тиззадан сув... Бечора, қалтираб-қақшаб, она бургутдай қанотларини кериб деворни суяб турибди-я!

— Ёғоч топ! Тирговичлик ёғоч!

Зайнаб тўрт тарафга зир югуради. Сув юзида қалқиб сузиб юрган ёғочларни у ололмайди. Толнинг чивиқларидан синдиради. Майда чивиқларни синдираверади...

— Ёғоч опке-е!

Кимдир пихиллаб кулади. Саттор карми, «Семиз»ми — қоронғида таниб бўлмайди... Комил ҳеч нарсадан тап тортмай ўзини сувга отди. Пича сузди-ю, сўнг қўл-оёғи бўшашиб, мадори қуриди.

«Ҳозир чўкаман! Чўкяпман!..»

Комил устидаги чойшабни тепиб юборди. Анчагача ўзига келолмай ўтирди. Қора терга ботган манглайи, бўйин ва кўкракларини сочиққа артаркан, юраги увишиб, «Бир бало бўлди уйда, — деб хаёлидан кечирди. — Бориш керак! Нимадир бўлди!»

«Семиз» ҳамон хуррак отарди. Комил чироқни ёқмасдан апил-тапил касалхона чопонини кийди. Сочиқни қўлига олди; йўлда бошига ёпиб олар...

Касалхона ҳовлисига чиқаверишда столга ўмган ташлаганича оқ халатли бир аёл мудраб ўтирарди.

— Қаёққа? — деб сўради у бирдан бошини кўтариб.

— Ҳозир... Бир минутга...

Аёл индамади. Бошини тағин семиз билаклари устига қўйди.

Катта кўча ёруғ ва кимсасиз эди. Комил бошига сочиқни ёпиб, илдам юриб кетди. Юз-кўзига муздай заррачалар урилгани сайин у қадамини тезлатар, томчилар тобора дағаллашиб, тошга айланиб бораётгандай туюлар эди. Шиппаги, пайпоғи ивиб, расво бўлганини пайқаса ҳам елиб борар, бехос ҳалқобга қадам босмаслик учун гоҳ ирғишлаб, гоҳ футбол майдонидаги хужумчидай ўзини у ёқ-бу ёққа отар эди.

Томчилар гўё туннинг чилвир сочларидан сирғалиб-сирғалиб тушишарди. Шундай оғир, шу қадар зил-замбил томчилар!.. Улар мудроқ босган оппоқ деворларнинг сўлғин юзларида чўтирдек қайнайди...

— Опа-а!..

Чўлп... чилп... чиёп...

«Қаёққа кетишдийкан? Эшик қулф».

Комил тирқишдан ичкарига қулоқ тутди.

Чўлп... чилп... чиёп...

«Рустамдан сўрасаммикан?»

Рустам — Саттор карларнинг ён қўшниси. Комил лойда тойиб кетмаслик учун эҳтиёткорлик билан ўша томонга юрди. Ҳовлида уюлиб ётган ғиштларга шиппагининг лойини артгач, деразани аста чертди. Ҳеч ким овоз бермади. Қаттиқроқ тақиллатган эди, парда сал сурилди.

— Ки-им?

Комил хира тортган ойна ортидан овоз эгасини яхши таниёлмади.

— Комилман. Рустамбой борми?

Ҳовлида чироқ ёнди. Бир оздан кейин елкасига анча эскирган юпқа пальто ташлаб Рустам чиқди.

— Ибби, Комил!..

Кўришишди. Ҳол-аҳвол сўрашдилар.

— Опанглар уйда. Кечадан буён, — деди Рустам худди унинг хавотир олиб келганини сезгандай ва яна қўшиб қўйди: — Ёмғирмас, бир офат бўлди бу, жўра. Юр, уйга кирайлик!

— Йў, кетаман, Рустам.

— Ҳа-а?

— Дўхтир уришади, билиб қолса. Уй ёқларни бир соат-ярим соатга айланиб келай деб чиққан эдим.

— Хавотир олма, — деди Рустам. — Ҳаммаси тинч. Соғ. Михдай...

Комил кулганича:

— Хўп бўлмаса, — деди ва хайрлашгани қўл узатди.

— Пальтони кийиб кетасанми? Чопонинг ивиб-нетиб юрмайди...

— Кераги йўғ-э, бир югурсам етаман!

— Ихтиёринг, жўра...

— Келганимни опамларга айтиб юрма. Қисиниб-нетиб...

Комил асфальт йўлга чиққанида ёмғирнинг шашти сал пасайгандек туюлди. Тонг ёриша бошлаган, намхуш эпкин эсар эди. Комил тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симираркан, беҳуда хавотирланганини, ҳовлиқмалиги учун ўзини ўзи койирди. Опаси унга неча бор айтган, сабр-тоқатли бўл, деб.... Бугун у бир нарсанинг замирига етди: ҳаётнинг маъносини одам ўзи ва ўзича кашф қилиши лозим экан! У опасининг сабр-тоқат, чидам билан шу кунларга етиб келганини англади. Ана шу сабр-тоқат ва чидам тагида Умид отлиғ бир нарса яшаркан!...

Эҳ-ҳе, опасини лоақал бир марта гапиртириб кўрсангиз. Эртак айтяптими, деб ўйлайсиз. Уруш йилларини эслаганида-чи! Кўзёшини тиёлмайди, бечора... Опаси биринчи эрини эслаб нега бунча йиғлайди — Комил сира тушунмайди. У қанақа киши, юз-кўринишлари қандай? «Қаёқларда юрганикин, бечора?», деб қўяди опаси баъзан кўзларини артатуриб. Нима бўлганини айтмайди. Комил унинг урушдан қайтмаганини эшитган, холос. Эллик еттинчи йили амакиси уни битта бузоқ эвазига Комилнинг отасига сотиб юборган эмиш. Опаси унамаганида амакиси: «Манглайи қора, ўласан бу юришда ахир!», деб роса сўккан эмиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнг... Комил туғилибди! Опаси буни айтганида Комилга аллақандай ёқимли термилади.

Бу ёғини Комилнинг ўзи ҳам яхши биларди. Биринчи синфга борган йилимиди, ишқилиб, айни ўриклар гуллаган пайтларда бир куни мактабдан қайтиб, ҳовлида йиғилган тумонат одамга кўзи тушган. «Уйимизда тўй бўляптими?», деб ўйлаган. Ичкари кирса, уй тўла хотин-халаж. «Ув-ув» — йиғлашади. Шу-шу, отаси кўринмай қолди. Кейин, опаси унга ҳам ота, ҳам она бўлди...

Комил тенгқурларидан ҳеч қачон кам кийиб, кам еб-ичмаган. Армиядан келиб, бир-икки йил ишлагач, эл қатори кичкина тўй қилишди. Зайнаб, марҳум амакисининг қизи бўлса ҳам, текинга келмади.

Комилнинг кўнглини хижил қиладиган нарса фақат битта — уйлари эди. У туғилган йили отаси билан опаси «ўйин-ўйин»дан шу уч хонали уйни қуриб қўйган эмишлар. Комил ҳар гал унинг пойдеворини — чириб битаёзган ёғоч ғўлаларни кўриб, тепа сочи тикка бўлиб кетади. Мармардай силлиқ, пишган ғиштдан инжудай терилган, баландлиги кўкракдан келадиган пойдеворли уй қуришни ҳавас қилади. Бир куни келиб шундай уйда яшашига ишонади!

Комил эрталаб уйғонганида ёмғир тинган, кўлмаклар ҳам анча тиниқиб қолган эди. Бироқ ҳаводан ҳали булутлар аримабди: осмон қовоғини уйиб турарди.

Тушга яқин шамол эса бошлади.

«Шамо-о-ол! Баҳри камо-о-ол... Кел, келаве-е-ер! Қора боланг ёп[1]га йиқилди, бел-кетмон олиб кел, келаве-е-ер!...», дерди Комил қувончини ичига сиғдиролмай. У ўйинқароқ болаларнинг кўчага чиқиб, овозлари бўғилгунча шундай дея қичқиришларини эслаб, мийиғида кулиб қўйди.

«Ҳозир бор булутни ҳайдаб кетади!.. Бел-кетмон олиб кел, келаве-е-ер... Қора боланг ёпга йиқилди!», дея яна пичирлади у.

Чошгоҳ маҳали кўлмаклар сиртида тағин ҳалқачалар пайдо бўла бошлади. Бора-бора улар тинмай ёниб-ўчаётган қалпоқли чироқларга айланди. Комил ўзини каравотга ташлаб, юзини ёстиққа босди...

— Тўқлиев сизми? — Палата эшиги қия очилиб, оқ қалпоғини қўлида ушлаган чўзиқ юзли дўхтирнинг боши кўринди.

Ёнбошлаб ётган «Семиз» иҳлаб зўрға қўзғалди:

— Ҳовва. Ман Тўқлиев!..

— Сўраб келишибди... Кабинетга боринг!

— Укол олгандим-ку ҳозиргина...

Дўхтир индамай эшикни ёпди. «Семиз» халатининг тугмаларини қадаб, ўрнини тузатган бўлди. Сўнг бешиктерватардай оғир чайқалиб чиқиб кетди. «Кўзойнак» ўзича ҳиринглаб кула бошлади.

— Зўр! Зўр-ай!.. Хароб этган!

— Комил — ким у? Бир бола сўраб келибди, — деди фаррош аёл эшикдан бош суқиб.

— Туринг-ай, биров келибди! — деди «Кўзойнак» кулишдан тўхтаб ва қўлидаги китобни шап-шуп уриб қўйди.

Фаррош аёл айтган «бола» Рустам экан. У торгина йўлакнинг бошида юз-кўзларини рўмолчаси билан артиб турарди. Бир қўлида — ёнбошига аллақандай сурат туширилган қаппайган сумка. Қора чарм курткаси сувга ботириб олингандай ҳўл, ялтирайди. У Комилни кўриши биланоқ, рўмолчасини чўнтагига тиқди.

— Чўмилиб келдингми? — дея ҳазиллашди Комил.

— Чўмилиш ҳам гапми! Матасекил минсанг, билардинг... Соғлиқ нечук?

— Ётибман, — деди Комил.

— Мановини опанг бериб юборди, — дея Рустам сумкани узатди, — иссиғида егин. Сарёққа пиширилган эканми... Сиз ёмғирда ивиб юрманг, ўзим матасекилда ғирр этиб бориб келаман, дедим.

— Овора бўлиб... На ҳожати бор эди? Оч ётибмизми бу ерда! — деди Комил сумкани оларкан, бош чайқаб.

— Уйда пиширилган овқат бошқача бўлади, жўра.

Комил овқатни кастрюлга бўшатиб қайтаётганида «Семиз»га дуч келди. У пастки лабини осилтирган кўйи орқасига бир қараб қўйдию гавдасига ярашмаган чаққонлик билан ўтиб кетди. Рустамнинг ёнгинасида боя «Семиз»ни чақириб кетган дўхтир билан ўрта ёшлардаги мўйловли бир милиционер гаплашиб турарди. Орадан сал вақт ўтгач, кўринишдан анча сипо, қўлтиғига қора папка қистирган йигит келди. Милиционер унга эргашди. Врач қўлини кўксига қўйиб, йигит билан жилмайиб хайрлашди.

— Тўқлиевнинг пайтавасига қурт тушибдими? — деди Рустам улар тарқалгач. — Кўзлари бежо!..

— Кимни дединг?!

— Тўқлиевни айтяпман. Танимайсанми? Боя ёнингдан ўтиб кетган семиз киши.

— Ҳа... уми? Бир палатадамиз.

— Йўғ-э, Тўқлиев билан-а?

— Ҳовва.

— Айтмадимми, пайтавасига қурт тушган, деб. Бундай, эл қатори, одми касалхонада ётадиган анойилардан эмас у. Кавказ курортларини менсимайдиган одам! Энди, органдан қўрқиб ўзини бу ерга урган. Жиннихонага бормабди!

— Олиб қоч-а! — деди Комил ишонқирамай.

— Қарзим борми алдаб! — деди Рустам. — Юр, чеккароққа чиқайлик... Ҳай, жўра-ей, ишонмайсан-а? Тўқлиевга ишим кўп тушган. РайПОда ишлайди. Ёғоч-тахта дейсанми, кўмирми, шипир дейсанми — ҳамммаси қўлида. Ойна-эшик учун тахтани шундан олардим. Устаман деган одам танийди уни. Ўлгудай доғули. Ҳатто, бир пайтлар эшакка арoқ ичириб сотганмиш!

— Қўйсанг-а, — деди Комил кулиб.

— Рост, ўлай агар! Ишонмасанг, ўзидан сўраб кўр. Кулиб айтиб беради... РайПОга ишга кирмасидан олдин киссасида сариқ чақа ҳам қолмаган. Сотай деса, ҳеч вақо йўқ. Бел оғритиш ёқмайди. Хуллас, отасидан қолган ўлимтик эшакни бозорга олиб чиққан. «Неча пул?», деб итвой ҳам сўрамаган. Ўйлаб-ўйлаб, янаги бозор куни эшакнинг оғзини осмонга қаратиб, бир шиша ароқни қуйган. Бозордаги томошани кўрсанг! Ўзи айтса, кулавериб ичагинг узилади. Маст эшак эмасми, узангига оёғинг тегса — тамом, Гўрўғлининг отидай қанот чиқариб учаверган... Икки юзга пуллаб қайтган эшакни. Ана шундай одам у — Тўқлиев! Энди кўмирга тупроқ қўшмайди, деб ким айтади?.. Яқинда уни бир туширганлар. Билмайман, қандай чап бериб кетдийкан...

Комил анграйиб қолди: «Вой ифлос-эй! Шу «Семиз»-а?! Тили жуда бурро эди-ку бунинг?..»

— Сиртмоқдан қутулса ҳам бундайлар барибир ҳадиксираб юради... Яхшиси, мана шу қўлларинг билан эллик тийин ишлаб топ! — дея Рустам қавариб тарс-тарс ёрилган кафтини очди. — Шу пулга битта қотган нон олиб, сувга ботириб е, лекин кўча-кўйда бошингни тик тутиб, кўкрак кериб юр! Нима дединг?

Рустам кетди. Комил уни касалхона дарвозасигача кузатиб қўйди.

Палатада жимжитлик. «Кўзойнак» юзига китоб ёпиғлиқ ҳолда ётар, «Семиз» деворга ўгирилиб олган эди. Комилнинг хонага кирганини пайқаган бўлса ҳам у пинак бузмай ётаверди.

«Ўйлаяпти... Чора излаяпти!» Комил унинг касалхона халати тор келиб, сирилиб турган гўштдор гавдасини илк бор кўраётгандек, ғалати бир алфозда кўздан кечирди. «Шуми Тўқлиев? Сира ишонгинг келмайди!..»

— Тўқлиев! — деб юборди у бехосдан.

— А! Ҳа... Санмисан? На гап?

— Келинг, овқатланамиз!

— Э, иштаҳа йўқ. Ановини уйғот. Китоб нон бўлармиди... Маза қочиб турибди.

Комил бирпас жим тургач:

— Курортга борсангиз, тезроқ соғаярдингиз, — деди.

— А? Курортгами? Э, курортга пул борми, ука?

«Семиз» чуқур уф тортди.

«Оббо, доғули-ей, пули йўқ эмиш-а!..»

Комил «Кўзойнак»ни турткилаб уйғотгач, қошиқларни ювиб келгани шошилди. Палатадан чиқаверишда фаррош аёлга тўқнаш келди. Унинг қўлида оқ рўмолга ўроғлиқ лаган, қизил атиргул сурати туширилган чиройли термос бор эди.

---

[1] Еп — сой (шева).





www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўхлиёп ким, болам? — деб сўради аёл ўзини четга оларкан.

Комил «Семиз»ни боши билан имлаб кўрсатди. «Семиз» фамилиясини эшитгач, тўнғиллаб аранг қўзғалди. Оёғига шиппагини илиб, аёлнинг қўлидаги нарсаларни тумбочка устига олиб қўйди.

— Бориб айтинг, энди овқат-повқат кўтариб юрмасин. Дўхтир уришармиш, денг, — деди «Семиз» ҳамон қовоғини очмай.

— Айтаман, — деди аёл эшитилар-эшитилмас.

У кетгач, «Семиз» оқ рўмолни ечди. Қанақа овқатлигини кўргач, рўмолни тағин тугиб қўйди. Термосни очиб, пиёласига чой қуйди. Хонада аччиққина қилиб дамланган кўк чойнинг ҳиди анқиди. «Семиз» пиёлани кафтлари орасига олиб, пуф-пуфлаб чой ичаркан, қошиқларни ювиб келган Комилга юзланди:

— Ановиндан енглар. Тухумбарак[1].

Кейин пиёласига яна чой қуйиб, каравотга чўзилди. Бир оз вақтдан сўнг ўрнидан туриб, халатини еча бошлади.

— Бўғилиб кетяпман. Ҳаво етишмаяпти. Сизларга ҳам шундайми? Дарчани очиб қўйинглар!..

«Кўзойнак» форточкани очишга уннаркан:

— Қор ёғаётир! — деди ҳаяжон билан.

«Семиз» туриб, майкачан ҳолда йўлакка чиқди-да, худди биров қувлагандай шу заҳотиёқ орқасига қайтди.

— Бўғилиб кетяпман-эй...

У пиёладаги илиқ чойни бир кўтаришда симирди. Нафасини ичига ютганича чурқ этмай туриб қолди.

— Тутдимикан? — деди кейин хирқираб ва бехосдан чаён чақиб олгандай, томоғини жон-жаҳди билан уқалай бошлади. — Вой-ей... Димиқиб ўляпман! Бўғилиб... Сув беринглар... укалар!

— Ҳозир! — деди «Кўзойнак» ҳовлиқиб ва пиёлани қўлига олиб, шоша-пиша чиқиб кетди.

Комил навбатчи дўхтирни чақириб келиш учун югурди. Уларни палатага бошлаб келганида «Семиз» хона ўртасида полга чўкка тушиб ўтирарди. Ҳамширалар унинг қўлтиғидан суяб ўрнидан турғазишди.

— Дў-ўхтирр... — деди «Семиз» хириллаб ва ютиниб қўйди.

Ўша оқшоми «Семиз» палатага қайтмади. Эртасига нонуштадан сўнг йўлакда қора папкали кечаги сипо йигит бир-икки кўрингандек бўлди. Кейин у ҳам йўқолди.

— Ишонгим келмайди, жўра... сира! — деди «Кўзойнак». — Кечагина отдай юрган одам... Нега, ахир?! Ақлим етмай қолди...

Комил индамай, дераза токчасига суянди. Касалхона ҳовлисидаги тош йўлакларнинг чеккаларини, ҳалқобларнинг атрофларини қоплаган оппоқ қорга маъюс термилди.

* * *

...Комил буни касалхонадан чиқадиган куни, шарфини бўйнига ўраётганида Зайнабдан эшитди: Тўқлиевнинг уйи ёниб кетибди. Одамларнинг гапига қараганда, хотини ўт қўйган эмиш!

— Чинингми шу? Тўқлиевнинг хотини Геростратми, нима бало, қасрга ўт қўйиб, алангасига исини-иб ўтирадиган?!

— Қайдам, ном қолдирмоқчидир-да, — деди Зайнаб ўйчан, сўнг қўшиб қўйди: — Айтмоқчи, энам ётадиган хонанинг бир қаноти қулаб тушди. Ёнидан тупроқ олган экансиз, лой қораман, деб. Шу хандақ тортибдими, ё?

— Ҳм-м. Опамга ҳеч нарса бўлмадими ўзи? — дея сўради Комил гуноҳкор кишидай юмшоқлик билан.

— Энам соғ... Биза Рустам оғаларникида эдик. Азон билан Саттор ака бориб айтди.

— Неча марта айтдим, уни «ака» демагин, дедим! Акангми ё, шу кар? — дея узиб олди Комил жаҳл билан.

Зайнаб индамай бошини қуйи эгди.

* * *

— Болам, эрта-индин анови ёғоч-поғочларни йиғиб, бир жойга босиб қўй. Уйимиз дўст-душманнинг кўзи олдида харобага ўхшаб турмасин, — деди Ҳуржон момо ўша кеча.

Индинига Комил қулаган пахса деворга мисранг ураётганида қишлоқ советининг раиси келиб қолди. Унинг ёнида мўйлови катта бурнига қўшилиб диккайган новча киши ҳам бор эди.

— Бай-бай-бай, ёмон бўпти-ку! Офат-да, офат, — деди раис аҳволни кўриб. — Қисинманг, момо! Мана, ҳукумат дим кўп пул ажратибди. Ёрдам қиламиз. Қисинманг сира!

— Илоё, ҳукуматнинг бахти очилсин, раис ука!

Комил опасининг кўзи ёшланганини кўриб, юзини четга бурди.

Келганлар нималарнидир ёзиб-чизиб, сўнг Саттор карларникига ўтишди.

Орадан бирор соатлар чамаси вақт ўтгач, олдин раис, кейин новча киши, уларнинг кетидан Саттор кар дарвозадан чиқишди. Новча киши ҳадеб тишини кавлар, чирт-чирт тупурар эди.

«Томоқларини мойлаб юборди кар. Ёмғир — баҳона, бирор нарса ундириб қолмоқчи», деб ўйлади Комил уларни алам билан кузатиб тураркан.

Кунлар жуда секин ўтарди. Айниқса, узун қиш оқшомлари Комилни ҳаддан зиёд эзиб юборарди. Тун бўйи тўлғаниб, ташқарида чийиллаётган изғирингa қулоқ тутиб ётар, хаёллари чувалиб, тонгга яқингина кўзи илинар эди. У нималарни ўйламасди! Баҳор келса, янги уй қуради. Кузаккача битта-яримта хонасини битказиб, кўчиб ўтишади...

Комил ўйлар, ташқарида эса изғирин чийилларди. Хонага тушаётган ой нурлари ҳам муздай, Комилнинг тиззалари, қўллари ҳам муздай... совуқ! «Нега мен бунчалик совқотяпман?», деб ўйларди Комил кўрпага яхшироқ бурканиб. Барибир бадани қизимас, Зайнаб томонга ўгирилиб ётганида юзига унинг илиқ ва қандайдир ёқимли нафаси урилар, шунда танасига ҳарорат югургандай туюлар эди. Нигоҳларини ёғду тўла деразага қадаб, ҳали тонг отишига анча борлигига ишонч ҳосил қилгач, кўзларини юмарди.

* * *

Баҳор анча кечикди. Эртага биринчи апрель деган куни ҳам лайлаққор ёғди. Икки-уч кунгача ёқимсиз шамол эсиб турди. Сўнг ҳаво исий бошлади. Новдаларда куртаклар тизими маржондай бўлиб кўзга яққол ташланиб қолди.

Комил ҳовлининг янги уй қуриладиган қисмини кафтдай қилиб текислади. Энди пойдеворга қозиқ қоқиш керак эди. Бир ўзи бу ишнинг уддасидан чиқолмаслигини у яхши биларди.

— Бор, Рустам жўрангни чақир! Уста ўзингдан-ку, болам, — деди опаси. — Дўст-ёр шундай кунда билинади.

Рустам келгач, иш юришиб кетди. Комил унинг қозиқ йўнишига завқланиб боқаркан, бўйнини қисганича йўлдан ўтиб бораётган Саттор карга кўзи тушди ва овозини кўтариб:

— Ассалому алайкум, Саттор ака! — деди.

Саттор кар бир қайрилиб қаради-ю, индамай ўтиб кетди.

— Ваалайкум ассалом! — деди Комил.

Рустам кулди.

— Нега ундай қилдинг?

— Акамиз саломга ҳам алик олмай қўйди, латтаси сувга тушган-да...

— Нега?

— ...Саломингга алик олмаса, ўзинг ичингда жавоб қайтаргин, деганлар. Йўқса, салом жувонмарг бўларкан... Ҳам кўнглинг таскин топиб, жаҳлинг босилади.

Рустам бош чайқади: қизиқ!

Зайнаб бедазордан бир этак кўк териб қайтди. Офтобрўяда йигитларнинг ишини кузатиб ўтирган Ҳуржон момо келинига юзланди:

— Қани... қизим!

Зайнаб унга этагини тутди. Кўк — бир этак баҳор!

— Шукр! Минг қатла шукр! Ким етди, ким етмади! — дея пичирлади Ҳуржон момо бир сиқим кўкни юз-кўзига суртиб. У муроди ҳосил бўлгандай, вужуди кўк ҳидидан ором олгандай, ҳузурланиб кўзларини юмди.

Йигитлар зарангдай қаттиқ ер сийнасига биринчи қозиқни қоқдилар...

---

[1] Барак — чучвара (шева).



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎзКП
Ўз ССР
60

## Абдуҳаким Абдуллаев

* * *

*Соат чиқиллайди —*
*вақт ҳақида сўйлар йиғлаб ва кулиб.*
*Ўтган вақтлар,*
*Келар вақтлар ҳисобда,*
*соат адашмайди —*
*у ҳақсизлик ичра портлаган вулқон!*
*Салом,.. хайр...*
*кун —... тун...*
*воқеа... муаммо...*
*бахт... фожеа...*
*соат қамровини ўтолмас четлаб.*
*Ҳаммаси ўткинчи,*
*ҳаммаси,*
*чиқиллаган соатдир собит!*
*Соат чиқиллайди мангулик ҳақда!*

## Ҳамроқул Ризо

### Турналар

*Кўкламнинг жилваси кўчар кўзингга,*
*Чечаклар бош қўяр босган изингга,*
*Шоир шайдо бўлар айтган сўзингга,*
*Олам нурга тўлар, олам турланар,*
*Тонгда қўшиқ айтиб ўтса турналар.*

*Зиё ичар эди Зоминда ровоч,*
*Шу юртнинг шамолин ўпди майин соч,*
*Оппоқ туйғуларга қучоғингни оч,*
*Олам нурга тўлар, олам турланар,*
*Тонгда қўшиқ айтиб ўтса турналар.*

*Дилни аллалайди ажиб бир баёт,*
*Баётки бор экан тотлидир ҳаёт,*
*Сен ҳақда қўшиғим ёзсин кенг қанот,*
*Олам нурга тўлар, олам турланар,*
*Тонгда қўшиқ айтиб ўтса турналар.*

*Умидим шул эрур: қолмай фироқда,*
*Бўлмай бир лаҳзага сендан йироқда.*
*Тўргай наво қилсин яшил қирғоқда,*
*Олам нурга тўлар, олам турланар,*
*Тонгда қўшиқ айтиб ўтса турналар.*

* * *

*Райҳонжон айт, нимасан,*
*Қизлар кипригимисан?*
*Ё дилларни боғловчи*
*Севги кўпригимисан?*
*Ёки кўкда тўқилган*
*Юлдуз шуъласимисан?*
*Ё севгидан маст бўлган*
*Ёр ашуласимисан?*
*Нимасан, айтгин, тинглай,*
*Гўзаллик рамзи райҳон!*
*Райҳон дер: «Мен ер меҳрин —*
*Сўйлаб тургувчи достон!»*

## Жонибек Сувонқулов

### Куз

*Симёғоч зириллар тиш оғриғидай,*
*Симларга осилган совуқ томчилар.*
*Омонат инжулар заминга қулар,*
*Хўп пишиб етилган куз уруғидай...*
*Томчи — моддийликка айланган вақтдир.*

*Икки оёғидан кўра асога*
*Кўпроқ умид боғлаб бораётир чол.*
*Ҳали ўлчанмоққа бордир масофа,*
*Не бир манзилларни тусайди хаёл, —*
*Асо — жиддийликка айланган вақтдир.*

*Сойнинг шовқинида савр шашти йўқ,*
*Зилоллик касб этмиш асов пўртана.*
*Қирғоқ кемирмоққа сира қасди йўқ,*
*Тошлар орасида ирмоқ ўртанар,*
*Сой — бу оддийликка айланган вақтдир.*

*Турналар бир маром қуру-қурулар,*
*Ҳасратли нидолар сўнар тоғ оша.*
*Болакай карвонни кузатиб кулар,*
*Бу унга шунчаки қизиқ томоша,*
*Бола — соддаликка айланган вақтдир.*

*Юрагимнинг қай бир нозик бурчида*
*Узилиш сезарман мушак торида.*
*Инсоннинг дардлари кузда урчийди,*
*Аллаланиб кўзнинг маҳзун зорида,*
*Куз — бу қатъийликка айланган вақтдир*



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Мурод Муҳаммад Дўст

# *Совчилик ҳангомаси*

Раим оқсоқол чўнқаймишлик Ҳожиқулнинг отини айтиб, Зубайдага совчилик қилишни сўраганда Ибодулло Махсум бир муддат тайсаллаб турди:

— Боргим келмаяпти, раис. Бошқа одам топинг.

— Ўзингиздан ўтадигани йўқ, Махсум, — деди Раим оқсоқол.

— Ҳеч оёғим тортмаяпти-да, раис...

Бу гапни эшитиб Раим оқсоқол ҳам ўйланиб қолди. Ибодулло Махсум — обрў-эътиборли одам, сазаси ўларини билса, бирор жойга қадам қўймайди. Галатепа тугул, атрофдаги ўн бир даҳа аҳли борки, унга ишонади. Баъзида телба-тескари гапириб қўйгани билан, қурғурнинг синчилик сиёғи бор. Ўттиз йилча бурун эди, бозордан қайтатуриб, Михли полвонга айтиб қолди: «Хотининг учта туғади-ёв, полвон!..» Михли полвон ишонмади: «Йўғ-э, Махсум ака, — деди. — Нима у, мушукмидики, учта туғса?!» «Менга ишонавер, полвон, — деди Ибодулло Махсум. — Кўнгилга келганини айтяпман». Михли полвоннинг жаҳли қўзиди. Агар нақ мулла Дониёр Ибодулло Махсумнинг тарафини олмаса, ўртада жанжал-панжал ҳам чиққан бўларди. «Қизишганинг нимаси, полвон? — деди у. — Сен Махсумни тинч қўй, жуда кучинг ошиб-тошиб ётган бўлса, ана, Шўрқудуққа бориб уришгин, ўзимизнинг мардумга зуғум қиласанми, эсипаст!..» Ибодулло Махсумнинг Михли полвонга раҳми келди, бечоранинг мулзам қолганини кўриб:«Муни кўп уришманг, Дониёр ака, — деди. — Полвон сал ҳориган кўринади, рўзғори катта, бола-чақаси кўп, энди хотини яна учтасини туғса... Мунгаям осон тутманг-да, ака».

Ўшанда Ибодулло Махсум янглишмаган экан: баҳорга чиқиб, Михли полвоннинг хотини учта қизалоқ туғиб берди.

Хуллас, Ибодулло Махсумга синчиликдан берган — айтгани келади. Шу сабабки, ўзи ҳам тилига сал эҳтиёт бўлиб гапиради.

Энди, бошдаги йўсинга қайтадиган бўлсак, Раим оқсоқол бу гаплардан ғофил эмас-у, лекин гапини ўтказиб ўрганган одам эди, аввал айтганидан қолмади:

— Ҳожиқулга бир оталик қиласиз, Махсум — Зубайдани шунга битказасиз. Отаси билан ошна эдик, шуни орқа қилиб келибди. Чўнқаймишнинг одами майда гапли бўлади, тағин, Ғайбаров раис амалидан тушиб кўчада қолибди, деб айтиб юрмасин...

Ибодулло Махсум Раим оқсоқолнинг аҳволини тушунди, тушунди-ю, лекин яна бир бор бўйин товлаб кўрди:

— Бу ишга Ғуччи акамни юборсангиз дуруст бўлармиди...

— Ғуччи бир ишни эринмай, маромида битирадиган одам, вақт кетади, — деди Раим оқсоқол. — Сизнинг, Махсум, феълингиз чарсроқ, бирдан битирасиз. Энди шу Абдураҳмоннинг боласига яхшилик қиласиз, ошна.

— Абдураҳмон битта эчкимни ўғирлаган, — дея хафа бўлиб эслади Ибодулло Махсум.

— Ўв Махсум! — деди Раим оқсоқол. — Сиздай одам битта тиррақи эчкини гап қилиб юрса уят бўлади!

— Майли, раис, сиз учун бир бориб кўраман, — деяноилож рози бўлди Ибодулло Махсум. — Иши битмаса, ўзидан кўрсин.

— Барака топинг, — деди Раим оқсоқол хурсанд бўлиб. — Сиз борасиз-у иш битмайдими! Эсингиздан чиқмасин, боланинг оти — Ҳожиқул, шанба куни уйингизга боради. Суюнчисини келиб биздан оласиз.

Айтилган куни чошгоҳда беванинг харидори келди. Ибодулло Махсум гаплашиб билдики, ёши қирқда, беш йил Тошкентда ўқиб келиб, энди ўзи қишлоқ болаларини ўқитаётган экан. Тўрт йилча бурун хотиндан айрилибди.

— Мактабдаям, колхоздаям обрўйим зўр, — дея мақтаниброқ гапирди. — Ўтган йили медаль беришди. Тошкандда Ғайбаровнинг катта ўғли Тошпўлат домла билан ўқиганмиз.

— Тошпўлатбой Масковда ўқувди чоғи? — деди Ибодулло Махсум ажабланиб.

— Тошканддаям ўқиган, — деди Ҳожиқул киприк қоқмай. — Тўғри, Тошпўлат домланинг ёши кичикроқ, лекин бирга ўқиганмиз, домла — кундузгида, бизлар — сиртдан... Энди у кишилар кандидат бўп кетди!

— Тошпўлатбойни қўй, ўзингдан гапир, — деди Ибодулло Махсум қовоқ солиб.

— Шу... ишимиз тушиб келдик... азбаройи ноиложликдан... — деди Ҳожиқул. — Ёлғизлик ёмон экан, Махсум бува.

— Бу гапинг дуруст, — деди Ибодулло Махсум сал чиройи очилиб. — Дардинг шу экан, Тошпўлатбой билан медалингни тиқиштириб нима қиласаан? Қани, юр, хайрли ишни пайсалга солиб бўлмайди.

Икковлашиб — Ибодулло Махсум Ҳожиқулнинг отини миниб, куёв бўлмиш ўзи пиёда, сой лабидаги ёлғизоёқ йўл билан қишлоқнинг нариги бошига жўнадилар. Ҳожиқул йўлни тузуккина биларкан — каттакон боғнинг сой тарафдаги дарчасига қараб тортди. Лекин Ибодулло Махсум дарчадан кириб юргали ор қилди чоғи, отнинг жиловини ҳовлининг кўча дарвозасига қараб товлади. Ҳожи аввалига ювошгина эргашиб келди, лекин ҳовлига яқин қолгач, юраксизлик қилдими ёки Ибодулло Махсумнинг ортидан етовдаги бузоқдай юргани эриш туюлдими, озгина тихирлик қилгандай бўлди:

— Қўйинг, Махсум бува, кейин бир мавриди билан келармиз. Мен ҳалиям келган изимга қайтиб кетаберай...

Ибодулло Махсум унинг гапига парво қилмади, қўлидан тутиб дарвоза тагига қадар судраб келди. Сўнг отдан тушиб, жиловни Ҳожиқулнинг илкига тутқазди. Ҳожиқул отни четроқдаги толга боғлаб қайтди.

— Мана шу-да, Абдураҳмоннинг боласи, — деди Ибодулло Махсум ҳовлининг нурай бошлаган деворларини кўрсатиб, —



www.ziyouz.com kutubxonasi

эркак бўлмагандан кейин... Қара, ҳаммаёқ тугай депти. Эри раҳматли ишёқмасроқ одам эди, китоб билан газетдан бош кўтармасди.

Ҳожиқул миқ этмади — ўзи харидор бўлиб келган хотиннинг эрини ўйлаш, гарчи у энди марҳум бўлса ҳам, анча ёқимсиз эди.

Ибодулло Махсум ердан тош олиб дарвозани қоқди. Ичкаридан ҳадеганда жавоб бўлавермади.

— Қўйинг, Махсум бува, — деди Ҳожиқул безовта типирчилаб. — Кўрган кўзгаям уят...

— Бошқа гапинг ҳам борми?! — деди Ибодулло Махсум. — Кепсанми, бир жойда тек тур. Агар ростдан кетмоқчи бўлсанг, ана, катта йўл — Чўнқаймишингга борасанми, ундан нарироққа ўтиб кетасанми!.. Ё ноз қиляпсанми? Эркакка ўхшаб, мундай собитроқ тургин-да, ука!

Эркалик қилгани рост экан чоғи, Ҳожиқул жимиб қолди. Ибодулло Махсум дарвозани қаттиқроқ тақиллатди.

— Тирик жон борми?!

Ичкарида кучук вовуллади. Дарвозанинг бир қаноти хиёл очилиб, ўн икки ёшлардаги коскироқ бола мўралади. Ибодулло Махсум уни четлатиб, ичкари кирди. Ортидан Ҳожиқул эргашди.

Ҳовли саҳни анча кенг, супуриб-сидирилган эди. Тўрдаги қайрағочга бойланган ит Ибодулло Махсум билан Ҳожиқулни кўриб баттар авж қилди.

Ўнг қўлдаги очиқ қўрада гўнг кураётган аёл қаддини ростлади, чап қўлини соябон қилиб дарвоза тарафга қаради. Қарадию бирдан сезинди — серрайиб қолди. Қўлидаги кураги ерга тушиб кетди. Қўрада охур титаётган иккита чипор товуқ жонҳолатда қақоғлаб, пастаккина девордан нарига учиб ўтди. Аёл замбилғалтакка юкланган гўнгни қайтиб ерга ағдарди, сўнг, қилган ишига ақли етиб, баттар қизарди...

— Келинг, Махсум бува, — деди у қимтиниб, меҳмонларни қарши оларкан. Ибодулло Махсумнинг ҳамроҳига қарамади ҳам.

— Келдик, Зубайда, — деди Ибодулло Махсум. — Ўғлингга айт, супага палос ташласин.

— Жойимиз тахт, Махсум бува, — деди аёл. — Холам тузукми? Маҳфират қизингиз, келинларингиз?..

— Тузук, ҳаммаси тузук. Тўнғич келин кеча кўзилабди. Мен гузарда эдим, Ғуччи акамнинг невараси шу гапни топиб келди.

— Бахайр, бахайр, — деди Зубайда. — Умри билан берган бўлсин. Ўғил топдими, ишқилиб?

— Йўқ, — деди Ибодулло Махсум. — Қиз. Асли Карим туякашнинг насли-да, Зубайда, моянинг гўштини кўп еган, узунасига қиз туғади.

Қайрағочга бойланган ит ғингший бошлади.

— Сиз супага ўтаверинг, Махсум бува. — Зубайда тағин Ибодулло Махсумнинг шеригини сезмаганга олиб гапирди. — Мен анави жониворнинг овқатини бериб келай.

Зубайда ўчоқбошига қараб кетди. Ибодулло Махсум супага чиқиб ўтирди. Ҳожиқул жойидан жилмади, беванинг чопганда сўлқиллаган қоматига маҳлиё бўлиб турди. Зубайда итнинг овқатини ялоққа ағдариб, қайрағоч тарафга юрди. Ит овқатни сезиб, баттар ғингшиди, ер тирнади...

— Ўтир, Абдураҳмоннинг боласи, — деди Ибодулло Махсум. — Дамингни ол, йўл юриб келгансан.

Ҳожиқул истар-истамас унинг ёнига чўкди.

— Ити кўп вовулламас экан-ку, Махсум бува... — деди у мунғайиб. — Мундайда ҳовли оёқости бўлади-да...

Ибодулло Махсумнинг бирдан жаҳли чиқди:

— Биз кирганда ҳурган холангнинг эримиди?! Отанг бечора битта чориғини судраб дунёдан ўтиб кетди, тузук одам эди раҳматли, миқ этмаган, ақалли бирор марта, оёғимни қисяпти, деб айтмаган, энди сен... Ношукр экансак-ку! Ҳали бу рози бўлди-ю, сен бурнингни жийиряпсанми?!

Ҳожиқул ҳаддидан ошганини пайқади. Ўзини оқламоқчи бўлиб оғиз очган ҳам эдики, Зубайда келиб қолди. Куёв бўлмиш нафасини ичига ютди. Бева унга маъқул тушган эди. Илгари бир-икки кўриб гаплашса ҳам, мундай диққат қилмаган экан: жуда келишган аёл, бир-икки ёш катта-ю, лекин моли яхши, нолимаса ҳам бўлаверади.

Ибодулло Махсум нарироқда қаққайиб турган болага буюрди:

— Қўлга сув опкел, бола!

Бола дастшўй-обтова келтириб, меҳмонларнинг қўлига сув қуйди.

— Обтованг эски экан, Зубайда, отангдан қолган матоҳми? — деб сўради Ибодулло Махсум, боланинг елкасига ташланган сочиққа артинатуриб. — Ҳозир бундай обтова қолмаган ҳисоб, борининг ҳам туркидан таҳоратинг синади.

— Қайнотамдан қолган, — деди Зубайда. — Агар керак бўлса, майли, сиз опкетинг. Мен намоз ўқимасам...

— Ўзингга буюрсин, — деди Ибодулло Махсум. — Гап бундай, Зубайда... Қачонгача салт кишнаб юрасан? Ёшинг ўзи неччига кирди?

— Қирқ бирга,— деди Зубайда. — Қаридим, Махсум бува.

— Қирқ иккига кирдинг, — деди Ибодулло Махсум. — Энангнинг қорнидаги тўққиз ойни қўшсак — қирқ иккига. Жавзода туғилувдинг, жума куни эди, отанг раҳматли, қиз топдим, деб ҳовлиқиб келган. Ғайбар соқовнинг ола сигирини илон чақиб ўлдирган кун эди.

Аёл хижолат чекиб, кўзларини ерга қадади.

— Сен мундай супага чиқиб ўтир, Зубайда, — деди Ибодулло Махсум. — Ўғлингга айт, буям менинг ёнимда ўтирсин. Маслаҳатли бир иш чиқиб қолди. Манави бола, оти Ҳожи, Чўнқаймишдан кепти. — У Ҳожиқулга ишора қилди. — Отаси Абдураҳмон гаранг ўзимизнинг Раим оқсоқол билан ошна ўтган экан. Сенга ўхшаб буям ёлғизқўлли. Шунга сени хотинликка берсак, деб ўйловдим.

— Мен эр қилмайман, Махсум бува, — деди Зубайда қизариб.

— Сен аввал гапга қулоқ сол, қани, супага чиқиб ўтир-чи! — дея амр қилди Ибодулло Махсум. Аёл супанинг четига омонатроқ ўтирди. Ўғлини ҳам ёнига тортди. — Дунёга келиб, битта китобхўрдан бошқа нимани кўрдинг?

— Китобхўр бўлсаям эрим эди, — деди аёл жаҳли чиқиб.

— Ўрлик қилма, мен буни гапнинг кавшарига айтдим, — деди Ибодулло Махсум. — Сен ростини айт, агар эрга тегадиган кўнглинг бўлса, яширма, тўғрисини айт.

— Кўнглим йўқ, — деди аёл.

— Ростини айт, тағин расм-русмини қилаётган бўлма!

— Кўнглим йўқ, Махсум бува, — дея такрорлади Зубайда.

— Эр қиладиган ниятинг йўқ экан, нега унда манави чўнқаймишлик юборган одамга «хўп» дединг?

Ибодулло Махсум Ҳожиқулнинг аввал одам қўйган-қўймаганидан хабарсиз эди, шунчаки, таваккал қилиб сўради, таваккал қилдию нақ устидан чиқди — сўроқ сўрагани баробар, аёл бошини кўтариб, бир чеккада қимтиниб ўтирган Ҳожиқулга таънаомуз қараб қўйди.

— «Хўп» демадим, Махсум бува, — деди Зубайда. — Аёллик қурсин, озгина нолиндим, у мегажин шуни тумор қип кетган.

— Энди сен айт, Абдураҳмоннинг боласи, ўртага қўйган одамингга «хўп» дегани ростми?

Ҳожиқул каловланиб қолди, Зубайдага ялиниброқ боқди:

— Сизда битта бола, мендаям... Бир пиёла сув билан никоҳдан ўтсак деб эдим...

— Никоҳдан гапирмай тур, — деди Ибодулло Махсум. — Ўзинг ҳеч гаплашганмисан?

— Гаплашувдим, Махсум бува, — дея тан олди Ҳожиқул.

Ибодулло Махсум бевага ўгирилди:

— Мунисига нима дейсан?

— Бозордан қайтаётган экан, бир коса сув сўради, — деди Зубайда. — Кейин ҳол-аҳвол суриштирди, бошқа ҳеч гап бўлгани йўқ.

— Дардини айтдими, ишқилиб? Дард айтгали келгандир-да, бўлмаса, йўлёқада қанча мардум бор, нега келиб-келиб сендан сув сўрайди?

Зубайда бошини қуйи солди. Ибодулло Махсум бир унга, бир Ҳожиқулга қараб туриб раҳми келди. Майли, деди ўзича, шу икки бебахт топишса топишсин, икки ёрти — бир бутун, бир амаллаб кунини кўриб кетар...

— Сенинг оларинг рост, сенинг тегаринг рост, — деди у сал туриб. — Энди ўз оғзингдан эшитамиз, Зубайда. «Хўп» десанг, сени шунга берайлик. У ёққа обориб бир чертса, мунинг томирини қуритамиз. Черик тортиб борамиз, Чўнқаймишини тирқиратиб келамиз. Сен муни хотинликка олсанг, кейин зуғум қилмассан, Абдураҳмоннинг боласи?

— Менга рўзғор тутадиган одам керак, Махсум бува, — деди Ҳожиқул. — Умримда одам боласини чертган эмасман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Рост айтади, — деди Ибодулло Махсум. — Чўнқаймишлик ўзи уришишни билмайди, булар сал майдакаш, ғийбатчироқ келади, биров-бировининг устидан ёзиб кун кўради. Аслику, ўзимизда қолганинг маъқул эди, лекин энди, гап қипсанми, майли, бор, йўлинг очилсин. Қани, гапир, розимисан?

— Билмасам... — деди Зубайда.

— Нозингни қўй, бўларини айт.

— Мен бир муштипар бўлсам, — деди Зубайда. — Бошимда эркагим йўқ, ияк суяб қолганим — шу битта ўғил, ўғлим нима деса...

Ибодулло Махсум Зубайданинг ўғлига қаради. Шунгача болани тузукроқ ҳисобга ҳам қўшмаган экан, энди аёлнинг жавобини эшитиб, ўзича қизиқсинди: булар-ку иккови аввал гапни пишитган, лекин бола нима қиларкин, кўнармикан?..

— Мунинг оти нима? — деб сўради Ибодулло Махсум.

— Сайфулмулук, — деди Зубайда.

— Зўр экан, — деди Ибодулло Махсум мийиғида кулиб. — Эринг қўйгани аниқ.

— Бир кеча китоб кўриб, кейин шу отни қўювди, — деди Зубайда. — Ҳали бу норасида, қаттиққўлроқ одамнинг тарбиясини олмаса бўлмас...

— Муни қўйиб тур, — деди Ибодулло Махсум. — Ўзимнинг кўнглим бор, деб айт, болани қўшма. Лекин аввалги гапинг жўяли, ихтиёрингни шунга берганинг маъқул. Хўш, сен нима дейсан, Сайфи, Чўнқаймишга борасанми?

— Чўнқаймиш узоқ, — деди бола.

Ибодулло Махсум рад жавоб оларман, деб ўйлаган эди, боланинг мужмаллигини кўриб сал ҳайратланди, унга тикилиброқ қаради: отасига ўхшайди, кўзлари тиниқ, лаблари юпқа, киприклари узун бир бола, рангиям сариққина, гўё онаси қолиб отаси туққандай... Балким, бола гапнинг мазмунига тушунмаган чиқар?

— Дунёнинг нариги буржи эмас, чурранг тушмайди, — деди Ибодулло Махсум. — Мен, энангни Чўнқаймишга берамизми, деб сўраяпман!

— Билмасам... — деди бола.

— Боланг менга ўхшаб, сал овсарроқми, Зубайда? — деди Ибодулло Махсум.

— Тортинчоқ, — деди Зубайда. — Ҳали ёшлиги бор, буваси, кейин қиличдай бўпкетади.

— Бўладиган сиёғини кўрмадим, — деди Ибодулло Махсум. — Е сен ўзинг қўрқитиб қўйганмисан?

— Йўғ-э, Махсум бува!.. — Аёл кўкрагига туфлади. — Мени ким деб ўйлаяпсиз?

Ибодулло Махсум аёлнинг гапларига парво қилмади, яна болага ўгирилди:

— Менга қара, Сайфи, энангни Чўнқаймишга берамизми?

Бола индамади. Пишиллаб ўтираверди. Ибодулло Махсум, ҳафсаласи пир бўлиб, ўрнидан қўзғалди.

— Боласи рози, опкетаверасан, — деди у Ҳожиқулга. — Майли, мен борай, Зубайда, қолганини икковинг гаплашиб олинглар.

— Кетманг, Махсум бува, — деди Зубайда саросимага тушиб. — Ҳали Сайфижон бир нима дегани йўқ.

— Дейишини кутиб нима қиласан, гапингдан чиқармиди!.. — Ибодулло Махсум дилтангликдан қўл силтаб, супадан тушди. — Ўргатиб қўйгандирсан?..

— Ўргатганим йўқ, ўлай агар, ўргатганим йўқ! — деди бева алами келиб. — Менга туҳмат қиляпсиз, Махсум бува!

Зубайданинг кейинги гапи Ибодулло Махсумга айилдай ботди, лекин аёл киши билан баробар бўлиб ўтиришни эп кўрмади, дардини ичига ютди.

— Мен сенга ҳукм қилолмайман, Зубайда, — деди у. — Мана ўғлинг, мана сен, икковинг ҳал қилинглар.

— Ўғлим ҳали ёш, энди ўн иккига кирди.

— Ўн иккимда мен Жомнинг даштида ўроқчилик қилардим, — деди Ибодулло Махсум. — Йўқ, менинг гапимни қўй, Зубайда, бир ҳисобда эрга текканинг ҳам маъқул.

— Махсум бува, — дея секин сўз қотди Ҳожиқул. — Сиздан муни кутмовдим, Махсум бува!..

Ибодулло Махсум унга эътибор бермади, яна болани сўроққа тутди:

— Энангни эрга берамизми, йигит? Чўнқаймишга, Ҳожиқулга, Абдураҳмоннинг ўғлига эрга берамизми? — Атай таҳқир қилиб сўради, жаҳлини чиқармоқчи бўлди: майли, сал ғазаблансин, сўкинсин, йиғласин, ишқилиб, тек ўтирмаса бўлгани...

Боладан садо чиқмади.

— Ўғлинг бўшангроқ кўринади, Зубайда, — деди Ибодулло Махсум.

Бева, кўзлари жиққа ёш, оғир бир ютиниб олди.

— Махсум бува!.. — дея ёлворди Ҳожиқул. — Махсум бува, ахир мен...

— Жим тур! — деб жеркиб ташлади Ибодулло Махсум. — Дунёда сендан бошқанинг ҳам дарди бордир!

Ҳожининг уни ўчди. Ўртага сукунат чўкди. Ҳамма жим, фақат супа четида ўтирган боланинг пишиллагани эшитилади... Сариққина, кўзлари тиниқ, лаблари юпқа, киприклари тепага қайрилган — дунёдан бехабар, бурнини кавлаб ўтирибди.

— Нима қиламиз, Сайфижон, — деб сўради Зубайда, — Махсум бувангга «хўп» деймизми?

Сўрашга сўради-ю, лекин терс жавоб олишдан чўчиб турди. Эрга тегарга ҳам, Чўнқаймишга кетарга ҳам — барисига кўнгли бор эди, лекин иззату нафс устун келди, ўғлидан изн сўради. Майли, йўқ, деб айтсин, барибир қулоқ солмайди, ўзининг билганини қилади, қайтага, ўғли рад қилгани тузукроқ, шундай қилса — ўзларигаям, Махсум буванинг, анавининг (бева Ҳожиқулнинг исмини ўйлагани ийманди) олдидаям тузук, шунда ҳеч кимса Зубайда ерда қопти, деб ўйламайди: унинг ҳам эгаси бор, ҳали булар кўп ялинади, тиз чўкиб тавалло қилади!..

— Айт, ўғлим, нима қиламиз?

Ўғил индамади. Пишиллаб ўтираверди. Аёлнинг хўрлиги келди:

— Тилинг қирқилганми, гапир! — деди.

— Қўй, Зубайда, — деди Ибодулло Махсум бу гал боланинг тарафини олиб. — Ўғлинг уяляпти.

— Мунинг ояти йўқ, Махсум бува, — деди аёл йиғламсираб. — Энасини эрга берамиз, десаям миқ этмайди. Бу нимаю бузоқ нима! Ори йўқ мунинг, Махсум бува, бўлмасам, бошқаларнинг шу қатори боласи... Ҳовлим бозор бўлди, билмадим, раҳматли қасд қилган эканми, мендан олдин кетди. Шўрим кўп экан, Махсум бува, эгасиз эчки бўлдим, илинган харидор бўпкелади... Бу гўсала миқ этмайди!

Аёл қаҳр устида ўғлига шапалоқ туширди. Бола ҳўнграб йиғлаганча, уйга қараб кетди.

— Ҳовлидан чиқиб кет! — деб қичқирди Зубайда унинг ортидан. — Қайтиб кўзимга кўринма!..

Супада учовлари қолишди. Зубайда йиғлади. Ҳожиқулнинг аҳволи бу. Ўртада Ибодулло Махсум ҳайрон, нима деярини билмайди. Аёлни юпатай деса, юпанадиган сиёғи йўқдай, озми-кўпми ўктамлиги ҳам йўқолган, шашқатор ёш тўкяпти; бу тарафда чўнқаймишлик Ҳожиқул, умидвор, кўзи тўрт, оёғи олти, оғзингдан чиқар гапни пойлайди; бир ёқда — одамгарчилик, бир ёқда — орият, тарозининг ҳар икки палласи ҳам оғир, қай тарафига номард посанги бўлишни билмайсиз; энди, ҳамма гап болада қолганда эса, бу азамат пишиллаб ўтирибди, на иссиғи бор, на совуғи, энасини эрга берганингиз билан иши йўқ, берсангиз ейди, урсангиз ўлади — турган-битгани дардисар!..

— Болани бекор хафа қилдингиз, — дея гап қотди Ҳожиқул.

Аёл индамади. Супанинг четига ўтириб, кўзини артди. Ҳожиқул Ибодулло Махсумга ўпкаланиб қаради:

— Бу ёғи нима бўлади, Махсум бува?

— Бас қил, одамнинг боласи, аҳволни кўрмайсанми! — деб жеркиди Ибодулло Махсум. — Ўзи сендаям ор йўқ, қари бўлмаса, ҳозир ҳам энангни индамай эрга бериб юборардинг!

Ҳожиқул қизариб-бўзариб ўрнидан қўзғалди. Умидини узган чоғи, дадил туриб сўради:

— Оқсоқолга нима дей?

— Айтавер, — деди Ибодулло Махсум. — Борини айт.

Ҳожиқул ғудрана-ғудрана ҳовлидан чиқиб кетди.

— Бечора умид билан келувди, яхши бўлмади-да, — деди Ибодулло Махсум. — Қуруқ оғиз кетмайин, дастурхонингни опкел.

Зубайда уйга кириб, дастурхонга нон ўраб чиқди.

— Ҳозир чой қўяман, Махсум бува, эсим қурсин, шошганимдан...

— Чойни кейин ичамиз, Зубайда. Энди сен бўлар гапни айт, Абдураҳмоннинг боласи яна келса, нима жавоб айтай?

— Бўлмас экан, Махсум бува, — деди аёл бир оз ўйланиб туриб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кейин пушаймон қилиб юрмагин...

— Йўқ, Махсум бува, ҳеч бўлмас экан. — Аёл бош чайқади, хўрсинди. — Бевалик ёмон, Махсум бува. Бировларнинг қовоғига қараб яшайман. Кулсам, эрсираб қопти, деб айтади, йиғласам, бевалигини писанда қиляпти, дейди. Чўнқаймишлик юборган аёлга бўш гапирганим рост, лекин... Чорам йўқ, чидайман. Шу битта овсаримни одам қилсам... Майли, шу ўксинмасин.

— Ўзингга жабр қиляпсан, Зубайда. Сен-ку буни ўйлайсан, лекин бу билармикан?..

— Бу билмаса, эл билар...

Ибодулло Махсум беванинг яна кўзёши қилиб қолишидан қўрқди, нондан бир тишлам ушатиб, ўрнидан турди.

Кўчага чиқиб, Ҳожиқул отини толдан ечаётганини кўрди. Бу гал Ҳожиқул, отга мининг, деб айтмади, ўзи ҳам минмади. Иккови ёнма-ён юриб, Ғуччи чолнинг қўриғига қадар бирга боришди. Ҳожиқул қаттиқ аразлаган экан, йўл бўйи чурқ этиб оғиз очмади. Қўриққа етишганда индамай отига минди.

— Сенга Галатепанинг беваси тўғри келмайди, Ҳожиқул, — деди Ибодулло Махсум. — Энди бошқа ёқдан излаб кўрасан. Ана, Жом бор, Шўрқудуқ бор, Гайбаю Сарсон, Анжирлию Ўмакай... юрт айвони кенг, ука. Агар мени сўкадиган бўлсанг, ҳозирнинг ўзида сўкиб ол, миқ этган номард! Ортимдан сўксанг ёмон, кетарингда отдан йиқиласан!..

Ҳожиқул индамади, баттар қовоқ уйиб, отига қамчи босди. Бирор эллик қадам босар-босмас, оти қаттиқ мункидию эгардан учиб кетишига сал қолди. У жиловни маҳкам тортиб, Ибодулло Махсумга ялт этиб қаради.

— Айтувдим-ку, — деди Ибодулло Махсум. — Майли, буниси ҳисобмас, нарёғига эҳтиёт бўл, йўлингда жар кўп!

Ҳожиқул ночор илжайди, лекин гап қайтаролмади, отининг жиловини чўчиб-авайлаб бўшатди...

НАЗМ



## Ҳамид Норқулов

### *Кўзлардаги дунё*

*Бу дунёни кўзларимга солиб қўйдим,*
*Қорачиғдай асрайин деб тонглар учун.*
*Юрагимда эса бўрон ҳиссин туйдим,*
*Шиддатидан йўлларимга сачрар учқун.*

*Не бўлса ҳам бу ҳаётнинг қамчисида*
*Яшашим шарт бардош билан*
*илдизлардай.*
*Йўқса дунё кўз ёшларим томчисида*
*Дув тўкилиб кетар тонгги юлдузлардай.*

### *Бу қўшиқ ёруғлик...*

*Кўчада тун кезар ёруғлик излаб,*
*Дераза ёпилган, парда осилган.*
*Ой сузар қадимий эртагин сўзлаб,*
*Юлдузлар тамғадир кўкка босилган.*

*Дераза ёпилган, парда осилган,*
*Хонада бир қўшиқ тинмай бўзлайди.*
*Оч шамол, очақол, деразани ланг.*
*Бу қўшиқ ёруғлик, кенглик излайди.*

### *Умр ранги*

*Қуёш тонг ёйидан отилган бир ўқ*
*Уфқнинг кўксини қонга ботирди.*
*Кунларнинг сафидан яна бир кун йўқ,*
*Кунлар ўз ҳисобин бир бор орттирди.*

*Шу икки орада яшар одамзод,*
*Бирини йўқотиб, топар мингини.*
*Яшамоқ — юракка берилган фурсат,*
*Курашмоқ — топишдир умр рангини.*
*Қуёш тонг ёйидан отилган бир ўқ...*

### *Ўн олтинчи республика*

*Улуғ Ватан қучоғида қайғу билмаган,*
*Ўн беш қардош республика чироғи ёниқ.*
*Лекин улар қаторида расмий бўлмаган*
*Яна битта республика борлиги аниқ.*

*У, йигирма миллионлик буюк халқ эрур,*
*Кўзларида бу Ватаннинг ғолиб сурати.*
*Зотан, бизнинг дилимизга бағишлаб*
*ғурур*
*Ўн олтинчи республика ўчмас дасхати.*



www.ziyouz.com kutubxonasi



**Абдулла Қўшбоқов**

## *Сенинг ўзинг яхши*

*Бош узра бир ҳасрат айланганида,*
*Кўзлар тўрт бўлганда, умидлар бекор*
*Ҳислар бемор бўлиб қийналганида*
*Эринчак гўзалдай келганда баҳор,*
*Ширин сўзинг яхши,*
*Сенинг ўзинг яхши.*

*Илҳом парилари айтса алвидо,*
*Шеърлар ёзилмаса,*
*Бахтим кулмаса,*
*Тошдай унутилсам дўстлар қалбида,*
*Мени ҳеч бир кимса йўқлаб келмаса,*
*Ширин сўзинг яхши,*
*Сенинг ўзинг яхши.*

*Юраклар ёнмаса, севгилар ўчиб*
*Гўё соқов бўлиб қараса кўзлар.*
*Умрим тўфон бўлса ногоҳ тош кўчиб*
*Жонга тегиб кетса ғийбат, гап, сўзлар,*
*Ширин сўзинг яхши,*
*Сенинг ўзинг яхши.*

## *Фаластинда йиғлар менинг укажоним*

*Арқон бўлиб учган қушлар, пастлаб ўтинг,*
*Қатлам-қатлам булутлардан ҳатлаб ўтинг,*
*Ватанларнинг осмонидан додлаб ўтинг,*
*Фаластинда йиғлар менинг укажоним.*

*Бўлармикин кулфатларнинг барин сўзлаб,*
*Улар бизни йиғлатдилар сизлаб-сизлаб,*
*Шаҳид кетган отажонин излаб-излаб,*
*Фаластинда йиғлар менинг укажоним.*

*Беланчакда боғланмаган орзу қолди,*
*Она ўлди, мурғак қалбнинг дарзи қолди,*
*Оқ сут учун узилмаган қарзи қолди,*
*Фаластинда йиғлар менинг укажоним.*

*Кушлар шу юрт заминига қўниб ўтсин,*
*Қуёш бунда қора-қийсин, сўниб ўтсин.*
*Дунё энди таъналарга кўниб ўтсин,*
*Фаластинда йиғлар менинг укажоним.*

*Бу оламда адолатнинг баҳоси бор,*
*Разолатнинг еб тўймаган юҳоси бор.*
*Жажжигина юракчанинг даҳоси бор,*
*Қасос истаб йиғлар менинг укажоним.*

## *Ўзбекларнинг диёрида*

*Баҳорнинг хўп эрка кулишлари бор,*
*Ойнинг ҳам нозланиб тўлишлари бор,*
*Қизларнинг бирам шўх бўлишлари бор,*
*Ўзбекларнинг диёрида.*

*Шамоллар оҳиста сабо бўлади,*
*Ҳар қўшиқ эшилиб наво бўлади,*
*Эртага бир ажиб ҳаво бўлади.*
*Ўзбекларнинг диёрида.*

*Муҳаббат дегани худо бўлади,*
*Ҳақгўйлик — энг буюк нидо бўлади,*
*Ким пасткаш — бир куни гадо бўлади,*
*Ўзбекларнинг диёрида.*

* * *

*Сен ҳамон қайтмадинг,*
*Ўтиб кетди йил,*
*Умр фақат изга айланмоқдами,*
*Армон ёғмоқдами бу қиш эзгин, зил,*
*Юрак мангу музга айланмоқдами.*

*Ёлғонлар айтаман ҳар кун кўпларга,*
*Сени қайтар дейман, кетмаган дейман*
*Қуёшим чиқади дейман кўкларга,*
*Ҳали баҳорларим ўтмаган дейман.*

*Ҳали ёзларим бор дейман, ишониб*
*Кимгадир кўп нарса ваъда қиламан.*
*Кўздан сўз очаман кўзим ёшланиб*
*Кутаман. Ўзимни адо қиламан.*

*Шунча узоқ давом этарми ҳеч қиш,*
*Зерикдим қорларнинг уйилишидан.*
*Ҳамон кўринмайсан умримнинг бўм-бўш*
*Бекатдайин совуқ муюлишида.*


www.ziyouz.com kutubxonasi



**Қамчибек Кенжа**

# *Гаров*

ҲИКОЯ

Тушликдаги ошдан кейин, аччиқ кўк чой устида гап бир тоғдан, бир боғдан ўтиб, етти гектарлик йўнғичқазорда пайдо бўлган сайроқи беданага бориб тақалди.

— Ўҳ, нимасини айтасизлар, эрталабда жоннинг ҳузури бўляпти-ю! — деди Олим сувчи ёқимли мусиқа тинглаётгандай бошини тебратиб.

— Ўзиям тезотар экан жонивор, «бит-бил-диқ», «бит-бил-диқ» деганда юрак тўкилиб-тўкилиб кетяпти-да,— деди Сотим тракторчи.

(Бу ерда ҳар томондан келадиган қурама ишчиларнинг исмига касби ё вазифасини қўшиб айтиш расм эди.)

Чойхоначи ўтирганларга бир-бир қараб, ваъдани қуюқ қилиб юборди:

— Ким ўша беданани тутиб келса, биздан бит-та ош нақд! Девзирага! Ёнида бир жуфт бўйни узун, оқ саллалигиминан! Эртагаёқ! Дам олиш куни бир маишат қилайлик.

Ёнма-ён қўйилган, чоғроқ-чоғроқ иккала сўридагиларнинг деярли ҳаммаси бу хушовоз парранда хонишига ишқибоз, лекин Темир полвонни ҳисобга олмаганда, ораларида чинакам беданавоз йўқ эди.

Темир полвон бир вақтлар, курашни ташлагандан сўнг беданавозликка астойдил киришган эди-ю, нуқул ютқизиб, даврадан мулзам бўлиб чиқавергач, охирги урушқоқ беданасини аввал темирдай панжалари орасига олиб ғижимлаган, кейин жодида қиймалаб олапарига едирган. Шу-шу, беданавозлар гурунгига ҳам, бедана бозорига ҳам яқин йўламай қўйган, ҳатто беда-зорлардан узоқроқ юради, дейишар эди. Лекин бу анча эски гаплар. Одамзоддаги ишқибозликни қўр босиши мумкин-у, бутунлай ўчиб, кулга айланиб кетиши қийин. Ҳарқалай, чойхоначи ана шу илинжда бўлса, ажабмас, бошқаларга эса бари бир — беданани ким тутиб келса ҳам ош ўртада!

Темир полвон курашга, совринга ўрганган эмасми, шартни эшитган заҳоти ичи ғимирлади, гугурт чўпи билан тиш кавлаётган бармоқлари ҳаракатдан тўхтади. Ҳамманинг нигоҳи полвонда эди: демак, кул остида чўғ бор, фақат пуфлаш керак.

Расмни Г. РАҲМОНОВА чизган



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чойхоначи олдиндан келишиб қўйгандек, дўпписини яримта кийиб, устидан кўкқарға шойи чорсини чамбарак қилиб танғиган Зулун чайирга «қани энди, кўрсат кароматингни» деган каби им қоқди.

— Ошни бугунгидан ҳам ширин қилиш, мана, биззи гарданда! — деди Зулун чайир ўнг қўли билан чап елкасига попиллатиб уpаркан, полвонга кўзларини қаттиқ қадаб.

Паловхўрларнинг аксарияти бу ерда муқим яшамайди. Яккам-дуккам дарахтлару омонат қўнқайтирилган чайлалардан иборат, дўппидайгина маҳалла аҳлининг асосий турар жойлари, ҳовлилари тўрт-беш чақирим наридаги бир-бирига қўшни колхозларда бўлиб, янги ташкил этилган совхознинг ишчи кучига муҳтож мана шу тўртинчи бўлимига улар эрта баҳордан келиб ишлашар, яхшигина даромад топишар, қовун-тарвуз, ерёнғоқ экиб, кузда ҳосилни йиғиштиргач, бир қучоқ кўч-кўронни кўтаришиб, қишлаш учун яна қишлоқларига қайтиб кетишар эди. Ўзини бир замонлардаги бойваччалардай фаҳмлаб юрадиган Зулун чайирга ўхшаганлар ҳатто мотоциклда қатнаб ишлайди.

Пахта пайкаллари ўртасидаги, чор атрофи нимойнаванд бўлим шийпони айримларга ётоғу асосан чойхона вазифасини ўтарди. Бўлимда бор-йўғи ўнтача одам ишлар, шунинг учун Қамбар ҳам «фахрий» чойхоначи эди. Лекин у азбаройи серғайрат, шинавандалигидан далага ҳам, ўз томорқасидаги ишларга ҳам улгурар, мижозларининг кўнглини олишга ҳам вақт топар эди.

Шийпондан кафтдагидай кўриниб турадиган Кетмончи маҳалласидаги саноқли туб аҳоли ҳам ана кетамиз-мана кетамиз дея рўзғори оғирлашиб қолган хонадонлар бўлиб, уларни хусусан магазин билан улов масаласи қийнар эди. Гугурт, туз учун ҳам «Коммунизм» колхозининг марказига боришга тўғри келарди. Бозорга тушиш учун ҳам ана шу колхоздан ўтадиган автобусга чиқиш керак.

Андижондай аҳоли ниҳоятда зич жойлашган вилоятда назардан қочган, совхоз марказидан ўн беш чақирим узоқдаги бу маҳаллачага электр олиб келиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмас, ишчилар кўнгил очадиган бирдан бир жой чойхонаю бирдан бир машғулот паловхўрлик эди.

Бозорга борган одам бир ҳафталик ошнинг масаллиғини ғамлаб келар, кун-кунора тушга яқин шийпон ортидаги ёлғиз қоратол тагига қўйилган темир ўчоққа ўт ёқиб юборилар эди.

Марказга чап бу оролчага раҳбарлар онда-сонда, бирон муносабат билан қадам ранжида қилишар, ташкилий ишлар билан у ёқдан-бу ёққа чопиб юрадиган бригадирнинг оғзи ҳар замонда зиғирёғи палови билан мойлаб турилар эди. Табелчи эса — чайирнинг ўзи... Қисқаси, ишчилар ўзларига хон, ўзларига бек...

Айниқса, якшанба кунлари. Ошдан сўнг бир жуфт пиёла шошилмай қўлма-қўл айланар, паловхўрлар бисотидаги бор гапни ўртага тўкиб солиб, ўзларича дунёнинг ёқасидан кириб, почасидан чиқишар, теша тегмаганроқ гап топилиб қолса, ҳамманинг жони кирар эди.

— Чойхонамизга фақат ўша «тезотар» етишмай турибди, холос, — деди эрмаксеварлардан бири.

Чорпоянинг ёғоч қуббасига суянган, қорни оқ яктагини сириб турган Темир полвон бир қўзғалиб қўйди, узатиғлиқ оёғини йиғиб, бунисини узатди.

— Қулинг ўргилсин иш бўлариди-я, нонуштани Қумринисанинг қаймоғи билан шу ерда қиларидик, — деди Сотим тракторчи, — Боғи Эрамда, пар болишларга ёнбошлаб...

— Ўзининг қаймоғиминанми, говмишинингми, — дея ўсмоқчилади чойхоначи Зулун чайирни зимдан кузатиб ўтираркан.

— Ўзиниям говмишдан қаери кам?..

— Шу, Зулунбой кейинги пайтларда ўша парининг ҳовлиси атрофида кўпроқ ўралашиб қолди-да.

— Тошболта ошиқдай, а?

— Бировнинг хасми-ҳалолига кўз олайтириш — яхшимас, — деб қўйди Темир ака.

— Эски гапларни кавлаштирмасаларинг-чи... — деди Олим сувчи адоғи кўринмайдиган, тутай бошлаган бу айтишувга барҳам бериш мақсадида. — Беданадан гапиринглар, беданадан... Жониворнинг сайраши хў-ўп бўлакча-да. Жаҳон-оламда бошқа биронта парранданинг овози уникига бас келолмас.

Зулун чайир камонни ҳамон таранг тутиб, унга янги ўқлар жойлаш билан банд эди.

— Полвон акамиззи илгариги шаҳди бўлганда-ю, ундан анча-мунча бедана-медана қочиб қутулолмасиди, — деди у бу гал Темир акага кўз қирини ташлаб.

— Полвон аканг шаҳдидан тушсаям, жаҳдидан тушмаган ҳали, Зулунбой, чучварани хом санаб ўтирмагин, — деди чойхоначи овозига мумкин қадар жиддий тус бериб.

— Жаҳдидан тушганми, йўқми — билмадим-у, шу, эмаклашга қорни мушайт қиладими, деган ҳадигим бор-да.

Кимлардир пиқирлаб қўйди.

Темир полвон букчайган гавдасини шошилмай ростлади, ўмганини кенг ёзди, кафтларини тиззаларига тираб, Зулун чайирга тикилди. Чап кўзининг ости уча бошлади.

— Қорингa тил тегизманг, Зулунбой, — деди у дона-дона қилиб, — сизга оғирини туширмайман.

Пиқирлашлар қийқириққа айланди. Нариги сўрининг бурчагида чордона қуриб ўтирган чайир сонларига шапатилаб, ҳаммадан қаттиқроқ хандон отди.

— Унда, беданани чотбосди[1] қилиб ушлайсизми, полвон ака? Эҳтиёт бўлинг-да, ишқилиб...

Кулги яна кучайди.

— У ёғини менга қўяберинг, чайир бола, опкелиб сизга тутқизсам бўлдими?

Қаҳқаҳа авжга минди.

— Э, чайир-а, отанг тенгги одам билан ҳазиллашиб, ўзингга гап тилаганингни қара-ю, — деди сувчи Олим ака мошранг қўйлагининг шимариғлик енги билан кўзларини артар экан.

— Э, ҳали шошманглар-чи... Ҳозирги беданалар жа анқовмас, полвон бувам тутиб кетсин, деб оёғини кўтариб ётмагандир... Худо билади ҳали, Темир акамиззи тўри тешилиб-нетиб қолмаганми...

Полвоннинг чап мижжаси пир-пир уча бошлади. У сержун болдирларини солинтириб сўридан тушди, ғишт қолипидай келадиган юзини чанг босиб, ичида тупроқ юқи қотган калишини тепиб-тепиб тўғрилаб кийди, ҳаворанг, лас белбоғи остидан тиришиб қолган яктаги этакларини тортиб-тортиб тузатди.

Полвоннинг ҳаракати билан баробар ўрнидан ирғиб турган Зулун чайирнинг чақчайган кўзлари безовта, олазарак эди. Ошхўрлар анграйиб қолишган.

— Менга қаранг, Зулунбой, — деди полвон боши шифтга тегай-тегай деб турган чайирга кўрсатгич бармоғини силтаб, — уриниб кўраман. Тутиб келсам, сиз ош қиласиз, тутолмасам — мен!

— Қамбар акам айтган «мўйсафид»лари ҳам бўладими? — дея сўради чайир вазият ўзи кутганчалик қалтис эмаслигидан ҳаволаниб.

— Сиз ютқизсангиз — ҳимматингиз, биласиз, мен ичмайман. Мен ютқизсам, оғзи-бурнингиздан булоқ қилиб чиқарвораман.

— Катта кетманг, полвон ака, бу сизга курашмас, чалибпалиб эплагани...

— Оғзингга қараб гапир, тирранча! Отангни қандай тупроқ ошаганини кўрганлар ҳали тирик.

Орага Олим сувчи, Қамбар чойхоначи тушди.

— Э, қизишманглар-э, кап-катта одамлар...

— Бедана — сабаб, яна бир ош еймиз-да, шунга шунчами?

— Ҳалпанаям қиловрамиз...

Темир полвон катта, вазмин қадам ташлаб эшикнинг иккинчи қанотини ҳам тарақлатиб очиб чиқиб кетди.

Даврадагилар жонланиб, қайта жойига ўтирган Зулунни ўртага олишди.

— Яхши иш бўлмади, чайирвой, сал оширвординг. Нима қилар эдинг гапга курашни тиқиштириб, — деди чойхоначи бошини ликиллатиб. — Биласанки, Темир полвон қитмирликни ёқтирмайди, биров унинг ғирром йиқитганини ҳеч кўрмаган.

— Яхшиям ташланиб қолмади, денглар, ўзиям чайирни бир уриб, анави тунука чойнагимизга қопқоқ қип қўярмиди.

— Пўла қип ташлайман!

— Ҳай-ҳай, Зулунбой, пастроқ туш, пастроқ. Болғачининг минг ургани — босқончининг бир ургани.

— Полвоннинг даври ўтган, Қамбар ака, — деди Зулун чайир бўйнини чўзганича нариги сўридагиларга ҳам бир-бир қараб. — Ҳозир тупурса, тупуги соқолига илашиб қолади.

---

[1] Ариқда оёқларни кериб ўтирганча балиқ тутиш усули.



www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яна билмадим-у, тажрибаси кўп, иннайкейин, полвонларда телба куч бўлади. Пири қўллаворса — тамом, Пирмаматиниям чирпирак қилворади.

— Бўлди, бас, турдик, — деди Олим сувчи қўлларини наридан-бери юзига тортиб. — Кун қайтди. Кечки салқинда бирпас иш қилайлик...

Эртасига чошгоҳга яқин чойхонанинг ланг очиқ эшигидан Темир полвон оқ, озода яктагининг этакларини ҳилпиллатиб, ёшига, жуссасига номуносиб енгил қадамлар билан кириб келганида ўтирганлар бир гувраниб, унинг йирик кўзларига тикилишди.

Қамбар чойхоначи илдам пешвоз чиқиб, полвонга икки қўлини узатди. Полвон бир қўлини берди. Ажабланган чойхоначи унинг чап ёнига қаради. Полвон енгини тушириб, тирсагини хиёл букиб тургани учун чап кафти, бармоқлари кўринмади, лекин нимадир борлиги аён эди: во полвон тушмагур-ей...

Полвон чап қўлини сал кўтариб, олдинга чўзди. Бармоқлари орасидан хазонранг бедананинг катта ангишвонадай боши, калтагина, суйри тумшуғи чиқиб турар эди.

— Қани, ошнинг ҳаракатига тушинг энди, йигит. Ё қарз қип турайми?

— Унчаликмас, полвон ака, биззиям отамиз ўғлим деб кўчага чиқарган! — Зулун чайир чойхоначига юзланди: — Қамбар ака, ошга майда-чуйда тайёрланг. Ҳа, олдин бир бош пиёзминан ҳалигиндан бериб қўйинг.

— Шошманглар, шошманглар, аввал тузукроқ кўрайлик, енг ичидаги беданами, чумчуқми, — дея луқма ташлади Сотим тракторчи. — Полвон акам ҳазилкашроқ...

— Э, Темир ака сиз айтган одам эмас, — деди Қамбар бурчакдаги эски, жигарранг лиқилдоқ жавоннинг ичини титкилаб шиша оларкан. — Шунча йилдан бери кўриб келяпмиз-у... Шу бугуннинг ўзидаям исботлаб қўйди.

— Тегишдик, Қамбарвой. Сал турасиз-да сиз ҳам...

— Майли, — деди полвон тракторчига қараб, — кеча, олдин Зулунбойнинг қўлига тутқазаман, деб ният қилганман, чайир ушлаб кўриб бир хумордан чиқсин, кейин бош-почаси билан сизларга, нима қилсанглар — ихтиёрларинг... — Полвон чап қўлини баландроқ кўтариб, бош ва кўрсаткич бармоқлари орасини кенгроқ очди.

Пиқиллаб кулаётганлар мўъжизани эндигина пайқагандек ўринларидан патир-путир туриб, бўйни, тўши хол-хол ёқимтой қушчага анграйиб тикилишди. Шумшайиб, митти кўзларини жовдиратиб турган бедана бу ердаги тараддуду можароларнинг барисига ўзи айбдорлигини сезиб ҳижолат бўлгандай, бошчасини ичкари тортиб, қунишиб олди.

Муносиб жавоб тополмай қизариб-бўзариб ўтирган Зулун чайир беданага эътибор ҳам қилмай, палахмонга солиб отиш учун «қиррали тошлар» излар эди.

— Полвон ака, — деди у сўзларни ниқтай-ниқтай, — ўзингизда тураверсин, муздай бедапояда ҳалаки жонга тушиб кетгандирсиз, қачон ушлайман экан, деб?

Зулуннинг қаҳқаҳасига бошқалар негадир қўшилишмади.

— Хоҳишингиз, чайирвой, биз шартни бажардик-да. Ишқивозлар кўп, мана, қўлимдан юлволай деб туришибди.

— Дарров бергингиз ҳам йўғ-ов, хуш ёқиб қопти шекилли...

— Бедана гаштидан бехабарсиз-да, Зулунбой. Буни ҳақиқий шинавандаси «бит...» деганини эшитса, хотинининг қўйнидан отилиб чиқиб кетади.

— Бедана овлайдиган одам бедана бўлиб сайраши керак, дейишарди, полвон ака, айбга буюрмайсиз, сиз хўрози бўлиб сайрадингизми, модаси бўлибми?

Гурра кулги кўтарилди, лекин полвон кулмагач, бошқалар ҳам дарҳол лаб-лунжини йиғиштирди.

— Зулунбой, бир гап келувдию, ўғлим тенгисиз...

— Келган меҳмонни қайтарманг.

Чойхоначи ҳай-ҳайлади.

— Э, қўйинглар энди. Мана, Зулунбой, бояги айтганингни чойнакка қуйиб келдим, маданий бўлсин, деб. Ҳозир шаҳардаги чойхоналарда шу урф бўпти.

Зулун чайир катта-кичик пиёлаларга арақ қуйди. Полвон қатъиян бош тортди. Чойхоначи, сувчи, тракторчи, ёш-яланг косагулни ялинтириб ўтиришмади.

Темир полвон беданани қандай тутгани, тунни қандай ўтказгани ҳақида мароқ билан ҳикоя қилишни дилига тугиб қайтган эди. Шом еб чиққан ой хира мистовоқдай бўлиб рўпарага келганида у эски қора тўнини кийиб уйдан чиқди, бедазорга кирган заҳоти ўзини ёш йигитчалардай сезиб, оламдаги ҳамма нарсани, ҳатто гаровни, чайирни ҳам унутди — шуларни айтмоқчи эди. Айниқса, бедана биқиниб ётган жойни топишга топиб, унинг жарангдор овозини бўғишга юраги чопмай, бир неча қадам берида ўмганини шилта бедага босиб, анчагача иккиланиб ётди; жонон парранданинг субҳи содиқдаги дил ўртар навосидан сел бўлиб, уни қўлдан чиқариб юборишига бир баҳя қолди — шуларни ҳам сўзлаб бермоқчи эди. Бу беҳис бандаи ғофиллар эса, лоақал кўнгил учун бир сўраб қўймайди-я...

Суҳбат совиган эди. Темир полвон билан Зулун чайир энди аскияни ҳам бир чеккага йиғиштиришган, кўзлари дам-бадам тўқнаш келиб қолганида ўзларини чалғитиш пайидан бўлишар эди.

Полвоннинг машқи анча пасайган, фақат кафтига, кафти орқали бутун вужудига ҳарорат бераётган, пахтадай илиқ, пахтадай юмшоқ, пахтадай майин, бир сиқим патдан иборат жонивор унинг руҳини кўтариб турар эди. Полвон бедананинг жажжи бошчасини тўхтовсиз, беозоргина силаб ўтирарди.

Зулун чайир гўшт-ёғ тўғраб ўтираркан, ниҳоят, полвон ака, битта таклиф бор, деб қолди.

— Хўш?

— Ютуқ — сизники. Шу беданани ошга босворсак, қалай бўларкин?

Сабзи тўғраётган Қамбар чойхоначи ўрнидан туриб кетаёзди.

— Нима деяпсан ўзи, чайир, беданани сайрашини эшитамиз деб тутдирдиг-у!.. Тўрқовоқни толга осиб қўямиз, хонишига қулоқ тутиб, қорнингни чертиб ётасан... Бир тишлам гўштни лиқ этиб ютасан, кичик тилинггаям илашмай ўтиб кетади.

— Э, буям бир қизиқчилик-да. Тўрқовоғингиз йўғ-у барибир...

— Тўрқовоқ топилмас матоми? Кечқурун Салим беданавозникига одам жўнатаман.

— Ҳозир бўлганида эди. Ё полвон акамнинг дастор[1] часидан ярим палла кесиб олақоламизми, а? — Зулун чайир шарақлаб кулиб юборди.

Ҳеч ким сезмай қолди: Темир полвон эмаклагандай олдинга чўзилдида, Зулун чайирнинг жағига зарб билан нуқиб, пишқирди:

— Ҳе, иззатини билмаган!.. Чиқимга ачишиб кетдими, «ака» деб қўй, ҳаражатни ўзим тўлайман.

Чойхона сув сепгандек бўлиб қолди. Ташқаридаги тол баргларининг сунбула шабадаси билан шивирлашаётгани баралла эшитила бошлади.

Зулун чайир гангиб, ранги оқарди, сўнг гезариб ўрнидан турди. Сўрилар ёнидаги очиқ майдон томон икки-уч қадам юриб, полвонга ўқрайди:

— Қани, туш бу ёққа, ҳе, қорнингга...

Полвон беданани Олим сувчига тутқазиб, сўридан тушди.

— Нима дейсан, хўроз?!

Полвон шундай дейишини билади, нимадир қарсиллаб, чап қулоғи шанғиллаб кетди. У жон ҳалпида Зулунга ташланди, лекин бу гал тошдай мушт орқа миясига тарсиллаб тегди.

Шундан кейингина ошхўрлар гур-р этиб ўринларидан турдида, иккига бўлиниб, бир томон Темир полвоннинг, иккинчи томон Зулун чайирнинг тирсагидан тутди.

— Ҳе, уят-э!..

— Эшитган қулоққа нима деган гап?!

— Сен ёшсан-ку, бир гапдан қолақол-да.

— Туппа-тузук одам, сизни нима жин урди, полвон ака? Ярашмаган қилиқ...

Полвон ҳам, Зулун чайир ҳам билагига осилганларни силтаб-силтаб четлатишди. Энди улар дакан хўрозлардай айлана ҳаракат қилиб, бир-бирини пойлай бошлади.

Олтмишни қоралаган полвоннинг бесўнақай жуссаси ниҳоятда салобатли, япалоқ юзлари тиниқ, тоза, фақат одатдагидан қизилроқ эди. Сўлинқирагандай кўринадиган териси ҳозир таранглашган, қорачиқларидаги ҳорғинликдан асар ҳам қолмаган эди.

Зулун қотма, ўрта бўй, кўзлари қарчиғайникидай ёниб турадиган, икки лунжи ичига ботиб, ёноқ суяклари туртиб чиққан ўттиз ёшлардаги йигит.

[1] Ошқовоқ турларидан бирининг маҳаллий номи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш ҳам, куч ҳам тенгсиз, олишув омонсиз кечадиганга ўхшар эди.

Зулун чайирнинг қўллари ҳолвачининг тешасидай калта, шунинг учун имкони борича узоқроқдан қоплондай сакраб-сакраб мушт отар, ҳар сакраганида «Ий-я-а!» деб қийқириб қўяр, сўкинар эди.

Темир полвон гапирмас, мушт теккан жойларини қашимас, фақат панжаларини чангак қилиб, ўмганини очиб, қаддини хиёл эгиб, бошини бир оз олдинга чўзганча айланар, ҳарсиллаб нафас олар, тишларини ғижирлатар эди. Кўзлари эса қип-қизил. Ёшлик билан қарилик, куч билан тажриба, чаққонлик билан залвор жанги эди бу. Томошабинлар гоҳ унисини одобга, гоҳ бунисини инсофга чақиришар эди.

— Полвон ака, ҳозирги ёшлар билан ҳазиллашманг, буларга куч билан бас келолмайсиз. Илгариги қувватингиз ҳам қолмаган.

— Ўнг кеп қолса, пириниям аямайди булар.

— Бас қил, Зулун, кечирим сўра. Полвонга отанг ҳам тан берган.

Иккисининг ҳам қулоқлари том битган эди.

Иккисининг ҳам кўзларига қон тўлган эди.

Зулун чайир ҳамон у ёқдан бу ёққа ирғиб, полвоннинг дуч келган жойига мушт туширар, тобора баландроқ овозда «Ий-я»лар, тобора болохонадор сўкишларни қалаштирар эди.

Темир полвон ғижиниб-ғижиниб, шиддат билан ташланади, лекин вазни оғирлигидан лапанглаб кетадию ўзини аранг тутиб қолади, чайир эса бу пайт аллақачон унинг орқа томонига ўтиб олган бўлади. Полвоннинг кўзларидан ёш тирқираб чиқди. (Йўқ, оғриқдан эмас, зинҳор оғриқдан эмас!..) Наҳотки исмига «полвон» қўшилгандан кейин елкаси ер искамаган, бировдан «сен» эшитмаган одам, шу тирранчадан калтак еб ўтирса! Наҳотки шу жипириқ полвоннинг номини, шаънини булғаса?! Қариганда нима кўргилик бу? Эртага ҳаммаёққа ёйилади бу гап. Эл-юрт олдида, хотини, ўғил-қизлари олдида нима деган одам бўлади? Қандай бош кўтариб юради? Қанийди бу ифлоснинг белидан тутиб олса, боши бўйи кўтариб ерга урсаю орқасидан елини чиқарворса! Ҳамма эшитса! Майли, мушт еб, ҳаммаёғи мўматалоқ бўлиб кетса ҳам, ишқилиб, бир тутиб олса — бас, шу сафар дард қолмаса, кейин армони йўқ! Ақалли қулоқ-пулоғи қўлига кирсайди!..

Уларни ажратмоқчи бўлганлар яна силтов еб, четга чиқишар эди.

— Эҳ, аттанг, ёмон бўлди, жуда ёмон бўлди, — деб бош чайқарди Олим ака.

— Соқоли оқарганда шу кўйга тушса-я, номи кетган полвон-а?— дерди Қамбар.

— Минг қилсаям, ёшлик бошқа олам-да!

— Қизиталоқ, ўзиям жуда чайир йигит-да.

— Эпчиллигини қаранглар, мушук-а, мушук!

— Отасининг аламини оладиган бўлди.

Полвон иккинчи марта пишқириб юборди, бу гал жуда қаттиқ пишқирди, шийпон ромлари зириллаб кетди — қари шернинг сўнгги ҳамла олдидаги бўкириғини эслатарди бу пишқириқ! Шапалоқнингми, муштнингми (у энди фарқига бормас эди!) зарбидан боши айланиб, кўзидан сон-саноқсиз юлдузлар учиб чиқди. «Тамом, ҳаммаси тамом, бунақа шармандаликни қон билан ҳам ювиб бўлмайди», деган фикр кечди хаёлидан. Аммо бирдан, фавқулодда тез ақли тиниқлашди: кўз олдидаги минг-минг ялтироқ заррачалар қаёққадир ғойиб бўлди, оёқлари, гавдаси енгиллашиб кетгандек туюлди. Вужудига ғойибдан куч, шижоат қуйилиб кирдими ё қони гупуриб кетдими — ортига шиддат билан айланди, айланаётганида («Ҳайт! Отам деган жойим бордир!!!») навбатдаги ҳужумга қулай вазият пойлаётган чайирнинг муштдайгина елкаси омбирсимон бармоқларига илашиб қолди! Полвон мувозанатини ростлаб олишга, рақибини ўзига тортишга сабри чидамади (балки бу ҳақда ўйлашга ҳам улгурмагандир, ўйласа ҳам қўлдан чиқариб юборишдан чўчигандир), чайирни қаттиқ силтов билан худди бир боғ маккапояни томга ирғитгандай улоқтириб юборди. Чайир учиб кетди, учаётганида бўйи чўзилиб бораётгандек кўринди, боши самовар ўрнатилган каттакон бетон плитанинг қиррасига урилди, сўнг бутун гавдаси билан пастга гурсиллаб тушди; иссиқ девор билан сўрининг оёғи орасига қисилиб қолди. Типирчилади, лекин, афтидан, ўзи тура олмаслигига кўзи етди чоғи, тезда тинчиди.

Полвон чайирнинг туришини кутиб ўтирмади ҳам, айиқдай устига ташланди, қалин, жингалак сочларидан (чайирнинг дўпписи қаёққадир учиб кетган эди) тутамлаб ўрнидан турғазди. Зулун чайир инграб юборди, унинг енглари икки ёнида қўлсиздай шалвираб, осилиб турарди. Полвон бош бармоғини Зулуннинг киндигига тўғрилаб, пучайиб ётган қорнига чангалини бургутдай ботирди. Зулун жон-жаҳди билан оғзини қимтиди, кўзларини юмди. Энгашмоқчи, қорнини ичига тортмоқчи эди, бўлмади — оёғи аллақачон ердан узилиб қолган эди.

Полвон: «Белини сўрининг қуббасига ё бетон плитанинг ўткир қиррасига солаймикан, ташқарига отаймикан, қаерга урсам, орқасидан ели чиқиб кетаркин», деб ўйлар экан, боши узра типирчилаётган чайирнинг милт-милт кўзларини кўриб қолди.

Полвоннинг юрагида нимадир ғимирлади, ҳадикми, ачинишми, қониқиш ҳиссими, ғалаба нашидасими — аниқлаш қийин эди. Йўқ, бир марта ер тишлаганни яна уриш полвоннинг — марднинг иши эмас.

Полвон қўлларини бўшатиб Зулунни ташлаб юборди. Зулун орқасига бир-икки қадам гандираклаб, ўтириб қолди.

Томошабинлар карахт қотган эди.

Полвон бош чайқай-чайқай, кенг елкалари билинар-билинмас силкинганча, қаддини ғоз тутиб, ташқарига чиқиб кетди. Орқасидан анчагача вазмин қадам товушлари эшитилиб турди.

Чойхонада анчагача жимлик ҳукмрон бўлди. Ниҳоят, Олим аканинг ясама қувноқ овози бу тинчликка чек қўйди:

— Қани, Қамбарвой, «кўнгилочар»дан ол-чи, бошқатдан бошлаймиз энди. Айтгандай, жизза нима бўлди, жизза?

— Куйиб кетибди.

— Эҳ, аттанг...



www.ziyouz.com kutubxonasi



Юсуф
Жумаев

## *1945, 9 май*

*«Бизнинг ғалабамиз!» жарангдор сўзлар,*
*«Бизнинг ғалабамиз! Бизники ахир».*
*Йўқ, бизники эмас, ширакайф дўстлар,*
*Оталаримизнинг ғалабасидир!*

*«Бизники!» ичамиз, ичмасак бўлмас,*
*Гўё бу ғалаба, бу музаффар эрк*
*Тўйчи Эрйигитдек мардларнинг эмас,*
*Юсуф Жумаевлар ғалабасидек!*

*Биз ёмон ўргандик: оталар шонин*
*Бизники деймиз-у, олқиш кутамиз.*
*Кимлардир яратган гуллар ошёнин*
*Биз бунёд этдик деб фахр этамиз!*

*Биз ёмон ўргандик: халқ қучган зафар —*
*Бизники кутамиз қарсак, шуҳрат, шон.*
*Аждод яратган боғ бераркан самар*
*Бизнинг ҳосил деймиз, номимиз боғбон!*

*Биз ёмон ўргандик, қалбимда ҳадик,*
*Баён этмак мушкул афсусларини:*
*Бизлар кашф этдик деб айтмасак эдик*
*Буюк Улуғбекнинг юлдузларини?!*

*Биз ёмон ўргандик... Оталар бикин*
*Курашсак зафари кўпдир ҳаётнинг,*
*Аждод шуҳратидан фахр этсин, лекин*
*Ғалабаси бўлсин ҳар бир авлоднинг!*

## *Шеърни...*

*Шеърни ёр деб ранги сўлганлар ёзсин*
*Кўзлари ёшларга тўлганлар ёзсин!*

*Ёзсин юрагида қўрғошин борлар*
*Жангда ўғлонлари ўлганлар ёзсин!*

*Заҳматкаш далада ҳар йили кузда,*
*Халқининг ёнида бўлганлар ёзсин!*

*Деганда ғанимлар аждодни авом,*
*Аламдан сочини юлганлар ёзсин!*

*Амунинг ўрнида жилға кўрганда,*
*Кўксини дарёдек тилганлар ёзсин!*

*Ҳайҳот, Навоийни билмайсан Юсуф,*
*Шеърни Навоийни билганлар ёзсин!*

## *Маслаҳат*

### ҲАЗИЛ

*Қасб танлангиз, касб — ризқ-рўздир!*
*Қасблар мўлдир дунёда.*
*Лекин ёшлар, менинг касбим*
*барчасидан зиёда.*
*Қамина на дарахт эккан,*
*На бир ариқ қазади.*
*Мажлисларда ўқиш учун*
*Раисга нутқ ёзади.*
*Нутқ ёзаман: нутқларимда*
*Сой бўлади сароблар,*
*Йўқ toклардан узум олиб*
*Тайёрланар шароблар.*
*Нутқ ёзаман: нутқларимда*
*Бўлур ваъдалар ялов.*
*Подаларга самоватдан*
*Ваъда этаман яйлов.*
*Сўзлар билан йўқ тоғлардан*
*Йўқ қушни учираман.*
*Чўлларни-чи, нутқларимга*
*Боғ қилиб кўчираман...*
*Қамина ҳеч билмай ҳузур*
*Тун-кун нутқлар тўқийди.*
*Уни раис минбарларда*
*Ғоз турганча ўқийди.*
*Эл қатори тинглаб мен ҳам*
*Ўрни келганда андак*
*Бошқаларга қўшилиб*
*Жўшиб чаламан қарсак.*
*Гарчи нутқни мен битарман*
*Қўзим зиёси билан.*
*Газетларда босилади*
*Раис имзоси билан.*
*Не савдолар бўлмас дейсиз*
*Бу ғаройиб дунёда.*
*Қўриб қўйинг, ёшлар, касбим*
*Барча касбдан зиёда.*



www.ziyouz.com kutubxonasi



**Раҳимжон Отаев**

# *Қалб дарчаси*

БАДИА

Биз нимага илмий иш қилмаганмиз? Қўлдан келмагани учунми? Кандидат бўламан, деб аллакимларга ялтоқланиб юришга тоқатимиз йўқ, билдингизми! Адабиётда эса, ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз туриш мумкин!»

«... — Фалсафангиз билан шуғулланаверганингиз тузукмасмиди, Ҳаким ака?»

«... — Энди, жўра-а, гапнинг очиғи, ўттиздан ошганда адабиётга тасодифан кириб қолишдан кимга наф бор? Кейин яна чиқиб кетолмасдан юрасиз!»

«... — Ўзингиздан қолар гап йўқ, адабиёт ҳам мураккаблашиб кетди. Ижодга ёшликдан малака ҳосил қилиш, қаламни чархлаш керак. Сизнинг қаламингиз...»

«... — Йўқ, қиссангизни ёмон демоқчи эмасман. Унда фикр, ҳаяжон, дард, фалсафа бор. Лекин... далиллаш, ишонтириш керак, бадиийлик деган гаплар ҳам бор. Қиссангиз бўлса, одамни ишонтирмайдиган тасодифларга тўлиб кетган».

«... — Тасодифий илҳом, тасодифан ёзилган қисса, тасодифий қадаму тасодифга тўла асар!»

«... — Қолаверса, мана, қаранг, қаҳрамонингиз ўттиздан ошиб кетибди-ю, тайинли бир иш қилолмабди. Бундай қаҳрамон...»

«... — Бир ўтиришда ёзганга ўхшайсиз».

Ҳаким нимқоронғи йўлаклардан юриб ташқарига чиқди, қаршисида ярқираб турган Ленин музейи саҳнидаги турнақатор ўриндиқлардан бирига беҳолбемажол чўкди ҳамки, қулоғининг шанғиллаши, бошининг ғувиллаши босилмади. Қулоқлари остида бир дўриллдоқ, бир ингичка овоз басма-бас янграр, улардаги заҳарханда, пичинг, ачиниш, мазах оҳанглари елкаларидан зилдай юк каби босиб, ерпарчин қилиб юборгудек бўлар эди, силласини қуритарди, аламини келтирарди.

«Тасодиф» эмиш! Нимаси тасодиф? Бошдан ўтганларию кўнгилдан кечирганларини рўй-рост ифодаласа — шу тасодиф бўладими?» «Далиллаш, ишонтириш керак»миш! Ишонтириш учун қайтадан яшаб кўрсатсинми? Яна бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

киши «ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз туриш» учун ёзувчи бўлганмиш, шу сабабли илмий иш қилмаганмиш! Ҳақиқатга юзма-юз келганида... ҳаммаси тасодиф эмиш!

Ҳа, тан олади, ўттиз тўрт йиллик умри давомида озмунча тасодифларга дуч келдими. Академик эмас, оддий бир бошланғич синф ўқитувчисининг оиласида дунёга келди — тасодифми? Тасодиф! Етти ўғилнинг («етти оға-ини ботирлар»нинг!) иккинчиси — тасодифми? Тасодиф! Бундан роппа-роса ўн саккиз йил илгари — у тўққизинчи синфни эндигина битирган пайтлар — соппа-соғ юрган отаси бехос қазо қилди. Нега, нима сабабдан ўлди? Эҳ-ҳ, қанийди билса! Билганида неча йиллардан бери бунақа изтироб чекиб юрмасди-ку! Ўша машъум онларда, минг афсуски, юз минг армонки, отасининг бошида турмаган бўлса, кўп марта эшитган, бири иккинчисини инкор этувчи гапларнинг қай бири тўғрилигини ўзи ҳам билмаса, бошқаларни қандоқ ишонтирсин?! Ахир, отангизнинг вафотини — ҳаётингиздаги шундай бир фожеани «исботу далил»ларсиз, кўнгилнинг туб-тубидан чиқариб айтолмасангиз, қанақа адабиёт бўлди ўзи бу?! Ҳе-е, «далил»ланган ёлғон-яшиқдан иборат адабиётга тасодифан кирмай қўяқолади у! Ўзларига буюрсин! Юрагида зил юк бўлиб ётган изтиробларини, илмий ишида баён этолмаган муқаддас туйғуларини очиқ-ошкор ифодалаган эди у қиссасида. Шунга шунча киноялю қочиримми?!

Эҳ-ҳ! Тўққизинчи синфнинг бошларида тасодифанми ё зарурият тақозосига кўрами қишлоқларига Зеболар кўчиб келмаганида, Ҳаким бу қиз билан бир мактабда ўқимаганида, энг ёмони — уни севиб қолмаганида бу можароларнинг ҳеч бири рўй бермасмиди. Ўшанга қадар адабиёт деганларига истеҳзо билан қарар, уни «олди-қочди гап» деб биларди! Ҳа, аввал-бошда Зебони севиб қолмаганида балки бундай довдираб юрмасмиди, бутунлай бошқача одам бўлармиди, мутлақо бошқа касб-корнинг бошини тутармиди! Математикани қанчалик яхши кўрар эди! Ўқитувчилари «Сендан зўр математик чиқади!», деб ишонтиришарди-ку!

Йўқ! Беҳуда чиранишнинг нима кераги бор? Гапнинг индаллосини айтганда, қиссанг ҳали хомдирки, қайтариб қўлингга тутқазишди. Ўттиз тўрт ёшни уриб қўйиб, ҳалиҳанузгача сендан на росмана файласуф, на тузук-қуруқ адабиётчи чиқмабдими, зў-ўр математик чиқиши ҳам даргумон эди-ёв! Тан ол-қўй-да, айб ўзингда! Ҳамма гап сенинг такаббурлигинг-у бекарорлигингда. Ўнинчи синфни битиргач, математика муаллиминг — отангнинг никоҳ жўраси ойингни базўр кўндириб, қизи қаторида сени ҳам университетнинг математика факультетига олиб келганида... киролмадинг-ку? Зўр бўлсанг, ўшанда ўқишга кирмасмидинг?!

Ҳакимнинг тасаввурида бундан ўн етти йил илгариги ўша воқеалар қайта жонланди. Қулоқлари остида муаллимининг жонкуярлик билан куйиб-пишганлари қайта янграб кетгандай бўлди: «...Бир ҳамюртимиз сенларга ёрдам беради, гаплашиб қўйдим. Ҳо-ов анови одам, яхшилаб таниб олинглар. Фақат ўшанга жавоб берасанлар. Олдидаги курсининг бўшашини кутинглар, хўп?»

Ҳаким имтиҳонга кирди, билет олиб, тайёрланиш учун ўтирди. Тасодифми ё аслида ҳам шунчалик зўр билармиди, хуллас, билетдаги саволлар ниҳоятда жўн, ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан жавоб бера оладиган даражада осон туюлди унга. Кутди-кутди, қарайдики, ҳамюртининг қаршисидаги курси ҳали-вери бўшайдиган эмас. Ҳакимнинг сабри чидамади. «Барибир ҳаммасига жавоб бера оламан-ку» деган ишонч устун келиб, юзлари қизларникидек силлиқ, ялтироқ бир ўқитувчининг олдидаги бўш курсига бориб ўтирди. Энди жавоб беришни бошлаган эди ҳамки, бояги «таниш»и ҳамкасбининг қошига келиб энгашди-да, қулоғига аста шивирлади:

— Шу болани унча қийнаманг!

Бу гапни фақат икки одам эшитди: ялтироқ ўқитувчи билан Ҳаким.

Ўшандаги хатти-ҳаракатлари, мана, неча йилларки, Ҳакимнинг дам кулгисини қистатади, дам афсуслантиради: ё шивир-шивир нафсониятига тегди, ё ўзининг зўрлигини пеш қилмоқчи бўлди, хуллас, гўё торгина имтиҳон хонасида эмас, кенг пахтазор ўртасидаги дала шийпонида ўтиргандай: «Майли, қийнаса қийнайверсин!», деди овозини баралла қўйиб. Ҳамшивирлар қизариб-бўзариб, ўзаро бир кўз уриштириб олишди. «Таниш»и индамасдан жойига бориб ўтирди. Ялтироқ ўқитувчи эса уни «талабларга мувофиқ» қийнашга киришди. Сўраб-сўраб, бир пайт олдида очиқ турган имтиҳон варақасига алланималарни ёза бошлади. Ҳаким беихтиёр ўқитувчининг билагига қўл чўзди:

— Неччи қўймоқчисиз?

— Яхши, яхши, — деди ўқитувчи унга ажабланибми, хавфсирабми, айни пайтда яққол сезилиб турувчи таҳқиромуз назар билан қарар экан. — Яхши билар экансиз, шунга лойиқ қўйяпман-да!

— «Яхши»нгиз неччи?

Ўқитувчи иккиланаётгандай унга тикилганча андак жим қолди, сўнг аста, лекин қатъий қилиб:

— Уч! — деди.

Ҳаким ўриндиққа ястаниброқ ўтирди.

— Марҳамат, қўшимча савол беринг. Мен математикадан камида тўртга биламан!

— Сездим: билар экансиз! —Ўқитувчи ижирғаниб деразага кўз тикди. Афтидан, баттар энсаси қотди. Сўнг яна унга ўгирилиб изоҳ берган бўлди: — Лекин жавобингизнинг ҳақиқий баҳоси — «уч». Сиз хафа бўлманг, факультетимизга фақат билағонлар келади. Конкурс қарийб бўлмайди. Текис уч билан ҳам бемалол кириб кетасиз...

Ўшанда ўқитувчи Ҳакимга тушунтирди, тасалли берди, мақтади — алдаб-авради, лекин имтиҳон варақасидаги «уч» баҳо «уч»лигича қолаверди. Натижа эса ўқитувчи ишонтирганидай эмас, Ҳаким хавфсираганидай бўлиб чиқди: у конкурсдан ўтолмади! Атиги бир балл етмади, холос. Аниқ эсида, Тошкентда зилзила бўлган 1966 йилнинг таҳлика-ташвишли ёзи эди. Ўнинчи ва ўн биринчи синфлар баравар битиргани учунми, ҳайтовур, бу «энг қийин ўқиш»га кириш илинжида юрганлар ҳам, мандат комиссиясига омон-эсон етиб келганлар ҳам мўлжалдагидан кўпроқ эди. Мактаб муаллимининг ўша кунги куйинишлари, Ҳакимни койий-койий аччиқ кулганлари! Ҳамманинг юзини ерга қаратгани учун Ҳакимнинг ўз ёғига ўзи қоврилганлари!

Кечки бўлимга кириб ўқишни маслаҳат беришувди, Ҳаким кўнмади:

— Ўқигандан кейин кундузи, астойдил ўқисанг-да! Кечки ҳам киройи ўқиш бўлибдими! Мен кечкида ўқимайман! — деди такаббурлиги тутиб.

Тамом! «Билағон» акам мағлуб жангчидай бошини қуйи солинтирганча қишлоққа қайтди ўшанда. Унинг бу қайтиши тасодиф бўлмаган эди! Дарвоқе, адабий ходим ҳам қиссанинг бу ерини тасодифий эмас, ҳаётий деди-я!

Ҳа, нафсиламбрини айтганда, ҳаётий бўлган эди-да ўзи. Лекин, барибир, ўшанда «йиқилиб» кетаётганига у қадар хафа бўлмади. «Бор-э, олишмаса олишмас, ўзларига қийин! — деб ўйлади у яна калондимоғлик билан. — Қайтанга яхши бўлди. Ойимнинг оғирини енгил қилиб, акам уйлангунича укаларимга қарашиб, бирор йил ишлаб тураман. Қолаверса, Зебо ҳали ўнинчида ўқияпти-ку». Кейинчалик бу қилмишини жуда кўп ўйлади. Анойилиги учун ўзини қайта-қайта сўкди. Эҳ-ҳ, ўшанда тишини тишига маҳкам босиб, жимгина ўтирганида эди, ўлдим деганда «тўрт» қўйиб беришарди-я! Эҳтимол, бу кўргиликлар бўлмасди. Ҳозир ҳам сўнгсиз бир ўкинч билан эслади. Лекин ичида бош кўтарган бошқа бир ўй уни исканжага оларди: «Тан олиш ҳам керак-да. Бу тасодифми — тасодиф! Айб ўзингдами — ўзингда!»

Кейинги йил-чи, кейинги йил? Математикасиз яшай олмайдиган одам орадан йил ўтар-ўтмай, «бир думалаб» ўзини филфакда кўрди. Зебога бағишлаб ёзган хом-хатала шеърларининг район газетасида эълон этилганини кўриб, «Э-э, мен асли шоир бўлишим керак экан!», деб ўйлагандир-да. Бўлмаса, нима бор эди унга филфакда адашиб... Ё қабулда ўша ўқитувчиларнинг кўзига яна кўринишга юзи чидамадими? «Зебо ТошМИга кетганмиш!» деган гапни эшитгач, ойисию укаларининг оёқларига бош ургудай ёлвориб, қизнинг ортидан, ишқилиб, бирор институтга кириб ўқисам — бас, деб лўкиллаб қолди-ку!

Хуллас, Ҳаким ўша йили филфакка ҳужжат топширди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди билса, мана шу иши ҳаётидаги энг катта, тузатиб бўлмас хато бўлган экан. Ўшанда у тақдирини тўғри белгиламабди, очиқдан-очиқ адашибди...

Тасодиф бўлмаса, бир йил аввал математика факультетига киролмаган Ҳакимнинг кейинги йил бир ўринга йигирма абитуриент тўғри келадиган филфакка кириб кетганига нима дейсиз? Бунга манови адабий ходимлар эмас, Ҳакимнинг ўзи ҳам ҳали-ҳанузгача ажабланади. Ким билсин, нима сабаб бўлди: «Қандай бўлмасин, Зебо билан баб-баравар ўқишга киришим керак!» деган қатъий аҳдими ё Ботир Эгамбердиевми, ишқилиб, у зилзиладан кейинги йилнинг биринчи сентябрида филология факультетидаги аудиториялардан бирида ўтирарди!

Эсида, ҳужжатларни топшириб қўйиб, консультацияларга қатнашиб юрарди. Лекцияни кўзлари ўтдай чақноқ, тўғри, андак ғайриодатий, лекин ғоят меҳрибонлик билан боқувчи ёш, ғайратчан бир ўқитувчи — Ботир Эгамбердиев ўқиган эди. Москва Давлат университетида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилиб, эндигина Тошкентга келган бу ўқитувчи ҳақидаги шов-шув гапларни Ҳаким абитуриентлигида кўп бор эшитган эди. Ўшанда — консультациялар пайтида юзлаб абитуриент Эгамбердиевнинг ҳар бир гапини жон қулоғи билан тинглаб ўтирган, фақат Ҳаким ўзи тузиб келган бир қулоч «рўйхат»идаги саволларни уст-устига қалаштириб, домлани ечилмас жумбоқларга кўмиб ташлаган эди:

«Нега ҳозирги асарларимизда ёлғон кўп? (Мисоллар...)

«Нега жаҳон адабиётининг 200 жилдлик кутубхонасига биздан фақатгина Алишер Навоий киритилган?»

«Нега ўзбек ёзувчиларидан биронтаси шу пайтга қадар Ленин мукофотига сазовор бўлолмаяпти?»

Эгамбердиев эса... мактабларидаги айрим ўқитувчиларга ўхшаб хафа бўлмас, аксинча, ҳар бир саволдан кейин алланечук ҳаяжонланиб, ёш боладай қувониб кетар эди. Сўнгги саволга жавоб бериб бўлгач, имлаб уни ўрнидан турғазди, «Кимсиз, қаердансиз, ука?», дея қизиқди, Ҳакимнинг тутила-тутила баён қилган «таржимаи ҳол»ини маъқуллагандек бош ирғаб қўйди.

Кейин иншони бир нави ёзиб чиқди — «тўрт» олди. Худди кечагидай кўз олдида турибди: оғзаки имтиҳонни ўзидан атиги беш-олти ёшгина катта бир йигит билан бир қизга топширди. Аммо-лекин уларнинг олдида роса ўсал бўлди-да ўзиям! Эҳтимолки, ўшанда илк марта бутун вужудини совуқ тер қоплаб, тубсиз жар ёқасида тургандай юраги орқасига тортиб кетди. Социалистик реализм ижодий методи ҳақидаги саволга эндигина жавоб бера бошлаган эди, қаршисидаги қотма, рангпар, бўтакўз домла унинг гапини чўрт кесиб:

— Тўхтанг, ука! Социалистик реализмнинг бешта принципи бор. Ўшаларни номма-ном айтиб беринг-чи!— дея оёқ тираб туриб олди.

— Ҳаққонийлик, партиявийлик, — дея минғирлади-ю, бошқаларини эслаёлмай каловланди. «Тамом, ишлар пачава бўлди, — дея ўйлади ўзича иситмаси чиқиб. — Яна қовун туширдим!»

Шу пайт тўсатдан (Ё тавба, шунақаси ҳам бўларкан-да!) эшикдан лоп этиб Эгамбердиев кириб келди. Рангпар йигит билан қўл беришиб, қиз билан бош ирғаб саломлашди-да, уларнинг қаватига ўтирар экан, Ҳакимга кўзи тушди. Танидими ё бировга ўхшатдими, андак тикилиб турди, сўнг рангпар йигитдан сўради:

— Қалай шу боланинг жавоби?

— Чатоғроқ...

— «Яхши» қўяверинг! — Эгамбердиев шундай деб имтиҳон варақасини домлага узатди. Аллақандай қоғозларни кўздан кечирган бўлди, нималаргадир имзо чекди ва шоша-пиша ўрнидан қўзғалди.

Ҳаким нима бўлаётганини тўла англаб етмаган ҳолда ҳаяжондан энтикиб ташқарига отилди. Чиқаверишда Эгамбердиевга тўқнаш келдию ғайри шуурий тарзда унга талпинди. Ёниб шивирлади:

— Раҳмат, ўқитувчи! Бу яхшилигингизни...

— Йўқ-йўқ, бу яхшилик эмас! Асл баҳоингизни олдингиз ука! — деди Эгамбердиев ва пилдираганча ёнидан ўтиб кетди.

Лекин барибир...

Эсида, Зебонинг ТошМИга кирганию ўзининг мандат комиссиясидан тағин ўтолмаганини баравар эшитди. Бу икки хабар бир кунга тўғри келди. Эрталаб ётоқхонада биринчисини эшитиб суюнганларию тушдан кейин иккинчисини эшитиб куйинганлари! Уч кун мобайнида «Наҳотки! Наҳотки!»лаб университет биносининг атрофида гир айланиб, девонавор кезинганлари! «Ўн уч балл-а!.. Шуям етмаса...», дея беадад изтироб оғушида одамни чилпарчин этувчи бу ҳодисадан такрор-такрор ҳайратланганлари! Хўш, буларни тасодиф эмас, деб исботлаш учун у яна нима қилсин?!

Бу ёғи-чи, бу ёғи? Мандат комиссиясидан сўнг орадан икки кун ўтиб, учинчи куни, ниҳоят, «Бўлди, тамом, ҳужжатларимни оламану кетаман!» деган аҳду қарор билан эрталабданоқ университетга келиб, аммо қайтариб олишга журъати етмай, яна ўша боғда «дардига берилиб» ўтирган эди, кифтида кимнингдир майин билакларини туйди. Илкис бош бурди. Ёнида сочлари тилларанг, одмигина, лекин ўта озода кийинган йигирма тўрт-йигирма беш ёшлардаги нотаниш қиз унга ҳамдардлик билан тикилиб ўтирарди.

— Ҳа, нима бўлди, укажон, нимага йиғлаяпсиз?

Қизнинг овози алладай ҳузурбахш эшитилди унга.

Ҳаким кўзёшларини апил-тапил артиб, оғир-оғир хўрсинганча қизга ҳаммасини гапириб берди. Негадир ёнида йигирма йилча кичрайиб қолган онаси ўтиргандай туюлиб кетди-да, тағин кўнгли юмшаб, унга илтижоли термулди.

— Қўйинг, хафа бўлманг! Йиғидан фойда чиқмайди, — деди нотаниш қиз. — Яхшиси, кириб суриштиринг, балки шу балл билан кечкигами, сиртқигами олишар?

«Ие, дарвоқе...» Ҳакимнинг кўз олди тўсатдан ёришиб, нурга тўлгандай бўлди. Нотаниш қизга раҳмат айтишни ҳам унутиб хиёбоннинг шундоқ қаршисидаги эски ғиштин бино томон талпинди. Иккинчи қаватга чиқувди ҳамки, каттакон залдаги одамларнинг ғала-ғовурини босиб янграётган ўктам товушни эшитди: репродукторда унинг фамилиясини ўқиларди. «Абитуриент Бобоев! Абитуриент Бобоев! Аби...»

Фамилияси нима учун, қаердан, нима мақсадда ўқиляпти — англамай довдираб турган эди, консультацияю имтиҳонлар вақти таниш бўлиб қолган сал олифтароқ ошнаси:

— Нима қип турибсиз? Сизни чақиришяпти-ку, киринг! — деди ва уни улкан зал ёнидаги эшикка йўллади.

Хонадаги узун ёзув столининг тўрида, беш-олти нафар ўқитувчи қуршовида ўтирган сочлари оппоқ, нуроний одам кўзойнагини олиб столга қўяр экан:

— Тортинманг, яқинроқ келаверинг, ука! — деди. Унинг кўзларида ҳорғинлик ва тийранлик балқиб турар эди. — Оилавий шароитингизни назарда тутиб, сизни ўқишга олишга қарор қилдик. Биласиз, Тошкентимиз зилзиладан сўнг қурувчиларга муҳтож. Агар қурилишда ишлаш шарти билан қабул қилсак, ўқийсизми?

Ҳаким шундай ҳолатда эдики, кечкими, сиртқими, хуллас, ўқишга қабул қилсалар — бас, қурилишда ишлаш у ёқда турсин, тоғни ҳам қўпориб ташлашга тайёр эди. Ич-ичидан бостириб келаётган севинчини сездирмаслакка тиришиб, деди:

— Бажонидил ишлайман, ишқилиб, ўқисам бўлгани!

— Унда, табриклаймиз! Шу бугундан ўзингизни студент ҳисоблайверинг!...

«Ўзингизни студент ҳисоблайверинг!..» Студент... Бу дунёда уни беҳад қувонтирган, ҳаяжонга солган, улкан бахт ваъда қилган гап шу бўлса керак! Ташқарига қушдай учиб чиққанида ҳам, нотаниш қизни қидириб топиш умидида боғ кезиб юрганида ҳам, ишга жойлашиб бўлгач, қишлоққа орзиқа-орзиқа бориб келганида ҳам бу гап унинг ҳар бир куни, соати, дақиқасини ёритиб, нурга тўлдириб турди. Нега ўша пайтда бу гапдан шунчалик қувонган эди? Ҳарқалай, студент бўлгани учунми ё Зебо билан бир шаҳарда яшаб ўқияжаклиги учунми? «Қайтанга яхши бўлди. Ҳам ишлаб, ҳам ўқийман, акамга оғирим тушмасин. Ойимга ҳам пулдан ёрдам бериб туришим керак,» деб ўйлагани учунми, — ким билади, ишқилиб ўша гап уни бениҳоя севинтирган, аммо бу тасодифми ё аслида шундай бўлиши керакмиди, деб ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Лекин кейинчалик...

Кейинчалик ҳам ишлади, ҳам ўқиди. Шундай ишлади,



www.ziyouz.com kutubxonasi

шундай ўқидики... Қўлига тушган китобни ўқиб туширмагунча, мўлжаллаган ишини битирмагунча тиним билмади. Фақат, учинчи курсда фалсафа тарихи ўқитувчисининг: «имлоси тузукроқ бир ўғил бола керак», деб қилган таклифу тавсиясига кўра илмий текшириш институтига лаборантликка ўтгачгина андак нафасини ростлади. Улкан олимлар муҳитининг таъсири бўлса керак, жисмоний ишдан ҳам, ўқишу ёзишлардан ҳам кўнгли қолгандай эди, ўзини авайлайдиган, «азиз жони»ни худа-беҳудага қийнайвермайдиган бўлиб қолди. Аниқроғи — бу ўқишу ишларда тайинли бир мақсадми, ўзига ҳамроз одамми, дил-дилдан талпинган, сиғиниб, қўмсаб, ардоқлаб-эъзозлаши мумкин бўлган ниманингдир етишмаётганини, ёнида кимнингдир йўқлигини ўшанда илк бор чуқур ҳис қилди.

«Қаҳрамонингиз, Зебо қачон турмушга чиқар экан, деб бир неча йилгача кутиб юраверибди-да? Қаранг, севган қизини қидириб борганида унинг тўйи устидан чиқармиш! Бу, ахир, ғирт тасодиф-ку!»

Тўғри, тан олади: ҳақиқатан ҳам, нима учун шундай бўлгани қиссада ёзилмаган, ҳолбуки ёзиши мумкин эди. Аслида — ҳаётда бу «тасодиф»нинг сабаблари жуда кўп эди-ку. Уларни қиссада қалаштириб ташлаш шунчалик қийинмиди?! Сабаби — унинг такаббурлигида, одамовилигида, ишу ўқишга андармон бўлиб қолганида. Ўзининг «Ҳали Зебонинг ёнига боришга эрта» қабилидаги ўйларида. Сабаби — Зебонинг ўзгарувчан табиатида, уни маҳлиё этган, шуҳрат эгаларига бой шаҳар муҳитида. Сабаби... Эҳ! Қолаверса, у қидириб бормади-ку. Бориш хаёлида ҳам йўқ эди.

Институтга лаборант бўлиб ўтгач, бир ҳафтадан сўнг пахтага жўнаб кетди. Пахтада шерикларидан ТошМИ студентлари билан бир совхозда эканларини эшитди. Шундагина, «Эҳтимол Зебо ҳам шу ердадир?», деган фикр миясига лоп этиб келдию эртасига совхоз марказига йўл олди. Тасодифан иккита студент-ҳашарчи билан ҳамсуҳбат бўлди. Тўғри, совхоз марказига бориши ҳам, суҳбати ҳам кутилмаган бир тарзда рўй берди. Табиийки, қиссада ишонарсиз чиқди. Лекин бригадирлари топшириқ билан жўнатсаю ўша болалар Зебонинг курсдошлари бўлиб чиқса, Ҳаким нима қилсин? Унга қолса, бу тасодифдан қочган, ўша мудҳиш хабарни эшитмай қуяқолган бўлар эди-ку! Қайтага, у ичмасди, ҳамманинг олдида шармандаси чиқмасди. Аммо ўшанда — Зебонинг курсдошлари билан ўтирар экан — маст бўлгунча ичгиси, ўзлигини унутгиси келди. Улардан бировининг: «Э-э, Зебоми, у пахтага келмади. Файласуф домламиз бор, академикнинг ўғли, ўзи илмий коммунизм кафедрасида ишлайди — ҳозир ўша домла билан тўйлари ўтаётгандир... Каттаконга келин бўлгач, пахтага келармиди! — деганлари, сўнг шеригига ўгирилиб: — Фамилияси Аълоёвмиди, а, Фармон?», дегани унинг юрагига наштардек санчилган эди. Нимага ҳам сўради улардан? Нимага ҳам гаплашди? Ошхонада ёнма-ён ўтириб қолганичи? Билганида... Эҳ! Ўшанда ичиб олиб, ётоқхонага ёқавайрон қайтганлари! Ҳали яхши танишиб улгурмаган ҳамётоқларига — фалсафа институти ходимларига: «Мен файласуф бўламан! Мен файласуфларнинг зўри бўламан! Мана, кўрасиз!», дея алам билан кўксига урганлари! «Қўйинг, ука, қўйинг! Шу туришингизда ҳам сиздан зўр файласуф йўқ!», деб базўр ухлатишгач, эртасига уларнинг кўзига қараёлмай юрганлари — эҳтимол, шулар тасодифдир? Ё бир неча кун ўтиб, ҳовуридан тушгач, ёнида пахта тераётган одамдан астагина: «Аълоев — ким ўзи? Танийсизми?», деб сўраганида унинг: «Э-э, Аълоевни ким танимайди, ахир, бу одам фалсафанинг отаси-ку, академиянгизга мухбир аъзо — нима, шуни ҳам билмайсизми?», дея қилган жавобими? Ёки ўшандан кейин пахтадан қайтгач, яна ўқишга муккасидан шўнғиб, ўзича «Ернинг киндигини топаман!» деган аҳду қарор билан Суқроту Афлотундан то ҳозирги кунгача «сузиб» келганлари тасодифми? «Ёлғонъяшиқ» китоблардан безиб, «Ҳаёт фалсафаси, қайдасан?», дея ҳар таътил халқ оғзаки ижоди бўйича уюштириладиган экспедициясига ёзилганларию бутун Ўзбекистонни қишлоқма-қишлоқ кезиб чиққанларими? Яна китобларга қайтиб, Тагор асарларининг очиқ саҳифаларига бош қўйганча ухлаб қолганларими? Ё... Ўзининг филология факультетини битириб, илмий коммунизмдан диплом ҳимоя қилганига ишониш қийинмикан? Йўқ, адабий ходим унақа демади, деганида диплом ишини олиб келиб, оғзига урар эди-я...

Йўқ-йўқ, аслида буларнинг ҳеч бири тасодиф эмас! Ўша ходим айтган тасодифнинг каттаси у ёқда — бутунлай бошқа нарсада эди. У аввало Шароповни назарда тутди. «Шароповнинг хатти-ҳаракатларига ишониб бўлмайди», деди!

Эсида, университетни битириб, газета-журналларда бир неча мақола чоп эттиргач, Шароповнинг ўзи унга раҳбарлик қилишга иштиёқ билдирди. Ҳаким бажонидил рози бўлди, ҳатто қулоқларига ишонмай қолди: бундан зўри бўлиши мумкинми! Йирик олим, фан доктори, институтдаги нуфузли бир сектор мудири! Ахир, шундай одамнинг шогирди бўламан, деб юрганлар озми!

Лекин... шунга ҳам, мана, ўн йил бўлди-я? Вақтнинг ўтишини қаранг. Ўшанда Ҳаким ишга жон-жаҳди билан киришди. Қоғозу китобларга кўмилиб ўқиди, ёзди... Илмий ишнинг не-не режалари, тезислари, «қисқача мазмун»лари, библиографияларини тузмади! Қанча-қанча қоғозларни қораламади! Уларни ўқитувчисининг олдига неча маротабалаб олиб кирмади, лоақал бир марта кўриб беришини сўраб қанча ёлбормади! Ҳар гал ўқитувчиси унинг шаштини қайтараверди: «Оғир бўлинг, ишингизни пухта қилаверинг, укам! Фалсафа деганлари шундай илмки, у мияда қанча пишитилса, шунча қуюқлашади. Одатда, файласуф қирққа бориб етилади», қабилидаги панд-насиҳатлардан нари ўтмади. Фақат бир марта — бундан икки йилча муқаддам, нимадандир мамнун эканми, илмий ишнинг назарий қисми баён қилинган каттакон мақола қўлёзмасини олиб кирганида «кўриб бериш»га рози бўлди. «Хайрият, — деб енгил нафас олди Ҳаким, — энди пишиб, қуюқлашди шекилли». Бир неча ойни базўр ўтказиб, ўзи чақиравермагач, қабулига кирди. Лекин раҳбари бу гал ҳам: «Анча пишиб қолибсиз, укам. Лекин ҳали маромига етмаган жойлари кўп. Ишлайверинг, укагинам, ишлайверинг. Ёзаверинг!», дея чиқариб юборди.

Орадан бирор йил ўтиб, янги нашр этилган коллектив рисолани варақлаб ўтирганида... тасодифан ўзининг ў ш а мақоласига кўзи тушди. Ҳаяжондан юраги ҳаприқиб кетди. «Наҳотки!.. Менга совға қилмоқчи бўлибдилар-да!» Шошапиша кўз югуртира бошлади. Худди ўзи! Таҳрир ҳам, қисқартиришлар ҳам йўқ ҳисоб... Тўсатдан мақола сўнггида қўйилган исм-шарифга кўзи тушди: «Самад Шаропов, фалсафа фанлари доктори». И-е, нима бу?! Босмахона хатосими ё... Йўғ-е, бундай бўлиши мумкин эмас! Наҳотки домласи?...

Ўша куни у ўзини қўйгани жой топа олмай қолди. Бир хонали уйида қафасдаги қушдай учиб-қўниб, ўтириб, ётиб, туриб, юриб узо-оқ ўйлади. Шундай олим?.. Мана, турибди-ку исботи! Энди нима қилсин Ҳаким? Нима ҳам қила оларди? «Шундай пастлик сизга лозиммиди?», дея довлашиб борсинми? Устидан шикоят ёзиб, директорнинг олдига кирсинми, бошқа жойга арзи ҳол қилсинми? Кимга боради, ўша Аълоевнинг олдигами?! Зебонинг каттако-он қайнотасига-я! Йўқ-йўқ! Бундан кўра без тергани яхши! Қолаверса, ким ҳам унга ишонарди! Ҳамма уни туҳматчи, шикоятчи, жиннига чиқариб қўяр. У киму — Шаропов ким! Қолаверса, биров айтиб берса, ўзи ҳам ишонмаган бўлармиди... Демак, борига чидайди-да!

Ўшанда — бундан уч ой муқаддам — у ўз тақдири ҳақида эҳтимолки илк марта жиддий ўйга толди: «Мен нима қилиб, кимга ишониб, кимдан нажот кутиб юрибман бу талотўп шаҳри азимда, бу ёруғ оламда?! Яккаш ўзимга, ўз кучимга ишона-ишона келиб тўхтаган жойим шу бўлдими! Қолаверса, Зебога аччиқ қилиб чиранганим билан Шароповга ўхшаган файласуф бўламанми? Мана шу Шаропов билан бир соҳанинг одами бўламанми?!»

Эртасига ариза ёздию... ишдан бўшади. Сўраганларга «Қишлоққа қайтмоқчиман, оиймнинг аҳволлари оғирроқ экан, кетишим шарт!», деган баҳонани рўкач қилди. Ишдан кетди-ю, аммо қишлоққа қайтиш хаёлида ҳам йўқ эди. Ортга қайтиш унга ор эди, шармандалик эди, нотавонлик, хўрлик билан баробар эди! Ўйлаб-ўйлаб, майли, вақтинча бўлса ҳам чекинишга тўғри келади, деган қарорда тўхтади, чекиниш лозим экан, энг тўғри йўл — ота касбига чекиниш!


www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, шаҳар чеккасидаги бир мактабга ўқитувчи бўлиб жойлашди...

Қўй энди, азизим Ҳакимбек, ўзингни бос! Ҳар кимнинг ўз ақли, ўз фалсафаси-да! Ўша икки ходим ҳам кўнглидаги гапларини айтди-қўйди. Бўзчи — билганини тўқийди, мулла — билганини ўқийди. Майли, улар нима деса — деявермайдими, тасодиф эмас, қисмат шу — сенинг қисматинг! Шу қисматни қиссага сиғдиришга уриндинг. Ҳар ҳолда, ёмон чиқмаган эди.

Ғалати дунё экан бу! Кимга — ёлғон, кимга — чин, энди ўйлаб қараса, илк бор Ҳакимнинг мурғак хотирасига ўчмас муҳр босган воқеа ҳам фавқулодда бир... тасодиф экан!

Эсида, мактабга бориш арафаси эди — айни ёз пайти — отасию амакиси билан бирга адирга ўтинга чиқишди. Учовлон тонг саҳардан шом қоронғусига қадар ёвшан чопдилар. Оқшом ёвшан дасталарини отаравага баланд «тоғ» қилиб юкладилар-да, устига ўзлари чиқиб олдилар. Ҳаким отаси билан амакисининг ёнида чалқанча ётган кўйи осмон тўла юлдузларни бахузур томоша қилиб кетаверди. Уззукун ёвшан дасталаб чарчаган эмасми, кўзлари илинди. Бир пайт уйғониб кетди. Қараса, оёғи — осмондан, араванинг орқасида салангла-аб кетяпти. Амакиси тепада унинг оёқларини жон-жаҳди билан чангаллаган, «отаси эса араванинг қоқ ўртасида тик турганча, бир қўли билан амакисини, иккинчиси билан отнинг юганини маҳкам ушлаб олган...» Уни юқорига базўр тортиб чиқаришгач, отаси билан амакиси ҳам, муқаррар фалокат даҳшатини илк бор чуқур ҳис қилган Ҳакимнинг ўзи ҳам ваҳимадан дағ-дағ титраб, араванинг устида узоқ ўтирдилар, уйга борабоpгунча бу воқеани дам куйиниб, дам кулиб шарҳлабизоҳлаб кетдилар. Отаси билан амакиси суҳбатга андармон бўлиб сезишмабди, Ҳаким хашак устидан аста-секин сирғалиб араванинг орқа томонига ўтиб қолибди. Иттифоқо, амакиси қараса, у чалқанча ётган ҳолда боши билан пастга шўнғиётган экан...

Хўш, шу воқеада ҳам тасодиф бормикан? Ҳаким нақ мияси билан тошйўлга йиқилиб, ўша болалик пайтидаёқ ўлиб кетганида — шу тасодиф бўлармиди ё амакисининг қутқариб қолгани тасодифми? Агар иккинчи ҳолни тасодиф десак, бу дунёда бола зоти қирилиб кетмасмиди?.. Аслидаку бу ерда ҳам тасодиф йўқ, ўзи, амакиси, отаси — учовлон ҳамкорликда яратган қисмат бор, холос.

Эҳ-ҳ, тасодифлар, тасодифлар! Ўша куни қиссасини ёзишга тушганида дарди-дунёсининг бунақанги тасодифий туюлишини ўйлаб ҳам кўрмабди. Беихтиёр қўлига қалам олган, юрагини ғижимлаётган кечинмаларию кечмишларини қоғозга тўккан эди, холос. Шундай қилгиси келган эди. Гўё бусиз мумкин эмас. Гўё шу билан тасалли топади. Гўё шундан бошқа йўл, усул, имкон, нажот йўқ!

«Бир ўтиришда ёзганга ўхшайсиз».

Ҳа-да! Ахир, қаламни отиб юборолмаса, ўрнидан туриб кетолмаса, нима қилсин? Ёзгани сари жумлаларнинг қуйилиб келаверганига, мана, ўшандан бери ўзи ҳам ажабланади. Гўё узоқ йиллар ёруғ оламга йўл топа олмай, вужудида занжирбанд бўлиб ётган аллақандай куч Шароповнинг олчоқлиги ё бошқа сабаб билан бирданига уйғониб кетдию унинг жисми-жонини куйдириб-ўртаб, вулқондай отилиб чиқди. Назарида, Зебони дастлаб ёқтириб қолганидан бери бетиним қидиргани энг эзгу, энг муқаддас бир ҳилқат ниҳоят топилгандай эди. Кечаю кундуз ёзиб, сўнгги нуқтани қўйгандан кейингина ўрнидан тура олди. Яхшиямки, бу гапларни ўша ходимларга айтмади, йўқса, «Лоф ҳам эви билан-да!», деб очиқдан-очиқ кулги қилишармиди! Кейинчалик котиб қизчанинг «доно маслаҳатлари» асосида машинкада оққа кўчириб чиқди, устидан имлосини кўрди. Тамом-вассалом! Қаранг-а, уни «ўзгартириш, қайта ишлаш, далиллаш» хаёлига ҳам келмабди. Сирасини айтганда, у ниманидир исботлаш мақсадида қисса ёзмади-ку, ўз дардини тўкмоқчи, кўнглини бўшатмоқчи бўлди, холос. Бир ривоятдаги одамга ўхшаб, «Искандарнинг шохи бор...» қабилидаги ичига сиғмай кетаётган гапни айтиб енгил тортмоқчи эди-да. Нима, одамнинг кечмишлари ҳақиқат-у, кечирмишлари ҳақиқат эмасми?!

«Адабиётда ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз туриш мумкин» эмиш! Очиғини айтганда, истеъдод хусусида Ҳаким баҳслашмайди-ю, лекин ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз туриш адабиётда мумкин бўлса, демак, унинг ҳозирга қадар муттасил қидиргани — адабиёт экан-да?! Ахир, у ўз қиссасида олий ҳакамлар даргоҳида айтиладиган «ҳақиқат, фақатгина ҳақиқат, ҳақиқатдан бошқа ҳеч нима»ни ёзди-ку! Энди уни қайта ишлаш керак бўлса, демак, аввало, тасодифларга тўла ҳаётини қайта ишлаши — қайта бошдан кечириши даркор эмасми?!

О, қани энди бунинг иложи топилса! Қани энди шу ўттиз тўрт йиллик умрини қайтадан яшай олса! Нима қилсин, дунё ҳисобли экан-да! Йўқса, у ҳаётини чиндан ҳам бутунлай қайта қурарди, биронта тасодифга ўрин қолдирмаган бўларди. Эҳтимолки, ўша маҳал, имтиҳон пайтида шивирлашган домлаларнинг олдида тишини тишига маҳкам босиб, жи-имгина ўтирарди-да, математикликка ўқирди. Сўнгра шу ҳисобли дунёнинг ҳисоб-китобини қиле-еб юраверарди!

Аммо... энди кеч! Қолаверса, ўша тажрибали, каттакон адабий ходим айтди-ку, «Адабиётда ҳақиқат билан шундоққина юзма-юз туриш мумкин», деб. Демак, у шунча йил яшаб, қидириб-излаб, қалбидаги ҳақиқатни эндигина топганида, нега энди бирданига бу топилдиқдан воз кечиши керак? Йўқ! Энди ортга чекинмайди, чекинолмайди! Майли, адабиётга қадами тасодифий бўлавермайдими! Унинг юраги мудом шу тарзда уриб турар экан, адабиётдан воз кечишни хаёлига ҳам келтирмайди! Бас, шундай бўлгач, у энди бундан бу ёғига, «Бўпти, қиссангизни нашр этамиз!», дейдиган бир мард одамни қидириб яшайди.

Бироқ, қани ўша одам? Кўмак истаб кимнинг олдига борсин? Ким унга оддий бир инсоний меҳр, хайриҳоҳлик, бағрикенглик билан қарай олади?!

Ўзига шу саволларни берар экан, Ҳакимнинг кўз олдида беихтиёр Ботир Эгамбердиевнинг қиёфаси гавдаланди. «Борса бўлади-ю, аммо...»

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам — университет дипломини қўлига олган куни, чўнтагида кафедрадан ёзиб олган адрес, қидира-қидира Эгамбердиевнинг ҳузурига — Қорақамиш массивининг айланма йўл билан шундоққина туташган жойида қад кўтарган беш қаватли уйга борди. Бешинчи қаватга кўтарилиб, ўпкаси оғзига тиқилганча тугмачани босди. Хайрият, домла уйида экан, эшикни ўзи очди. Саломга алик олдию, ҳадик аралаш синовчан тикилиб қолди. Ҳаким дарҳол:

— Мени танимадингизми, домла? — деди энтика-энтика. — Ҳов, эсингизда бўлса... сиз сабаб бўлиб университетга кириб қолувдим...

Эгамбердиев ҳақиқатан ҳам эсладими ё азбаройи Ҳакимнинг кўнгли учунми:

— Ҳа, бўлди, бўлди, эсладим! — деди юзлари ёришиб. — Келинг, ука?

— Мана, ҳозиргина дипломимни олдим... Раҳмат, ўшанда битта бегонага ёрдам берганингиз учун! Энди... домла, ўша яхшилигингизни қандай қайтарсам бўлади? — Ҳаким Эгамбердиевнинг оёқларига бош ургудай, унга топингудай алфозда эди ўшанда. Ҳакимнинг ҳаяжони Эгамбердиевга ҳам юқди:

— Менга шу келишингиз, шу гапларингизнинг ўзи — мукофот! — деди у эҳтирос билан. — Энди яхши бир мутахассис бўлиб, ҳаётда йўлингизни топиб кетсангиз — бас! — Сўнг тағин унга синовчан тикилди. — Айтгандай, қаерда ишлаяпсиз, ишлаяпсизми?

— Ҳа, домла, фалсафа институтидаман, — деди Ҳаким мақтанганнамо. — Илмий коммунизмдан диссертация ёзмоқчиман. Дипломим ҳам ўшандан эди...

Эгамбердиев оқара бошлаган сочларини бармоқлари билан тароқлар экан, андак ўйланиб турди-да:

— Аммо-лекин сиздан яхши ижодкор чиқиши мумкин эди, — деди гўё уни аҳдидан қайтармоқчидай. Сўнг беихтиёр кулимсираб, сўради: — Хўш, ўша абитуриентликдаги «нега-нега»ларингизга олти йил ўқиб жавоб топа олдингизми?

Ҳакимнинг кўнгли равшан тортиб, беихтиёр домлага қўшилиб жилмайди:

— Тўла-тўкис жавобни-ку тополмадим, лекин топиш ниятим қатъий!

Эгамбердиев жиддий тортиб, унинг аҳдини қўллаб-





www.ziyouz.com kutubxonasi

қувватлаган бўлди, эҳтимолки, эътироз билдиришни эп кўрмади.

— Ҳа, майли, ишингиз ўзингизга маъқул келса, бўпти-да, нима ҳам деймиз, омадингизни берсин! — деди. Сўнг Ҳакимни яна бир марта ичкари таклиф қилди. Кирмаслигига кўзи етди, шекилли, қўл бериб хайрлашар экан, астойдил тайинлади: — Бирон ёрдамим керак бўлиб қолса, ҳеч тортинмай олдимга келаверинг, бўптими, ука!

...Ўша ўқитувчига борса?.. Йўқ-йўқ! Нима деб боради? Бир пайтлар, «Сиздан яхши ижодкор чиқади!», деган эдингиз, домла, мана, файласуф чиқмагани учун тағин олдингизга келдим, дейдими?! Тамом, Ҳаким энди у одамдан кўмак истаб бормайди, боролмайди!

Хўш, бировга бориб эланиш шартми ўзи?! Эҳтимол, вақти келиб, амакиси, математика муаллими, Эгамбердиев, малласоч қиз ёхуд университет ректорига ўхшаш одамнинг ўзи лоп этиб қаршисидан чиқиб қолар?! Яхшиси, мана шу «тасодиф»ни кутади. Ўшандай одамни учратган заҳоти Ҳаким ҳеч иккиланмай, манови қиссасини унинг қўлига тутқазади!..

«И-е, қисса қани?!»

Ҳаким бирдан ўзига келди. Бутун шаҳар сокин тун оғушида эди. У бўлса хилват анҳор ёқасидаги ажриқлар устида оқарсувга термулганча ўтирарди! Мажнунтол новдалари нақ боши узра қуйилиб турганию чор атрофнинг зимистонлигиданми, даҳшатли сукунатданми ё ўзининг янада даҳшатлироқ ўйлариданми бутун вужуди жимирлашиб, юраги орқасига тортиб кетди: «Бу ерга қандай келиб қолдим?! Нима қилиб ўтирибман? Ўнгимми, тушим?»

Беихтиёр ўрнидан сапчиб турди-да, узоқда қатор тизилишган ёруғ чироқлар сари ўқдай отилди. Катта йўлга чиқиб олганидан кейингина кўнглидан ваҳима бироз ариди. Билагидаги соатни чироқ нурига тутди: чорак кам бир! Олтиларда редакциядан чиққан эди. Демак, шунча вақт бу ёқларда довдираб юрибди-да!

Бутун аъзои бадани яна жимирлашиб кетди. Қизиқ, ниманинг аломати бу?! Телбалик... Йўқ-йўқ! Хаёл билан бўлиб ўрнидан туриб кетган, юра-юра бу ёқларга келиб қолган. Тамом-вассалом! Энди уйга кетади. Уйга. Сўнгсиз ўйлар уни толиқтирди, мияси қаттиқ чарчади, холос! Туш кўраётгандек туюлаётгани, бошининг ғувиллашию маст одамдай карахтлиги — шундан. Тезроқ уйга бориб, тиниқиб ухласа, ҳаммаси ўтиб кетади...

У шоша-пиша бояги музей ёнидаги бекат томон кетар экан, шундоққина муюлишдан бўш такси чиқиб қолди.

«Тасодифми бу?.. Э-эй, жин урсин!»

Такси тўхтар-тўхтамас эшикни юлқиб очди-да, ўзини орқа ўриндиққа отди. Ҳайдовчи, «Қаёққа?», деб сўраганида эса бутун вужуди бўйлаб ҳорғин бир хотиржамлик таралди. Ўриндиққа ястанар экан, омади чопиб такси учрай қолганию мудҳиш ўйлардан чалғишга имкон топилганидан телбаларча қувониб:

— Янгиобод тарафга! — деди.

Ҳайдовчи эътироз билдирмади. Кўнгли жойига тушиб, Ҳаким бафузур дарчага кўз тикди. Меҳмонхона ёнидан ўтаётганда чап тарафдаги муҳташам бинога кўзи тушдию... «Ахир, қиссани шу ерда қолдирганман-ку!»

— Илтимос, ака, — деди шошилинчда ҳамроҳининг ўнг елкасидан қаттиқ чангаллар экан, — шундоқ чапга бурилиб, нариги кўча билан кетайлик!

Ҳайдовчи — қирқ беш ёшлардаги жуссадор, ўриндиққа базўр сиғиб ўтирган киши Ҳакимга таҳдидомуз қия қараб қўйди-да, пўнғиллаганча рулни чапга бурди.

Музей ёнидан ўтарканлар, очиқ деразадан бошини чиқариб, Ҳаким йўл-йўлакай қатор ўриндиқларга бир-бир кўз ташлаб ҳайратга тушди. «Кимнинг газагига дори бўлдийкан?! — дея ўйлади энсаси қотиб. — Уф-ф, бор-йўғи икки нусха ёзган эди-я! Қораламаларини аллақачон йиртиб ташлаган!» Ўзидан қаттиқ нафратланиб кетди. Вой-бўй! Жуда катта йўқотиш бўлибди-да! Аза тут энди шунгаям!

Музей, ўриндиқлар, чароғон майдон ортда қолди, бироқ боягидек ўй-хаёллар Ҳакимни бирпасга бўлсин тарк этмасди.

Йўқолдими — садқаи сар! Сен бировдан кўчирмагансан-ку, ўз ҳаётингдан кўчиргансан-ку?! Қайта бошдан ёзиб чиқиш қийинми? Балки шунда тасодифлардан ҳам қутуларсан? Сирасини айтганда, ўша адабий ходимлар ҳам ноҳақ эмас эди. «Ҳақиқат! Ҳақиқат!», деб дунёдаги бор-йўқ тасодифларни бир қиссага саржиндай қалаштириш шарт эмасди-да. Ҳаётда нималар бўлмайди! Ахир, адабиёт бадиий адабиёт ҳаётнинг, ҳақиқатнинг қуруқ нусхасидангина иборат эмас-ку!

Қўй энди, ошна, ўша тасодифларинниям, уларга қўшиб қиссаниям!.. Ўзингни ўйла, ахир. Ўзинг ҳам фаришта эмассан?! Ўттиз тўрт йил яшабсан, кимларгадир аччиқма-аччиқ бошингни гоҳ ўтга, гоҳ чўққа урибсан, қайларгадир интилибсан, нималарнидир исботламоқчи бўлибсан, аслида эса, аммамнинг бузоғидай лалаееб, дуч келган одамдан хайр-эҳсон кутиб юраверибсан. Ғафлатда ётганингда кимдир сени муқаррар ҳалокатдан асраб қолиши керак; кимдир сени ўқишга олиб келиши керак; кимдир «уч» ўрнига «беш» баҳо қўйдириб бериши керак; кимдир, «Йиғини бас қилиб, ўқийдиган бўлсанг — ўқимайсанми!», дейиши керак; яна кимлардир, «Эй, яш-яшанг, бор экансиз-ку!», дея илк қиссангниёқ эълон қилдириши керак. Сенингча, бошқача бўлиши мумкин эмас! Сен эса... кимларгадир аччиқма-аччиқ математикадан воз кечасан; азбаройи кимларгадир ўзингни кўз-кўзлаш учун филфакда ўқийсан; кимларгадир қасдма-қасд файласуфликни даъво қиласан; ниҳоят, ундан ҳам юз ўгириб, бу нотавон кўнглинг яна ижодни тусаб қолади! Тўсиққа учраганингда эса, ҳар гал аламзадалик билан жазавага тушасан. Булар мумкин, сенингча бемалол мумкин, а?! Сенга қолса, қадамингда бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйиб юраверсанг-у, бироқ ўзингга гард юқтиргинг келмаса! Сувдан қуруқ чиқсам дейсан-да! Адабий ходимлар қисса баҳонасида анойилигинг, нотовонлигинг устидан қаҳқаҳ уриб кулганларида, «Йўқ, унақа эмас, бунақа», деб исботлаёлмадинг, уларнинг пичингларини эшитиб, ичингдан зил кетиб ўтиравердинг-да, кейин мана бундай тентираб-улоқишга тушдинг. Охир-оқибатда адабиётдан ҳам воз кечиб, яна аллақайларга бош уришни хоҳлаб қолдинг! Қаёққа? Осмонгами?! Ўзинг-ку ўттиз тўрт йилни манови пулўлчагичдай чиқиллатиб уриб қўйиб, ҳали-ҳануз осмонда учиб юрибсан! Бу нотавон кўнглинг тағин нимани истайди?! Ўша адабий ходимлар бир нарсада ҳақ, минг карра ҳақ: «Қаҳрамонингиз ўттиздан ошиб кетибди-ю, тайинли бир иш қилолмабди. Бундай қаҳрамон...» Қаҳрамо-он! Нимаиям боплаб қўйибсанки, қаҳрамондай кўкрак керасан, ўпканг шишиб ҳовлиқасан?! Икки оёқни ерга қаттиқ тираб азот бош кўтарар пайтинг келмадими? Қачонгача икки томонингдан: липиллаб ўтиб турган манови елдирим ҳаёт — бир тарафдан, юрагингга сиғмаётган чексиз-чегарасиз туйғулар — иккинчи тарафдан оқиб ётаверади-ю, сен уларнинг қоқ ўртасида қолиб кетаверасан? Бу аҳволда наинки илк муҳаббатинг, илмий ишинг, ўн йиллик умринг, қўлёзмаларинг, қолган буд-шудингдан, тамомий ўзлигингдан ажраб қолишинг ҳам ҳеч гап эмас! Сен шарқироқ сой сатҳида қалқиб кетаётган олмага ўхшайсан; оқиб бораверасан-у, манзилинг қаёқда — ўзинг ҳам билмайсан!

Йўқ-йўқ, бас энди, тамом! Шунча йилдан бери намойишкорона юзада қалқишлар етар энди! Кимларгадир аччиқма-аччиқ жазавага тушишлару воз кечишлар, нажот истаб кимларнингдир йўлига термулишларга чек қўяди, энди! Сирасини айтганда, шу бугунга қадар у яшамади, яшаш учун ҳозирлик кўрди, холос! Энди такаббурлик, одамовилик, мўлтониликларни йиғиштириб қўйиб, ўзи ҳам киройи одамларга ўхшаб яшаши керак! Амакиси, математика муаллими, Эгамбердиевларнинг яхшиликларини қайтариб улгуриши керак эмасми, ахир?! Ахир, тузукроқ бир ўйлаб қаралса, ўттиз тўрт йиллик умри ўшандай киройи одамлардан олинган қарз-ку! Олмоқнинг бермоғи бор, ахир! Демак, у энди қиссасини қайта ёзади. Шундай ёзадики... Ана ундан кейин барча ёзганларини тўплайди-да, тўппа-тўғри... Энг муҳими, бугунгидай, умуман, шу ўттиз тўрт йиллик умрида мубтало бўлганидай, ўз ёғига ўзи қоврилиб юравермайди. Яхшиларга ёндошиб, ёмонлар билан курашиб, қалб дарчасини ҳаммага ланг очиб яшайди! Тамом-вассалом! Бугунча шуниси ҳам етар! Энди, шундоққина уйга кирадию ўзини тўшакка отади: ухлайди, мириқиб ухлайди, тонгда эса тиниқиб туради...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Геворг Эмин

**Арманистон ССР**

### *Келажакка*

*Менга сендан ўрганмоқ керак.*
*Яшамоқни ўргат келажак.*
*Бергин менга тинчимас юрак,*
*Мушкул чоғда қилгин мард эркак,*
*Курашларда — уйғоқ ва сергак*
*Бу дунёда этма хотиржам.*

*Манманликка бўлмайин ҳамдам,*
*Изламайин шон — шуҳратни ҳам.*
*Севдим! — демай — севмай чинакам,*
*Баҳор! — демай — келмасдан кўклам,*
*Етдим! — демай — қўймасдан қадам*
*Бахтиёрман! — деб қилмай садо*

*Оқни оқ дей, қарони қаро,*
*Тан берайин қилганда хато,*
*Тузатганда кутмай тасанно,*
*Тасаннодан касб этмай ҳаво*
*Ҳеч ерда ҳеч кермайин кўкрак,*
*Шуни менга ўргат, келажак!*

### *Гарсиа Лорка ҳақида шеърлар*

**1. ФАРЁД**

*Рақибларим — ул ёвуз, қаро*
*Қушларда айб йўқдир мутлақо.*
*Тангрим, қўшиқ бериб тилимга,*
*Нега қўйдинг қузғинлар аро?*

*Сен-ку мени яратдинг оққуш,*
*Зоғлар ичра ташладинг бундоқ.*
*Бегона ранг уларга нохуш,*
*Бамисоли бегона байроқ.*

*Тангрим, мени талатдинг ёмон,*
*Ҳолсиз қолдим, борлиқ таним хун.*
*Не қасдинг бор — йиқилганим он*
*Илонзорга ташладинг нечун?*

*Сенга аён ахир, парранда*
*Ҳашаротдан бўлгандир бунёд.*
*Шу боисдан зоти дарранда*
*Қанотликка кушанда, жаллод.*

*Улар асли тубандан тубан,*
*Ожиздан ҳам ожиздир, бироқ —*
*Ўша ожиз тубанлик билан*
*У манфурлар мендан кучлироқ.*

*Уларда бор ўчталаб ҳасад,*
*Наво қилмас ва парвоз қилмас.*
*Қуйиламаган, учмаган жасад*
*Ҳайиқмади, чунки йиқилмас.*

*Рақибларим — ул ёвуз қаро*
*Қумларда айб йўқдир мутлақо.*
*Тангрим, қўшиқ бериб тилимга*
*Нега қўйдинг қузғунлар аро?*

*Адо қилгач ул аҳли қузғун*
*Илонзорга ташладинг нечун?*

**2. СЎНГГИ СЎЗ**

*Юрт, сен ёлғиз тупроқ, макон эмассан,*
*Ё давлат қўшиғи, шиор ё байроқ.*
*Испания, сени она демасман,*
*Сен жаллод қўлида бўлсанг ўйинчоқ.*

*Йўқ, рози эмасман, мен учун Қайсар*
*қайсардур, ҳечқачон демасман олло.*
*Қолмасин мендан бир ном-нишон, асар*
*Бўлганимдан кўра қўғирчоқ даҳо.*

*Йўқ, рози эмасман, сиз билан ҳеч вақт*
*Баҳс қилиб масала талашмайман ҳам,*
*Сизнинг қуролингиз ғазаб ва хасад,*
*Сиз — бўри зотидан, мен эсам одам.*

*Сўз айтмоққа сизга эмасман рози*
*Чунки сўзингизда йўқдир ҳақиқат.*
*Сизнинг гапингизни эшитмоқ ўзи*
*Сиз билан баробар қилмоқ жиноят.*

*Бу заҳар ҳаводан олмасман нафас,*
*Йўқ, рози эмасман заққум фалакдан.*
*Замон ғалвирида адолат бўлмас,*
*У фарқ қилабилмас донни кепакдан.*

*Золимлар, сиз учун нақадар лаззат*
*Шу лаҳза! Жисмимни тарк этар жоним.*
*Ҳаётимга нуқта қўйдим энди, бас,*
*Бозорга солмасин ҳеч кимса шоним.*

**Русчадан таржима**



www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi



**Юрий Нагибин**

# Шоҳчорбоқ тонги

ҲИКОЯ

Хайриддин СУЛТОНОВ таржимаси

Расмни О. БОБОЖОНОВ чизган

Пушкин тонг қоронғисида, гўё етти соат ғафлат оғушида ётмагандек тиниқиб уйғонди. Уйғондию чайир, қотма вужудининг мисдай қизиб кетганини сезди. Майнинг сўнгги кунлари бўлса-да, қия очиқ деразалар эрталаблари қиров боғлайди, у эса устига юпқагина рўйжа ёпиб ётади, аммо тонггача чойшаб албатта оёғи учига сирғалиб тушиб, юм-юмалоқ «копток» бўлиб қолади... Ёз офтоби роса қиздиргандек иссиқ баданига оҳиста қўл юборди. Намхуш кафтлар билан кўкрак қафасингни, ихчам, бақувват болдирларингни ҳузур қилиб силарkансан, бу — сенинг бори-борлиғинг эканини, шу вужуднинг танҳо ҳукмдори ҳам, хизматкори ҳам ўзинг эканингни ҳис этмоқ нақадар ёқимли!

У сиртлондай чаққонлик билан сапчиб ўрнидан турди, пастак шабона жавонча устидаги сув тўла челакка сочиқни ботирди-да, баданини бошдан-оёқ қизаргунча обдан артиб чиқди. Кўйлагини кийиб, шимининг почасига оёқ суқаркан, маст уйқуда ётган лицей сукунатига аста қулоқ тутди.

Юпқа девор ортида оғир-вазмин Пушчин ётарди. У қайси ёнбоши билан ётган бўлса, шу ёнбоши билан уйғонар, бироқ ўзининг тан олиб айтишича, тушига муқаррар яланғоч қизлар кирар экан; ундан нарида Дельвиг жимгина мудрайди, у кундузлари чала ухлоқ бўлганидек, кечалари чала уйғоқ бўлади; Кюхельбекер ғаройиб «мусиқа» — хўрсиниғу ғўлдирашлар билан мизғиса, саранжомсаришта, батартиб Корф одамнинг ҳаваси келадиган даражада осойишта ухлайди; хушрўй, ёқимтой Горчаков аломат бир тарзда — тўраларга монанд «карнай-сурнай чалиб» — хурракни ванг қўйиб ором олади. Хуллас, уларнинг ҳар бири ҳозир ҳам ўзига яраша, ўз хулқ-атворию мавқе-эътиборига яраша пинакка кетган. Аммо, айни паллада бошқа нарса муҳимроқ: дарбон Леонтий бобо бугун қай даражада сархуш экан?

Чол доим турли алфозда ухларди-ю, лекин негадир, билибми-билмай, лицей талабаларининг уйқусини мазах қилаётгандек туюларди. У гоҳ кўзларини чала юмиб Дельвиг каби сассиз мудрар, гоҳ нақ Кюхлининг ўзи бўлиб пишқирганча хахолар, баъзан худди Модест Корфдек сокин ором олар, баъзан эса князь Горчаковдек ғалати-ғалати авжлар билан хуррак тортар эди. Буларнинг барчаси кун бўйи нима ичгани ва қанча ичганига боғлиқ бўларди; ичкиликнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

қувватию даражаси унинг уйқусига турлича шакл ва оҳанг бағишлар эди. Ҳозир Леонтийнинг чурқ этган ҳам товуши эшитилмасди, аммо ўзи қай аҳволда — хушёрми ёки «ҳалок бўлганми» — бир нарса дейиш қийин...

Сўнгги лаҳзада Пушкиннинг ниятидан қайтишига бир баҳя қолди. Йўқ, дарбон чолдан қўрққани учун эмас: тасодифан кўзи стол устида ётган патқалам ва ярми қораланган қоғозга тушди. Чала қолган шеър... Бу оқшом гусар ошналарига ўқиб беришни ваъда қилган эди. Аммо хаёлида Наташанинг ҳуркак, интизор сиймоси жонландию бу фикр нари чекинди.

Пушкин бошмоқларини қўлига олиб, аста эшикни очди. Хонаси йўлак адоғида бўлиб, дарбоннинг ҳужраси билан ёнма-ён эди. Ҳужра эшиги ланг очиқ, Леонтий донг қотиб ётибди. Демак, она юртнинг ўткир арағига обдан мириққан: фақат угина чолни мана шундай тош қотириб қўйишга қодир.

У бошмоқларини кийиб, йўлак этагидаги эшик томон юрди. Ҳали барвақт бўлишига қарамай, талабаларнинг аксарияти уйғониб олган. Кимдир бир маромда минғирлаб ибодат қилади, кимдир оғзини очмай хониш этмоқда — чамаси, соқол олаётган бўлса керак, яна аллаким ғўнғиллаб шеър ўқимоқда. Оҳангдор қофиялар одатдагидек Пушкиннинг диққатини жалб этди. Ҳар бир мурғак шоирчани у ўзининг қондош биродари деб биларди. Оққўнгил, олижаноб тентак Кюхлидан тортиб иқтидорли, аммо ўлгудек танбал Дельвигнинг шеърларигача, олифта Яковлевнинг хом-хатала тизмаларию силлиққина ва қирриққина Олосенька Илличевскийнинг назмбозликлари ҳам уни лоқайд қолдирмас эди.

Пушкин комил ишонч билан шунга амин эдики, ҳақ таоло башарият бешигини тебратган чоғларда одамлар ўзаро шеър орқали сўзлашганлар, зеро у инсоннинг ҳур, юксак руҳи ва сарбаланд моҳиятига ғадир-будур насрдан кўра кўпроқ мос келган. Фақат, одамзот фалакдан буткул юз ўгириб, эркин руҳнинг улуғворлигини бой бергачгина, ўз туйғу ва фикрларини насрнинг қора сўзлари билан ғўлдираб баён қилмоққа тушган. Ҳали Ҳомер замонасидаёқ, гарчи гекзаметр наср томон қўйилган илк қадам бўлса-да, кишилар нутқи шеърдан иборат эди. Момо Ҳаво билан Одам Ато жаннатдан қувилгунларига қадар наҳотки насрнинг тошдек оғир, сийқа тилида сўйлашган бўлсалар? Йўқ, уларнинг изҳори дилига, шарҳсиз муҳаббатига яккаш назмнинг қутлуғ, ўтли тили муносиб, холос! Ана ўшандан буён — ўзаро мулоқотда шеърий сеҳр қудратидан маҳрум бўлганидан буён одамлар насрий нутқнинг чағир тошли йўлларида қоқилиб-суриниб бир-бирларининг фикрларини, мурод-муддаоларини англаёлмай гаранг — инсонлараро муомала нақадар қуруқ, на бир жозиба бор, на бир шукуҳ... Аммо ҳали шундай замон келадики, одамзот яна муборак шеър билан сўйлай бошлайди ва бу ҳол оламшумул уйғунлик ибтидосига қайтиш бўлади.

Чамаси, ўтмиш аждодлар руҳига сингиб кетган шеърий садолар ғойибона бир йўллар билан ёш насллар юрагида назмга рағбат уйғотса керак. Мана, қарангки, Олосенька ҳам шу сирли садони эшитиб, қалам йўниб ижодга киришибди. Пушкин унинг эшиги олдида қадамини секинлатиб, сип-силлиқ сўзлар шалоласига диққат билан қулоқ солди. Аммо Инжил тафсирига дахлдор «шажара» сўзининг ўрмон таърифида қўлланилганини эшитиб бош чайқади. Бироқ бу ҳали ҳолва экан: бир оздан сўнг Олосенька илҳоми жўшиб: «Севгимни изҳор этаман ҳаргиз!», дея хитоб қилиб қолдию Пушкин тепа сочи тикка бўлиб нари кетди.

Кейинги хона лицей шоирлари орасидаги энг омадсиз, лоақал кўнгил учун ҳам бир кимса тан олмаган қалам соҳиби Кюхлига қарашли эди. Бошқа талабалардан фарқли ўлароқ, Пушкин Вильгельмнинг чўтир илҳом париси бахш этадиган шеърий машқларига мазах билан қарамасди. Шу боисдан ҳам ҳозир Кюхельбекернинг гўё шағал ағдаргандек қўпол, беўхшов қофияларни уйқаштириб ўтиришига таассуф билан қулоқ солиб турарди. Сўз бўтқаси ичидан бир-бирига шу қадар мос келмайдиганларини танлаб қофия қилишга уриниш учун ҳам зўр салоҳият керак. Кюхли ана шундай бесамар ишга бунчалик улкан иштиёқ ва ғайрат билан бел боғлаган экан, демак, чиндан ҳам назм маликасига қаттиқ муҳаббат қўйган. Аммо унинг бу муҳаббати... бепушт бевага жон фидо этмоқчи бўлаётган навқирон йигитнинг изтиробли севгисига ўхшайди.

Агар оҳанг ва қофияни шу қадар машаққат билан топадиган бўлсам, мен шеър тўқишдан аллақачон воз кечган бўлардим, деб ўйлади у. Ахир, ҳар қандай шеър — муаллиф қаламидан дунёга келгач, ўзининг мустақил, жонли ҳаётини бошлаши керак эмасми? Кюхли эса шуни билатуриб, ногирон сатрларни урчитиш билан овора. Тасанно, дўстим, қойилман, юрагинг ҳам тошдек метин, тошдек... ҳиссиз экан!.. Уни Клопштокка тақлид қилади, деб айблашади. Аммо ўзимизнинг аҳли назм орасида тилининг қўрғошиндай оғирлигию тўнкадай қўполлиги билан немис шоирини ярим йўлда қолдириб кетадиганлар камми? Ахир, калондимоғ Тредиаковскийдан тортиб Сумароков, Петров, Озеров сингари атанган шоирларгача, ҳатто улуғ Державин — беқиёс бадиий қудрати бемаъни, тумтароқ сўзлар ичра ғарқ бўлиб қолган Державингача нақадар ўлик, мудроқ тилда ёзганлар-а! Ҳозиргилар-чи, ҳозиргилари гўрми? Ана, гумбаздек семиз Ширинский-Шихматов: шеърлари ҳам нақ қабристоннинг ўзи — совуқ, зимистон!

Кюхли-ку майли, қирғовулдан баттар гаранг дейлик, аммо наҳотки рус элининг бошқа аҳли шуароси ҳам қулоқдан қолган бўлса?! Наҳотки улар халқ тилининг ўлмас оҳангларини эшитмаса? Мана, илҳоми ўзгалар ёққан ўтдан ёрқин аланга олгувчи мастонавор Батюшков ва Жуковскийни олайлик. Уларни бу жозиб оҳанглардан бехабар деб бўлмайди. Аммо на улар, на мўйсафид Державин, на алмисоқдан қолган Озеров рус шеърининг асл мухлислари қалбига титратма солмоққа қодир! Ким билсин, эҳтимол одамзот, шеърият тангриларнинг пурвиқор, дабдабали тили билан эмас, балки оддий инсоний нутқ билан ифода этилганида уни мутлоқ танимай қолар?

Ҳамма бало шундаки, адабиёт аввал-бошданоқ протопоп Аввакумнинг соф, содда, мардона тили йўлидан эмас, аксинча, Екклезиастнинг нўноқ тақлидчиси, жимжимадор, ўлик лисон муҳиби, чучмалзабон Даниилнинг тумтароқ нутқи ортидан кетган. Митрополит Даниил сўз қаршисида ожиз эканини ўзи ҳам яхши билган, шу боисданми, маънодош сўзларни устма-уст қалаштириб, ғаройиб бир бемаънилик яратган: «... ва инчунин, шунингдек, жамики кимарса ва нимарсаларга маломат қилғон, қабоҳат ва разолат қилғон, бўҳтон ва ёлғон қилғон, ҳамият риштасини узғон...» Шу тариқа оҳанжама сўз шалоласи қуюлаверади, қуюлаверади, аммо қани бунда маъно, қани аниқ муддао, қани инсон қалбининг севрати?! Аввакум... бу буткул ўзга олам! Бегойим Морозова ўғлидан жудо бўлганда у бахтиқаро аёлдан шундай деб ҳол сўрган экан: «Энди қай арғумоқ ёлини тараркинсан? Энди қай баҳодир изидан термиларкинсан? Энди кимнинг бошини силаркинсан? Ёлғизингнинг дийдорига энди қачон тўяркинсан?..» Бу содда, дардли сўзларни такрорлаганда кишининг кўзларидан беихтиёр ёш тирқираб кетади.

Оҳ, худойим, Наталья ҳужрасида орзиқиб кутаётган бир пайтда шу нарсалар вақт сарфлаб ўтиришга арзийдими, ахир! Боёқиш Наташа зор-интизор кутаётгандир, юраги қинидан чиққудек безовта тепаётгандир, чунки шундоқ девор ортида бекаси — Волконская хонимнинг хобхонаси. Уйқусизлик дардига мубтало бу қоқсуяк эчки ўлгудай бадгумон ҳам — мудом кўзига арвоҳлар, шарпалар, ўғрию тажовузкорлар кўринади. Бироқ, эшик-деразаларини маҳкамроқ ёпиб ухлаш ўрнига, у негадир кечалари оқ дурраю оппоқ кўйлакларини ҳилпиратганча хобхонасидан ташқарида изғиб юради — ҳойнаҳой, тасаввуридаги хатар шарпа эмас, балки қадди-қомати келишган суворий ёки навқирон аскар, лоақал сарой гўлаҳи бўлиб чиқар, деган пинҳона бир илинж уни оромдан айирса ажаб эмас...

Пушкин узун йўлакка, бўлғуси чиновниклар, ҳарбийлар, денгизчилар, шоир ва исёнчилар энсиз каравотларда ором олиб ухлаётган хоналарнинг рақамланган кулранг эшикларига яна бир назар ташлади-да, ўзи ҳам кутмаган ҳолда аста товушини чиқариб:

— Ухланглар, болакайлар! Худо паноҳида асрасин! — дея лип этиб эшик ортига ўтди.

Саройга арк ва черков ёнидан ўтган ички йўлак орқали кириб боришга қарор қилди. Аслида-ку, дарбоннинг таънаталаб қўлига «тринкгельд» қистириб ўтиб кетса ҳам бўлаверар эди-я, бироқ у ортиқча гап-сўздан кўра қоронғида қоқилиб-нетиб майиб бўлишни афзалроқ билди.

Иши ўнгидан келди: эшикни салгина итарган эди, сассиз, итоаткорона очилиб кетди... Натальянинг деразасидан у билан бирга май тонгининг тоза, намхуш шабадаси ҳам кириб келди.

Пушкин қизнинг хавотир ва ҳадик ичра каптардек типирчилаётган юрагининг дукурига қулоқ соларкан, уни тинмай эркалар, токи ўзи ёнида экан, ҳеч кимга хафа қилдириб қўймаслигини



www.ziyouz.com kutubxonasi

айтиб тинчлантиришга уринар эди. Гарчи, қўлидан тайин бир иш келмаса-да, шармандаларча саф тортиб юришдан куни кечагина қутулган лицей талабаси бўлса-да, сир бермасликка тиришар эди. Қани, бирор киши унинг маҳбубасини ранжитиб кўрсин-чи! Табиат унга ўткир тиш-тирноқ, бақувват мушту чексиз жаҳл ато этган. Бироқ ҳозир унга ҳеч ким таҳдид этаётгани йўқ, уларнинг муҳаббати ва бахтига раҳна солаётгани йўқ, шундай экан, бас, нари кетинг, нохуш хаёллар!..

— Секинроқ, Александр Сергеич, секинроқ! — деб ёлворарди Наталья. — Оҳ, Сашенька, бунақада мени адои тамом қиласиз-ку!

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўради Пушкин. — Бўлди, қўй энди! Кел, кўзларингни артиб қўяй. Нима гап ўзи, тентагим?

— Билмайман, — деди Наташа йиғидан бўғилган товуш билан. — Мендан ранжиманг. Нега йиғлаётганимни ўзим ҳам билмайман. Дийдор кўришганимиздан кўнглим тўлиб кетди, холос.

— То ўлгунча бир-биримиздан айрилмаймиз! — деб шивирлади Пушкин, гапига ўзи ҳам ишониб.

— Қўйсангиз-чи! — Наташа бегона, ғалати бир оҳангда кулиб юборди.

Кўпни кўрган одамларга хос бу кулги алланечук ёқимсиз эди — уни болалик оламига қайта улоқтириб ташлагандек бўлди. Назарида, Наташа бир зумда улғайиб, у билмайдиган жуда кўп нарсаларни биладигандек, турмушнинг паст-баланд сўқмоқларини обдан кезган соҳибтажриба аёлга айланиб қолгандек туюлди. Бу ниҳоятда қайғули, алам қиладиган даражада эзгин бир ҳол эди. Зерикиш ҳисси, Наташа нимадир муносабат биланми ёки шунчаки гап орасидами, дугонаси Маша ҳақида сўзлай бошлаганида баттар кучайди. Граф Толстойнинг хонаки театрида актриса бўлган бу қиз графнинг жияни — улан полкининг офицери билан дон олишиб юраркан. Наталья аста пичирлаб, дугонасининг «бўғоз бўлиб қолгани»ни айтди. Пушкин бахтиқаро қизнинг кулча юзи, соддадиллик билан кулимсираб турадиган лабларини ғира-шира эслади, раҳми келди, аммо шу заҳоти кўнглидаги шафқатга ижирғаниш туйғуси ҳам қўшилиб кетди.

— «Бўғоз» деганинг нимаси! У молмидики, бўғоз бўлса! Офицер уни ҳомиладор қилиб қўййибди, — деди у кескин.

— Вой, Александр Сергеич, гапингиз ҳам бор бўлсин! Биз авомлар ҳам «бўғоз» деймиз-ку, бекам ҳам шундай дейдилар. Сиз бўлсангиз...

— Ҳомиладор! — деб қичқирди Пушкин аччиқланиб. — Наҳотки қулоқдан қолган ё фаросатдан айрилган бўлсанг? Ҳомиладор — энг аниқ тушунча! «Бўғоз» дегани эса...

— Хўп, майли! — деди Наташа ранжиган оҳангда. — Менга деса, нима деб атасангиз атайверинг...

Пушкин шартта ўрнидан турди.

— Қаёққа? — деб сўради Наташа жавдираб.

— Вақт бўлди... — деди Пушкин фаромуш, хаёлчан қиёфада эшик томон юраркан.

Йўқ, уни Маша билан офицернинг қайғуси эмас, балки кўпдан буён қалби тубида йиғилиб келган, ҳозир эса вужудига бирдан титроқ берган аллақандай бир андуҳ ташвишга солган эди.

— Шошманг!.. — дея шивирлади Наташа ва лип этиб ташқарига чиқди.

Пушкин буткул паришон, ҳаракатлари алланечук ғалати, аммо ўзи буни сезмас эди. Шу лаҳзада у хаёлини тинмай безовта қилаётган ўша тутқич бермас фикрни топиши зарурлигини сезиб турарди, бироқ ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмади. Хайр, майли, жин урсин бу бетайин хаёлни! Агар чиндан-да бош қотирмоққа арзигулик бир фикр бўлса, қачондир онг-шуури қаъридан юлдуздек балқиб чиқади, арзимайдиган бўлса — шу бўйи бадар кетгани маъқул!

У аста йўлакка чиқди. Наташанинг қуёш ёғдусидан чароғон хонасидан кейин бу ер баттар қоронғи кўринарди. Қўлларини олдинга чўзганча тусмол билан қадам ташлаб бораркан, бирданига қаршисида Натальянинг сассиз шарпаси пайдо бўлди. Унинг ногаҳоний, хаёлий каби туюлган сиймоси кўнглини тўлқинлантириб, бояги совуқликни зумда эритиб юборди. Пушкин уни маҳкам бағрига босди, босди-ю, кафтлари бегона, қоқсуяк елкаларни ҳис қилган заҳоти қўрқув ичра ура қочди ва шу ондаёқ саройни бузгудек бўлиб, «Дод, ёрдам беринглар!» деган жазавали қичқириқ янгради — Волконская хоним ниҳоят ўз тажовузкорига дуч келган эди.

Пушкин лаҳмдек қоп-қоронғи, узун йўлак бўйлаб нафаси тиқилиб югурганча, бир амаллаб зинапояга етиб олди-да, икки ҳатлаб ўзини ташқарида кўрди. Деворни паналай-паналай оёқ учида юриб эсон-омон арк тагидан ўтди — бу ёғи саройнинг бошқа томони эди.

Тонг оғушида ҳайҳотдек бўлиб турган улкан асрий боғ қўйнига ҳансираб етиб келгачгина у ўзини бир оз бехатар сезди. Бу иши ҳали бошига бало бўлмаса эди. Эй бедаво қари эчки, додлаб нима қиласан, ундан кўра, адашиб сенга тегиб қолган жаннатий неъматдан баҳраманд бўлавермайсанми! Ҳойнаҳой, ҳозир бутун саройни бошига кўтараётгандир. Бетўхтов бориб Елисавета Алексеевнага арз қилса керак, у эса оқизмай-томизмай подшоҳга етказиши тайин. Сур-сур бошланиб кетса, одатдагидек, гумон яна лицей талабаларига тушади. Амаллаб чап бериб кетишнинг иложи йўқ, қолаверса, ёлғонни ҳам эплаёлмайди у.

Хилват хиёбонлар ёруғ, намчил, кимсасиз эди. Сийрак туман орасидан Чесмен минораси элас-элас кўзга чалинади. Ҳовуздан изғирин нафаси уфуради. Камерон галереясининг баланд мармар зиналари адл арғувонлар аро қиялаб тушаётган қуёш нурида ярқираб товланади. Қилт этган шамол йўқ, бироқ арғувонларнинг япроқлари гоҳ танасини, гоҳ бандини қуёшга тутиб оҳиста шитирлайди. Борлиқни ўткир, намхуш бўйлар тутган, майсалар яшил аланга бўлиб ёнади, демак, курраи замин узра баҳорнинг музаффар юриши бошлангани рост.

Хитой девор томондан булбул ноласи эшитиларди. У шунчаки нола қилмасди, полапон булбулчани сайрашга ўргатмоқда эди. Булбул навоси унинг беқиёс қудратидан далолат берарди — у сабоқ йўсинида сайраганида ҳам чексиз ҳавасга, чексиз завқу шавққа тўлиб сайрарди. Полапон булбулча эса Илличевскийни эслатарди — неки оҳанг бўлмасин, дарҳол илиб олар, моҳирлик ила пайдар-пай такрор этар, бироқ унинг навосида сирли жозиба, инсон юраги янглиғ дардли, қуш юрагига хос безовта титроқ сезилмас эди. Бу «мусиқа дарси» қаерда бўлаётган экан? Чамаси, Карамзинларнинг қўрғони ортидаги сиренлар тепасида шекилли. Булбулнинг тиниқ, шикаста ноласи балки ҳозир Катерина Андреевнанинг ҳам тонгги оромини бузгандир... Парвардигор, унга бахт-саодат ато эт, менга эса — сабр-тоқат... Сен ақлли, саводхон, тўкис эрингга мени сотдинг, унинг озода, силлиқ қўлларига сенга атаб телбаларча битган мактубимни тутқаздинг. У эса мийиғида бепарво кулимсираб қўяқолди, гўёки шу билан кифояланганидек бўлди, аммо бундан кўра юрагимга ханжар санчгани афзал эди. Сизлар менга худди шунчаки шўхлик қилган болага муомала қилгандек муносабатда бўлдиларинг. Лекин мен ёш бола эмасман. Фақат ўз шаънимни ҳимоя қилолмайман, холос, аммо биров алам ўтказса, қаттиқ кек сақлайман. Майли, мен сени авф этдим, сени деб хўрликлар тортганимга ҳам розиман, аммо уни асло кечирмайман. Сен дилимдаги дардимни англаёлмадинг, эй соҳибжамол, соҳибтажриба аёл! Майли, худонинг ҳукмига. «Эҳтимол, пайт келару мени эслаб қон йиғларсан!» «Хўб йиғларсан», — деб тузатди у фикран. — Йўқ, «қон йиғларсан», бу ерда «қон йиғларсан» тўғри». Шеърий соддалик — халқчил соддалик демакдир.

У бир лаҳза ортига ўгирилдию шу заҳоти олдидаги дарахтнинг намхуш, ғадир-будур танасига ёпишганча тош қотди. Камерон галереяси томондан теваракка ўғринча назар ташлаб, плашга бурканган баланд бўйли бир кимса келарди. Пушкин уни кафтдагидек яққол кўриб-кузатиб тураркан, бу одам император Александрнинг ўзгинаси эканини билди. Низомга хилоф тарзда — учбурчак ҳарбий шапкани қаншаригача бостириб кийганига қарамай, императорнинг оч зангори тусдаги хафақон, алдамчи кўзлари, оппоқ пахтадек ёноқлари мана мен дея ўзлигини фош этиб турарди. Пушкин гўдак чоғидан таниш бу сиймога бутун борлиғи кўз-қулоқ бўлиб, нафрат билан тикиларди.

У Александрни вужуд-вужуди билан ёмон кўрарди. Либерал монарх ниқобидаги бу плац-майорни, Европадаги энг муғамбир кимса бўлмиш бу чучмал падаркушни у мунофиқлигию олифталиги учун, мудом омадиёрлигию нодонлиги учун интиҳосиз нафрат ила ёмон кўрарди.

Ҳукмдорнинг хатти-ҳаракатлари қандайдир ғалатироқ эди — унинг ўзини танитмоқчи эмаслиги шундоққина сезилиб турарди. Аммо бу уринишнинг зўрма-зўракилиги таажжубли ҳол эди. Агар у чиндан ҳам ўзини танитиш ниятида бўлмаса, плашга шундай ўраниб олиши мумкин эдики, юзма-юз турган



www.ziyouz.com kutubxonasi

киши ҳам таниёлмасди, ёинки бошига ўтган-кетганнинг диққатини беихтиёр тортадиган учбурчак шапка эмас, оддийгина гусарча қалпоқ кийиб олган бўлур эди. Қолаверса, дарахтлар оралаб, ичкарироқдан сездирмайгина ўтиб кетиши ҳам мумкин эди. Унда... нега у ҳар қадамда тўхтайди, гўё хавотир олаётгандек, хижолат чекаётгандек атрофга ҳадик ва айни пайтда виқор билан боқади? Ахир, Шоҳчорбоқда фақат лицей талабаларигина эмас, сарой хизматчилари ва навбатчи офицерлар ҳам юришини, гусар ва уланлар худди ўз уйидек бемалол кезишини, ҳатто хилват хиёбонлар қўйнида хонимчалар, актрисалар ва оқсочлар, шаҳарлик амалдорларнинг қизлари ҳамда уларнинг муҳтарама рафиқалари билан висол онлари ўтказишларини император жуда яхши билади-ку! Бас, шундай экан, унинг бу тахлит сохта бекинмачоқ ўйини сариқ чақага ҳам арзимайди. Аслида, бекиниш унинг хоби-хаёлида ҳам йўқ. Ҳамиша, ҳамма ишда устаси фаранг ҳукмдор бу сафар ҳам мўлжални узоқ олган эди: ҳозир уни кимдир шу ҳолатда кўрсаю эртасига сершавқ император янги ишқий савдо бошлагани ҳақидаги миш-миш қулоқларини қиздирса!...

Пушкин Александрни висолга ошиқаётган жазман қиёфасида кўрганини ҳеч кимга айтмасликка аҳд қилди. Менинг қасосим шу бўлади. Қалбаки сохт-сумбатинг ғазаб денгизим ичра ғарқ этилади. Энди обер-ғийбатчи врачинг Вилье қулоғингга хуш ёқадиган миш-мишни ҳеч қачон шипшиб олмайди. Дарвоқе, нима учун подшоҳ хонадонида «врач истифода этади», деб гапирадилар? Ахир, врач қандай қилиб, нимани истифода этади?! Врач даволайди, жаноблар, асло истифода этмайди! Боя Натальянинг ҳузурида пайдо бўлган ғашлик боиси энди аён бўлди: бепоён рус давлатининг пойтахтида оқсоч чўридан тортиб подшоҳгача, лицей ҳаваскоридан тортиб юртнинг булбулзабон шоиригача — ҳеч бири рус тилини билмайди, бари бефаҳмлик, шафқатсизлик, беҳаёлик билан уни таҳқирлайди, булғайди, тупроққа қоради... Бироқ неча қирғин-қатағонлардан кейин ҳам тил барибир ўлмабди, соф, табиий рус тили ҳаётнинг улуғ наҳрларидан баҳра олиб, халқ дилидан руҳ олиб, ўзлигини, асл сарчашмалари тароватини сақлай билибди...

Пушкин залворли қадамлар билан тез-тез юриб борди-да, кўл ёқасидаги тор сўқмоққа етгач, югура кетди. Қалин, намхуш ўт-ўлан тиззаларига урилар, бошмоқлари, почаларига тонгги шабнам томчилари сачрар эди.

Қуёш оламни мунаввар ёғдуга чулғаганча тобора юксакка кўтарилиб борар, бироқ арғувонзорнинг захкаш салқини ҳамон баданни жунжиктирар эди. Офтоб нури тушган ҳар бир япроқ, ҳар бир гиёҳда шу заҳоти буюк мўъжиза рўй берарди — ранглар, жилоларнинг бу қадар нозик, бу қадар сеҳрли товланишларини Пушкин умрида биринчи марта кўрмоқда эди. Бир неча лаҳза ичида ўт-ўланлар, гул-чечаклар баргидан шудринг кўтарилиб кетди; қолган битта-яримта томчилар тонгги қуёш ёғдусида олмосдек ярқираб кўзни оларди. Туман аста-секин тарқаб, Чесмен минорасининг кўкка санчилган занжирбанд, найзадор қуббалари бор гўзаллиги ва улуғворлиги ила намоён бўлди. Пушкин, тун билан тонг висолининг ҳаяжонли дамларини кўнгли интиҳосиз шодлик ва ҳайратга тўлиб кузатаркан, ногоҳ оёқларидан мадор қочиб бораётганини, қовоқлари гўё қўрғошин осиб қўйилгандек оғирлашиб кетаётганини ҳис этди. Бутун вужудини босиб келган чарчоқ зўрига дош беролмай, азамат бир қайин тагига таппа ташладию шу ондаёқ ширин уйқуга кетди.

У баъзан, оҳиста бўшашиб бораётган шуурида ҳузурбахш ҳордиқ лаззатини туйган кўйи худди шу тахлит бирпасда ухлаб қолар, бироқ ҳали ҳеч қачон бу янглиғ сокин ором олмаган эди. Яна ўша илк ибтидога — ҳаётининг ҳимояга зор, норасида, ҳур ва беғам палласига қайтгандек эди гўё. У умрида ҳали ҳеч қачон ўзидан ҳам, ўзгалардан ҳам бу қадар хилватнишин бўлмаган, Шоҳчорбоқ узра отиб келаётган шу фусункор тонг оғушида танҳоликдан бунчалар фароғат туймаган эди...

Шунда уни асир олдилар.

Ҳибсчилар на қоровул, на сарой хизматчилари, на саҳархез ўткинчилар эди.

Уни банди этган — дарахтлар эди. Улар уни тўрт томондан қуршаб олдилар-да, япроқлари шивирлаб, шохлари шитирлаганча илтижо билан ёлвора бошладилар: «Бизга ном ато эт, бизга исм қўйиб бер...» «Ахир, сизларнинг номларинг борку?», дея ҳайрон бўлди у уйқусида. «Йўқ! Йўқ! — дея фарёд чекарди дарахтлар. — Бизнинг номларимиз унутилган...» «Мен қайрағочман, Пушкин, шунчаки дарахт эмасман...» «Мен — қайинман!..» «Мен — арғувон!..» «Мен — қарағай!..»

Дарахтларнинг ғамгин, мулойим товушига энди кўника бошлаганида чексиз ялангликда яшил тўлқин уриб ётган майсалар оҳиста тилга кирди: «Биз ҳам ҳануз беном юрибмиз, Пушкин, бизни ҳам унутма! Биз шунчаки ўт-ўлан эмас, ҳар биримизнинг ўз жонимиз, ўз номимиз бор!» Ва шундан сўнг бирданига ярқираб гул-чечакларнинг ранго-ранг рақси бошланди, теварак ҳашароту паррандаларнинг турфа товушларига тўлиб кетди. Қандайдир баҳайбат қора қуш кўзларини ола-кула қилганча тинимсиз қағилларди: «Мен — қарғаман, қарға, мен қузғун эмасман, мен — қарғаман, қарға!» Шох-шаббаю ўт-ўланлар орасидан хилма-хил жонивору даррандаларнинг тумшуқлари кўзга чалинарди. Уларнинг ҳар бири ўзига ном сўрарди, ўз табиати, шаъни ва моҳиятига монанд исм билан аталишини талаб қиларди. Боягина осуда жимирлаб турган ҳовуз ҳам энди ўзига муносиб исм сўраб, қирғоққа бош урганча ёлворарди, ҳатто сийрак кулранг булутлару кўҳна қуёш ҳам асл номини сўраётгандек осмони фалакдан умидвор термиларди. Кейин... уларнинг барчаси аралаш-қуралаш бўлиб, жўровоз бўлиб шундай ғалати манзара касб этдики, Пушкин беихтиёр «Тўхтанглар!.. Шафқат қилинглар!», дея қичқириб юбораёзди. Фақатгина тирик мавжудотлар эмас, балки дарди йўқ, ишқдан мосуво, бефаҳм кимсалар томонидан топталган сўзлар ҳам ўзларининг асл маъносини, бегона оҳанглару сийқа лафзлар билан булғанмаган ранг ва тароватини қайтариб беришни талаб этганча унинг мурғак онги қопқаларини заиф бир исён ила бетўхтов қоқардилар. Ва уларнинг барчаси бу ақл бовар этмас улкан вазифа мана шу ухлаб ётган боланинг қўлидан келишига ишонар эди.

У туйқус сесканиб кўзларини очди. Мижжалари нам эди. Енги билан кўзларини артаркан, тўсатдан йиғлаб юборди. Нега, не сабабдан? Тақдир унга тайин этган қисмат юкидан воқиф бўлгани учунми? Бу юк унинг ўсмир елкаларига оғирлик қилмасмикан? Ахир, ҳали унинг барча қатори беғам-бехавотир яшагиси, Натальяни бир умр севгиси, Карамзинага дилдан таъзим айлаб ўтгиси келарди; у ҳали яна кўплаб шўх ва қалтис шеърлар ёзмоқни, эски жўраларига мурувват билан, янги дўстларига ҳайрат билан улфат бўлмоқни, ҳар қандай баҳсларда мудом зафар қозонмоқни истайди. Аммо, нега энди бунинг ўрнига у жамики сўзфурушлар гуноҳини бўйнига олиши, борлиқ мавжудотга ном топиб бера олмаган фаросатсиз сафсатабозлар жабрини тортиши керак? Ёраб, нега энди ўзгалар гуноҳи учун у жавоб бермоғи лозим? Сўзни асл маъноси билан яккалам қилмоқ, бетартиб товушлар олами ичра нарса-ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини топмоқ, турлитуман келгиндилар, рўдапо руҳонийлар, немис профессорлари истаганча бузиб, буткул абгор қилган адабий тилга янги руҳ, янги ҳаёт бағишламоқ — наҳотки буларнинг барчаси бир одамнинг қўлидан келса?!

У ўксиганча тўлиб-тўлиқиб йиғларди. Чунки энди болалик тугаган эди. Лицей биносининг тўртинчи қаватидаги дим хоналарда маза қилиб ухлаётган навқирон шуҳратпараст ва хаёлпарастлар, бўлғуси шоир ва донишмандлар, соддамуғамбирлар ҳамон болалик оғушида; қисмат ёлғиз унигина шу машаққатли меҳнатга сайлаб олган эди. Натальянинг каталакдек ҳужрасида уни илк бор бағрига босганида болалик тугади, деб ўйлаган, бироқ унда руҳи эркин қолаверган эди. У пайт дилида масъуллик ҳисси йўқ эди: фақат шу туйғугина инсоннинг чинакам балоғатидан далолат беради. Энди, бундан буён нимаики қилмасин, қанчалик зўр бериб уринмасин, тақдир ато этган қисмат юкидан барибир қочиб қутулолмайди. Энди тамакининг аччиқ тутунида ҳам, шаробнинг кўпириб тошган мавжларида ҳам, аёл лабларининг беқиёс лаззатида ҳам доимо шу туйғу — кимнинг ҳузурида, қачон зиммага олингани номаълум ўша мажбурият туйғусининг юки босиб туради...

Пушкиннинг энг яқин ёр-дўстларигина эмас, уни базму томошаларда, шўх-шан давраларда, сайру саёҳатларда четдан кузатадиган кишилар ҳам шоирда ғалати бир одат пайдо бўлганини пайқадилар: у тўсатдан жимгина ғойиб бўлиб қолар, излаб борилганда эса, тирик жон овози етмайдиган овлоқ гўшаларда танҳо ўзи хаёлга чўмиб ўтирган бўлар эди. Бу ҳол ўша сеҳрли Шоҳчорбоқ тонгидан — жингалаксоч бир бола ўзининг кимлигию дунёга нега келганини англаган ўша кароматли тушдан сўнг бошланган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎзКП
Ўз ССР
60

## Қорабоев Саттор

### «Шарқ» меҳмонхонасининг 406 номерида ёзилган шеър

*Апрелнинг энг сўнгги туни чўкар*
*Москва кўчаларига.*
*Деразалардан мўралаган*
*неон нурлари аро*
*акация барглари шивири...*
*Ҳамхоналар —*
*ирланд Мирони,*
*рус Аркадий*
*ва мен сезиб ётибмиз —*
*азим шаҳарнинг*
*тун яширган ғала — ғовурин...*
*Туриб кетар Мирони —*
*қўлларин дераза ромига тираб,*
*термулади арафанинг*
*файзга тўла чироқларига.*
*Сўнг «уф» тортади:*
*— ...эртага яна Ольстерда отишма,*
*Дублинда стачка давом этади...*
*Аркадий сўз қўшар:*
*— Қўйсанг-чи ғамни, биласанми —*
*эртага Москва яшнаб кетади*
*Байрам байроқлари сиғмай кўчага!*
*(...Бизнинг Мирзачўлда*
*ола жойга чигит экилар ҳали!)*
*Зилдайин,*
*залворли жимлик чўкар ўртага*
*Милтиллай бошлайди папирос чўғи,*
*ғижирлаб кроват —*
*ухломас Мирони...*
*— Ахир биласизларми,*
*эртага яна морг машиналари*
*шаҳримнинг кўчаларидан*
*териб кетар бир талай ишчининг*
*...ўликларини!*
*Аркадий индамас. Аммо, биламиз —*
*у шундай демоқчи:*
*«Эртага Москва осмони янаям*
*чарақлаб кетади —*
*У байрам салютин — гулларни*
*самога дасталаб отади!»*
*Мен нима деярдим,*
*бошимни буркаб тиришаман*
*ухлаб қолмоққа,*
*лекин, бўлмайди,*
*Айтгим келар —*
*«Бизнинг Мирзачўлда*
*эртаги чигит*
*икки қулоқ бўлиб ётади!»*
*Эҳ, Қандайин айтгим келяпти!..*

### В. И. Ленин ҳақида 34 болага хор учун ёзилган шеър

*Қизил майдон.*
*Ленин мавзолейига*
*оқади одамлар дарёдай,*
*Улар қаторида —*
*дўппи кийган Мирзачўллик болалар.*
*Пичирлайди ўттиз тўртта лаб:*
*«Ленин бобом, менинг бобом!..»*
*...Аввал автобусда,*
*сўнгра поездда*
*йўл юриб келдилар`узундан узоқ.*
*Аммо, кела — келгунча*
*роса чулдираб чучук тиллари билан*
*Хор бўлишиб,*
*жўр бўлишиб —*
*куйлашди қўшиқ:*
*«Ленин бобом, менинг бобом...»*
*Улар «кичкина» эмас, —*
*ишларидай «катта» —*
*боғлари бор сўлим — сўлим,*
*Мирзачўлнинг қоқ ўртасида!*
*Мевалари шиғил — шиғил, кўп —*
*Ер шарининг болаларидай,*
*Мирзачўлнинг лолаларидай!*
*Боғлар аро —*
*хор бўлишиб,*
*жўр бўлишиб*
*айтарлар қўшиқ:*
*«Ленин бобом, менинг бобом...»*
*Мирзачўлнинг болалари*
*меҳнаткаш бўлиши рост!*
*Ерга чигит тушиб, то*
*уюлгунча оппоқ пахта хирмони*
*Оталарга ёрдамчи,*
*Оналарга суянчиғ!*
*Сўнг «Ҳосил тўйи»да тўлиб-тошиб,*
*хор бўлишиб,*
*жўр бўлишиб,*
*Айтарлар қўшиқ:*
*«Ленин бобом, менинг бобом...»*
*Қизил майдон.*
*Ленин мавзолейига*
*оқади одамлар дарёдай,*
*Улар қаторида —*
*дўппи кийган Мирзачўллик болалар.*
*...хор бўлишиб,*
*жўр бўлишиб,*
*пичирлайди ўттиз тўртта лаб:*
*«Ленин бобом, менинг бобом!»*



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Шукрулла Файзулла

### *Кўнгил берманг шоирга*

**(Ҳазил эмас).**

*Сени севаман, деб куйласа шоир,*
*Маъшуқа бўлишни ҳеч қилманг ҳавас.*
*Зинҳор кўнгил берманг шоирга, чунки —*
*Шеърлар ўз қалбининг ифодасимас.*

*У юзлаб ошиқнинг юракларидан*
*Мисқоллаб шеърига олар ҳарорат.*
*Шу сабаб ҳам шоир куйлаган севги —*
*Ўзга диллардаги ишқдан иборат.*

*Агар шоир бугун бировни «севса»,*
*Табиий, эртага бошқани излар.*
*Шунинг учун зинҳор шоирни эмас,*
*Унинг шеърларини севингиз, қизлар!*

## Абдурашид Қосимов

* * *

*Жувонлар даладан қайтмоқда*
*Сўқмоқни эритиб сўз билан.*
*Майсалар ортидан боқмоқда*
*Боладай уятчан кўз билан.*

*Ўчоққа қалаган ўтидан*
*Бир парча уфқда ловиллар.*
*Бир зумда пиёздоғ ҳидидан*
*Маст бўлган япроқлар шовиллар.*

*Ҳавода учади зўр оҳанг,*
*Тун бўйи мавжланар бедазор.*
*Сўнг оқиб келади гўзал тонг,*
*Фариштадай сокин, беозор.*

*Жувонлар далага йўл олар*
*Уйғотганча куз қуёшини.*
*Сўқмоқнинг киприги — майсалар*
*Севинчдан тўкади ёшини.*



## Шарофат Ботирова

### *Висол*

*Бунда висол қояларида*
*Икки ошиқ ором олади.*
*Ҳатто шамол жимиб панада*
*Ишқ куйига қулоқ солади.*



ЎзКП
Ўз ССР
60

## Матназар Абдулҳакимов

* * *

*Энди сира менинг кўнглим бўлмас ғаш,*
*Интизорлик менга бахш этди шиддат.*
*Туғёнга айланди баҳорни қўмсаш,*
*Бирдан ўз кучини йўқотди муддат.*

*Сабр деган олтин чиқиб қолди мис,*
*Қуруқ тоқат мени қилмайди бахтли.*
*Бошдан новда ўсар, оёқдан илдиз*
*Кутиб тураверсам агар шу тахлит.*

*Дарахтлар баҳорни кутар шу ҳолда.*
*Менинг эса дарахт бўлгим йўқ бугун.*
*Ахир елкамдаги эмас-ку халта*
*Қанотдан иборат бору йўқ юким.*

*Қаттиқ севганимни сездириб қўйдим,*
*Ғурурланиб, келмай кетди ёнимга.*
*Фақат орзулардан эса мен тўйдим,*
*Фақат умид эса тегди жонимга.*

*Баҳор ҳақда энди сўз сўзламайман,*
*Тилим тўла сукут, мен жим кетаман.*
*Гўзал йўлларимни кўз-кўзламайман,*
*Қўшиқларда эмас, йўқ, чин кетаман.*

*Мен муштоқ бормасам, бормасам ташна,*
*Баҳор баҳорлигин эсламайди ҳам,*
*Қайлардадир юрар парвосиз яшнаб,*
*Юракка ташрифин тезламайди ҳам.*

*Ўтиб кетар... фарқсиз яхши-ёмонга,*
*Бир маром, бир зайл, бир хил, бир йўсин...*
*Йўқ, ўзим кетаман баҳор томонга,*
*Баҳор ҳам ўзини бир кўриб қўйсин!*

* * *

*«Бир сўз топмадингиз» «Борми шундай сўз?..»*
*«Нигоҳингиз ҳорғин?» «Йўлингда толди».*
*Сенга тутавериб-тутавериб кўз*
*Умид боғларимга куз келиб қолди.*

*Кечикиб бўлса ҳам хуш келдинг ахир,*
*Бу қадар камдийдор бўлармиди бахт ҳам.*
*Аяма. Тўкилган мевалар тахир,*
*Қадамларинг бўлсин шафқатсиз, шахдам.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Нечун ҳар қадамда довдирайсан сен,*
*Гўё хазон эмас, япроқларим чўғ.*
*Кўзларинг ёш тўла, жовдирайсан сен,*
*Излайсан, излайсан, ўшал бир сўз йўқ.*

*Олдингга чиқаман, руҳим тўла мунг,*
*Ҳорғин кўзларимга ботган сўз билан.*
*Қўлингдан ушлайман мен соқов, мен гунг,*
*Юракда мағиздек қотган сўз билан.*

*Бошқа сўзларни-ку осон сўзлайман*
*Сўзлайман, минг тавба, ҳатто эрмакка.*
*Бу бир сўзни эса қандай бўзлайман*
*Сенинг ҳаётингга бермакка.*

*Фақатгина сўзмас бераётган рўй,*
*Бу — бахтдир. Бу бахтдан руҳимда ларза.*
*Дард чеккан табибим, энди билиб қўй,*
*Йўқ мен учун сўздан оғирроқ нарса.*

*Мен сенга аталган шундай меваман,*
*Юрагимни ушат, ол бир сўзимни.*
*Сендан аямайман, сени севаман,*
*Мен узиб бераман сенга ўзимни!»*

**Уллибиби Отаева**

## *Манзара*

*Қор ёға бошларкан, яланғоч дарахтлар*
*Титраб кира бошлар унинг*
*Юмшоқ бағрига.*
*Кўпдан ташқарини деразалардан*
*Кўриб юрган кампир*
*Калиш ахтариб*
*Кўзлари қамашиб чиқар ҳовлига.*
*Ва мўлжаллаб қор энг кўп ёққан жойни*
*Шол рўмолин ёйиб қўяр чойшабдай.*
*Кўнгли не тусашин ўзи ҳам билмай*
*Карахт юрган келин*
*Кўзлари ёниб,*
*Сиқимлаб қор юта бошлар*
*Кўчада*
*Бир ўзи қизалоқ каби қувониб.*
*Қорнинг сукунатли бағрини ёриб,*
*Ерга қадамини теккизмай уни*
*Боши, елкалари узра опичлаганча*
*Кўчага югурар бир тўп болакай.*
*...Шоир жим кузатар бу ҳолатларни*
*На қор ер, на рўмол ёяр,*
*На қорнинг*
*Момиқ қучоғига ўзини урар,*
*Фақат у ўт кўксин қорга ланг очиб*
*Жилмайиб турар.*

## *Эрта келган баҳор*

Биринчи комсомол қиз хотирасига

*Ўша тун бир юлдуз сўнди йўқликка,*
*Ортидан юлдузлар йиғлади юм-юм.*
*Чидаб туролмади ой гувоҳликка*
*Нурсиз ётоғига кириб кетди жим.*
*Фақат эртаси кун... жарлик ёнида*
*Чўғ каби лов ёнди... лола бир этак.*
*Қизнинг қорга томган иссиқ қонидан*
*Лолалар туғилди... Мисоли эртак.*
*— Баҳор, баҳор кепти суюнчи беринг, —*
*Болакай югурар янгаси томон.*
*Оёқ яланг чиққан қишлоқ ҳангу манг.*
*Ахир ҳали февраль. Бу недан нишон?!*
*Ҳамон ҳайрат билан эслар кексалар*
*Гап тақалар бўлса эски қишлоққа:*
*Гулой ўлдирилган йигирманчи йил,*
*Эрта келган эди баҳор биз ёққа!*

**Жуманазар Юсупов**

* * *

*Жимгина юраман,*
*жимгина юраман...*
*Отамдан қўрқаман*
*Йиғлашга.*
*Ғаму шодлигимни*
*сиғдирган,*
*Шу кафтдек*
*бағрига сингдирган жой —*
*Энди бегона.*
*Мен учун муқаддас тупроқдан*
*Лоқайдгина боқиб,*
*бемалол*
*Бобомнинг,*
*отамнинг,*
*менинг...*
*изларимизни*
*Супуриб юрибди бир аёл.*



**Рустам Назар**

## *Яшил қуёш*

*Қуёш расмин чизди бола*
*Дилида завқ тўлиб-тошиб.*
*Ҳаяжондан энтикканча,*
*Кўрсатиб ҳам чиқди шошиб.*

*Ҳамма бирдай елка қисди,*
*Қош чимирди ўша заҳот:*
*— Ўргилдик-ей сен рассомдан,*
*Қуёш яшил бўлса, наҳот?!*

*Нима қилсин? — Бола шўрлик*
*Ичга ютди аламини.*
*Акаси Шер бергани йўқ*
*Ахир, қизил қаламини!..*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Саъдулла Сиёев

# Искандарнинг очиқ қўллари

Қаноатда нечаким, фароғбол, акси:
таъмада разолат ва накол.

Алишер НАВОИЙ

Коҳиранинг кунботарида, азим Нил бўйида Луқсор деган дўппидек шаҳарча бор. Бу ерда туб аҳолидан сайёҳлар кўп дейдилар. Эҳтимол, ростдир. Луқсор осори-атиқалар, минг йиллик обидалар ўлкаси. Дарёнинг чап соҳилидан Шоҳлар водийси бошланади. Албатта, энди бу водийнинг «шоҳлиги» қолган эмас. Паст-баланд, гиёҳсиз тақир қирлар, археологлар чала ковлаб кетган хандақлар, яккам-дуккам заранг дарахтлари кўнгилга маҳзунлик солади.

Бироқ йил ўн икки ой Шоҳлар водийсидан одам оёғи узилмайди. Бу ерда минг-минг йил бурун мўмиёлаб кўмилган Миср фиръавнларининг дахмалари бор. Улардан энг машҳури — Тутанхамон жасади ҳам шу водийдан, кўримсиз бир тепалик бағрида жойлашган. Торгина ўзакдан бориб, қоронғи ўнгирга кирасиз. Пойгакда қабрхона. Унинг олдидаги икки харсанг тошга турли-туман шакллар солинган. Бу — қадимги миср ёзуви экан. Йўл бошловчи тошлардаги битикни ўқиди. Битик мазмуни, тахминан шундай эди: «Эй омонат инсон! Сабру қаноатни расм қил! Қаноат — қанотдир, сени кўкларга олиб чиқажак. Ҳою ҳавас қули бўлма, ҳарислик мисли занжирдирки, оёғингдан тортиб, тупроқ қаърига элтгай!»

Бу ёзувга роппа-роса 3100 йил бўлибди!

Аввало бир нарсани айтиб ўтиш керак. Биз материалистлармиз. Қаноатни кенг маънода тушунамиз. Масалан, генетика сирларини очиш ёхуд янги сайёралар кашф этиш, халқ хўжалигидаги қатор муаммоларни ҳал этиш, илму ирфонни чуқурроқ эгаллаш, хуллас юксак идеаллар учун кураш борасида ҳар қандай маҳдудликка, сабру қаноатга қаршимиз. Биз маънавий эҳтиёжларимизни имкони борича қондириб, моддий ҳою ҳавасдан ўзни тийиб туриш ва айни шу йўл билангина *гармоник камолотга* эришмоқ тарафдоримиз.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, дунёга устун бўлишни истаган Тутанхамоннинг сўнгги васияти туйғуларингни алғов-далғов қилиб юборарди. Нечун бу жасур, тадбиркор ва зукко фиръавн адолатни, мурувватни, садоқат ё вафони васият қилмади! Насли башарга аввало сабру қаноат тилади! Ёки юқорида зикр этилган фазилатларнинг ибтидоси, сарчашмаси — ана шу қаноатми! Бу тўрт калима ҳикматни буюк фотиҳ Искандар Зулқарнайн ҳам билармиди! Билса, нега умр бўйи унга амал қилмадию, сўнгги сафари олдидан сўнгги фармойишини берди: «Қўлларимни тобутдан чиқариб қўйинглар, қўлларим очиқ кетмоқда...»

Уч минг йиллик битик қаршисида хаёлга толдим. Инсон фарзандини сифатловчи атамалар бир талай: табиат шоҳи, олий мавжудот, тафаккурда тенгсиз мўъжиза... Ана шу «тенгсиз мўъжиза»нинг мағораларни тарк этиб, ўзига бошпана ясашни, олов ёқишни ўрганганига, жилға хонишидан, қушлар сайроғидан завқланиб илк бор бош тебратганига неча миллион йил бўлди. Миллион йилдан бери инсон ўзгаришда, тинимсиз такомилда. У ўнлаб жамоаларни, формацияларни, тарихий тузумларни босиб ўтди. Ниҳоят, биологлар тилида хомо сапиенс — идрокли инсон деган мўътабар ном олди. Илгари унинг хаёли осмонда эди; энди оёғи Ойда, юлдузлар остонасида. Аммо, инсон деган шарафга муқобил ўлароқ ҳарислик, худнамолик, бировнинг ҳақига кўз олайтириш, айёрлик, риёкорлик, хуллас, хиёнат ҳисобига бойлик орттириш каби унсурлар ҳамон қонида мавж урмоқда.

...Тилло тобутда ётган Тутанхамонга қарадим. Кўз олдим хиралашди, хаёлимда ўша кўрпача, муштдай бўлиб ўтирган мушфиқ она, оқпадар ўғилнинг қонталаш кўзлари жонланди.

Хайри холанинг атак-чечак уч ўғли бор эди: Айниддин, Муқимжон, Маъруфжон. Хола ўттиз уч ёшида есир қолди. Тикувчилик фабрикасига ишга кирди. Жонини аямай ишлади. Кечалари уйига иш олиб кетиб тикди. Болаларимнинг етимлиги билинмасин, деди. Уч ўғлини ўқитди, қўлидан келгунча тарбия берди. Меҳнатга ўргатди. Юртга қўшди, лаънатдан йироқ, раҳматга яқин бўлинглар, қўзичоқларим, дея ўгит қилди.

Йиллар ўтди. Она бармоқ учи билан топганларини сарфлаб тўйлар қилди, келинлар туширди. Айниддин савдо техникумини битирди, Муқимжон машина ишқибози эди, шофёр бўлди, Маъруфжон заводда ишлаб юриб мастерликка етишди. Ҳозир икки ўғли уй-жой қилиб чиқиб кетган, кенжатойи — Маъруфжон ёнида. Шаҳар чеккасидаги гавжумгина уйнинг иккинчи қаватида туришади.

«Болам-бўтам»лаб юриб, Хайри хола қариганини сезмай қолди. Пенсияга чиқди. Энди невараларини ўргилиб-чўргилиб, келини ишдан қайтгунча қора қозонни қайнатиб ўтиради.

Ана шу хола неча ойдирки, бетоб. Уззукун ўз қўли билан қавиган қуроқ кўрпачада ғужанак бўлиб ётади. Гоҳи-гоҳи тол чивиқдай нозик, доим кулиб турадиган доктор қиз келади. Укол буюради, дори беради. «Отдай бўлиб кетасиз, холажон, ҳали невараларингизнинг тўйини кўрасиз», деб юпатади. Хола билади, умри заволга қараб кетяпти. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлган эмас. Одам ҳам дарахтдай гап. Ўсади, унади, мева беради, сўнг... Хола кун бўйи миқ этмай ётади. Тонг-саҳарлар оғзида олқиш: катталарга инсоф, ёшларга диёнат, эл-юртга омонлик тилайди. Қийналиброқ қолган кунлари уч ўғлини ёнига чақиртириб васиятини айтади: «ўзларингни уринтириб, ортиқча сарф-харажат қилманглар. Элнинг расм-русумини қилсанглар бўлди. Ўлимлигим мана бу кўрпачанинг қатида. Пенсиямдан йиғиб қўйибман...»

Муқимжон онасини кун ора йўқлайди. Биқинида ёш боладай эркаланиб узоқ ўтиради. Оёқ-қўлини уқалайди. Таниш врачларини олиб келиб кўрсатади.

Она ҳар тонг кўзини очиб, тўнғичини сўрайди. «Айниддин келмай қолди, болагинам омон-эсонгина юрганмикан!» дейди. Эшик тиқилласа, бошини кўтаради. «Ким у, Айниддинми!» дейди келинига. Келин, келишувга биноан, ҳар сафар баҳона қилади: «Мулла акам узоқ бир ерга командировкага кетибдилар, — дейди ёлғондан, — тунов куни телефон қилиб сизни сўрабдилар. Яқинда келиб қолар эканлар». Она чиппа-чин ишонади, тағин ўғлига оқ йўл, омонлик тилайди.

Охири Маъруфжон чидамади. Йиғлагудек бўлиб акасининг олдига борди.

— Аям сизни йўқлаяптилар, бир кўриниш берар экансиз, — деди. Айниддин укасини жеркиб ташлади.

— Мен ўйнаб юрибманми!! Ишим бошимдан ошиб ётибди! Бўпти, қўлим тегса борарман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маъруфжон индамай изига қайтди.
Айниддин уч кун деганда онасининг олдига борди. Оёғини ечмай тўрга ўтди. Қўл учида кўришди. Она бошини аранг кўтариб, ўғлининг пешонасини ўпмоқчи бўлиб чўзилди. Айниддин хиёл энгашди. Унинг оғзидан арақ гупуриб турарди. Она буни сезмади, ё сезиб — сезмаганга олди. У нечанчи бор васиятини айтди. Айниддин қуроқ кўрпачага тамшаниб қараб қўйди.
Бу онасини сўнгги марта кўриши эди. «Вақт топиб» янаги сафар борганида Хайри холани тупроққа топшириб қайтишган эди. Айниддин келган-кетганга таъзим қилиб, икки кун эшикда турди. Учинчи куни укасини бир четга имлаб сўради:
— Ҳалиги... кампир айтган кўрпача қани! Ишқилиб, пулини олганмидиларинг!
— Билмайман, — деди Маъруфжон, — мен югур-югур билан бўлиб қарамабман.
Айниддининг кўзлари ола-кула бўлиб кетди:
— Эсларинг борми ўзи!! Кўрпачанинг ичида фалон сўм бўлиши керак!
— Қайдам, билмадим, — деди Маъруфжон ва дарров четлашди.
Айниддин кейинроқ холасидан суриштириб билди: ўртанча укаси Муқимжон «Онамнинг бошларига тупроқ ботмасин, буклаб қўйинг», деб кўрпачани гўрковга берган экан.
«Демак, кўрпача қабрда қолибди-да! Шунча пули билан-а!!» — бу фикрдан Айниддининг жисми-жони ёниб, иситмаси чиқиб кетди. Ичида укасини сўкди, жанозага етиб келолмагани учун ўкинди ва... саҳар туриб қабрбошига югурди. Тўғри бориб қабристон қоровулига учради. Қўлини қовуштириб, лабида синиқ кулги билан узрини айтди.
— Отахон... уч кун бурун волидамиз оламдан ўтган эди... Шу, ўз қўлим билан қабрга қўйиб турганимда жуда зарил бир ҳужжатим тушиб қолибди. Сиз хўп десангиз, мен икки одам топиб келсаму мозорни очиб...
Қария Айниддининг товоқдай келадиган қип-қизил бетига, олма-кесак териб турган кўзларига гумонсираб қаради.
— Ҳужжат деган нарса топиладиган матоҳ, болам, — деди секин, — онангни арвоҳини чирқиратма. Ишхонангга айтсанг, улар ҳам тушунади. Ҳамманинг бошида бор бу савдо.
Айниддин ёлғондан куйиб-пишди.
— Э, отахоним-ей! Менинг аҳволимни сиз тушунмай турибсизу ишхона тушунармиди! У жудаям керакли ҳужжат эди! Агар топмасам хонавайрон бўламан! Давлатнинг фалон моли бўйнимга тушади! Хўп денг энди, жон отам!
Чол бош чайқади.
— Унақа бўлса ишни закунни қиламиз. Сен мелисага арз ёзасан. Шундоқ-шундоқ бўлиб, онамни кўмаётганимда фалон дакуматни йўқотдим, дейсан. Кейин мелиса, терговчи, яна учтўрт қария гувоҳлигида қабрни очамиз. Қалай!
Айниддин чўчиб ўрнидан туриб кетди.
— Ҳазиллашманг-е, отам! Битта қоғоз деб эл-юртга шарманда бўлайми!
Қоровул гап тамом, дегандай эснади. Айниддин тескари ўгирилиб пул чиқарди. Битта капармон қоғозни сиқимлаб чолнинг қўлини олди.
— Мана, отахон, суханингиз ўлмасин. Келишдик-а, туя кўрдингми — йўқ.
Чол пулнинг қатини ёйиб Айниддинга ижирғаниб қаради.
— Уятинг йўқ бола экансан, ман санга айтсам. Лаҳадда сенинг ҳеч нарсанг қолмаган. Сен ўғирлик қилмоқчисан. Боя икки оғиз гапингданоқ пайқаганман. Ким билади, марҳума аёл сенинг онангми, онанг эмасми, ҳали буниям аниқлаш керак... Ма, ақчанг бошингда қолсин.
Айниддин пўписага ўтди.
— Ҳўв, оғзингизга қараб гапиринг, отахон! Нималар деб алжираяпсиз! Марҳума ўзимнинг туққан онам бўладилар.
— Ишонмайман, — деди чол ва ўрнидан туриб ҳужраси томон юрди, — пул чўзмаганингда ҳам бошқа гап эди. Виждонсиз экансан. Билиб қўй, тирик бўлсам, қабрни буздирмайман.
«Кўрамиз, — деди ичида Айниддин, — сени ўлдириб бўлсада бузарман қабрни. Шунча пул ер остида чириб кетаверадими! Ҳе иззатини билмаган қоқвош...»
Бу воқеа октябрнинг охирларида душанба куни рўй берган эди. Сешанба куни кунботарда Айниддин аллақайси пивохона олдидан кўзлари қизарган икки барзанги йигитни топиб гаплашди. Аввало уларни обдон «Чашма»га тўйдирди. Кейин чўнтакларига биттадан қизил қоғоз солиб муддаога ўтди. Радди балони бўйнига олди, қуюқ-қуюқ ваъдалар берди.
...Ярим кеча. Индамас ота қабристонида чивин ҳам учмайди. Онда-сонда қовжироқ хазонлар шитирлайди, холос. Уч ўғри девордан ошиб ўтдилар. Қоровул чол пинакка кетган шекилли, ҳужрада чироқ ўчган эди. Биринчи йигит аста келиб эшик тиқиллатди. Қария «Ке-ем!» деб тўнини елкасига ташлаб чиқди. Шу заҳоти иккинчи йигит чолнинг кифтидан таппа босиб оғзига латта тиқди. Қўл-оёғини боғлади. Чолни даст кўтариб ҳужрасига олиб кириб ётқизди, эшикни сиртидан занжирлади. Кейин учовлашиб якка терак тагидаги қабр томон югургилаб кетдилар.
...Икки белкурак атрофга шитоб билан тупроқ сочади. Айниддин қора қузғундай бўлиб белини ушлаб турибди. Енверига аланг-жаланг боқади. Юраги пўкиллайди. «Лаънати қуроқ кўрпача жойидамикан... Унинг қатидаги шилдироқ қоғозлар турганмикан ё...» деб жони ҳалак.
Барзангилар терлаб ишлаяпти. Айниддин гоҳо «Ҳм! Тезроқ бўлларинг, тезроқ!» деб қўяди. Олисда лип этган нур кўринса ўтакаси ёрилгудек бўлиб тупроқ уюмига ўтиради.
Ой чиқди. Айниддин жон ҳолатда бир қариянинг қабрига тикка қўйилган мармар тош ортига бекинди. Хайрият, ой ҳам бу шарманда ўғилнинг турқини кўришга ор қилгандай чинор панасига ўтиб кетди.
Бир метрча ҳандақ очилиб ички лаҳад оғзи кўринганда Айниддин ирғиб пастга тушди. Икки йигитни икки ёнга итариб ташлади.
— Бўлди!.. Бу ёғига ўзим, ўзим! — деб пишиллади. Худди инига киролмаётган бўридай лаҳад оғзига терилган ғиштларни қўшқўллаб тирнай бошлади. Унинг нафаси тезлашган, кўзлари олайиб кетган, икки чаккасидан шариллаб тер қуяр, мабодо ғиштлар кўчиб тушмаса, уларни ғажиб ташлагудек важоҳати бор эди. Шу пайт...
Шу пайт тепада кимдир момақалдироқдек товуш берди:
— Хо-хо-хо-о!
Қабр устида оқ кўйлак, оқ иштонда, афсонадаги Одам Атодек бўлиб қоровул чол турарди!
Йигитлар тирақайлаб қочдилар. Айниддининг ўгирилишига ҳам мадори қолмади. Чолнинг гулдирак овози орқасидан отилган ўқдек уни муккасидан йиқитди. Пешонаси билан чала очилган тешикка урилди.
— Жувонмарг бўласан ҳали, жувонма-арг!..
Айниддин ўзини ростлаб қўлига белкурак олди. Бор кучи билан чолга қараб отди. Хайриятки, қоровул аллақачон кўздан ғойиб бўлган эди...
Муҳтарам ўқувчи! Келинг, бу хунук ҳикояни шу ерда тўхтатайлигу биргалашиб мулоҳаза қилайлик. Ҳалиги малъун қуроқ кўрпачага шунчалик зормиди! Куни ўтмай қолганмиди! Маишати жойида эмасмиди! Баъзи қўни-қўшниси, айрим касбдошлари ёхуд тенг-тўшлари каби ўйнаб-кулолмасмиди! Эҳтимол, нозик кўнгли денгиз бўйларини, нотаниш юртларда сайру саёҳат қилишни истар! Балки, қабрбузар ўғил тўрт кўзли «жигули»ни, кунгирадор иморатларни, фақат «импорт» дейиладиган буюмлару кийимларни орзу қилган эди!
Афсуски, унда ҳамма нарса бор эди: машина, дача, қўшолоқ омонат (чин маънода омонат!) дафтарчаси, биллур идишлар, тилла қошиқчалар, кумуш занжирли соатлар, япон магнитофону фарангий видеомагнитофонлар...
Хуллас, унда моддий неъматларнинг барчаси муҳайё эди-ю, «оддийгина бир нарса» етишмасди: қаноат йўқ эди. Ўзбекча айтганда, кўзи оч эди. Бундайларнинг «фалсафаси» тайин: нима қилиб бўлса-да, дунё орттир, мол тўпла. Юрагинг санчиб турган эса-да, бегонага илжайиб боқ, чунки ундан бир нима униши мумкин. Ўзингдан кичикни ака де, оёғига йиқил, ғуруринг, нафсониятингни ерга ур — негаки бир сўминг ўн сўм бўлади. Ёр-дўст, қариндош-уруғ ранжиса ранжир, охири яна саломга келади, сен рўпарангдаги пулдор бойваччанинг назаридан қолма — унинг этагидан тутсанг, уйнинг тўрида кекириб, мақтаниб ўтиришинг учун баҳона топилади ва ҳоказо.
Бу тоифадаги кимсалар номидан Карл Маркс аччиқ киноя билан шундай ёзган эди: «Мен ёмон, нопок, виждонсиз, ақли паст одамман, лекин пул иззат-ҳурматда, демак унинг эгаси ҳам ҳурматда... Кимки мардлик сотиб ола билар экан, у гарчи қўрқоқ бўлса ҳам — марддир».
Ажаб ҳикмат. Буюк алломанинг бу башорати бугун ҳам



www.ziyouz.com kutubxonasi

«кумуш танга» илинжида жон ҳовучлаб юрган айниддинларга аталгандек туюлмайдими!

Энди минг йил нарига бир назар ташлайлик. Яна бир даҳонинг тоғдай салобатли, гавҳардай бебаҳо сўзларига қулоқ солинг:

«Қаноат деб, ўзига кифоя қиладиган нарсага эришмоққа айтилади. Қаноат камтарлик ва унча-мунча нарсани назарга илмайдиган хислат билан ҳирс ўртасида бўлади.

Ўз кучини зарур бир меъёрда ушлаб туриш ҳам қаноатдир.

Бошқаларда кўрганни жуда қаттиқ истамаслик ҳам қаноат саналади».

Буни Ибн Сино айтган. Келинг, сўнгги сўзларни ичимизда бир такрорлайлик: «бошқаларда кўрганни жуда қаттиқ истамаслик...» Сир эмас, кейинги пайтларда биз баъзи бировларнинг ҳаёт тарзини «жуда қаттиқ»истайдиган бўлиб қолдик. Бизни уларнинг меҳнат тарзи унчалик қизиқтирмайди: янги станок ихтиро қилганми, юз тонналаб пахта теряптими, кечалари мижжа қоқмай китоб ёзяптими, Қизилқум барханларида совуққа тўнгиб мол боқяптими, бир ҳафта уйига бормай оғир операциялар қиляптими... бу билан ишимиз йўқ. Ҳалол меҳнат кишисининг турмуш тарзини, илмини, обрўсини ҳавас қилишдан ожизмиз. Умум манфаати учун ўтга ҳам, сувга ҳам кирадиган кишиларни кўрсак «ном чиқармоқчи» деб куламиз. Аммо ўзимиз ном чиқаришнинг турфа йўлларини ўйлаб топиб, ошкора керилламиз, ҳамтовоқларимиз нари турсин, фарзандларимизни зўр бериб яхшироқ яшай билиш «илми»га ўргатамиз. Кўпинча дилимизни бир савол кемиради: «Нега фалончининг данғиллама уй-жойи бору, менда йўқ! Эшматов уч юз кишига тўй берадию, мен беш юз одам чақиролмайманми! Тошматов куёвига «Жигули» совға қилибди, мен «Волга» бермасам отимни бошқа қўяман!»

Сўнгги пайтларда «вешчизм» деган тушунча пайдо бўлди. Буни молпарастлик дейсизми, матоҳпарастлик дейсизми, дам олмай, емай-ичмай, фарзандларнинг ризқидан қирқиб, соғлиқ ҳисобига буюм тўплаш, дейсизми — ихтиёрингиз. Ҳар қалай, бу — менимча, аллақачон гўрга кирган мешчанлик кайфияти, асл заҳматкашга, чин инсонга ярашмайдиган бир хислатнинг қайта тирилган шакли.

Эски танишимникига бордим. Янги квартира олган экан, қуллуқ бўлсин айтдим. У янги мебелларини, биллур қандилини, идиш-товоқларини, ўнинчи асрдан қолган осори-атиқаларни, хитой вазаси, япон чинниси... хуллас, ушлаб кўрса бўладиган жами буюмларини эринмай битта-битта кўрсатди. Ҳар сафар ҳар битта буюмнинг асл нархинию чакана баҳосини айтиб турди.

— Этикетка ёпиштириб қўйиш керак экан, меҳмонларга қулай бўлади, — дедим. У «ҳазиллашманг», деб олдимга ўта қиммат кулдон қўйди. Нархини айтди.

— Бир ойликнинг пули-ку! — дедим.

— Биз гўзаллик қулимиз, Бир ойча мундайроқ яшармиз.

Чекдим. Кулдонни секин ўзимга сурдим. Мезбон билинтирмай уни стол ўртасига тортиб қўйди. Гап орасида мен гўё кулдонни ерга «тушириб» юбордим. Уй эгаси ирғиб турди. Ранги оқариб, стол остига энгашди.

— Йўқ... Оёғим лат емади... — дедим кулдонни кўтариб. Танишим «хайрият» деб энтикдию, бебаҳо кулдонни артиб, шкафга солиб қўйди. Ўйланиб қолдим. «Мабодо ер қимирлаб, анави буфетдаги ашқол-дашқоллар кунпаякун бўлса, бечора танишимнинг ҳоли не кечар экан!»

Бироздан кейин у ошхонага чиқиб кетди. Қайтиб кирганда оғзидан валокардин иси анқирди...

Тўғри, одам боласига буюм керак, буюм — инсоннинг яшаш воситаси. Мен бу ерда яшашдан мақсади — буюм йиғиш деб биладиган кимсалар ҳақида гапиряпман.

Театр ё кинода бир нимани юмалоқлаб тиззасига қўйиб ўтирган кишиларни учратганмисиз! Диққат қилсангиз, ўша тиззадаги омонат — плаш, пальто ё пўстин бўлади. Уларнинг нарх-навоси осмонда. 500—600 сўмдан уч минг сўмгача. Хўш, келинг, энди бир кенгашиб кўрайлик. Ўша пальто ё пўстин, айтайлик, икки минг сўм турсин. Уни сотиб олиш учун ишчи, инженер, ўқитувчи, врач ё колхозчи неча йил ишлаши керак! Бола-чақасини қуруқ нону ёвғон билан боққанда ҳам икки-уч йил керак бўлади. Унда ҳалиги тиззасини қучоқлаб ўтирганлар ким! Кимнинг ўғли, кимнинг куёви, кимнинг қизи, кимнинг келини! Қайси боғнинг булбули, қайси чаманнинг гули! Бояги пальто ё пўстин қайси пулга келган!

Агар театр маънавий озиқ олинадиган ер бўлса, текин даромадга икки-уч минг сўмлик пальто кийган эркатой бойваччага санъатнинг мутлақо қадри йўқ. Унда нега келади театрга! Фақат кийимбошларинию тақинчоқларини намойиш этиш учунми!

Сизга қандай, билмадиму, лекин мен савдо ташкилотларининг бир хил ишидан рози эмасман. Тилло магазинларида пештахта остига қарасангиз, ниҳоятда қимматбаҳо зийнатларнинг сохта нусхаси туради. Харидор бўлсангиз, ичкаридан бежама қути олиб чиқиб кўрсатишади: тилла балдоқ — 700 сўм, узук — 500 сўм, марварид маржон — 2000 сўм, дур кўзли зирак — 5000 сўм... Мишмишларга қараганда 8—9 минг сўмлик безаклар ҳам чиққанмиш. Яна ўринли савол туғилади: хўш, булар кимларга атаб тайёрланган! Тўғри, бизнинг рафиқаларимиз, сингилларимиз, қизларимиз ясан-тусан бўлиб, гулдай очилиб юришлари керак. Замон фаровон, юрт маъмурчилик. Аксарият аёллар ишлайди, топармон-тутармон. Аммо дўконга чиққан нарса сотилиши керак. Ҳалиги матоҳни сотиб олиш учун эса, бир сумка пул керак. Бунақа маблағ, тағин айтамиз, қайси бир ҳалол педагог, врач, колхозчи, шофёрда бор! Менга эътироз билдиришлари мумкин: «ўша дуру марваридларни тақиб юрганлар ҳам топилади-ку!» Тўғри, лекин сиз истаган милиция бўлинмасига кириб сўранг. Ўшандай камёб зебигардон ё сирға деб қулоғининг ярмидан айрилган, хўрланган, инфаркт бўлаёзган аёлларнинг фарёд тўла аризаси ҳам анча-мунча топилади.

Бундай безакларни кўз-кўз қилиб сотиш бизнинг ахлоқ нормаларимизга тўғри келмайди, деб ҳисоблайман. Маълумки, софдил, билимдон, меҳнаткаш, камтар кишининг зийнати суратида эмас, билъакс, сийратида. Статистик маълумотларга қараганда, ҳозир СССРда 150 миллиондан ортиқ киши бевосита ишлаб чиқаришда банд экан. Улар мамлакатнинг гули, ифтихори, ўтмиш билан келажагимизни боғловчи олтин халқа. Улар ҳаром-ҳариш, ҳирс, ҳарислик бандалари эмас, меҳнат, мурувват, маънавий камолот фарзандлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жамолиддин Тошматов

# Дуторнинг икки тори

Донишманддан сўрабдилар:

— Инсон дунёга бир марта келади. Биров ҳаётда нишона қолдириш учун асрлар оша қақраб ётган чўлу-биёбонга сув етаклаб, уни гулистонга, боғу бўстонга айлантиради, бошқаси пешона тери тўкиб уй қуради, шаҳар яратади, учинчиси кўприк солади... Сизнинг ҳаётингиздан нима ёдгорлик қолади?

— Дўстлик! — дебди донишманд.

— Ота-боболаримиздан бизга қора чироғ билан кетмону омоч мерос бўлиб қолди. Келгуси авлодга сиздан нима қолади?

— Дўстлик!

— Ҳақиқий инсон бўлиш учун биргина илм озлик қилади. Сизнинг фикрингизча яна нима лозим?

— Дўстлик! — дебди донишманд ва қўшиб қўйибди, — инсонга қанот бахш этувчи ҳам, қалбини қуёшдек мунаввар этувчи ҳам — дўстлик!

# Мерос

Ҳақиқий дўстлик — икки тандаги бир жондир.

Арасту

Мўъжаз хона. Шифт ва деворлардаги гул нақшлари шам ёғдусида жимирлайди, жилва қилади. Даврада ғазалхонлик.

Мушоира охирлаб қолганда машҳур хонанда — Мутаҳҳари Удий ёнбошидаги дуторни олиб, оҳиста созлади. Ен-веридаги даврадошларига бир-бир кўз югуртиргач, оҳиста куйлашга тушди. Барча хонанданинг хуш овозига, дутор навосига ҳамоҳанг тебранарди. Ҳофиз — Хўжа Ҳасан Деҳлавий байтларидан куйларди:

«...Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама
дур-р шуд,
Чунин асар диҳад, оре тўлўи чун ту Сухайле!...»

(Мазмуни: ёмғир томчиларидек кўз ёшларим дурга айланди. Бу дурлар Суҳайл юлдузига ўхшаб чарақлайди».)

Байт даврадагилар диққатини тортди. Улардан бири луқма ташлади:

— Мавлоно жаноблари, андек саҳв қилдилар, «Сиришки ман ҳама дур-р шуд» эмас, билъакс «Ҳама-хун-шуд» деб ўқисалар пурмаъно бўлур эрди.

Дутор тинди. Ҳофиз ҳайратда. Аҳли мушоира ўртасида баҳс. Ўтирганлардан баъзилари ҳофизга таънаомуз боқдилар. Бурчакда ўтирган Навоий эса ўйчан эди. Сомелардан бири унга юзланди:

— Ҳазрати Навоий, фаромушроқ кўринадилар? Мазкур баҳс борасидаги муборак фикрларини эшитмоқ орзусидамиз.

Шоир сўзга оғиз жуфтлади:

— Азизлар! «Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур-р шуд» байти дурустдур. Аслан шундоқ бўлмоғи даркор. Зероким, кўз ёшини дурга қиёсламоқ мақбул, вале қонга ўхшатмоқ ғалатдир!

Чор атрофдан норози товушлар эшитилди. Навоий эса хотиржам эди.

— Муҳтарам зотлар, — деди у, — модомики барчангиз бир тараф бўлибдурсизлар, мен муддаомни исбот қилолмасмен! Токи бирор алломаи давронни ҳакамликка олсангизлар.

Ҳамма бир овоздан деди:

— Ҳазрати Жомий замонанинг зуккоси, ақли расоси! Ул ҳазрат не десалар — шу!

Навоий йиғилишнинг руҳи, баҳснинг боиси, байтда «дур-р» ёки «хун» сўзининг муносиблиги ёки йўқлиги хусусида бир парча хат битиб, хизматкоридан устоз Жомийга юборди.

Анча фурсатдан сўнг хизматкор жавоб хати келтирди. Ҳазрат Жомий баҳсга қуйидагича нуқта қўйган эди: «Сухан дур-расту, тааллуқ ба гўши шоҳ дорад!» (Сўз — дурдир, унинг замирида шоҳга ишора — яъни сенинг жабру жафонгдан элнинг дур янглиғ кўз ёшлари оқиб тамом бўлса-да, сен ҳамон золимлигингни қиляпсан, деган маъно бор).

Даврадаги мухолифлар бир сўз демай бошларини эгдилар.

# Яхшидан боғ...

Дўстлик гўё ниҳол пайванди,
Парвариш-ла, гуллаб яшнайди.

А. Шукуҳий

1943 йил. Авжи ёз. Қуёш найзада. Шундоққина сўл ёнда — ўн беш метрча нарида жимирлаб оқаётган Сирдарёдан эсаётган эпкин юзларни елписа-да, бадандан тер қуйилади. Одамларнинг яктаги тердан ивиб, кифтига ёпишган. Аммо ҳеч кимда тиним йўқ. Ҳамма иш билан овора. Катта ҳавза ичи гўё дошқозон — меҳнат қайнайди: Биров чўкич билан заранг ерни юмшатади, тўп-тўп одам юқорига шағал ташийди. Бу ерда Фарҳод ГЭСи пойдеворига жой ҳозирланмоқда.

Фарҳод! Асл муҳаббат тимсоли, исми мардлик ва жасорат рамзига айланган бу йигит Ширин ишқида тоғни мумдай кесиб, чўлга сув чиқармоқчи бўлган эди. Ҳавза ичидаги юзлаб, минглаб замон фарҳодлари эса, республикада қалдирғоч нурхона бунёд этмоқдалар.

...Ғулом анчагина ерни юмшатди. У чўкични ерга қўйиб, қоматини ростлади-да, пешонасидан сизиб оқаётган терни енги билан артди.

— Яшанг, укам, келинг, нафас ростланг, — сал нарида эгнидаги яктагини учта чўпга илиб, соябон қилиб ўтирган Яхшибой ака Ғуломни чақирди. Ғулом соя томон юрди, Яхшибой ака кенг яғринли, баланд бўйли йигитга разм солди.

— Асли қаердан бўласиз, биродар? — сўради Яхшибой ака.

— Тожикистоннинг тоғли Ғарм районидан. Бир таниш ҳамюртимиз Чустда, пахта заводида ишларди. Уни қора тортиб боргандим. Юк ташувчи бўлиб икки ойча ишладим-да, бирдан Фарҳод ГЭСи қурилиши бошланди, деган овоза тарқалдию буёққа келавурдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жуда яхши қилибсиз. Манам анжонликман. Колхозда сувчи эдим. Эл қатори биз ҳам келдик. Истанса битиб ишга тушса, ҳам Тожикистонга, ҳам Ўзбекистонга нур бераркан.

— Тўғри, ана Тожикистон, — дарёнинг у қирғоғини кўрсатди Ғулом, — чиндан ҳам икки республика қуряпти-да бу ГЭСни!..

Шу бир лаҳзалик танишув икки дилда бир-бирига уйғунлик яратди. Улар ака-ука тутиндилар.

1943 йил. 19 декабрь. Шу куни азим Сирдарё икки республика чегарасида бўғилиб, унинг суви янги канал трассаси томон бурилди.

Ўша шодиёна кунларда Ғулом Орзиқулов Яхшибой ака билан хайрлашмоқчи бўлиб унинг уйига борди. Укасидек бўлиб қолган йигит ташрифидан Яхшибой ака ўзида йўқ қувонди.

— Энди, акахон, менга ижозат берасиз, — деди анчайин суҳбатдан кейин Ғулом, — Мен Тожикистонга қайтаман. Эшитишимча, тепароқда — Ленинободдан сал нарида Сирдарё яна тўсиларкан, Қайроққум ГЭСи қурилиши бошланибди. Ўша ерга бораман. Эсон бўлсак, яна кўришармиз.

— Йўқ, биродар, ўзингизни танҳо юбормаймиз, ҳа, Фарҳод ГЭСи қурилиши мендек колхозчини тоблаб, касб ўргатди, обрў-эътибор берди. Сизга ўхшаган қанчадан-қанча ажойиб дўстлар орттирдим. Энди, навбат Тожикистонга экан, бирга борамиз. Қайроққум ГЭСини ҳам бирга қурамиз.

Шундай қилиб, улар бутун бригада билан 1951 йил ўрталарида Қайроққум ГЭСига йўл олдилар.

Янги объект ҳам дўстлик қурилишига айланди. Ўттиз етти миллат вакиллари аҳил-иноқ бўлиб Қайроққум ГЭСини қура бошладилар. Бу ерда Ғулом Орзиқулов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган олий унвон соҳиби бўлди. Яхшивой ака кўксини эса қўш орден безади...

Айни пайтда Халқлар дўстлиги номли Қайроққум ГЭСи Ленинобод шаҳридан ташқари Тошкентни, Фарғонани, яна кўплаб шаҳарларни чароғон этяпти. Йўлингиз тушиб Қайроққумга келсангиз, ГЭС ёнидаги шовуллаган боғ эътиборингизни тортади. Бу ўша Яхшибой акалар, Ғуломжонлар яратган боғ. Ҳа, яхшидан боғ қолади.

# Ёдгорлик

*Бир ерда бирга юрсанг бошинг қўшиб,*
*Бир-бирингга сўзлагин қалбдан жўшиб.*

**Абай**

Сўлим кеча. Кўкдаги тўлин ой денгиз юзига тушган чой қоғозга ўхшаб кетади. Жимирлаб оқаётган дарё бўйи боғ. Бу кеч бутун шаҳар аҳли кўчиб келгандек бу боққа. Йўлкалар, хиёбонлар тўла гурас-гурас одам. Қиз бўйнига осилган маржондек лампочкаларда ҳам нур ўйини. Уларнинг ёғдусида гуллар атласдек товланади.

Дарё томондан эсаётган ҳузурбахш шабада гуллар бўйини таратади. Арча, чинор барглари еллар билан ўйнашиб раққосадек тўлғанади, шода барглар бир-бирига роз айтишади гўё.

Йўлка бўйлаб қалблари ҳаёт завқига лиммо-лим икки севишган сайр қилиб юрибди. Қиз эгнидаги хонатлас лов-лов ёнади. Шабада қиз кокилларини тортқилаб қочади, йигитнинг тим қора жингалак сочини тўзитади.

Улар йўлак туташган жойдан сўлга — «Дўстлик гулшани»га бурилишди. Йўлканинг икки чети гулзор.

— Қаранг, қандай гўзал-а! — ҳаяжонини яширолмади қиз, — келинг, шу ерда бироз нафас ростлайлик, Шавкатжон ака!

— Кўнглимдагини айтдингиз, Зебихон. Ўзи бекорга бу ерни «Дўстлик гулшани» дейишмаган. Шу йўлкани айлансангиз, ўзиям ер юзидаги жамики шаҳарлар боғини сайр этгандек бўласиз.

— Ҳа, ҳақиқатан боплашибди!

Улар азим чинор остидаги скамейкаларнинг бирига ўтиришди.

Бу чинор қанчалаб ошиқлар суҳбатига шоҳид бўлганийкин. Уни қайси умрингдан барака топкур ўтқазди экан?

...Олтмишинчи йилнинг навбаҳори. Ҳавода кўкатлар ҳиди. Нафас олсанг, руҳинг тетиклашиб, дилинг завққа тўладиган пайт.

Осиё ва Африка халқларининг бирдамлиги биринчи конференциясига келган бир группа ёзувчилар Душанбе дарёси бўйидаги янги яратилаётган Айний боғига келдилар.

Меҳмонлар сафида дуркун, қадди-қоматидан илҳом, шўхлик, соддалик ёғилиб турган Ғафур Ғулом бошлиқ ўзбек делегацияси ҳам бор эди. Олдинда ёнма-ён бораётган Мирзо Турсунзода билан Ғафур Ғулом бир-бирларига боқишиб, ҳазил-мутойибалашиб боришарди.

— Ғафур ака, — деди Мирзо Турсунзода, — шу ерни дўстлик гулшанига айлантирмоқчимиз. Қаранг, маъқулми! — Мирзо Турсунзода йўлнинг икки четига, янги кўчатлар ўтқазилаётган жойга ишора қилди. Ғафур Ғулом омилкор Фарғона деҳқонларидек ерга, атрофга, кўчат учун чуқур ковлаётган кишиларга меҳр билан тикиларкан, ҳамроҳига хушнуд боқди.

— Жуда соз! Дилларингда Жомиёна мукаммаллик, Саъдиёна нафислик, Шерозийча донолик, Айниёна режакорлик бор, — дея кулди Ғафур Ғулом.

— Сиз ҳам ўзбек биродарларимиз номидан шу ерга бир туп чинор ўтқазсангиз. Мухлисларингиз келишиб, чинорингиз остида дам олишиб, шеърларингизни ёд олсалар, севишсалар, ажаб эмас, — деди Мирзо Турсунзода шўхлик билан. Ғафур Ғулом шодликдан жўшиб, ён-веридагиларга бир-бир кўз югуртиргач, енг шимаради.

— Ҳай-ҳай, ортиқча уринишингизга хожат йўқ, ака! Чуқурча ҳам, кўчат ҳам тайёр, — деди Мирзо Турсунзода.

— Йўқ, укам Мирзожон! Ёдгорликнинг меҳнати, пешона терида ҳикмат бор-да. Чуқурни иккимиз ковлаймиз. Қани, жойни кўрсатинг! Ҳов, падархон, куракни беш минутга бериб турасиз! — деди Ғафур Ғулом чапаничасига нарироқда кўчат учун чуқур ковлаётган нуроний отага мурожаат қилиб. Отахон куракни келтирди. Ғафур Ғулом йигитчасига ишга киришиб кетди. Бошқа меҳмонлар ҳайратда. Ҳамма унинг атрофида давра қуриб, томоша қилишарди. Бирпасдан сўнг куракни Мирзо Турсунзода олди. Бир зумда чуқурча тайёр бўлди. Мирзо Турсунзода чинор ниҳолини келтирди. Ғафур Ғулом уни олиб, томирларини авайлаб чуқур ичига ётқизди-да, устига тупроқ сура бошлади. Иккинчи томондан курак билан Турсунзода тупроқ тортди. Кўчат остига тупроқ уюб шиббалаган Ғафур Ғулом ўрнидан туриб, бўйига тенг келадиган кўчат навдаларига ихлос билан тикилар экан, бир дақиқа ўйга толди...

Бугун Душанбенинг Варзоб — курорт зонасига бораверишда, дарё бўйида ўша чинор яшнаб турибди. У шабадада гоҳ чайқалади, гоҳ шовуллайди, остида ўтирган севишган йигит-қизнинг тотли сўзларини бўлиб, ўз бунёдкори шаънига мадҳиялар ўқигандай шивирлайди...

# Қўшиқ

*Жомий Навоийни йўқлаб бу мақал,*
*Дўстлик биносига беради сайқал.*

**Назармат**

Шу йил май ойи ўрталарида бир группа ёзувчилар билан Тожикистоннинг чўл райони — Ёвонга бордик. Учрашувлардан бири 4-совхозда бўлди. Совхоз марказидаги ҳашаматли клуб хўжалик ишчилари, ўқувчилар билан лиқ тўла эди. Кексаю ёш бизни самимий қаршилаб, гулдасталарга кўмиб ташлашди. Учрашув бошланди. Олдимда, стол устида турган бир қучоқ гуллар ичидаги икки дона катта бахмал атиргул эътиборимни тортди. Ҳавасим келиб, унинг бирини олиб ҳидладим.

— Ҳиди зўр-а? Бу нав гулдан фақат Ҳукмиддинда бор. Ҳали қизи Шаҳло кўтариб юрувди. Сизга тақдим қипти-да? — деб қулоғимга шивирлаб қолди ёнимда ўтирган мактаб директори Шеров.

— Ҳукмиддин? У шу ердами? — ҳаяжонланиб кетдим.

— Йўқ, — деди Шеров, — у далада...

Ҳукмиддин... Биз у билан кўпдан таниш эдик. Кенг елкали, чўзиқ юзли қорақош, қоракўз бу йигит билан илк бора 1967 йил ўрталарида Тошкентнинг Чилонзор массивида учрашгандик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳа, 1966 йилнинг 26 апрели. Зилзила. Кутилмаган офат. Бутун юрт Тошкентга парвона. Тожикистонликлар Чилонзорнинг Чопонота массивида ишлашарди.

Ҳукмиддин пайвандчи эди. Бетондан тайёрланган девор плиталарини бир-бирига боғларди. Унинг қўлидаги катод таёқчаси учидан ҳар томонга симоб томчисидек сочиладиган ёлқинлар гўё унинг дилидан отилиб чиқарди. Шу нур томчилари билан дил меҳрини эл меҳрига пайванд қиларди. Ҳукмиддин ўз шижоати билан тезда кўзга ташланди. Тожикистонлик қурувчилар орасида биринчи бўлиб «Тошкент қурувчиси» эсдалик медалини олди.

...Ҳукмиддин учинчи қаватда ишлаётганди. Ногоҳ кран илгичидаги бетон қоришмаси солинган бункер уни туртиб юборди. Йигит учинчи қаватдан коптокдек учиб кетди...

Энди Ҳукмиддин шифохонада ажал билан олишарди. Бу олишув оз эмас, тўрт юз олтмиш кеча-кундуз давом этди. Ниҳоят, у ғолиб чиқди. Врачлар жонбозлик кўрсатишди. Ҳукмиддин матонат кўрсатди. У уйларига, ота-онасига мактуб ёзганида бўлган воқеани айтмас, ишнинг кўплигини баҳона қиларди. Ниҳоят, даволаниш муҳлати тугаб, Ҳукмиддин уйига қайтди.

Бу вақт ичида унинг ота-онаси ва дўстлари чўлни обод этиш мақсадида Жирғатолдан Евонга кўчиб ўтишганди. Ҳукмиддин руҳан тушмади. Дастлабки кунларда қўлтиқтаёқ билан юрди. Совхоз трактор паркида қоровул бўлиб ишлай бошлади.

Механизаторлар ҳар куни трактор паркига келишиб, ўз агрегатларини созлашар ва ёғлардилар. Уларнинг иши Ҳукмиддин назаридан қолмасди. Бора-бора унинг дилида техникага ихлос уйғонди. Трактор қисмларини қунт билан ўрганди. Дастлаб ерни шудгор қилишда қатнашди, сўнг ғўза қатор ораларини культивация қила бошлади.

1977 йил мавсуми Ҳукмиддин ўз агрегати бункеридан 581 тонна «оқ олтин» тўкиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

...Учрашувда бу воқеани ҳикоя қилиб берганимда ҳамма ҳаяжонга тушиб, аввалига кенг зал сув қуйгандек жимиб қолди-ю, сўнг бирдан гулдурос қарсаклар янгради. Бу қаҳрамонни олқишлаш гимнидай туюлди менга. Кейинроқ билсам илғор бригада бошлиғи Ҳукмиддин Фозилов бошидан кечган бу воқеани ҳеч кимга айтмаган экан.

# Мақсад гули

Дўстига агар қўшилса дўст — ёр,
Орзу оғочи бўлур ҳосилдор!
Жомий

Икки диссертация ёқланди. Йиғилиш охирида илмий Совет раиси ёнида ўтирган азиз меҳмон Сотқин ота томонга хиёл эгилиб шипшиди: «Сўнгги сўзни сизга берамиз.»

Раиснинг бу гапи отахон вужудига ҳаяжон олиб кирди. Хаёлида чақмоқ чақилгандай бўлди.

У гўзал Тошкентдан тўнғич ўғли, Қашқадарё областидаги «Нишон» отчилик совхозининг директори Наримоннинг илмий иш ёқлаши баҳонасида келди.

...Мана, Сотқин ота Академия залининг олдинги қаторида ўтирибди. Кўзи минбарда, гапирувчида-ю, хаёлида фикрлар олишуви: нимадан гап бошласамикин?

У хаёл сурарди. Ўтмиш саҳифаларини бир-бир варақлаб йиғин руҳига мос фикрларни ахтарарди.

— Сўнгги сўз, кекса большевик, диссертантимиз Наримон Бадалбоевнинг отаси Сотқин ота Бадалбоевга!

Сотқин ота вазмин ўрнидан туриб, минбар сари йўл олди. Юзларча кўз унинг дуркун қоматини, мошгурунч сийрак сочларини ҳавас билан кузатарди. Ота минбарга чиқиб, зал аҳлига кўз югуртирди. Ўтмиш воқеаларини кўравериб пишган катта йирик кўзларида ҳаяжон порларди. Япалоқ юзида қувонч балқирди.

— Азиз биродарлар!.. — босиқ сўз бошлади ота, — сизларга қадрдон Тошкентдан дўстлик саломини келтирдик. Қабул этинг!

Залда гулдурос қарсаклар бирдан авжига чиқди-да, яна оҳиста тинди. Ота сўзида давом этди:

— Душанбе шаҳри сизлар сингари шахсан менга ҳам азизу дилкаш... Бугунги йиғин ўғлимиз Наримонжоннинг ҳаётида янги саҳифа очди. У азиз даргоҳда, сизларнинг ҳузурингизда илмий ишини ёқлади.

Сиз азизларнинг севимли шоирингиз, сизлар орқали бизнинг ҳам шоиримиз Саъдий Шерозий ўз байтларининг бирида:

Бу бўстонда дўстлар этмаса кўмак,
Мушкул эрур мақсад гулини термак —

деб бежиз айтмаганлар. Сиз дўстларнинг меҳрингиз, бебаҳо кўмагингиз туфайли, ўғлимиз мақсадига эришди.

Мени бир нарса ҳайратга солди. У ҳам бўлса ҳозирги икки иш мавзуи: Тожикистон қишлоқ хўжалик институтининг илмий ходими Музаффаржон Каримов «Ғумай ўсимлиги қоракўл қўйларининг сервитамин озуқаси» деган темада илмий иш ёзибдилар. Бизнинг ўғил Наримонжон эса «Қоракўл терисининг янги сорти» ҳақида иш ёзибди. Бу гўё илдиз ва таналардек бир бутун эмасми? Деҳқонча қилиб айтсак, майли, домла Каримов сифатли озуқа етказиб бераверсинлар-у, Наримонжоннинг қоракўл қўйлари уни еб, аъло сорт тери бераверсин, юртимиз бойлиги ошаверсин!..

Ҳозир ҳам икки хонадоннинг борди-келдиси бор. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган азалий дўстлик авлодлар ўртасида эъзозланяпти. Дўстлар мақсад гулини теряптилар.

# Лочин

Бойлик — бойлик эмас,
Бирлик — бойлик.
Ўзбек халқ мақоли

...Асов Вахш дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб борардик. Тоғлар томошаси билан бўлиб машина шаҳд билан тўхтагандагина ҳушимизни йиғдик. Ўнг томондаги баланд қоя қулаб йўлни тўсиб қўйганди. «Энди нима қилдик?» деган маънода олдинда, шофер ёнида ўтирган «Роғунгесстрой» бошқармаси партия комитетининг секретари Алижон Ёрматовга боқдим.

— Мана сизга учрашув, — деди шериклардан бири.

— Ҳечқиси йўқ, дўстлар! Ҳозир, бирор иложини қиламиз. Ташқари чиқиб, томошалаб туринглар, — дея Алижон ака ўзи биринчи бўлиб эшикни очди. Биз ҳам машинадан тушдик. Машинанинг чап ёнида, бир ярим метрча нарида бўтана сув жўшиб, тошдан-тошга урилиб оқарди. Биз Норак ГЭСидан юз километрча юқорида, Помир томонда турардик. Алижон ака нарироқ бориб кимгадир ишора қилди-да, сўнг ҳеч нарсани билмагандай ёнимизга келди.

— Мана шу турган жойимизни Жўшон, яъни «қайноқ жой» дейишади. Бу ер келажакда, жаҳонда энг баланд — 335 метрли тўғон остида қолиб кетади. Ҳу кўм-кўк, арчазор тоғларни эса, — Алижон ака қибла томонга ишора қилди, — Лочинлар уяси дейишади. Ёшлигимизда шу ерга келиб лочин болаларини ушлардик, овга ўргатардик.

— Лочинлар ҳозир ҳам борми?

— Йўқ, бу ердаги портлаш садосию, машиналар ғов-ғувига дош беролмади. Уларнинг ўрнини бошқа лочинлар — ҳар томондан учиб келган меҳнат лочинлари эгаллади, — кулди Алижон ака.

— Тўғон нимадан қурилади? — қизиқсиндик.

— Тўғонми? Тўғон асосан тоғ жинсларидан қад кўтаради, — тушунтира бошлади Алижон ака. — Ана шу тоғ косаси ичи тоғ жинсларига тўлдирилиб, шиббаланади. 13 миллиард кубометр сув сиғадиган омбор вужудга келади. Бу сув Ўрта Осиё республикаларидаги 400 минг гектар қўриқ ерни ўзлаштириш имконини беради. 4 миллион гектар суғориладиган ерни обиҳаёт билан таъминлайди. Роғун сув омбори ҳозир ишлаб турган Норак сув омбори билан биргаликда Амударё оқимини бир зайлда сақлайди. ГЭС ўз қурилиши жиҳатидан жаҳонда ягона. Норак ГЭСида ҳар бири уч юз минг киловатт қувватга эга бўлган 9 та агрегат ишлаяпти. Бу ерда эса ҳар бири олти юз


www.ziyouz.com kutubxonasi

минг киловатт қувватга эга бўлган олтита агрегат ишлайди. Агрегатлар ҳў ана шу тоғ ичига ўрнатилади. — Алижон ака кун ботиш тарафга ишора қилди.

— Лойиҳасини ким чизган?

— Лойиҳаси Тошкентда, Бутуниттифоқ «Гидропроект» институтининг Ўрта Осиё филиалида тайёрланди. Лойиҳа ижодкори Леонид Осадчий...

Шу пайт олди томонимизда, қоя қулаб йўл тўсилган жойнинг нариги томонида улкан бульдозер овози суҳбатимиз ипини узди. Ўша томонга қарадик. Бульдозер йўлдаги киши қулочи етмас тошларни дарё томон сура бошлаганди.

Сурилган тошларни дарё шу заҳотиёқ қаърига оларди. Йўл очилди. Бульдозер рўпарасига борганимизда унинг ҳайдовчисига миннатдорчилик билдирган бўлиб, бош ирғадим. Бульдозер кабинасидан пастга тушган, ўрта бўйли норғул йигит бир қўлида каскаси, чап қўлини кўксига қўйиб, жилмайиб турарди. Каска ичидаги тўрт гулли Фарғона дўпписига кўзим тушди. Юрагим жиғ этди. Қувониб кетдим.

Тоннель ичида маржондек чизилган лампочкалар милт-милт қилиб турарди. Тоннелга кираверишда учрашув бўлди. Икки бригада аъзолари билан учрашдик. Бугунги асарлар, музика, қўшиқ хусусида мунозара бўлди. Бутун учрашув давомида эс-ҳушим ўша, ҳаммадан орқага келиб ўтирган бульдозерчи йигитда бўлди. Учрашувдан сўнг унинг олдига бордик. Ака-укалардек қайноқ кўришдик. Ҳаёти билан қизиқдим.

— Асли фарғоналикман. Отим Муҳиддин. Муҳиддин Мамажонов. Ота-онамизлар бундан роса эллик йил илгари, Тожикистоннинг Вахш водийси ўзлаштира бошлаганида келиб қолган экан. Ҳозирги Қўрғонтепа районидаги қамишзорлар ўзлаштирилиб «Озод меҳнат» артели тузилган экан. Тўсатдан уруш бошланиб, дадамлар юрт ҳимоясига кетганларида мен бир яшар эканман. Онамизларнинг исмларини Кароматхон, дейдилар. Улар ўқиб, дадамлар тракторини ҳайдаганлар. Болалигим далада, трактор ортида ўтди. Охири мен ҳам шу касбни танладим...

Муҳиддин завқ-шавққа тўлиб сўзларди. Ўн беш йил онасига ёрдамчи бўлиб ишлагани, сўнг, янги қурила бошланган Бош тўғон ГЭСи қурилишига боргани, уни битказиб Норак ГЭСи қурилишига ўтгани, бу ерда механизаторликни ташлаб, энг зарур касб — қояошувчиликни эгаллагани, альпинистлар мусобақасида қатнашиб СССР спорт мастери бўлгани, қоя ошишда тажриба орттиргач Роғун ГЭСи қурилишига даъват этишганини ҳикоя қиларди.

— Ҳозир нима иш қиляпсизлар?— сўрадим.

— Қоя ошяпмиз, ҳу чўққиларга чиқиб, портлатиб устини текислаяпмиз, — деди у тепасида титилган увададай булутлар сузиб юрган осмонўпар чўққини кўрсатиб, — келажакда тўғон усти ўша ер билан тенг бўлади.

Э, парво қилманг, ака, касбдан тўрт, бешта бор. Ўрни келса бульдозер, БелАЗ машиналарини ҳайдаймиз. Зарур бўлса чўққига чиқамиз.

Ҳозир азим Роғун ГЭСи қурилишида беш мингдан ортиқ меҳнат лочинлари фидокорлик кўрсатишяпти. Улар орасида ўзбек дўстларимиз ҳам анчагина. Уларнинг кўпи юрагимга яқин кишилар. Муҳиддин шулардан бири. Ҳозирда у билан яна учрашиш, дилдан суҳбатлашиш орзусида яшаяпман. Бунинг ҳам ўз гашти бўларкан. Назаримда, боқий ҳаёт катта достону, дўстлар учрашуви, суҳбати, мадади шу достоннинг зарварақларидай туюлади. Бирор дўстимни қачон кўрсам қалбимда қуёш чиққандай бўлади. Яйраб кетаман. Ҳаётда қолдирадиган бойлигимиз шу дўстлик-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Жалгас Йўлдошев,**
Қорақалпоғистон нефтегазразведка экспедициясининг бош геологи

# Устюрт жумбоғи

*Устюрт фидойиси, ажойиб геолог ва чин инсон, дўстим Абдуманноб Умаровнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.*

*Муаллиф.*

Бундан чорак аср муқаддам менинг ҳаётим узоқ йиллар Устюрт билан боғланиб қолишини ҳеч хаёлимга келтирмаган эдим. Ўшанда Ўрта Осиё Давлат университетининг геология факультетини эндигина тугатган, «Келажак, ёрқин ҳаёт эшиклари ни ланг очиб турибди, фақат ишлаш керак!» деб ўйлар эдим.

Дастлаб ишни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология институтида лаборантликдан бошладим.

— Университетда олган билим билан чегараланиб бўлмайди, геология мураккаб фан, унда бирор мақсадга эришмоқ учун тузуккина тер тўкишга ҳам тўғри келади, укам, — деган эди ўшанда институт директори, ҳозирда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ғани Орифхонович Мавлонов.

Кейин Геология институтининг замирида Нефть ва газ институти ташкил этилди. Унга Обид Муродович Акрамхўжаев раҳбар, мен бўлсам у кишига аспирант, яъни шогирд бўлиб тушдим. Мақсад, Устюрт нефть ва газ конларини излаш бўйича ихтисослашиш эди.

— Сиз қўнғиротлик экансиз, бунисн айни муддао, — деди домлам. — Устюрт ясси тоғлиги бўйича иш қиласиз. Устюрт эса бамисоли очилмаган геология қўриғи...

1959 йили Устюрт ясси тоғлигида теран пармалаш ишларини бошлаб юбориш ҳақида кўрсатма берилгач, орадан ҳеч қанча ўтмай Теранқудуқ ва Бойтеракда биринчи теран парма қудуқлари кавлаш бошлаб юборилди.

Устюртдаги нефть ва газ бўйича геология-қидирув ишларини бошларканмиз, биз ўйлардик: Устюртнинг шундай биқинидаги Манғишлоқ ҳавзасида янги-янги нефть ва газ конлари очилмоқда-ку, наҳот Устюртдан кон топиб бўлмаса!! Бунинг устига Устюрт геологик жиҳатдан мутлақо ўрганилмаган вилоят... Умум белгилари нефть ва газ қидириш истиқболини кўрсатиб тургандай. Қани энди янги конлар топсак... Қорақалпоғистон автоном республикасининг экономикасини юксалтириш учун ҳам жуда асқотар эди-ку!..

Шундай қилиб, Қорақалпоғистоннинг шимолидаги Қўнғирот шаҳри Устюрт ясси тоғлигига ҳужум плацдарми ва штабига айлантирилди. Ўша йилларда Қўнғиротда аҳоли жуда кам, саноат эса деярлик йўқ эди. Геологлар Қўнғиротга қудратли техникалар билан транспорт воситаларини олиб кела бошладилар. Кўп ўтмай бу ерда ҳақиқий ҳаёт — бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Геологлар учун посёлка қуришга, парма қудуқларни кавлашга ҳозирлик кўришга киришилди.

Қўнғиротликлар ўз юртларида Иттифоқ миқёсидаги катта ишлар бошланиб кетганидан завқ-шавққа тўлиб сўзлашар, бу ерларнинг келажагини ўзларича башорат қилар эдилар:

— Борса-келмасда нефть бор эмиш... Илгарилари у ерга борганлар қайтиб келмаслигининг сабаби энди тушунарли.

— Ер ости нефть «дарёси»нинг ўзани бизнинг еримиздан ҳам оқиб ўтар эмиш, геологлар ана шу дарёни излашаётганмиш...

Очиғи, теран қудуқларни қазишни бошлаш ниҳоятда қийин бўлди. Участкалар Қўнғиротдан 150—200 километр олисда жойлашган, йўлнинг тайини йўқ, геологларга техника воситаларини, ҳаттоки ичадиган сувни ҳам ташиб бориш керак эди. Кишилар тажрибасизликдан қийналишар, ҳатто чўлда неча кунлаб адашиб қолишар эди. Аммо иш суръати бирор дақиқа ҳам тўхтамади.

Одатда ер остидаги энг баланд жойлар нефть ва газ йиғилиши учун қулай ҳисобланади. Бу ерда эса, Оқтумшуқда ва Марказий Устюртда геологик съёмка ва геофизик ишлар жараёнида топилган ана шунақа жойларда нефть ва газдан ҳеч дарак йўқ эди. Аммо геологлар дастлабки бу муваффақиятсизликлардан тушкунликка тушмадилар. Улар энди ясси тоғликнинг пастлик қисмига ҳужумга ўтдилар.

Шу ўринда журналхонлар Устюрт ўзи қаерда, қанақа жой, дея қизиқишлари мумкин. Мен уни Сизга тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Устюрт Орол денгизи билан Каспий денгизи ўртасидаги оралиқни эгаллаб ётган бамисоли улкан супа. Унинг умумий сатҳи Европадаги бир неча ўртача давлатларнинг территориясига тенг — 200 квадрат километр дашту биёбондан иборат. У жанубдаги Қоплонқир тоғлигидан шимолдаги Муғожар бурмаланишигача давом этади. Устюрт Амударё этакларидан 200 метр баландликда жойлашган. Устюрт тепаси кўз илғамайдиган текислик бўлиб, ҳеч қандай табиий ёки сунъий иншоотлардан нишон йўқ. На дарахт, на сув бор! Фақат пастак ёвшанларгина ўсади. Табиат бу ўлкани атай жайронлар учун яратган бўлса ажаб эмас. Ҳеч қандай тўсиқ йўқлиги учун тезкор бу ҳайвонлар ўз душманларидан бу ерда бемалол қочиб қутила оладилар.

Устюртда беҳисоб эски қудуқлар бор. Улардаги сув аксарият шўр. Ўтмишда бу ерлар чорвага макон бўлганга ўхшайди. Чунки баъзан ажойиб обидаларга дуч келади киши. Улар асосан мақбаралардан иборат. Дид билан ишланган бу эсдаликлар ўша даврда яшаган ота-боболаримизнинг ақлзаковатидан, нафосатга ўчлигидан дарак беради.

Ана энди бу ерда геологлар олиб бораётган ишларга қайтайлик:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу заҳматкаш касб кишиларининг тинимсиз изланишлари натижасида 1965 йили Шохпахтида, 1968 йили Қувончда газ конлари очилди. Бу ютуқ Қорақалпоғистон маркази Нукусда нефть ва газ конларини излаш бўйича алоҳида трест барпо қилинишини тақоза этди. Бу трестга Абдуманноб Умаров бошқарувчи этиб тайинланди.

У асли Наманагандан. 1959 йили М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг геология факультетини тамомлаган. Сўнг Газлида, Муборакда ишлаган, тажриба орттирган.

Биз бирга ликда ишлай бошладик. Қаттиққўл, аммо меҳрибон бу инсон билан кўп яхши ва аччиқ даврларни бошдан кечиришга тўғри келди. У ўзига ҳам, ўзгага ҳам талабчан эди. Мен унинг хотирасига жуда қойил қолар эдим. Нимаики ваъда қилса, албатта, сўзининг устидан чиқарди. Шунинг учун ҳам ҳамкасблари уни чин дилдан ҳурмат қилишар, трест ва экспедиция идораларида, участкаларда қатъий интизом ҳукм сурар эди. Ҳамма куч нефть ва газнинг янги конларини топишга қаратилган эди.

Йиллар ўтар, муваффақиятсизликлар давом этар, ишнинг адоғи эса кўринмасди. Бу эса ҳаммани ташвишга солиб қўйди. Айниқса Абдуманноб тез-тез ҳаяжонга туша бошлади. Шу йиллар ичида унга бошқа ишга ўтиш таклиф қилинди, ҳаттоки унинг юқорироқ ловозимга ўтиш имконияти ҳам бор эди. Аммо Умаров «Устюртда биронта кон очмасдан кетмайман» деб туриб олди. Кон эса очила бермади. Бамисоли Устюрт биз геологлар билан ўчакишаётгандай эди.

Баъзан Умаровни учратган таниш-билишлари:

— Ўртоқ Умаров, Устюртнинг нефть-газини қаёққа йўқотиб юбордингиз! — деб ҳазиллашар эдилар.

Бу гаплар ҳазил маъносида айтилса ҳам Абдуманноб ичичидан зил кетарди.

1978 йил. Орадан ўн йил ўтди. Бу ҳазилакам давр эмасди. Аммо шу йиллар ичида Устюртда биронта ҳам нефть ёки газ кони очилмади. Трест ёпилди. Битта кичкинагина экспедиция қолди. Геология қидирув идораси Нукусдан Қўнғиротга кўчиб келди. Куч камайди, ҳатто геология-қидирув ишларини тўхтатиш тўғрисида ҳам гаплар бўла бошлади. Бунинг жиддий сабаблари бор эди.

Даставвал шуни айтмоқ керакки, 18 йил ичида бор-йўғи иккита газ кони очилди, деярли ўн йили беҳуда кетди. Қазилган теран қудуқларнинг сони 100 дан ошиқ эди. Ўйлаб кўринг-а, ҳар бир қудуқнинг ўртача теранлиги 3200—3500 метр келади. Уларнинг биттасига сарф қилинган ҳаражат 1 миллион сўм. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қудуқларнинг жойини аниқлаш учун алоҳида геофизика экспедицияси ишлаб турган ҳолда, улар ҳам ҳар йили камида 3—4 миллион сўмлик иш бажаришарди. Бунинг устига транспорт, ишчилар таъминоти, геология-геофизика ишлари... Устюртдаги ишларга давлат ҳар йили 13—15 миллион сўм маблағ сарфларди. Наҳот, шунча ҳаракат, шунча ҳаражат елга учиб кетаверса!!

Устюртнинг Қозоғистон қисмида иш олиб бораётган геологлар 150 та теран қудуқ қазиб, деярлик натижа ололмагач, ишларини тўхтатиб, Каспий соҳилларидаги Қоражонбос нефть кони ҳавзасига кетиб қолишди. Улар: «Устюрт айрим геологик сабаблар туфайли нефть ва газ конларини излаш учун истиқболга эга эмас» — деган қатъий хулосага келиб қўйган эдилар.

— Устюртдаги геология-қидирув ишларини иттифоқимизнинг бошқа жойлари билан таққослаганимизда иқтисодий томондан жуда паст кўрсаткичларга эга, — деганди ўшанда Ўзбекистон Геология министри Ҳ. Т. Тўлаганов. — Демак геология қидирув ишларини тўхтатмоқ ёки бу ишларни бошқа бир усулда олиб бормоқ лозим, токи ундан бир натижа чиқсин...

Министрнинг бу гапларида чуқур маъно ва шу билан бирга геологларнинг адресига ҳақли таъна ҳам бор эди.

Геология-қидирув ишлари танглиkка тушиб қолиши айниқса экспедиция бошлиғи Умаровни қаттиқ безовта қиларди. Унинг шунча орзу-умидлари наҳотки сароб айланса!! Шунча меҳнат ҳавога учса!!

Геологлар яратувчи халқ бўлади. Улар қадам босган жойларда қанчадан-қанча йўллар, шаҳар ва посёлкалар бунёдга келади. Ангрен, Газли, Зарафшон, Учқудуқ, Муборак... Ҳа, Муборак. Унинг барпо бўлишида Умаровнинг ҳам ҳиссаси бор. У Устюрт келажагига қатъий ишонган ҳолда геология-қидирув ишлари билан бир қаторда Қўнғиротда ободончилик ишларини олиб боришни бир дақиқа ҳам эсдан чиқармади. Геологлар учун икки қаватлик типовой уй-жойлар қурдирди. Уларда яшаш учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Маъмурий бино, ёзги кинотеатр, болалар боғчаси, меҳмонхона қад ростлади... Орол денгизининг ғарбий соҳилида дам олиш уйи барпо бўлди. Эндиги навбат Қўнғиротнинг энг гавжум жойида ажойиб бир чойхона қуриш эди. Ана шуларни бир-бир хаёлидан ўтказаркан, Умаров изтиробга тушарди, ўзини қўйгани жой тополмасди. Ҳамма нарса бўляпти-ю, наҳот кондан дарак бўлмаса!..

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг ташаббуси билан Тошкентдаги Нефть ва газ конларининг геологияси ҳамда разведкаси институти, Москвадаги Бутуниттифоқ нефть институти ва Ленинграддаги Бутуниттифоқ геология-разведка институти вакиллари томонидан Устюртдаги геология-қидирув ишлари натижалари ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Давлат мукофотининг лауреати О. М. Акрамхўжаев раҳбарлик қилган комиссия Устюртда олиб борилаётган ишларнинг муваффақиятсизлигини қуйидаги сабабларга боғлади:

— Устюртдаги йирик ер ости гумбазлари — Оқтумшуқ ва Марказий Устюртда нефть ва газ йўқ. Сабаби, бу ерлар тектоник жиҳатдан актив, ер ости синиқлари мавжуд, ўзида нефть ва газни ушлаб тура олмайди.

— Устюртдаги асосий нефть ва газ қатламлари ҳисобланган юра тоғ жинсларида коллекторлар яъни нефть ва газ жойлашадиган ғоваклар кам ривожланган ва улар сифатли эмас. Бу эса нефть ва газ маҳсулотларининг кўп миқдорда йиғилишига имконият яратмайди.

— Ер ости пастликлари ҳисобланган Борсакелмас, Ассакеаудан ва Қўсбулоқда нефть ва газни ушлаб турадиган гумбазлар майда, улар нефть ва газнинг катта запасларини тутиб туролмайди.

Ана шу сабабларга кўра Устюртда нефть ва газнинг катта запаслари топилмади, оқибатда эса бу ишларнинг келажак истиқболи кўринмаётир.

Нима қилмоқ керак!

— Комиссия бу саволга: нефть ва газ конларини юра жинсларидан пастроқда жойлашган палеозой қатламларидан излаш лозим, бунинг учун 4000—5000 метр чуқурликдаги қудуқлар керак. Устюртга қўшни Жанубий Орол пасттекислигида ҳам нефть ва газ конларини излаш мақсадга мувофиқ, деб жавоб берди.

Даставвал, Оқтумшуқ ва Шохпахтида палеозой қатламлари учун 4—5 километрлик қудуқлар қазила бошланди. Натижа яхши чиқмади. Қобонбойда эса кутилмаганда юра қатламларининг пастки қисми аъло сифатли коллекторлардан иборат эканлиги аниқланди. Бу жуда соз эди. Қорақудуқда эса палеозой кавакли оҳактош жинсларидан иборат эканлиги маълум бўлди. Муҳими — ана шу жинслар ичидан бироз миқдорда нефть олинди. Ҳа, нефть! Лекин у оз миқдорда эди. Сўнгра бу ерда яна бешта теран парма қудуғи қазилди. Аммо нефть чиқмади. Бу нарса геология-қидирув ишларининг йўналишини анча қийинлаштириб қўйди. Сўнг Қўшқаирда ҳам учта қудуқ кавланди. Бу ердан эса палеозойдан газ олинди, аммо у ҳам кўп эмас эди. Шундай қилиб, палеозой қатламларига бўлган дастлабки умид кўнгилдагидек натижа бермади. Ниҳоят, 1978 йилнинг охирида енгил эритмалар билан ковланган Ғарбий Борсакелмас қудуғидаги юра қатламларидан саноат аҳамиятига эга бўлган газ оқими чиқди. Иккинчи қудуқдан ҳам газ олинди. Учинчи қудуқдан эса 1980 йили нефть фонтани отилиб чиқди. Ҳа, нефть! Биринчи Қорақалпоқ нефти!

Устюрт тақдири нима бўлар экан, дея ташвишланиб юрган бир пайтимизда Ғарбий Борсакелмасдан нефть ва газ фонтанининг уриб бергани айни муддао бўлди. Бу воқеага баҳо бериш учун Ўзбекистон Геология министрлиги махсус комиссия тузди. Унинг раҳбари, академик О. М. Акрамхўжаев эди. Комиссия ўша йилнинг баҳорида Устюртга келиб жойлардаги аҳвол билан танишди.

Биз ўшанда Ғарбий Борсакелмасдаги учинчи қудуққа келиб нефть фонтани билан танишгандик. Қудуқни синаб кўрганда суткасига юз тоннагача нефть олиш мумкинлиги маълум бўлди. Бу катта гап эди.

— Ниҳоят, нефть ҳам олдик! — деди мамнуният билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

Обид Муродович. — Ўзбекистонда суюқ ёқилғи танқислигини ҳисобга олганда бу бағоят улуғ иш бўлди!

— Бизга энди буни қандай қилиб ишга туширишнинг йўлларини кўрсатинглар, автоном республикамиз иқтисодига тезроқ нафи тегсин, — деди бизга ҳамроҳлик қилаётган Қорақалпоғистон область партия комитети саноат бўлимининг мудири.

— Разведка ишларини кучайтирмоқ лозим, буёғи ўрток Умаровга ҳавола, — деди бунга жавобан Акрамхўжаев.

— Бир дақиқа ҳам бекор ўтмаяпти, 4-қудуқни пармалаяпмиз, 5-қудуқни монтаж қиляпмиз, — деди Абдуманноб. Биз ўшанда Ғарбий Борсакелмасдан хурсанд қайтгандик.

— Ҳайрият-е, ниҳоят, Устюрт ҳам инсонга жиловини тутқазди, — деганди йўлда Обид Муродович. — Эҳ-ҳе, бу ишлар қанча машаққат билан амалга ошириляпти, қанчадан қанча одамларнинг пешона тери тўкиляпти. Кетаётган маблағ қанча!!

Ғарбий Борсакелмасдаги 3-қудуқдан чиққан нефть орадан ҳеч қанча ўтмай ҳаммани ташвишга солиб қўйди. Бирин-кетин қазилган 4,5,6-қудуқлардан нефть чиқмади. Сўнг геофизикларнинг тавсияси билан 7 ва 8-қудуқлар ҳам қазилди. Булар ҳам «қуруқ»! Разведка ишлари тангликка тушиб қолди. Ҳаяжонли дамлар бошланди. Нега бундоқ бўлди! Нимада янглишдик экан! Ҳамма-ҳаммамиз шу ҳақда ўйлардик.

Шунда мутахассисларнинг нигоҳи Борсакелмас шўрҳоклигига тушди. Балким, нефтнинг асосий кўзи ана шу ердадир! Борсакелмас шўрҳоклиги майдони 600 квадрат километр келадиган туз кони. У асосан ош тузидан иборат бўлиб, қалинлиги 20—30 метр келади. Бу ерда ош тузининг беҳисоб запаси бор. Тузнинг устида бевосита парма ишларини олиб бориш мумкин эмас, чунки у ўз қаърига тортиб кетиши мумкин. Аммо шўрҳоклик ўртасида Шайтонқалъа деб номланган кичкинагина орол бор. (Шайтонқалъа! Номини қаранг, Борсакелмасдай жойга фақат шайтонлар «қалъа» солиши мумкин эмиш!) Ана шу Шайтонқалъа ороли текширилганда учламчи жинсларнинг қум тошларидан иборат кичик тепалик бўлиб чиқди. Бу ерга бемалол парма ҳавозаларини ўрнатса бўларди.

Шайтонқалъа космосдан ҳам суратга олинди. Нефть ва газ тўпланиши мумкин бўлган структура деб топилди. Илгарилари ҳам ўзининг геоморфологик белгиларига кўра у ер остининг йирик гумбази бўлса керак, деб фараз қилинар эди. Шундай қилиб, Шайтонқалъа геологларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Бу ерда 400 метрлик парма қудуғини кавлашга қарор қилинди. Аммо у ерга қандай қилиб оғир парма ускуналарини олиб бориш мумкин деган муаммо пайдо бўлди. Чунки шўрҳокликдан Шайтонқалъага боргунча тузнинг устидан 20 километр масофани босиб ўтиш керак эди. Баҳор ойлари эса шўрҳоклик сув билан тўлар, транспорт юролмас эди. Бу аҳволда фақат вертолётларгина қўл келиши мумкин.

Шу масала бўйича Қўнғиротдаги нефтегазразведка экспедициясида министр Ҳ. Т. Тўлаганов раислигида ўтган бир мажлисни яхши эслайман. Ўшанда Қўнғирот райкомининг биринчи секретари Қурбонбой Абдиров шундай луқма ташлаганди:

— Ҳайронман, Ҳабиб Тўлаганович, ҳозир денгизлар пармаланиб ташланяпти-ю, сизлар эса арзимаган шўрҳокликдаги бир оролда парма қўйишга чўчиб ўтирибсизлар.

— Бизда куч етарли, қўрқаётганимиз йўқ, — деди Тўлаганов. — Мана, мен сизга хоҳлаганингизча маблағ беришим мумкин. Аммо қандай қилиб Шайтонқалъага йўл соламиз, ким уни солади, қайси йўсинда солинади, бу билан ким шуғулланади! Хоҳласангиз бу ишларни ўзингиз бошқаринг.

— Менинг бунга вақтим йўқ.

— Бизда ҳам кўп эмас.

Бироқ Шайтонқалъага сурункасига йўл солиш масаласи осонгина ечилди. Тузнинг ички қисмлари ниҳоятда қаттиқ чиқди. Йўл фақат икки қирғоқдангина солинди, холос.

Шайтонқалъада парма ишлари тез орада бошланиб муваффақиятли тугалланди. Бу оғир ишнинг уддасидан Сайлов Ауелбеков бригадаси чиқди. Исмоил Каримов бригадаси эса қудуқни синаб кўрди. Бу ерда нефть ва газдан нишон ҳам йўқ эди.

Яна тушкунлик дамлари бошланди.

Геология-қидирув ишларини олиб бориш ниҳоятда қийинлашиб кетди. Энди илгаригидек Устюрт учун маблағ ҳам ҳадеганда ажратилавермас эди. Геологлар, инженерлар ва ишчилар сони кескин камайтирилганди. «Ҳозир биттамиз уч кишининг ишини бажаряпмиз», дейишарди улар. Бу гапда жон бор эди. Транспорт ва техника воситалари ҳам аста-секин қисқара бошлади. Планни бажариш эса оғирлашди. Ҳамма қийинчилик биринчи навбатда экспедиция бошлиғи Умаров зиммасига тушди. У кечаю-кундуз тиним билмай ишларди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пастлаб кетишига йўл қўймасди. Аммо бу Умаровга қимматга тушди. Кунларнинг бирида у АН-2 самолёти билан янги монтаж қилинаётган пармага учиб бораётиб тўсатдан ўз танасининг ўзига бўйсунмаётганлигини сезиб қолди. Унинг қўл-оёғи ишламас, тилдан қолганди. Умаров узоқ даволанди. Нукусда, Тошкентда, Москвада ҳам бўлди, аммо тўла шифо тополмади. Бу аҳволда у экспедициянинг мураккаб ишларига раҳбарлик қилолмас эди, албатта. У ўз илтимосига кўра хизмат вазифасидан озод қилинди. Умаровнинг ёру дўстлари ҳам, бирлашмадаги ва министрликдаги раҳбарлар ҳам унга пенсияга чиқиб биронта енгил-елпи ишга ўтишини маслаҳат бердилар. Аммо у кўнмади. «Илтимос, мени экспедицияда қолдиринглар», деб туриб олди. Мен худди шу пайтда Қорақалпоғистон нефтегазразведка экспедициясига бош геолог бўлиб тайинланган эдим.

— Шайтонқалъадаги қудуқни бекор қазидик деб бўлмайди. Бу иш туфайли биз Аламбек-Акчалак районларининг ниҳоятда катта структура эканлигини аниқладик, — дедим мен ишлаб чиқариш кенгашларининг бирида. — Бизнинг нигоҳимиз Шайтонқалъага эмас, балки ўзимизнинг илгариги ишлаётган Аламбек-Акчалак районимизга қаратилмоғи лозим. Бу ерларда, афсуски, пала-партиш қазилиб, яхши синалмаган қудуқлар бор. Улардан олинган материалларни тўла-тўкис деб бўлмайди.

Ишни ер ости картаси тузишдан бошладик. Бу картада Акчалак-Аламбек ер остининг йирик ва ягона гумбази эканлиги кўрсатилганди.

— Демак, — дедим мен бу пайтда соғлиги туфайли геология бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган А. Умаровга, — агар бизга баланд структуралар керак экан, биз унга эгамиз. Бу ўзимизга маълум Аламбек-Акчалакдир. Аммо нима учун бу катта гумбазнинг баъзи жойларидан нефть ёки газ чиқмай қолди!

Бу саволга кейинчалик Акчалакда олиб борилган парма ишлари бироз равшанлик киритди.

Пармалаш мастери Бобожон Жумашев бригадаси Қорақудуқдаги энг чуқур 4450 метрлик қудуқни ниҳоясига етказган эди. Унга навбатдаги қудуқнинг жойини белгилаб бериш керак эди. Биз ўшанда Жумашевга Акчалакдаги 4-қудуқни қазишни топширдик. Бу ерда илгари 1-қудуқ авария бўлган, 2-қудуқдан сув олинган, 3-қудуқдан эса синов вақтида газ чиққан эди. Газ оқими ўртача ва саноат аҳамиятига эга эди. Шундай бўлса-да, Ғарбий Борсакелмасдаги кейинги қудуқларда юз берган муваффақиятсизлик Акчалакка ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда эди. Ундаги газ манбаига ҳам ишончсизлик кўзи билан қаралмоқда эди.

Акчалакдаги тўртинчи қудуқни Жумашев бригадаси август ойларида қазий бошлади. Октябрь ойида эса унга 2600 метрлик техник колонна туширилди. Сўнг нефть ва газ тўпланиши мумкин бўлган горизонтларни очиш бошланди. Мен ўшанда Жумашев бригадасига келган эдим. Бу ерда бир кеча бўлиб, қатлам очилишини кўраман-у кетаман деб ўйлаган эдим. Аммо бир ҳодиса юз берди-ю... бир ҳафта қолиб кетишимга тўғри келди.

Мен кечқурун самолётдан тушиб, Акчалакдаги 4-қудуқ посёлкасига яқинлашганимда олдимдан Бобожон Жумашев чиқиб қолди.

У асли хоразмлик. 1961 йилдан бери Қорақалпоғистонда ишлайди. Дастлаб оддий ишчи, сўнг пармаловчининг ёрдамчиси, слесарь, пармаловчи бўлиб ишлади. Тошкентда малакасини оширди, сиртдан Қўқон нефть техникумини тугатди. Ҳозир у илғор парма мастери, Қорақалпоғистон область партия комитетининг аъзоси. Ўзига ва бошқаларга талабчан, ишбилармон киши. Унинг бригадаси 1983 йили 8000 метрлик маррадан ошиб кетди ва Бутуниттифоқ парма мастерлари мусобақасида ғолиб чиқди.

— Қалай, Бобожон, қатламни очяпсизларми! — деб сўрадим кўришаётиб.

— Ҳа, бошладик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эритманинг оғирлиги жойидами!
— Жойида. Лойиҳада кўрсатилганидек.
Биз кечаси алламаҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Лекин эрталаб кутилмаганда парма қудуғидан лой эритма зарб билан отилиб чиқа бошлади. Эритмани оғирлаштириб алмаштиришга улгурмадик. Қудуқдан кучли газ фонтани уриб берди. Бу чинакам, эплаб бўлмайдиган газ фонтани эди... Биз экспедицияга хабар қилдик. Тезда экспедиция бошлиғи Б. А. Старокожев ва бир гуруҳ мутахассислар етиб келишди.
— Биз сизлар ҳазиллашяпсизларми деб ўйлабмиз, — дейишди улар. — Чиндан ҳам фонтан-ку!
Секинроқ айтасизми! Бу шунча йиллик ҳаракатларимиз, уринишларимиз, излаб-излаб топганимиз эди. Жиловлаб бўлмас даражада ловуллаб ёнаётган газ фонтани бамисоли неча йиллик меҳнатларимиз маҳсули бўлиб, машъала бўлиб ёнарди. Унга қараган сари шундай енгил тортардикки... кўзларимизга севинч ёшлари қуйилиб келарди.
— Ер остида шунчалик қудрат борлигини ўйламагандик, — дер эди нуқул Жумашев.
Бу қувонч эди.
Ҳадеб натижасиз ишлайвериш геологларнинг ҳам, пармаловчиларнинг ҳам жонига текканди. Бу фонтаннинг юз бериши техник томондан нуқсон бўлса ҳам, ҳар ҳолда геологик томондан кўпдан бери кутилаётган натижа эди. Бизга шуниси муҳим эди. Бинобарин, Устюртда нефть ва газ ахтариш ишларини тўхтатиш тўғрисида гап юрган бир пайтда, газ фонтани уриб беришининг ҳам бошқача бир гашти бор эди.
Бир неча кунлик уринишдан кейин фонтан бостирилди. Кейин Акчалакда иш қизиб кетди. Бешинчи ва олтинчи қудуқлар қазилди, улардан ҳам кучли газ ва конденсат оқими олинди. Бу маҳсулотларни Нефть ва газ институтининг сектор мудири, геология-минералогия фанлари кандидати Соҳиб Толипов ва Тажриба-методик партиясининг отряд бошлиғи, техника фанлари кандидати Николай Кожевниковлар келиб текширдилар.
— Газ ҳам, конденсат ҳам тузук, оқим доимий, — дейишди улар.
Шундай қилиб, 1983 йили СССР ва Ўзбекистон ССР геология министрликлари Акчалак конини кашфиёт сифатида рўйхатга киритдилар. Бу эса Устюртда 15 йилдан сўнг очилган учинчи кон эди. 15 йил муваффақиятсиз ишлаш-а! Бунинг ўзи бўлади, дейсизми!!
Акчалак кони ҳозир тезкорлик билан разведка қилинмоқда. Мақсад газ ва конденсат запасларини аниқлаш ва уларни халқ хўжалигида фойдаланиш учун тезроқ топширишдир.
1983 йилнинг кузида экспедиция катта геологи Ботир Қулназаров билан Қозоғистоннинг Каспий соҳилларида жойлашган, донғи кетган Шевченко шаҳрига келдим. Мақсад, Манғишлоқнефтегаз разведка экспедицияси бир вақтларда Устюртнинг Қозоғистон қисмида ишлаб, кейин нима учун у бу ерлардан кетиб қолиш сабабини билиш эди. Экспедиция бош геологи, Ленин мукофотининг лауреати Сергей Николаевич Токарев шундай деди:
— Биз Устюртда 1960—1975 йиллар ичида 150 та теран парма қудуқларини қазидик. Атиги битта кичик нефть конини очдик, холос. Бошқа муваффақият бўлмади. Сўнгра у ерларни ташлаб Каспий соҳилларига келдик. Аммо Устюртдан кўнглим совиган эмас, нима учундир у ерлар ўзига тортиб туради.
Устюртда сўнгги йилларда эришган муваффақиятларимиз ҳақида гапириб берганимизда, С. Н. Токарев ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди:
— Ана, айтмабмидим! Биз эндиги йилиёқ Устюртда бир неча қудуқлар қазишни планга киритамиз ва муттасил сизларнинг усул билан ишлаймиз!
Шундай қилиб, Устюртдаги бунёдкорлик ишлари кучаймоқда. Геология разведка ишлари синчковлик билан олиб борилмоқда. Замин теранроқ пармаланмоқда ва ҳали теша тегмаган жойлар текширилиб кўриш мўлжалланмоқда. Эзгу ишлар ҳозирданоқ бошлаб юборилди. Насамбекдаги 5000 метрлик қудуқни қазиш Сайлов Ауелбеков бригадаси зиммасига юкланди. Орол денгизининг жанубий соҳилларидаги қудуқни пармалаш учун Валентин Карпушенко бригадаси 200 метр йўл босиб Устюртдан Тахтакаир деган жойга кўчиб ўтди. Бобожон Жумашев билан Михаил Квон бригадалари эса Акчалакдаги газ-конденсат кони разведкасини жадаллаштирмоқдалар.
Биз Устюртда парма ишларини олиб бориш ва ҳар кунги геологик кузатишлар билан бир қаторда аввалги қилган ишларимизни ҳам таҳлил қилиб борамиз. Яқинда хулосаларимизни Ўзбекистон Геология министрлигига топширдик. Одатда бунақа ишлар уддасидан Ботир Қулназаров чиқади. Унинг кечаю-кундуз геологик архивларни текшириб қилган меҳнатлари ижобий натижа берди. У илгарилари нефть ва газ изланган майдонлардаги юмушларда хатоликларга йўл қўйилган, деган хулосага келди. Бу фикрларини Акчалак конининг очилиш тарихи ҳам қувватлар эди. Шу тариқа эски майдонларнинг баъзи бирларида, жумладан Ғарбий Борсакелмас, Марказий Қўшқаир ва Қорақудуқда пармалаш ишларини тиклаш керакка ўхшайди.
Ботир Қулназаров ёш мутахассис. Унинг икки йил давомида олиб борган ишлари илмий жиҳатдан ҳам, практик жиҳатдан ҳам Ўзбекнефтегазгеология бирлашмаси томонидан юқори баҳоланди. У ҳозир бу соҳадаги изланишларини давом эттириб, кандидатлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. У яқинда «Нефть ва газ тўпланиши учун энг қулай шароит Орол денгизи остида мавжуд эди», деган қатъий хулосага келиб, ўз тадқиқотларига якун ясади. Ажаб эмаски, Орол тобора қуриб бораётган бир даврда ўз нефти ва газы билан яна инсониятга хизмат қилса.
Экспедициямиз олдида турган масала— Устюрт жумбоғини ечиш. Даставвал нефть, газ ва конденсатнинг етарлик миқдорини топиб Автоном республика иқтисодига салмоқли ҳисса қўшишдир. Бунинг учун илгари қилинган ишлар натижаларини анализ қилиб, оператив турда геология-разведка усулларини ўзгартириб ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб келгусида янги конларни очиш учун куч-ғайрат билан ишлаш керак.
Ҳозирда Шохпахти кони Ўрта Осиё — Марказ магистралига газ бериб турибди. Қувонч газ кони эксплуатацияга топширилган. Акчалакдаги газ конининг эса запаси аниқланмоқда.
Шу кунларда кимда-ким Душанбе-Москва, Ашхабод-Москва ёки Москва-Самарқанд поездлари билан юрар экан, улар, албатта, Устюрт ясси тоғлигининг қоқ ўртасидан кесиб ўтадилар. Йўловчилар бу ерлардан кечалари ўтганда беихтиёр гувуллаб ёниб турган гулханларга назар ташлаши мумкин. Бу Акчалакдаги газ конини синаётган геологлар.
Бир вақтларда от чопса оёғи куядиган бу дашту биёбон ҳозирда инсон қудрати туфайли гуллаб-яшнамоқда. Ҳозир Устюртда темир йўл станциялари, газ ва сув қувурлари, электр узатиш тармоқлари ва асфальт йўллар мавжуд. У илгаригидай одам чўчийдиган чўл эмас. Акчалакдаги компрессор ва Қирққиздаги темир йўл станцияларидаги посёлкада ўсиб турган ям-яшил дарахтларни кўрганда ич-ичидан қувонади киши.
Мен ҳар гал Тошкентга бўладиган командировкалардан қайтиб, Устюртга қадам қўярканман, ўша Акчалакда машъала билан уриб берган газ фонтани кўз олдимдан кетмай қолади. Кейин сўнгсиз чўл уфқларидан бирин-сирин пармалаш қудуқларининг мезаналари сузиб чиқа бошлайди. Конлар, конлар, чўлда ҳам, Орол бўйида ҳам, Оролнинг ўзида ҳам. Ва яна негадир дўстим Абдуманноб Умаровнинг чўл офтоби-ю саҳро шамолларида хурмо янглиғ қорайиб кетган юзи, сал ҳорғин, лекин умид тўла кўзлари, қиёфаси кўз ўнгимдан ўта бошлайди. Шу хайрли ишларнинг бошида у турган эди, қани энди ўзи кўрса, қандай боши кўкка етарди, инсондан дунёда қутлуғ из қолади, деганлари бежиз эмасакан, дея ўйлайман. Бу кон, бу ўзгаришлар ундан қолган қутлуғ излар эмасми!!.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Турсунали Азизов,
Жўра Саъдуллаев

# ТАРОЗИ

Утиринглар, ўтиринглар, — Ҳошияхон ўзини қўйгани жой тополмас, елиб-югуриб дастурхон тузарди. — Зап келибсизлар-да, Султонбек акам тоза хурсанд бўладилар-да...

Ҳошияхон чой дамлаб келди, пахта гулли пиёлалардан бирини қўлига олиб, уни қайтарди. Хонани яхши дам еган кўк чойнинг ёқимли ҳиди тутиб кетди. Бироз тиндириб, пиёлаларга чой қуйиб узатди:

— Сизлар гурунглашиб, чой ичиб ўтиринглар. Ҳали замон Султонбек акам ҳам келиб қоладилар.

Ҳошияхон шундай дея чаққон юриб ташқарига чиқди, ҳовлини кесиб ўтган йўлкадан ошхонага ўтиб кетди. Биз аччиқ кўк чойни ҳузур қилиб ичганимизча, суҳбатлашиб ўтирдик. Пайқамай қолибмиз, ҳовлида Султонбекнинг овози эшитилганида сергак тортдик:

— Ажойиб иш бўлибди-ку! Қани дўстларим!

— Меҳмонхонада.

— Нима қиляпсан!

— Ошнинг гуручини босай деяпман.

— Э-э, нодоним-ей... Дўстлар учрашганда ош кейин дамланмайдими!

Биз эр-хотиннинг суҳбатига беихтиёр қулоқ солиб, кулишиб ўтирибмиз. Ниҳоят, қўлида сочиқ, Султонбек кириб келди. Саратонда буғдойранг тус олган юзи ялтирайди. Тўғри келдида, ҳар биримиз билан қўл олишиб сўрашди. Илгарилари бундай қилмасди: дўстларни бағрига босиб, даст кўтарарди-ю, бир чирпирак қилиб айлантирарди. Энди бутун борлиғидан вазминлик, сиполик ёғилиб турарди.

Икки чаккасидаги сочларига оқ оралапти, кенг пешонасида иккита чуқур из пайдо бўлипти. Қарашларидаги шўхлик сезилмайди, тубсиз, зангори кўзлари ўйчан боқади. Бутун борлиғида илгари биз илғамаган салобат, вазминлик.

Аввалига суҳбатимиз қовушмади. Ҳар биримиз студентлик йилларини, баъзи курсдошларимизни эслашиб ўтирдик. Султонбек агрономия факультетида ўқир, биз бир уйда ижарага яшардик. Тўрт йил бирга туриб, бирга дарс тайёрлаб, иноқлашиб кетганмиз. Институтни битириб, Султонбек ўз колхозига йўлланма олди. Ишни ҳисобчиликдан бошлади. Мана, саккиз-ўн йилки, бригадир. Кейинги уч йил ичида кўришолмагандик. Шундай бўлса ҳам дўстимиз ёзилиб, илгаригидек чақчақлашиб ўтирмаётганини сезиб турибмиз.

Ниҳоят, ош еб бўлинди ҳам-ку, лекин Султонбекда ўзгариш йўқ. Биз таажжубга тушдик. Суҳбат илгариларидагидек қизимаётганини хонага кириб-чиқиб турган Ҳошияхон ҳам сезиб, ўнғайсизлана бошлагандек эди.

— Адаси, бундоқ ёзилишиб ўтирсангиз-чи...

Ҳозиргина дамлаб кирган чойни қайтариб, пиёлаларга қуяётган Ҳошияхон Султонбекка илтижо билан қараб қўйди. Унинг ҳам ичини кемираётган бир нима борлигини, бу дардни ошкора қилгиси келаётганини сезиб қолдик.

— Гаплашиб ўтирибмиз-ку!

Султонбек ўрнидан турди, ташқарига чиқди. Ҳошияхон стулга қулайроқ ўтириб, чойдан бир ҳўплади, кейин оҳиста:

— Султонбек акамга ёрдам беринглар, жуда сиқилиб кетдилар, — деб қўйди.

— Тинчликми! Нима бўлди!

— Менга ҳам ёрилмайдилар. Икки йилдан буён аҳвол шу. Бу орада хафақонлик дардига ҳам йўлиқдилар.

Эшик очилиб, Султонбек кирди: қўлида каттагина тарвуз. Уни кўриб, Ҳошияхон чаққон қўзғолди, тўрдаги шкафдан чинни лаган олиб, ювиб келди. Пичоқ тиғи тегиши билан тарвуз тарс ёрилди.

— Оҳ-оҳ, зўри экан-ку, — бир дам Султонбекнинг чеҳрасида илгариги шўхлик шуъласи чақнади. — Ўғитсиз, қўлбола.

Тарвуздан кейин Ҳошияхон эрига бир қараб қўйди-да, дастурхонни йиғиштириб олди.

— Ишлар қалай, Султонбек!

У стулга суянганича узоқ жим ўтириб қолди. Охири ўрнидан оғир қўзғолди, дераза пардаларини очиб юборди. Хонада кечки салқин шабада ўйнай бошлади.

— Хабарларингиз бор, тузуккина ишлаб юрувдим, — Султонбек ўрнига қайтиб ўтирди... — ерга ер қўшдим, ҳосилга ҳосил. Гоҳи йиллари пландан анча оширардим. Хуллас, план тўлмаган йил йўқ. ишим яхши, обрў ҳам шунга яраша. Лекин...

Ниҳоят, Султонбек «ёрилди».

Воқеа бундай бўлган экан. Бир йили чигит экишга тайёрланиб юрганларида бригадага райком секретари билан раис келишди. Чой устида раис: «Мана, Қудрат Ботирович, бўлажак қаҳрамонимиз шу йигит», — деди. Султонбек ўнғайсизланди: «Қаҳрамонликни ҳам олдиндан белгилаб бўларканми!» Райком секретари Султонга кўз қирини солиб, «Дуруст», — деб қўйди. Фақат хайрлашиш чоғида: «Раисингизнинг гапи маънолиқ, унга қулоқ солинг, ука», деди-ю, машинасига ўтириб жўнади. Уни кузатиб, раис яна жойига келиб ўтирди.

— Энди, ўғлим, гап бундай, — деди раис, — бу ерингни тез эккин-да, кейин чўлга чиқасан, қишда юз-иккиюз гектар ер сурганмиз. Шунга ҳам экканингча чигит ташла. Қолганига бироз қовун-тарвуз эк, пиёз сеп. Уқдингми!

— Планимизда шу саксон беш гектар кўрсатилган-ку, раис бува, — деди Султонбек гапнинг оқимини фаҳмлаб етмай.

— Энди, ука, колхозимизнинг довруғи ўзига яраша, — раис ёстиққа ёнбошлади. — Таниқли колхоз. Қудрат Ботирович тунов куни чақириб, келинг, раис бува, даврингизда бир йигитнинг пешонаси ялтираб қолсин, дедилар. Энди, ўйлаб-ўйлаб, сенга тўхтадик...

— Бунинг Ёзёвонда чигит экишга нима алоқаси бор! — яна тушунмади Султонбек.

Раис кўзларини ола-кула қилиб бригадирга тикилиб қолди, ёстиқни суриб қўйиб, қаддини ростлади:

— Овсармисан! — деди хуноби ошиб. — Наҳотки тушунмасанг!! Ахир шу ерда планни учма-уч қилиб, қаҳрамон бўлармишми киши! Бунинг учун бирни икки қилиб экиш керак!

Султонбекнинг кўз олди қоронғилашиб, боши айланди. Анча фурсат жим ўтириб қолди. «Сукут аломати ризо, — ўйларди раис яна ёстиққа ёнбошлаб, устма-уст чой ҳўпларкан. — Шуҳрат, обрў шундай ёқимлики, унинг олдида ҳар қандай чарс одам ҳам ҳалимдай юмшаб қолади».

Султонбек эса раис бувага бот-бот чой қуйиб узатар, ёшлигида қамалиб кетган отасини, умри хазон бўлган онасини, ўзининг етимлик йилларини ўйларди. Отаси нима учун қамалиб кетганини балоғатга етгунича фаҳмламай юрди. Мактабни

www.ziyouz.com kutubxonasi

битириб, Тошкентга, ўқишга ҳозирланиб юрган кезлари Аҳмад полвон амаки бир гапни айтиб қолди:

— Кузатиб юрибман, болам, отангга тортяпсан. Отанг асл деҳқон, уста пахтакор бўлган. Бригадамиз ёнма-ён эди. Қодиржон тиришиб-тирмашиб ерига ер қўшарди. Давлатга пахта керак, кўпроқ пахта берайлик, деб уринарди. Қирқ бешга кўтарилди ҳосили. Орден ҳам беришди. Лекин бирдан колхозда «ёз-ёз» бошланди-ю, текширишда Қодиржон юз эмас, юз эллик гектарга пахта экиб келаётганлиги маълум бўлди. Уни кўзбўямачи, давлатни алдаган деб айблашди. Қамалиб кетди.Ориятли йигит эди, шу сабаб бўлдими, ё асли умри қисқа эканми, кўп ўтмай қазо қилди.

Полвон амакининг гапини эслаб, Султонбек рўпарасида ёнбошлаб ётган раис бувага оғриниб қараб ўтирарди. Ҳозирги таклифни қабул қилса, шубҳасиз, раис айтгандай бўлади.

— Қовун-тарвузни саралаб эккин, — деди раис ўз хаёллари билан бўлиб, — қаҳрамон бўлиш осонмас. Жарақ-жарақ пул керак...

Султонбекнинг аъзои-баданидан совуқ тер чиқиб, қотиб қолганди, отасининг аччиқ тақдири ҳақидаги ҳикоя миясига урилиб, бутун борлиғи жимирлаб кетди. «Энди мени ҳам ўша ботқоққа итаришмоқчи», — дилидан ўтказди у. Раиснинг юзига ҳамма гапни очиқ айтиб, узиб-узиб олгиси келди, яна андиша қилди, кекса бир одам билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзига лозим кўрмади. Охири секингина:

— Бу ишни мен қила олмайман, раис бува, — деди ерга боқиб.

— Нега! Нима деяпсан ўзи!

Султонбек бояги гапини такрорлади. Раис тутоқиб кетди, ўрнидан туриб, шийпон ҳовлисидаги ҳовузни бир айланиб чиқди, сўрига яқинлашиб:

— Биз обрўйингни ўйлаяпмиз, нодон, шуни тушунасанми! — деди овози титраб.

— Қалбаки обрў керакмас, раис бува, — деди Султонбек энди ўзини пича тутиб олиб. — Отамнинг шум қисматини мен ҳам бошимдан кечиришни истамайман...

— У замонлар бошқача эди. Ҳозир — бошқача. Нима, механизаторимиз Каримжон ўз меҳнати билан орден олдими! Ўзи юз терди, биз юз элликни қўшиб ёздик.

— Мен бундай қила олмайман...

Султонбекнинг тунд қиёфасига тикилиб турди-да, раис индамай машинаси томон кетди. Эртаси куни идорада яна гапга солиб кўрди. Ҳозир замоннинг ўзгариб кетганидан, йўлини қилмаса, обрў тополмаслигидан гапирди. Султонбек: «Бригадирлик қилмасам қутиламанми! Сурхондарёгами, Сирдарёгами — бирор чўлга бораману, бирор хўжаликда агрономлик қилавераман», — деди. Раис тутоқди: «Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради. Бор, ишлаб кўр, Ҳамма ерда бир хил тарози».

Султонбекнинг ҳикояси яна бир манзарани ёдимизга солди Бир неча йил аввал Охунбобоев номли совхоз коммунистларининг редакцияга ёзишган шикояти баҳонасида Фрунзе районига командировкага боргандик. Район раҳбарлари Н. исмли бир қизни кўтар-кўтар қилишиб, жиддий кўзбўямачиликка қўл уришганди. Унинг бригадаси ҳосилдорликни 22 центнерга аранг етказган бўлса-да, турли ҳисоботларда 32,5 центнердан хирмон кўтарилди, деб кўрсатилганди. Ўзи машина билан мавсумда бор-йўғи 16,5 тоннагина [!] пахта терган экан, бу рақамни ўзгартириб, 165 тонна [!] қилиб «тузатишади». Қарабсизки, мақтаса арзигулик кўрсаткичлар юзага келади, Н. ҳақида газеталарда ёзишади, сурати катта-катта журналларда рангли қилиб чиқарилади. Бир механизатор жувон шундай ҳикоя қилганди: «Бир куни машинамни ремонт қилиб турсам, эртага область механик-ҳайдовчиларининг слёти бўлади дейишди. Барвақт отланиб, идора олдига бордим. Уч-тўрт киши йиғилган экан. Машинага ўтираётган совхоз директори: «Сиз қолинг, совхозимиздан Н. боради»,— деди. Ўксиб, йиғлаб-йиғлаб, машинам ёнига қайтдим. Ясан-тусан бошқача Н. ёнимдан ўтиб, машинанинг олди ўриндиғига ўтирди. Ҳай майли, дедим. Теримга тушдик. Гуриллатиб пахта тераётганимда Тошкентдан фотомухбир келди. Ёнида парткомимиз, ҳалиги «машъал» аёл. Партком: «Машинадан тушиб туринг. Н.ни суратга олиш керак»,— деди. Қайдан билай, бирор нарсага керакдир-да, деб ўйладим. Уч кундан кейин шу сурат катта газетада чиқди. Тагига: «Илғор механизатор Н. кунига тўрт-беш тонна пахта теряпти», — деб ёзишипти. Шу-шу машинани ташлаб, мана бир идорада фаррошлик қиляпман... Н. эса, кўп ўтмай депутатликка сайланди. Шунчалик ҳам бебурдлик бўладими, айтинг-чи!»

Шу фактдан кўриниб турибдики, маънавий нопоклик кишини ич-ичидан емиради, жамиятимизга бўлган ишончни йўқотиш учун туртки бўлади. Бу жиҳатдан Данғарада юз берган воқеа якка-ёлғиз эмас. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида рўйрост гапирилди. Совет турмуш тарзи, коммунистик ахлоқ принципларидан озгина бўлса ҳам чекинишга мойиллик бўлган жойда кўзбўямачилик, алдамқалдамлик, ўз обрўсини ўйлаб, ўз нафсониятини устун қўйиб, давлат, жамият, коллектив манфаатларини оёқ ости қилиш бошланади. Бундай пайтда енгил-елпи обрў домига илинган киши виждонини унутади, ўзини коллективдан, борингки, жамиятдан, унинг қонун-қоидаларидан устун қўяди. Ундай кишиларнинг «мақсади» аниқ: қандай бўлмасин осмондаги чақноқ юлдузга айланса, токи бошқалар унга маҳлиё бўлса... Ўз нафсониятини қондиришга — обрў, мол-мулк орттиришга киришиб кетиб, бундай кимсалар ўз қилмишлари одамларнинг кўзи ўнгида содир бўлаётганини, одамлар кузатиб туришганини, ўзига нисбатан сиртқи ҳурмат-эҳтиром замирида ички бир нафрат, ғижиниш кучайиб бораётганини ўйлашмайди. Ўз «мен»ини кўпчиликнинг «биз»ига қарши қўйишади, бошқаларнинг фикрини менсишмайди, танқид қилганларни қувғинга солиб, бирёқлик қилмагунча тинчимайди.

Ушбу мақола муаллифларидан бири бундан йигирма йилча илгари коммунист У. Тўрақулов билан малака ошириш курсида бирга ўқиган, бир хонада истиқомат қилганди. Бир ойлик ўқиш жараёнида Тўрақулов характеридаги ман-манлик, гердайиш, ўзини бошқа одамлардан устун қўйиш сингари «хислатларни» кузатганди. Тўғри, бу «фазилатларини» у асло кўз-кўз қилмасди, ҳатто одамшаванда, камтар бўлиб кўринишга уринарди. Бироқ доғ нечоғли оппоқ нарсага ўраб-чирмалмасин, қораси сиртга тепиб туради.

У маҳалда Тўрақулов учун энди «мансаб» пиллапоясининг дастлабки зиналари туширилганди, ҳали у райкомнинг секретари эди, холос. Бироқ, вақт ўтиб, юқори поғонага кўтарилган сари унинг димоғига «қурт тушиб» борди. У ўз атрофига лаганбардор, гаҳ деса қўлга қўнадиган кимсаларни тўплади, хизмат вазифаси тақозасига кўра эмас, ўз майли, ҳаваси йўриғига кўра иш юритди. Қарабсизки, данғиллама ҳовли-жойлар, машиналар, жарақ-жарақ пуллар...

В. И. Ленин партия ходимларини назорат органлари ишига бўлар-бўлмасга аралашишдан, маъмурчиликдан холи бўлишга даъват этган, бундай ҳоллар юз берган жойда қонунчилик бузилиши рўй бериши табиий деб кўрсатган эди. Кейинги йилларда республикада содир бўлган салбий ҳолатлар бу ленинча қоида нечоғли актуаллигини яна бир бор тасдиқлади. Дарҳақиқат, масъул партия ходимининг суд, прокуратура, ички ишлар органлари фаолиятига аралашуви, шахсий садоқати «холис хизмати»ни устун кўриб, эгриқўл шахсларни ўз паноҳига олиши, умуман, социалистик қонунчиликдан четга чиқиш ҳолларига сабаб бўлади, порахўрлик авж олишига олиб келади. Яна ўша Тўрақулов воқеасига қайтайлик. Жиззах шаҳар партия комитетининг биринчи секретари лавозимини эгаллаб турганида, у қонунни бузган, социалистик мулкни талон-тарож қилган кишиларни тўғридан-тўғри паноҳига олди, жиноятчиларни совет суди олдида жавоб беришдан сақлаб қолди. Яна хотамтойлик қилиб, уларга «ёғлиқ» лавозимларни улашди, енгил машиналар «туҳфа» қилди.

Бундай ҳолатда назорат органлари ишида ҳам қонундан четга чиқишлар содир бўлиши табиий. Зеро, ўзи қонунни бузиб турган одам қонун посбонларидан тўғри ишлашни асло талаб қила олмайди. Бундай маънавий ҳуқуқдан у аллақачон маҳрум бўлган.

Пленумда яна бир факт тилга олинган эди: ҳозиргача комсомол ишида бўлган ҳар олти ёш ходимнинг бири на меҳнат, на армияда чиниқиш, камолот мактабларидан ўтган. Уларни маълум мартабага етказмоқ учун ҳомийлари анчамунча жон куйдирган. Шу муносабат билан яна Жиззах областига қайтамиз. Область партия комитетининг бюро аъзоси Фозил Абдураимов ўз ўғлининг «равон» йўлга чиқиб олиши учун КПСС Устави қоидаларини қўпол равишда бузишгача бориб етди. Бу «умидли кадр» ўзи ишламаган


www.ziyouz.com kutubxonasi

мактаб партия ташкилоти ҳисобидан КПСС сафига ўтиб олди. Унга райкомнинг ўша пайтдаги биринчи секретари Ҳасанов оқ йўл тилаб турди. Эгри йўл билан партияга кириб олган «ишчан» ёш коммунист область комсомол комитетининг секретарлигига сайланди. Бу лавозим унинг учун бир трамплин вазифасини ўташи керак эди. Шундай ҳам бўлди. Кўп ҳам ишламай у СССР Ички ишлар министрлиги академиясига ўқишга юборилди!

Шундай, киши бир бора виждон тарозуси милига эътибор бермадими, нопоклик юки босиб кета беради, ўзини сақлаб қола олмайди. «Кел шу ишни битираман-у, яна ўз позициямга қайтаман», — қабилида иш тутиш ҳеч қачон яхшиликка олиб бормайди.

...Султонбек ниҳоят бошини кўтариб колхозда юз берган кейинги воқеалардан сўз очди. Айтишича, ўшанда қўшни бригада бошлиғи Холматжон раис буванинг таклифини қабул қилипти: ҳадемай газеталарда номи чиқиб қолди, таниқли созандалар унинг номини айтиб, қўшиқ куйлайдиган бўлишди.

— Холматнинг олтмиш центнерчилар ҳаракатига ружу қўйганида жон бор, — деди Султонбек. — Раис бува топган-тутганини унга узатади. Натижада планни «дўндиради». Мажбуриятни ҳам. Бригада олтмиш центнерлик маррани эгаллади, деган овоза тарқалди. Бултур «ҳосилдорликни оширгани» учун орден олди. Бу пешқадамлигининг тагида сир борлигини битта раису Холмат билади, дейсизми! Қаёқда! Ҳамма билади.

Газетадан одам келсаям, раҳбарлар келсаям, раис Холматнинг бригадасини кўрсатади. Унинг «меҳнаткаш»лиги ҳақида гап сотади. Келган раҳбар ёки мухбир чаноқ санаб: «Ҳар бир чаноқда ўн иккитадан кўсак бўлса, бир гектарда бир юз ўн минг туп кўчат бўлса, юз гектар ерда шунча ҳосил битади-ку», — деб ҳисоб чиқармайди. Ёки бригаданинг ерини қадамлаб ўлчаб, шунча ошиқ экан демайди. Раиснинг, бригадирнинг оғзидан чиққан гапни блокнотига чиройли қилиб чизиб кетаверади.

Буларни-ку, ҳисоб-китобдан хабари йўқроқ одамлар, дейлик. Ревизорлар-чи! Экономистлар-чи! Бухгалтерлар-чи! «Ахир, Холмат, тўхта, сен манови юз гектарга биринчи ишлов бериш ўрнига, биринчи ишловни бир юз қирқ гектарда ўтказдим, деб шунча гектарга ҳақ тўлабсан-ку», — дейдиган мард йўқ. Ортиқча гектарнинг ишловига, сувига ҳақ тўланаётгандир, ахир, одамлар текинга ишламас, ҳамманинг «кўзи очиқ», ахир.

Яна бир томони ҳам бор: бу қинғир иш, ўша ортиқча қирқ гектар, билсанг, ферма учун экиладиган доннинг гектари. Раису бухгалтерлар дўппини бир ерга қўйишиб, йил охирида қирқ гектарнинг донию поясини «ферманинг моли еди» деб ҳужжат қилишади. Унга иш ҳақи ёзишади. Қани энди, мол бечоранинг тили бўлса-ю: «Мен еганим йўқ, номардлар», дея олса! Билдингизми, бунақанги одамлар обрў олади-да, виждонини сотади. Коммунистлик бурчини унутади. Ҳалол одамларни ғафлатда қўйиб, ҳаромтомоқликка уради ўзини.

Билсангиз, мана шулар виждонимни қийнаяпти. Фақат бугина эмас. Мана, икки йилдирки, Холматнинг мақтови ҳамма йиғилишда бўлади. Шунда раис бува уни мақтаб туриб, менга зимдан қараб қўяди. Мен унинг қарашидан: «Кўрдингми, Султонбек, маслаҳатга кўнганингда Холматвойнинг шоҳ супасида сен турардинг», — деган маънони уқаман. Бу эса, менинг виждонимни азоблайди. Юрак-юракдан эзиламан. Ахир бу — партияни, халқни алдаш эмасми! Мана энди Холматни ёнқўшнимиз бўлган қолоқ колхоз раислигига тавсия қилишаётганмиш. Бу гапни эшитганимдан бери тепа сочим тикка бўлиб юрибман. Холмат энди нариги колхозга бориб, ёлғончиликни, кўзбўямачиликни, ўша ўзи тушунган «Меҳнат интизоми»ни ўргатадими, одамларга!

— Бўлмаса шу гапларни обкомгами, райкомгами тикка кириб айтмайсанми, ёки ёзмайсанми! Ахир коммунистсан-ку!

— Ана холос, — Султонбек икки қўлини тиззасига уриб ўрнидан туриб кетди. — Агар мен бу гапни ёзсам, номимни бутун колхозга, ҳатто районга «иғвогар» деб тарқатишади. Холматнинг обрў топганини кўролмаяпти дейишади. Нима деган одам бўламан! Қани айтинг-чи, унда болаларимни «иғвогарнинг боласи»дейишмайдими! Шуларни ҳеч ўйлайсизми!

— Ҳақ эгилади, лекин синмайди. Ёзган нарсангни текширишар ахир.

— Текширганда, аввал ер айтмайди: «Мен гектаридан олтмиш эмас, қирқ берганман», — демайди. Чунки энди ерлар шудгор қилинган. Энди чаноқларни санай олмайсан. Чунки чаноқлар ҳам кўрак тергич машинада сидириб, майдаланиб, пахта пунктига топшириб юборилган. Мен эса қип-қизил муттаҳам бўлиб қоламан.

Султонбек ташқарига чиқиб кетди. Йўлакда: «Онаси, чойпойинг борми!» — деган овози эшитилди. Яна хонага қайтиб кирди. Кетма-кет Ҳошияхон бир чойнак чой кўтариб кирди.

— Буни фақат виждон тарозуси ҳал қилади, — сўзини давом эттирди Султонбек. — У жуда ҳақгўй. Ҳамма раҳбарнинг виждон тарозуси тўғри ишлаши керак. Кейинги пайтда виждон тарозуси нопок ишлайдиган раҳбарлар кўпайиб қолган эди. Ўта маккор, ўта лаганбардор, ўта тилёғлама бу одамлар ҳар қандай лавозимдаги раҳбарни аврайди, қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазади. Ўзининг обрўсини орттириш йўлида шарм-ҳаёдан, виждон амридан кечади. Ёлғонни ямламай ютади. Ҳар қандай ноҳақликдан жирканмайди. Ҳатто гўшт, сут, дон, пахта каби давлат планларини ғайри қонуний йўл билан бажарадию, жиноятга қўл урганини сездирмаслик учун сендан баланд келади. Тилини бурро қилиб мақтанади, ҳақгўйликнинг тилини кесишга, уни камситишга ҳаракат қилади. Яна рўпарангда бақрайиб, мўйловини бураб: «Кўрдингми, нималар қилишга қодирмиз», — деб деккаяди. Бундайларнинг яна елкасига қоқиб: «балли, азамат!» — деб тургувчилар бор. Кези келса, анови Холматдек нарвоннинг юқори поғонасига кўтаришади.

Отам ноҳақ қамалган демайман. Балки раис бува айтгандай ўша замон сиёсати бошқача бўлгандир. Нега энди ҳозир кўз олдимизда бўлаётган ана шу воқеаларни виждон тарозуси орқали тортиб ўтказмаяпмиз! Баралла, бор овоз билан гапирмаяпмиз! Ўнгга, сўлга кўз ташламаяпмиз!

Бу саволларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида рўй-рост жавоб берилди. Энди республикамизда маънавий муҳитни соғломлаштириш йўли қатъият билан ўтказилмоқда. Биз Султонбек билан пленумдан аввал суҳбатда бўлгандик. Яқинда ундан хат олдик: «Айни муддао бўлди ҳозирги ишлар, шундай енгил тортдики одам, — деб ёзибди у.— Қаддимизни тик тутиб, бор гапни рўй-рост айтиш қанчалик яхши! Ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам бирдек талаб қўясан, фикрингни ошкора айтасан! Ўйнаб-кулиб ишлайсан! Қизиқ, кеча доктор кўриб, таажжубланди: «Қон босимингиз жойида, соппа-соғсиз», — деди. Хурсанд бўлдим...

Дўстимизнинг мактуби бизни ҳам қувонтирди. Уни ўқиб, ахлоқан покизаликни сақлаб қола билиш нечоғлик машаққатли эканлигига яна бир карра иқрор бўлдик. Ҳа, ҳаётнинг буюк ҳикмати ҳам асли шунда. Зеро, жамият ўз аъзоларининг онглилиги билан кучли, софлиги билан соғлом, собитқадамлиги билан мардонавордир. Ҳар биримиз бирор камчиликка бефарқ қарамасак, «менга тегма, сенга тегмайман» қабилида лоқайд бўлмасак, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилади, кўзбўямачилик, сохта обрў орттиришни хоҳловчиларга орамизда ўрин қолмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Ёзувчининг муқаддас ҳуқуқи

*Курашчанлик — прогрессив адабиётнинг етакчи хусусиятларидан биридир. Жамиятдаги турли салбий кўринишларга қарши ва маънавий мукаммаллик учун курашиш руҳи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг оташин революцион қўшиқларидан тортиб, Абдулла Ориповнинг ўлмас фалсафий шеърларигача бирдай зиё таратиб, балқиб турибди.*
*Бугунги кунда партиямиз олиб бораётган сиёсат ёзувчининг ижтимоий ҳаётга янада актив аралашувини ва бадиий асарларда курашчанлик руҳининг янада устувор бўлишини тақозо этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари тараққиётимизга тўсқинлик қилувчи барча салбий ҳодисаларга қарши аёвсиз курашишни талаб этаётир. Шу муносабат билан «Ёшлик» журнали «Ёзувчининг актив ҳаётий позицияси» мавзуида давра гурунги ўтказди. Унда адабиётимиз навқирон авлодининг бир гуруҳ етакчи вакиллари — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоира Гулчеҳра Нуруллаева, танқидчи Михли Сафаров, шоирлар — Шавкат Раҳмон, Қутлибека Раҳимбоева, Мирза Кенжабоев ва ёш танқидчи Шаҳобиддин Одилов иштирок этдилар. Қуйида журнал бош редактори ўринбосари М. Мансуров олиб борган шу гурунг материалларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.*

**Муроджон МАНСУРОВ.** Бугунги кунда ёзувчининг актив ҳаётий позицияси ҳақида гапирарканмиз, улуғ устозимиз Максим Горькийнинг бундан эллик йил муқаддам ёзувчиларнинг биринчи съездида адибнинг гражданлик бурчи ҳақида донишмандлик билан айтган сўзларини эсламай иложимиз йўқ. «Ёзувчи ўзига социализм бериб қўйган буюк ҳуқуқдан актив фойдаланишни ўрганиб олиши керак. Бу ҳуқуқ янги ҳаёт қурилишида бевосита иштирок этиш, ўз умрини яшаб бўлган барча қолоқ нарсаларнинг ҳакамн бўлиш, ўз санъати билан инсонпарварликни, социализмнинг юксак идеалларини қарор топтириш ҳуқуқидир,» — деган эди у. Қаранг, қанчалик ҳаққоний таъриф, бунинг устига қанчалик замонавий жаранглаяпти. Номлари совет классиклари қаторидан ўрин олган қанча ёзувчилар учун дастур бўлган бу вазифа ёшларга ҳам асқотиши, бир маёқ, йўлланма ролини ўташи аниқ. Чунки ҳар бир ёш адиб бевосига ҳаёт ичига кирмай туриб, шу социалистик қурилишда қатнашаётган замондошининг орзу-интилишлари, қувончу ташвишлари, ҳақиқат-у адолатга интилишлари, бир сўз билан айтганда, бутун ички дунёсидан хабардор бўлмай туриб, қанақасига тўлақонли бир образ, янги инсонни ҳақгўйлик, курашчанлик, ҳалоллик руҳида тарбиялайдиган бир асар яратиши мумкин!!

Гражданлик ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ҳар бир шеър, она-Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини уйғотадиган ҳар битта ҳикоя, одамларнинг юрагида ётган гапни, дардни, давлат аҳамиятига эга проблемани жонкуярлик билан кўтариб чиқадиган публицистик мақола — бу сиз ва бизнинг актив ҳаётий позициямиз, курашчанлигимиз, ҳақгўйлигимиз белгисидир. Эл-юрт иши партия иши учун жонкуярлигимиз, сиёсий етуклигимиз нишонасидир. Қолаверса, бу совет адибининг энг яхши фазилати ҳамдир.

Бу фазилат, бу актив ҳаётий позиция, айниқса, ҳозирги кунда жуда-жуда муҳим аҳамият касб этяпти. Негаки, ўзингизга маълум, республика ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида жуда катта воқеа бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми биз қалам аҳли олдига ҳам долзарб вазифалар қўйди.

Эндиликда партия биздан эришилган ютуқларимизни камситмаган ҳолда воқеликни бежамай, камчиликларни бўрттириб юбормай, вазминлик билан реалистик баҳо беришни, шу билан бирга тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган барча салбий ҳодисаларга муросасиз муносабатда бўлишни талаб этмоқда. Шундай бир пайтда ижод аҳли янада сергак, янада ҳозиржавоб бўлиши лозим эмасми! Кенг жамоатчилик иллатларга қарши қатъий кураш бошлаган бир пайтда ёзувчи ва шоирларимиз бу курашдан четда туришлари мумкинми, ахир!!

Бугина эмас, шу пайтгача кўплаб мунозара ва баҳсларга сабаб бўлаётган курашчан қаҳрамон образи ҳақида бугун янада жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади. Чунки ижодкорнинг гражданлиги, биринчи навбатда, курашчан қаҳрамон образида яққол кўринмайдими!! Лекин гапнинг очиғи, ёшларимиз бу жиҳатдан бирмунча оқсамоқдалар. Улар ёзиш техникасини, адабиёт илмини жуда пухта эгаллаганлар. Ёзиш усуллари ҳам хилма-хил. Китобхонни ўзларига ром эта биладилар. Лекин замонавий мавзуга келганда, замондошимиз образига қўл урганда негадир оқсаб қолмоқдалар, «замонавий» деб тақдим қилаётган талайгина асарларимиз бадиий жиҳатдан анчагина заиф чиқиб қолмоқда. Бу балки, бизнинг ҳаёт ичига чуқур кира олмаётганимиз, уни теран бадиий тадқиқ қила олмаганимиз туфайлидир. Шеъриятимизда ҳам гражданлик руҳининг пасайиб кетаётганлиги ташвишланарли ҳол. Кўпчилик шоирларимиз ижодида актуал ҳаётий мавзудаги бадиий пишиқ асарлар деярли кўринмайди. Бу гапларнинг ҳаммаси ёзувчининг актив ҳаётий позицияси масаласига келиб тақалади. Шунинг учун бугунги суҳбатимизда, шу масалаларга тўхталсак, дегандим.

**Михли САФАРОВ.** Сиз жуда муҳим масалаларни тилга олдингиз. Адабиёт ҳамиша халқнинг уриб турган юраги, тирик виждони бўлган. У турмушдаги иллатлар билан асло келиша олмаган ва келиша олмайди ҳам.

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.** Бу ҳақиқатни ижодкорларимиз билмайдиларми! Менимча яхши биладилар. Фақат ҳамма гап



www.ziyouz.com kutubxonasi

унга изчил амал қилишда. Сиз тўғри айтдингиз: ҳамма даврларда ҳам адабиётимизда курашчанлик руҳи устун бўлган ва бўлади ҳам. Ҳамма даврнинг ҳам бош мавзуи — маънавий поклик бўлган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Улуғ Навоий:

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд. —

дейди. Адабсизлик, бизнинг замон тили билан айтганда, маънавий тубанлик, демакдир. Бундай кишиларни фош этишда эса асосий юк ижодкорлар зиммасига тушади. Бунда классик адабиётимиз дурдоналаридаги ҳақгўйлик, исёнкорлик руҳи биз учун сабоқ мактаби бўлмоғи лозим.

Михли САФАРОВ. Ҳақгўйлик, исёнкорлик руҳи ўзбек совет адабиётининг илк асарларида ҳам яққол кўриниб турибдики, бу ҳол классик адабиётимиздаги энг яхши анъаналар муносиб тарзда давом эттирилганини кўрсатади. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1918 йилда — мамлакатимизда улкан ўзгаришлар бўлаётган бир пайтда:

Кулгу ўрнига кўз ёшлов кун, бу кун,
Шахсий ишларимиз ташов кун, бу кун.
Қора элларни оқартирмоқлик учун
Белни маҳкам боғлаб, ишлов кун, бу кун, —

деб ёзган эди. Бу шеър бадиий жиҳатдан балки юксак даражада эмасдир, аммо бундаги лирик қаҳрамоннинг ҳушёр туйғулари, унинг гражданлиги диққатга сазовор. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон каби адабиётимиз яловбардорлари ҳам ўз ижодларида, аввало, гражданлик туйғусини улуғладилар, халқнинг кўнглидаги гапларни топиб айтишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, Улуғ Ватан уруши даври ўзбек совет адабиёти тараққиётини кўздан кечирсак, улар энг яхши, энг етук асарларини худди шу даврда яратганликларига гувоҳ бўламиз. Ғафур Ғуломнинг машҳур «Сен етим эмассан» шеъри, Ҳамид Олимжоннинг «Россия», «Қўлингга қурол ол!» шеърлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу даврга келиб бутун совет адабиётида бўлгани каби ўзбек адабиётида ҳам гражданлик туйғусининг, курашчанлик руҳининг беқиёс кучайиб кетганлиги мана шундай умрибоқий асарларнинг юзага келишига замин яратди.

Шаҳобиддин ОДИЛОВ. Ҳақиқатан ҳам, олтмиш йиллик адабиётимизда бундай юксак маҳорат билан битилган, халққа манзур бўлган асарлар жуда кўп. Нафақат ўттизинчи-қирқинчи йиллар, балки танқидчилигимиз «осойишталик» даври деб атовчи эллигинчи йиллар адабиётида ҳам ўткир гражданлик руҳи билан суғорилган бадиий бақувват асарлар анчагина учрайди. Худди шу даврда севимли шоирамиз Зулфиянинг:

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш,
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш! —

деган хитоби баралла янгради. Бундай ёрқин шеърлар Миртемир, Шайхзода, Асқад Мухтор каби шоирларимизнинг шу даврдаги ижодида ҳам кўринадики, бу ҳол ҳаёт ва адабиёт фақат ютуқлардан иборат бўлмаганидек, танҳо камчиликлардан ҳам иборат эмаслигини исботлайди.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА. Тўғри фикр. Назаримда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ўртага қўйган масалалар айни муддао бўлганидек, ёзувчиларнинг ҳам мақсад ва туйғуларига уйғун вазифалардир. Зеро, ёзувчилар халқ кўнглидаги сўзларни, яъни ўз гражданлик сўзларини ҳамиша айтиб келганлар ва айтаётирлар.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА. Чиндан ҳам, сезган бўлсангиз, пленумда кўрилган масалаларнинг баъзи бир қирралари ўзбек адабиётида, хусусан, прозамизда аввалдан кўринган эди. Масалан, ҳалоллик ва поклик учун кураш — Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романининг бош ғоясини белгилайди. Романда халқни ўйлаган раҳбар ўз фаолиятида марксча-ленинча принципларга ҳамиша оғишмай амал қилиши лозимлиги бадиий хулоса сифатида намоён бўлган. Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романида эса, кадрлар билан ишлаш, раҳбар ходимларнинг масъулияти масалалари ўз аксини топган. Пиримқул Қодировнинг «Мерос», Эркин Аъзамовнинг «Отойининг туғилган йили», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Истеъфо» асарларида ҳам ана шундай муҳим проблемалар қаламга олинган.

Мирза КЕНЖАБОЕВ. Лекин, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ёзувчи ва шоирларимиз камчиликларга ҳамиша ҳам муросасиз, ҳамиша ҳам ҳушёр эдилар, деб бўлмайди. Акс ҳолда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида кирдикорлари фош этилган баъзи раҳбарларни ижобий қаҳрамон сифатида кўкка кўтариб романлар, қиссалар, ҳикоялар ёзилмаган бўларди. Аммо, очиғини айтиш керакки, яқин-яқингача кескин танқидий руҳ билан суғорилган асарларга муносабат ҳам илиқ эмас эди. Чунки, пленумда таъкидлаб ўтилганидек, амалда ёлғон мақталадиган, тўғри сўз ёқмайдиган бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам, камчиликлар ҳақида ёзишдан бари бир фойда йўқ, дегандек бир тасаввур ҳам йўқ эмасди. Бунинг натижасида адабиётимизда гражданлик руҳи лозим даражада устиворлик қила олмай қолганди.

Михли САФАРОВ. Сиз айтиб ўтган «кирдикорлари фош этилган» раҳбарлар ҳақида ҳамду санодан иборат қатор публицистик мақолалар, очерклар ҳам кўплаб ёзилган, улардаги қаҳрамон прототипида йўқ сифатлар билан мақталиб, ибратли раҳбар сифатида кўкка кўтарилган эди. Бундай ҳолни, афсуски, айрим севимли ёзувчиларимиз ижодида ҳам учратиш мумкин эди. Бундай факт аввало, ёзувчиларимиз юксак маънавий-ғоявий позицияда ҳамиша ҳам муқим тура олмаётганини, қолаверса, уларнинг ҳаётий кузатишларида, бадиий умумлаштирмаларида теранлик етишмай қолаётганини кўрсатади. Халқнинг ғашига тегиб, унинг назаридан қолаётган раҳбарларни улуғлаш, демак, ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатиш, адабиётга нисбатан ишончсизлик уйғотмайдими, ахир?!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА. Гапнинг очиғи, адабиётимизда бугун умри мобайнида гражданликнинг том маъносини тушуниб етмаган, гражданликни баландпарвоз хитоблардангина иборат деб билувчи ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Кичик бир мисол: Ўзбекистон ҳақида минглаб шеърлар, қасидалар битилган. Уларнинг жуда кўпчилиги бир-бирига айнан ўхшаш — қуруқ мақтовлардан иборат. Ватан ҳақида жиддий бир гап айтолмаган ижодкор эса, ҳеч маҳал том маънодаги гражданлик туйғусини англай олмайди. Бу, аввало, ёзувчининг маънавий савияси ҳали инқадар, дегани эмасми! Ҳаётда эътиқоднинг сусайишидан ёмони йўқ. Афсуски, эътиқоди мустаҳкам бўлмаган, бинобарин, ўқувчига айтадиган гапи нотайин ижодкорлар ҳали ҳануз талайгина учраб турибди.

Муроджон МАНСУРОВ. Эътиқоди мустаҳкам бўлмаган ижодкордан қандай халқчил асар кутиш мумкин!! У адабиёт ривожи учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам айтарли бир ҳисса қўшиши қийин. Биз зиммамизга тушаётган вазифани бутун масъулияти билан англамоғимиз лозим. Ахир бизга янги — XXI аср авлодини тарбиялаш вазифаси юклатилганку. Ҳақиқатан ҳам бугунги ўқувчи яна 16 йилдан сўнг янги асрда яшайди. Бинобарин, биз, ёзувчилар, халқ маънавияти шаклланишига масъул эканмиз, буни ҳамиша ҳис қилишимиз, ёдда тутишимиз лозим. Бизнинг актив ҳаётий позициямиз, партиявийлигимиз худди шунда намоён бўлиши керак эмасми!!

Шавкат РАҲМОН. Ижодкор ижтимоий ҳаётдан четда туришга, бепарво бўлишга, қулай фурсат кутиб хилват гўшаларда ётишга ҳаққи йўқ. Қулай фурсатни биров яратиб бермайди. Жамиятдаги салбий ҳодисалар менсиз ҳам барҳам топиб кетади, деган ижодкор — ожиз ижодкордир, холос. Бугунги адабиёт ҳар қачонгидан кўра ҳам гражданроқ бўлиши лозим. У китобхонларни жамиятимиздаги ва одамлар онгидаги ҳар қандай номукаммалликка қарши курашга чорлаши керак. Курашчанликни тан олмайдиган ижодкор эса ўтакетган қўрқоқдир. Курашмоқ — энг буюк муҳаббат. Қўрқув аралашган муҳаббат эса аянчлидир, чунки у инсон қалбида қатлам-қатлам бўлиб чўкиб ётган сеҳрли кучларни уйғотолмайди инсон руҳини юксакликка кўтара олмайди. Курашчанлиги суст, бўлган ижодкор ҳар қанча чиранмасин вақтнинг энг қоронғи ғовакларида моғор босиб қолаверади.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА. Сиз қоралаётган эҳтиёткорлик аввалдан давом этиб келаётган ҳодисадир. Бир пайтлар «конфликтсизлик назарияси» тарафдорлари жуда кўп эди. Ўша даврда тараққиётимизга тўсқинлик қилувчи камчиликларни кўрсатишга уринган ижодкор ширин сўз эшитмас эди. Шунинг натижасида ҳам, умуман, талантсизлик туфайли ҳам адабиёти-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мизда қуруқ гаплар, ўткинчи асарлар жуда кўплаб юзага келди. Аммо, энди, бугунги кунда қўрқоқлик қилган ижодкорни тушуниш қийин. Ахир пленумда биз илғай олмаган, назаримиздан четда қолган камчиликлар, кўзбўямачиликлар ҳам аёвсиз фош этилди-ку! Ҳар бир виждонли ижодкор шу пайтгача «коса тагида нимкоса» тарзида айтилаётган гапларни, энди, бевосита партия ишига ёрдам тариқасида очиқдан-очиқ, ошкора айтиши керак эмасми! Менга Куба халқ республикасининг президенти Фидел Кастро Руснинг бир гапи жуда ёқади: «Биз социализм қуряпмиз. Лекин ҳали битта одамнинг кўзида ёш бор экан, социализм ғалаба қозонди, дейишга ҳаққимиз йўқ». Демоқчиманки, ҳаётимизда ҳеч кечиктирмай ҳал этилиши лозим бўлган шунча кўп проблемалар бор экан, бизнинг ҳам ёзувчилик гувоҳномасини хотиржам кўтариб юришга ҳаққимиз йўқ. Адабиётга кириб келаётган ҳар бир ижодкор, аввало, гражданликни ўзига байроқ қилиб олиши керак. Бу жиҳатдан мен атоқли шоиримиз ва адибимиз Асқад Мухторнинг ижодини ёшларга ибрат қилиб кўрсатгим келади. Шахсан ўзим Асқад аканинг серҳикмат, сермушоҳада шеърлари мафтуниман.

Ҳар бир ғалабада менинг ғалабам бор,
Мен талофат бермаган жанг йўқ, —

каби сатрлардан кейин:

Дунё гўё барча қиссаларин
Менинг қоним билан ёзади, —

дейди шоиримиз. Катта ижодкордаги бедор қалбнинг табиий нидоси бу! Ёҳуд:

Эзгулик — ёвузлик, ҳақиқат — ёлғон,
Булар орасида чегара бор-ку.
Негадир уларга қўймаймиз посбон,
Аслида энг Хавфли чегаралар шу! —

юрагим энтикиб ўқийман бундай сатрларни. Менимча, катта шоирларимиз ижодидан биз оҳорли фикрлашни, ҳаяжонли тасвирни, дилбарлик, сўлимликни ўрганишимиз керак. Шу билан бирга ўз ватанига садоқатни ҳам... Зотан, «Ким ўз ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас» (В. Белинский).

Михли САФАРОВ. Машраб Бобоевнинг «Ер томири» асарида сиз айтган ўша дахлдорликни кўриш мумкин. Бу асар пленум руҳига ҳамоҳанглиги билан, айниқса, диққатга сазовор. Зеро, одамларнинг ўзига ишониш керак, формализм ҳаётимизга, тараққиётимизга жуда катта тўсқинлик қилади, деган фикр мазкур асарнинг асосий ғоясини ташкил қилади.

Шавкат РАҲМОН. Халқда «Ўтмишингни унутма, ўтмиш — келажакнинг устозидир» деган мақол ҳам бор. Адабиётда курашчанлик руҳига халақит берадиган сабабларнинг энг каттаси, маълумки, ёлғондир. Ҳаётни юзаки, енгил-елпи тасвирлаш ҳам ёлғончиликнинг айнан ўзгинасидир. Воқеаларнинг туб моҳияти кўрсатилмаган асарлар, ҳатто улар даврнинг актуал проблемаларига бағишланган бўлса-да, унутилишга маҳкумдир. Бундай асарларни ўқиганимда бир яхши одамнинг «Истеъдодли ижодкордан қандай ёзиш кераклигини, истеъдодсиз ижодкордан эса қандай ёзмасликни ўрганиш керак» деган сўзлари ёдимга тушади. Аммо, қизиқки, танқидчилигимизда ҳам, ижодкорларимизда ҳам хом-хатала асарларнинг асл баҳосини беришга журъат етишмайди. Журъатсизлик оқибатида халтуранинг кўпайишига, яхши асарларнинг рўёбга чиқмаслигига, ўз вақтида тўғри, холис баҳоланмаслигига сабабчи бўлаётирмиз. Бу ўқувчиларимизнинг эстетик дидини ўтмаслаштиради-ку, ахир. Бу гап тарихий мавзудаги асарларга ҳам тегишли. Тарихга ақллироқ нигоҳ билан қараш лозим. Тарихий фактни чуқур билмасдан, ўрганмасдан бу мавзуда асар ёзувчилар ўзлари билиб-билмай маънавий жиноят қиладилар. Иккинчи томондан, тарихий фактни ўрганишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўрганилган тарихий фактлар юксак бадиийлик билан ва энг муҳими тарихий ҳақиқатни сақлаган ҳолда тасвирланиши лозим.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА. Фақат прозада эмас, поэзияда ҳам адабиётимиз қадрини туширувчи асарлар талайгина. Масалан, яқиндагинада «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида шоира Нилуфарнинг бир неча шеърлари эълон қилинди. Уларнинг кўпчилиги ёндафтарга ёзиладиган шеърлардан иборат. Хусусан:

Сизни менга дедилар ёмон,
Айтганларнинг ўзлари ёмон,
Хуш яшангу ишланг соғ-омон,
Елғон сўзда қолмасин дармон

ёки:

Асрлар ёшини яшайсиз шаксиз,
Эй умри азиз,
Тошдин метин бўлсин азиз бошингиз,
эй умри азиз,
Қувончлар сизни тарк этмасин ҳаргиз,
эй умри азиз,
Сиздай хизмат қилсин элга ўғил-қиз,
эй умри азиз

каби мисралар самимий туюлса-да, улар ўқувчида эстетик завқ уйғотмайдиган даражада нўноқлик билан ифода этилган. Бу шеърлар бадиий жиҳатдан мукаммал эмаслигидан ташқари, уларда, энг муҳими, шоирона бир дарднинг етишмаслиги кўзга ташланади. Афсуски, на фақат Нилуфар, балки бир нечтадан китоблари чиққан Олимжон Холдор, Низомжон Парда, Тўлан Низом каби шоирларимизнинг ўқувчига маънавий озуқа бермайдиган шеърлари оз эмас. Яна ҳам ачинарлиси, яхшигина шоирларимиз ижодида ҳам фикрий саёз, бадиий бўш асарлар учраб турадики, бу ҳол ижодкорларимизда ўқувчи олдидаги масъулият туйғусининг кучли эмаслигидан дарак беради...

Мана шундай бадиийликдан йироқ шеърлар ўрнига матбуотимиз саҳифаларидан ҳали китоби нашр этилмаган Муҳаммад Юсуф, Фароғат Камолова каби талантли ёшларнинг асарлари ўрин олса адабиётга ҳам, ўқувчига ҳам фойда эмасми! Ахир, буларнинг шеърларини ўқиганда, ҳеч бўлмаса, юртимизнинг кичик бир майсасига меҳр уйғонади-ку! Лирик шеърларнинг аҳамияти ҳам шундаки, улар инсонда гўзалликни қадрлаш туйғусини тарбиялайди. Зеро, гўзалликни қадрлаган, бир қарашда арзимас кўринган воқеаларга бепарво бўлмаган одамгина гражданлик туйғусини тушуниши, ватанпарварлик моҳиятини англаши мумкин. Бугунги кунда эса, айниқса, бу жуда муҳимдир. Чунки олдимизда турган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ҳам ҳар биримизнинг юрагимизда Ватанга нисбатан жуда катта чексиз меҳр-муҳаббат бўлмоғи керак.

Муроджон МАНСУРОВ. Худди ана шу меҳр-муҳаббат тараққиётимизга халал берувчи ҳар қандай камчиликларга қарши муросасиз курашишга бизни илҳомлантиради, деб ўйлайман. Чин фарзанд она-Ватанга муҳаббатини оғиздагина эмас, амалда ҳам исботлайди. Ватанини севган ижодкор фақат ва яна фақат бадиий пишиқ ва баркамол асарлар яратишга интилади ва аксинча заиф, номукаммал асарлар ёзишдан, уларни эълон қилишдан уялади, ор қилади. Мен шундай деб ўйлайман. Ўз Ватанини жондан севган ҳар битта матбуот ва нашриёт ходими энг яхши асарларни пропаганда қилиши ёмон, яъни бадиий бўш асарларга йўл бермаслиги керак-ку. Мен ўйлайманки, Ватанни севган одам, аввало, вазифасини сидқидилдан адо этади, виждонига хилоф иш қилмайди.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА. Гапларингиз бир воқеани ёдимга солди. Абдурасул Мамадалиев деган изланувчан, қобилиятли ёш шоирнинг шеърлари Ғафур Ғулом нашриётида 1978 йилдан бери навбатни кутиб ётибди. Бадиий бўш, боя Қутлибека айтганидек, китобхонга маънавий озуқа бера олмайдиган асарлар кўплаб нашр этилаётгани ҳолда, талантли ёш шоирнинг китоби олти йилдан бери чиқмай ётиши ачинарли ҳол эмасми! Бу нашриёт ходимларининг ёш талантларга яхши эътибор беришмаётганини, бинобарин, адабиётимизнинг келажаги учун унчалик қайғурмаётганини ёки сиз айтгандек Ватанга бўлган муҳаббатлари ҳам фақат оғизда эканини кўрсатади.

Шаҳобиддин ОДИЛОВ. Мен бир нарсага ҳайрон қоламан. Нима учундир, нашриётларда китоб чиқаришда автор ҳақида матбуотда эълон қилинган салбий фикрлар эътиборга олинмайди. Натижада, кулгили бир ҳол юзага келади. Бир ёқдан танқидчи ва адабиётшунос олимлар маълум бир авторнинг асарлари «ҳали эълон қилиш учун етарли даражада мукаммал эмас» каби фикрларни билдирадилар. Иккинчи томондан эса, нашриёт ходимлари ўша авторнинг китобларини бирин-кетин нашр қилаверадилар. Сиз айтгандай, иқтидорли ёш шоирлар эса асарларини нашр қилдиролмай сарсон бўлиб юрадилар.

Шавкат РАҲМОН. Адабиётда курашчанлик руҳининг сусайиб кетишига ҳам, бир томондан, нашриёт, газета-журналларда баъзан бадиий савияси унча бўлмаган ходимларнинг ишлашлари, уларнинг яхши асар билан ўртача асарни, оригинал асар билан назмбозлик ёки насрбозлик намуналарини ажрата



www.ziyouz.com kutubxonasi

билмасликлари сабаб бўлмоқда. Асарни тўғри тушуна билиш ҳам, аслида, катта бир санъат.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА. Умуман, пленумда таъкидлаб ўтилган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласини ижодий ташкилотларга нисбатан ҳам қўллаш керакка ўхшайди.

Михли САФАРОВ. Жуда тўғри. Адабиётнинг равнақи кўп жиҳатдан матбуот ва нашриёт органлари фаолиятига боғлиқ. Бу даргоҳларда ишлайдиган кишиларнинг бурчи яхши ташкилотчи бўлиш ва бадиий бақувват асарларни излаб, топиб, нашр этишдан иборатдир. Талантли ижодкорлар ва аввало, ёшлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш уларнинг асосий вазифаларидир. Ҳозир эса, афсуски, баъзи адабий ходимлар кўплаб ўртамиёна асарларга йўл очиб беряптилар.

Мирза КЕНЖАБОЕВ. Ўзим нашриётда ишласам ҳам, айтилган танқидий фикрларни жуда тўғри деб биламан. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг пленумида «Нашриётларда китобни планлаштириш айрим шахсларнинггина иши бўлиб қолмаслиги керак. Нашр ишларини тубдан ўзгартириш лозим», деган фикр айтилган эди. Бу фикр гаплигича қолиб кетмаса яхши бўларди.

Шаҳобиддин ОДИЛОВ. Хусусан, китоб тиражини белгилашда Ёзувчилар союзининг проза совети ёки поэзия совети иштирок этиши керак. Чунки китоб авторининг бадиий савияси уларга яхши маълум. Иккинчи томондан китобхонлар талабини ҳам жиддий ўрганиш зарур. Шунда баъзи китоблар магазинларда йиллаб чанг босиб ётгани ҳолда, айрим китобларни излаб топиб бўлмаслигига чек қўйилган бўларди. Ва ниҳоят, китобнинг тарқатилишини ҳам йўлга қўйиш керак. Баъзан шундай бўладики, шаҳардаги нашриётдан чиқарилган китобни шу ерлик ўқувчи ололмайди. Айни пайтда, ўша китоб қайсидир бир қишлоқ магазинида тахланиб чанг босиб ётади. Китобларни жойлардаги ўқувчилар миқдорига қараб тарқатилса янада яхши бўларди.

Мирза КЕНЖАБОЕВ. Асарларимизнинг сифати ва нашр масалаларининг моҳияти, боя айтиб ўтилганидек, янги — XXI аср кишисини тарбиялаш масаласига бевосита боғлиқлиги шубҳасиз. Лекин булардан ташқари янги авлодни яхши тарбиялаш учун кечиктирмай ҳал этилиши зарур бўлган яна бир қанча масалалар борки, уларни ҳал этмоқ учун фақат ёзувчилар эмас, балки Ўзбекистоннинг барча зиёлилари фаол ҳаётий жабҳада турмоқлари лозим. Яқинда бўлиб ўтган СССР Ёзувчилар союзининг юбилей пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко «адабиёт ва санъатнинг шахсни камол топтиришга таъсирини кучайтириш учун мактаб ислоҳотидан фойдаланиш керак»лиги ҳақида гапирди. Бу борада биз анчагина ишларни амалга оширишимиз мумкин. Булардан бири Ватан адабиёти дарсликларини қайта тузиш масаласидир. Чунки ундаги кўпгина асарлар таҳлили, шунингдек, хрестоматияда келтирилган оригинал ҳамда таржима асарлар ҳам бугунги ўқувчи талабини қондирмайди. Дарвоқе, бир вақтлар адабиёт хрестоматиясида Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодидан намуналар ҳам бор эди. «Таржимаи ҳол» достонидан берилган «Кунларим» радифли парчани мен амакимнинг эски дарслигидан ёд олган эдим. Кейин бизнинг дарсликларда унинг учрамаганидан қаттиқ таажжубланганман. Адабиёт дарслигига сермазмун, бадиий бақувват асарларни саралаб киритиш, уларнинг таҳлилига жиддий эътибор бериш лозим. Зеро, бу ўқувчининг маънавий қиёфасини шакллантиришда аҳамиятлидир. Иккинчи муҳим масала — «Ўзбекистон тарихи» дарслигини қайта тузиш ва теранлаштириш масаласидир. Бу дарсликни ўзлаштириш учун ўрта мактабларда деярли соатлар ажратилмайди. Ажратилса ҳам, шошма-шошарлик билан ўтказиб юборилади. Мактаб ислоҳоти муаммоларига партиямиз жиддий эътибор бераётган бир пайтда дарсликлар авторлари ҳам масъулликни унутмасликлари даркор. Ўртоқ К. У. Черненко айтганидек: «Тарих асосида тарбиялаш гражданликни, совет ватанпарварлиги, интернационализмни тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда».

Муроджон МАНСУРОВ. Суҳбатимизнинг асосий мавзуи адабиёт, ёзувчининг актив ҳаётий позицияси экан, сиз айтган гаплар ҳам шу масалага бевосита дахлдорлиги шубҳасиз. Зеро, мазкур фикрларнинг асосида кишиларимизнинг маънавий етук граждан бўлишлари учун курашиш дарди борки, бу, аввало, ижод аҳлининг биринчи галдаги вазифаларидандир. Умуман, ижодкорнинг актив ҳаётий позицияси масаласини бундан ҳам кенгроқ тушуниш мумкин ва лозим. Чунки ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимиздаги ҳар қандай воқеанинг асл моҳиятини ҳақиқий ижодкор одам чуқур ҳис этади. Шу воқеаларнинг, ўзгаришларнинг асл моҳиятини, мазмунини халққа етказиш ҳам унинг зиммасидадир. Умуман, ёзувчининг актив ҳаётий позицияси, унинг асарларида, қаҳрамонларида, энг аввало, публицистикасида яққол кўзга ташланади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко жуда тўғри таъкидлаганидек: «Бу уларнинг одамларни тўлқинлантираётган жуда муҳим проблемаларга, конкрет иқтисодий ва социал масалаларга дадиллик билан ўз вақтида қўл уришларига имкон беради. Бу шундай асарлар яратишга ёрдам берадики, бу асарлар санъат воситалари билан кўпинча баайни вақтдан ўзиб, етилган ҳаётий проблемаларни ўткир қилиб қўяди ва уларни ҳал этишнинг конкрет йўлларини таклиф этади». Тўғри, матбуотимизда Ўткир Ҳошимов, Саъдулла Сиёев, Дадахон Нурий ва бошқаларнинг долзарб мавзулардаги чиқишларини ўқиб турибмиз. Лекин бошқа талантли ёш адибларимиз-чи! Етилган ҳаётий масалаларга муносабат билдиришдан тортилиб туришларини нима деса бўлади!

Михли САФАРОВ. Журнал ва газеталар ташкилотчиликни ўз зиммасига олиб, ёш, иқтидорли ёзувчиларни бу ишга йўналтирса, жойларга ижодий командировкаларга йўлласа ёмон бўлмасди. «Ёшлик»дагидек, бошқа матбуот органларида ҳам ижодий ҳамкорликни тиклаш керак.

Шавкат РАҲМОН. Публицистикада ҳам юзаки тасвирдан қутулсак, тирик инсон образини кўриб турсак яхши бўларди. Афсус, ҳозир эълон қилинаётган кўпгина очерк ва мақолаларимизда жонлилик, реаллик етишмайди. Масалан, Санъат Маҳмудованинг «Ёшлик» журналида шу йили эълон қилинган «Неча гулгун пок қизлар» мақоласи шунчаки тасвирдан иборат бўлиб қолган, гўёки ҳикоя қилинаётган қизларнинг тақдирида драматик воқеалар бўлмаган, гўёки ҳамма ишлар ўз-ўзидан, рисоладагидек амалга ошаверган. Аслида ҳар бир мақола, ҳар бир очерк жиддий бир бадиий асар сифатида баҳоланиши лозим. Чунки бадиийликсиз буларнинг оддий хабардан фарқи қолмайди. Шу ўринда мен севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг публицистикасидаги бадиийликни, унинг ҳар бири бир ҳикояга арзигулик мақолаларини ўрнак қилиб кўрсатишни истардим. Умуман: талантли ёзувчининг публицистикага аралашуви яхши натижалар беришини ҳам Ўткир Ҳошимов мисолида кўришимиз мумкин. Афсуски, бизнинг баъзи талантли ёш ёзувчи дўстларимиз публицистика жанрига менсимайроқ қарашади. Баъзан публицистиканинг бадиий асардан кўра самараси кўпроқ бўлиши мумкин. Чунки у бадиий асарга нисбатан ўқувчига тезроқ етиб боради. Мана, масалан, ёзувчи Дадахон Нурий «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» номли юксак гражданлик руҳи билан суғорилган ягона бир мақоласи билан минг-минглаб ўқувчилар меҳрини қозона олди. Бу ўринда, айтиш мумкинки, биргина публицистик мақоланинг таъсир кучи унинг бир неча қисса ва романиникидан ортиқроқ бўлди. Талантли ёш ёзувчиларимиз Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзамов публицистика билан жиддий шуғуллансалар бу ижодкорларнинг ўзлари ҳам, адабиётимиз ва жамиятимиз ҳам фақат ютган бўларди, деб ўйлайман.

Михли САФАРОВ. Публицистика ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизда бу жанрнинг муҳим бир хусусияти — унинг турмушдаги ибратли янгиликларини топиб рағбатлантириш миссияси яхши ривож топган. Бундай публицистиканинг ажойиб намуналарини атоқли адибимиз Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим, Йўлдош Шамшаров ижодида кўплаб учратиш мумкин. Бироқ таҳлил этувчи, проблемалар кўтарувчи мақолалар онда-сондагина кўриниб туради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёзувчиларнинг публицистика билан жиддий шуғулланишлари, яъни ҳаётга актив аралашишлари, дарҳақиқат, жуда зарур.

Шаҳобиддин ОДИЛОВ. Менимча, партиямиз ёзувчи ва журналистларга битта жуда муҳим топшириқ берган, яъни улар ҳар ерда партиянинг ўткир кўзлари бўлиб, ўзлари кузатган ҳаёт ҳақиқатини баралла ошкора айтишлари, ҳар қандай соҳадаги камчиликлар ҳақида, аввало, ижодкорлар бонг уриши лозим.

Бугунги адабиётимизда очерк жанрининг ва умуман, публицистиканинг қадри тушиб кетгани рост. Ҳолбуки, очеркда ҳам дардимизни айта олишимиз, ҳар қандай фикримизни



www.ziyouz.com kutubxonasi

ифода этишимиз мумкин. Энди, талантимизнинг жиндек чўғини бериб, очеркка, публицистикага жанговарлик руҳини қайтариб беришимиз керак. Фақат публицистика эмас, сатира жанрига ҳам жон ато этишимиз лозим. Тўғри, бизда Неъмат Аминовнинг «Елғончи фаришталар» асари каби йирик сатира намунаси ҳам бор. Лекин, умуман олганда, ҳозиржавоб сатирамиз йўқ даражада. Биз сатира деб атаган асарларда асосан қоровул ва сотувчилар устидан енгилгина куламиз. Бугунги кунда эса иллатларимизнинг илдизини фош этувчи ўткир ижтимоий сатирага эҳтиёж сезилмоқда.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА. Туз ичиб, тузлуққа тупуриш бўлмасину, лекин сиз айтгандай «ҳар қандай камчиликлар ҳақида бонг уриш» лозим бўлса, мен, аввало, «Ёшлик» журналининг ягона камчилиги ҳақида гапираман. Севимли журналимизда проза, публицистика ва танқид бўлимлари яхши ишлагани ҳолда, поэзия бўлими фаолиятидан жуда кўп журналхонлар хурсанд эмаслигини айтмоқчиман. Афсуски, яхши, бақувват асарлар билан бирга бадиий жиҳатдан заиф шеърлар ҳам кўплаб эълон қилиниб турибди. Менимча, бу аҳволни тузатса бўлади ва сира кечикмай тузатиш лозим.

Муроджон МАНСУРОВ. Пленумда таъкидлаб кўрсатилганидек, «Адолат чала бўлмайди, ҳақиқат ошкораликсиз яшай олмайди». Бу гапларнинг нечоғлик тўғри эканини бугунги суҳбатимиз ҳам кўрсатиб турибди. Сизнинг фикрингизни ҳам биз, албатта, инобатга оламиз ва ишимизни яхшилаш учун ҳаракат қиламиз. Зеро, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми материаллари биз, адабиёт аҳли учун бундан кейинги фаолиятимизда программ ҳужжат бўлиб қолади.

Албатта, биз, биринчи навбатда, адабиётдаги халтурага қарши курашишимиз лозим. Бундан ташқари ёзувчининг шахсий ибрати, ахлоқи каби масалаларни ҳам унутмаслигимиз даркор. Аввало, дардимиз — ижтимоий дард бўлиши, шахсий истакларимизни жамият манфаатларидан кейинга қўйишимиз жоиз.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА. Назаримда, ҳар биримизнинг танҳо бир дардимиз бўлиши кераккi, унинг асоси ижтимоий бўлсин ва бу дард ҳаёт ва ижод йўлимизни белгилаб берсин.

Мирза КЕНЖАБОЕВ. Муҳими, «Энди ҳамма камчиликларимиз кўрсатиб бўлинди», — деб хотиржамликка берилиб қолмаслигимиз керак. Аслини олганда, ҳамма иш энди бошланди. Кураш энди бошланди. Бу курашнинг олдинги сафларида ижодкорлар бориши лозим. Биз фақатгина пленумда фош этилган материаллар изидан бормай, балки шу пленум руҳига таянган ҳолда, бошқа жуда кўп иллатларга ҳам қарши курашишимиз шарт. Очилмаган, айтилмаган камчиликларни ҳам фош қилиб боришимиз лозим.

Михли САФАРОВ. Пленумнинг энг муҳим томони шундаки, у виждонли ижод аҳли учун кенг меҳнат фронтини очиб берди, шароит яратиб қўйди. Энди ижодкорларнинг иллатларга қарши аёвсиз курашмасликлари мумкин эмас. Бундан кейин ҳам ёмон асар ёзиш, адабиётимизнинг ривожланиши, бинобарин, ўқувчиларимизнинг маънавий мукаммаллиги учун курашмаслик гуноҳ!

Муроджон МАНСУРОВ. Ҳар бир ёзувчи дилидаги дардини, ҳаётга, кун тартибига қўйилаётган масалаларга муносабатини очиқ айтишни ўрганиши керак. Прозадами, поэзиядами, драматургия ёки публицистикадами — бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, халқимиз тўғри сўзга, ҳалол сўзга, юксак бадиий асарга интиқ. Бизнинг вазифамиз ана шу тўғри сўзни айтишдан, партиямизнинг буюк ғояларини халққа етказишдан, янги инсонни тарбиялашга фаол хизмат қиладиган баркамол асарлар яратишдан иборат!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳомил Ёқубов

# Ойбек Ленинградда

Биз (12 ўқувчи) тўрт йил давомида Тошкентда очилган Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида Ойбек билан ўқиб, бирга интернатда яшаб, 1925 йилда битирдик. Ойбек орамизда энг аълочи эди ва илк ижоди техникумда ўқиш йилларидаёқ анча шаклланиб, ёш шоир сифатида кўзга кўриниб, марказий матбуот саҳифаларида ҳам шеърлари чиқа бошлаганди.

У, бошқа синфдош ўртоқлари сингари, мактаблардан бирига ўқитувчилик вазифасига тайинланди, айни замонда Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ)нинг ижтимоий фанлар факультети иқтисод бўлимига қабул қилинди.

У вақтда университетда ўқишлар кечки бўлиб, Ойбек мактабда дарслари тугагач, тўғри университетга боришга мажбур эди. Лекин вақти қанчалик тиғиз бўлмасин, у шеърлар ёзишга, ижод қилишга ҳамиша фурсат топа биларди.

Мен техникумда бирга ўқишган синфдошим Саидвали Шарафиддинов билан аввалига бир йил САГУнинг физика-математика факультети биология бўлимида ўқидик. Бир йилдан сўнг эса Ленинградга кетиб, Герцен номидаги педагогика институти табиёт бўлимида ўқишимизни давом эттира бошладик.

Иттифоқо 1927 йилнинг куз фаслида Ойбек Ленинградга келиб қолди... Одатий салом-аликдан сўнг биз тезроқ Ўзбекистондаги аҳволни билишга қизиқдик. Ойбекнинг ҳикоя қилишича, Ўзбекистонда мафкура майдонида кескин кураш бошланибди. Адабиёт соҳасидаги ёт мафкурага қарши кураш масаласида матбуот саҳифаларида кўтарилган баҳсларда Ойбек ҳам қатнашибди. Бу ҳақда Ойбек шу қадар куюниб-ёниб сўзлардики, биз унинг учун адабиёт аллақачон ҳаётининг ажралмас қисмига айланганини сезиб турардик. Унинг фикрича, ижодкор аввало ғоявий барқарор ва ўта билимдон бўлмоғи шарт. «Ўзи тўғри йўлда турмаган ёзувчи ўзгаларни ҳам асло ҳақ йўлига бошлай олмайди», — деганди у. Шундан сўнг суҳбат инсон умрининг мазмуни ҳақида кетди. Шунда Ойбек кулимсираб: «Ўзимизни доим осмон санаб юрар эканмиз-у, аммо аслида бошқалардан кўп ҳам фарқ қилмайдиган иссиқ қонли тирик бир жон эканмиз», — деб қолди. Маълум бўлишича, ўтган йил (1926) нинг қиш чилласида у беҳосдан ангина дардига йўлиқибди, қаттиқ иситмалаб ётибди. Врачлар шошилинч чора кўриб операция қилибдилар. У томоғидаги жароҳат асоратини кўрсатди-да, «бир ўлимдан қолдим», — деб кулиб қўйди ва «Тузалиш олдида» сарлавҳали шеъридан биринчи тўртлигини ёддан ўқиб берди.

Кейин Ойбек бизга САГУ ижтимоий фанлар факультетининг иккинчи курсини тамомлаб, таҳсилини Плеханов номидаги Ленинград халқ хўжалиги институтига кўчиргани ва Невский проспектидан (у вақтда 25 октябрь проспекти деб аталарди) бир хона топиб жойлашганини гапириб берди. Энди ҳамма имкониятлардан яхши фойдаланиб, фақат ихтисос фанларини ўзлаштириш билан қаноатланмасдан мустақил мутолаа йўли билан адабий-назарий маълумотини чуқурлаштириш, рус ва ғарбий Европа бадиий ижод хазиналари билан яқиндан танишиш ниятида эканини ҳаяжонланиб сўзлади.

Ленинграднинг фавқулодда обод манзаралари, осор атиқалари, муҳташам кошоналари, маданият, санъат ва адабиёт ёдгорликлари, «Эрмитаж» музейининг кўз қувонтирувчи бебаҳо бисотлари, шаҳар атрофи кўркамликларининг ўзиёқ студент ва ёш шоирнинг ақл-заковати, ҳиссиёти оламини бойитар, қалбида ўчмас излар қолдирар, айниқса, эксплуатация занжирларини парчалаб ташлаб, дадил социализм пойдеворини қураётган Ленинград пролетариатининг жасорати уни илҳомлантирар эди:

> Шаҳар — ғавғо, исёнларнинг булоғи,
> Ағдарилди қанча қонли саройлар.
> Даврларни яшнаттирмиш қучоғи,
> Сийнасида сўнгсиз кучлар қайнайлар...
>
> Асрларнинг тоғ гавдасин орқалаб,
> Шаҳар ботир чин ҳаётга йўл солар.
> Наъра тошган кўчаларни оралаб,
> Юрар экан, қалбда сездим долғалар.

Ойбек олий маълумотини шу муаззам, ажойиб шаҳарда туғаллашга қарор бериб, бутунлай ишга берилиб, ижодий меҳнатга шўнғиб кетди. Кунлардан бирида Ленинград университетининг тарих-филология факультетига ўқишга кирган Маннон Эминжон (у ҳам техникумда бизга синфдош бўлган) шу факультетнинг юқори курсида қозоқ ёш ёзувчиси Мухтор Авезов таҳсил олаётганини Ойбекка айтди. Ойбек вақт топиб, у билан танишмоқчи бўлди. Ниҳоят, улар университетнинг узун коридорида учрашдилар. Мен уларнинг шу биринчи мулоқотларининг шоҳиди бўлдим. Дўстона, жонли, самимий суҳбатнинг охирида Авезов Орджоникидзе номидаги жонли шарқ тиллари институтида туркий тиллардан лекция ўқиб турган домла Иван Кузьмич Юдахин ўзбек тили бўйича студентлар билан практик машғулот олиб бориш учун ёрдамчи қидириб юрганини айтди.... Худди шу суҳбатда келажакдаги икки буюк адиб ўртасидаги дўстликкагина эмас, икки қардош халқ адабиётларининг дўстлигига ҳам асос солинган эди.

Ойбек Юдахинга учрашиб, жонли шарқ тиллари институти коллективи билан ҳам боғланди. Бу ерда айтиб ўтилган вазифани бажариш қаторида ўзи ҳам соме (эркин) студентдай бўлиб қолди; академик В. В. Бартольд, А. Н. Самойлович, Е. Э. Бертельс, Рамаскевич сингари йирик шарқшунос олимларнинг лекцияларини тинглади. Уларнинг асарларини жиддий ўқиб ўрганди. Айниқса, В. В. Бартольднинг Ўрта Осиё тарихига доир китоблари, унинг таҳрири остида чиққан «Мир-Али-Шир» деган, Навоий даври, ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий асар унинг жони-дилидан яхши кўрган китоблари эди. «Яхши китоб, — дерди Ойбек бизларга, — ҳар бир киши учун фақат билим озиғигина эмас, балки унинг мустақил қарашларини шакллантиришга ва жамият ҳаётидаги ўрнини топиб олишига ҳам ёрдам берувчи воситадир».

Ойбекнинг бизга айтишича, Бартольд кўримсиз, хунук, паст бўйли киши бўлган. Бунинг устига жуда минғирлаб, паст овозда тутилиб-тутилиб лекция ўқиган. Ҳатто орқада ўтирувчи сту-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дентлар унинг лекциясига қулоқ солмас эканлар. Ойбек олимнинг шундоққина рўпарасига ўтириб лекциясини эшитар экан. «Бу олимнинг Ўрта Осиё тарихига доир билими сира тугамас қурдум дарё эди, — деб тушунтирарди у ўртоқларига, — аксар эълон қилинмаган, янги экспедициялардан тўплаган маълумотлардан хабардор этарди».

Бу даврда Ойбек мазкур институтда ўқиб турган шоир Абдулла Алавий билан дўстлашади, бир вақтлар техникумда маълум муддат бирга ўқишган ва комсомол ячейкасини ташкил этишда бирга қатнашган Одил Шаропов билан яқин мулоқотда бўлади. Шуни айтиш керакки, Ленинградда таҳсил олаётган ўзбеклар анчагина бўлишига қарамай, Ойбек камдан-кам одамлар билангина дўст тутинарди. У кўпроқ ҳаётга файласуфона нигоҳ билан қарай оладиган, ўткир билимли тенгдошлари билан суҳбатлашишни ёқтирарди. У дўстлари қандай китоблар ўқиётгани билан қизиқар ва ўзига манзур бўлган китоблар ҳақида сўзлаб берарди. Ойбекнинг мутолаа уфқлари ниҳоятда чексиз эди. У ўз фикр доирасини тинимсиз кенгайтирар, дунёқарашини чуқурлатар эди. Бир томондан ижтимоий, иқтисодий ва фалсафий фанларга қизиқиши тобора кучайиб борарди. У иқтисод факультети программаси юзасидан системали равишда фалсафа тарихи, қадимги ва янги дунё фалсафаси, тарихий ва диалектик материализм асосларини чуқур ўрганар, иқтисодий таълимотлар тарихи ва назарияси айниқса, Маркснинг «Капитал» асарини биринчи манбаълар бўйича конспектлар тузиб ўзлаштирар эди. Унинг иш столида яна Белинскийнинг Пушкин ҳақида мақолаларини, Чернишевскийнинг «Воқеликнинг санъатга эстетик муносабати» тадқиқоти, Фриченинг «Санъат тарихи» китобини, Плехановнинг адабиётшунosликка оид текширишларини, Луначарскийнинг «Позитив эстетика ҳақида» каби ва бошқа илмий асарларни кўриш мумкин эди. Бадиий асарларни айтмайсизми! Улар қалашиб ётарди. Ойбек буларнинг кўпларини ўқишга улгурар, ўқиганда ҳам синчковлик билан ғоявий-бадиий мағзини чақиб ўқирди. У хусусан поэзияни ёқтирарди. Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Блок, Маяковский, Есенин шеърларининг баъзиларини бизга ёддан ўқиб берарди. Биз эътибор бериб тинглардик. Шу кезларда рус адабиёти унинг ижодига қанчалик таъсир кўрсатгани ҳақида Ойбек кейинчалик «Адабиёт, тарих, замонавийлик» деган, ижодий тажрибасини умумлаштирган мақоласида шуларни ёзиб ўтади: «...Ленинградга ўқишга кетиб, рус тилини жиддий ўрганишга киришдим, рус ва жаҳон классикаси асарлари билан таниша бошладим, Шундан кейин, «кашфиётлар» оқими мени лол қолдираверди. Булар орасида мен учун энг муҳим бўлган бир кашфиётни алоҳида таъкидлаб ўтишим керак. Бу менинг поэзия оламида Александр Блок билан танишувим эди. Агар Навоийни ҳисобга олмаганда... Блок менинг асосий поэтик муҳаббатим бўлиб қолди. Мени Блок мисраларининг ҳар бири лиризмга тўлиқлиги, ҳар бир сўзда унинг маънавий олами сезилиб туриши ҳайратда қолдирарди. Блок ҳаётнинг ҳар бир лавҳасини ўз асарларида абадийлаштира олар, шунинг учун ҳам уларни ўқиганда ўзингизни ана шу мангуликнинг қучоғида ҳис этардингиз».

Рус адабиёти билан яқиндан танишув Ойбек ижодига сезиларли таъсир кўрсатди.

«Товушим» шеъри Ойбекнинг Ленинград туркумидаги поэзиясининг гултожиси саналади. Ойбек бу шеъри билан ўзининг фақат сиёсий-ғоявий позициясинигина эмас, балки бадиий-эстетик йўли — тариқатини ҳам аниқ белгилаб олди. Бунда шоирнинг марксча-ленинча дунёқарашни ўзлаштириши «ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини абадийлаштира» олиш, тарихий тараққиётнинг ривожланишини «кўра» олиш сир-асрорини, яъни ҳаёт ва юрак диалектикасини кашф этишга йўл очди:

Оғайнилар! Давримизни
Қалбга солганман
Чўллардаги сароб изни
Англаб олганман.
Курашади икки тўлқин,
Қараб турайми!
Ёш тарихнинг темир қўлин,
Кетга бурайми!
Йўқ!.. Болғалар пўлат сафи
Ила бораман.
Енгил, кураш, жанглар сари
Кўкрак очаман.
Буюк Маркс «Капитал»и
Ёш юрагимда,
Янги ҳаёт, эрк диёри
Ишқи кўксимда.

Ойбек таҳсил йилларида ижод билан жиддий шуғулланди. 1927—1928 йилларда «Ленинград» туркумида «Товушим» шеъридан бўлак талайгина бадиий бақувват асарлар яратилди. Булар журналист дўсти Аъзам Айюб орқали «Қизил Ўзбекистон» газетаси, «Ер юзи», «Маориф ва ўқитғувчи», «Аланга» журналларида босилиб турар эди. Уларнинг кўпи бир кечада босиб ўтириб ёзилларди. Чунончи, «Янги йил» шеъри 1928 йил арафасида ижод этилди. Ленинградда ўзбекистонлик студентлар учун очилган махсус клубда (бу бинода системали равишда маданий ва адабий тадбирлар, тантанали йиғилишлар ўтказилар эди) янги йилни кутиб олиш маросимида шоир томонидан биринчи марта ўқиб берилди.

Январь ойининг қаттиқ қиш оқшомларидан бирида Ойбек билан мен бирга кетаётган эдик. Ошхонанинг кираверишига яқин жойда иккала кўзи кўр бир чол тик турган ҳолда гитара чалар, ёнида эса (невараси бўлса керак) ёш қиз совуқдан дилдираб унга жўр бўлиб паст овоз билан ҳазин куйлар эди. Ойбек уларнинг аянч аҳволидан қаттиқ таъсирланди ва идишларига танга ташлаб ўтди. «Кўчадан ўтаркан» шеъри шу ҳодиса таъсирида туғилди, аммо Ойбекнинг юксак иқтидори туфайли теран социал мазмунни ифодалади. Бу шеърда санъатнинг хор бўлишини келтириб чиқарган қора ўтмиш лаънатланади, халқчил санъатнинг келажаги порлоқлиги тасдиқланади, лирик тўлқинланишларда шоир маънавий олами бўртиб кўринади. Ленинград ҳаёти лавҳаларини конкрет жонли равишда акс эттирган «Нева бўйларида», «Октябрь байрами кечаси» ва ҳоказо шеърлари шоир маънавий, ахлоқий, эстетик оламининг тўлишганидан, унинг шахсий фазилатлари лирик образ тўқимасига дадил кириб борганидан, ҳаётий воқеалар, лавҳалар ва тафсилотларнинг лирик маъносини чақиб бераётганлигидан далолат беради.

Ойбек ижод билан бирга гоҳи пайтларида, айниқса, якшанба кунлари дам олишни унутмасди: экскурсияларга борар, музей, кино ва театрларда бўлар, шаҳар атрофига бир кунлик саёҳатларга чиқар эди. Нева бўйида жойлашган истироҳат боғида катта театр ва кинохоналардан ташқари яна кўп ўйинлар, аттракционлар ташкил этилган эди. Ойбек бизлар билан бирга бу қўрқув аралаш роҳат бағишлайдиган ўйинларда қатнашиб, болаларча қувонар, қотиб-қотиб кулар, кўнгил очар эди. Бундай кезларда кечгача ҳамма томошаларни кўриб, чарчаб ётоғимизга қайтар эди.

Ойбек тиғиз иш, ўқиш, ижод палласини бошидан ўтказиб, таътилда она шаҳрига қайтди, ундан республика маркази бўлган Самарқандга борди. Бу даврда Самарқанд туркумида она юрт соғинчи ҳисси билан тўлиб-тошган ажойиб лирик шеърлар яратди ва «Кўнгил найлари» номли иккинчи шеърлар тўпламини босмага тайёрлади.

...Таътилдан Ленинградга қайтгач, аввалгидай яна ғайрат билан таҳсилга, ижодга шўнғиди. Аммо кўкламга бориб шамоллаш натижасида қаттиқ касалга чалиниб қолди. Касаллик изтиробини ифодалаб:

Баҳорлар мендан узоққа қочди,
Хасталик эса қучоғин очди.
Боёқиш кўнглим қонли ёш сочди... —

деб ёзди. У хасталикнинг асоратини даволаш учун Ялтага йўлланма олди. Ялта туркумидаги шеърлари шу даврда яратилди. Ундан сўнг соғлиғини назарда тутиб, таҳсилини Ленинграддан Тошкентга кўчиришга мажбур бўлди. 1929—30 ўқиш йилида САГУнинг иқтисод факультетини тамомлаб, илмнинг катта йўлига тушиб олди. Бу вақтга келиб эса у аллақачон истеъдодли ижодкор сифатида танилган эди.

Ойбекнинг йигитлигида Ленинградда кечган фаолияти, таҳсили ва ижоди талай томонлари билан ёш ижодкорлар учун яхши ўрнак бўла олади. Унинг бу йиллардаги саъйи-ҳаракати, ғайрати, ишчанлиги, меҳнатсеварлигига ҳайратда қоласан киши. Болари ранг-баранг гуллар ширасидан асал тайёрлагани сингари у ҳам ҳаёт ва китоб гулшираларидан маърифат ва ижод гулдасталарини тайёрлар эди. Ойбек ўқиб-ўрганишдан, изланишдан асло чарчамасди. Ўша йиллари тўплаган билим ва тажрибалари кейинги ижоди учун ниҳоятда асқотганини биз унинг ўлмас асарларини ўқиб англашимиз қийин эмас.



www.ziyouz.com kutubxonasi



Муҳаммад Солиҳ

# «СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚ ЭМАС, СЕҲРЛИ СЎЗ»

Ҳар бир халқнинг бугунги турмуш маданиятини, узоққа бормай, ўша ерда чиқарилган болалар ўйинчоғи сифатига қараб ҳам билса бўлади...

Лекин сизнинг қўлингизда ўйинчоқ эмас, китоб. Сиз рангли суратларга беланган бу китобни варақлайсиз, варақлайсиз... ва ниҳоят ўзингизни овутишдан ўзга чора қолмайди: яхшиям, бу киши дурадгор эмас — ясаган курсисига ўтирган одам йиқилиб, қўлини синдирган бўларди. Яхшиям, бу киши меъмор эмас — қурган биноси устимизга қулаб тушарди. Яхшиям, бу киши — болалар шоири, ёзган шеъри қанчалик ёмон бўлмасин, ҳали болаларимизнинг бирортаси майиб бўлгани йўқ...

Аммо қўшни хонада бошқа бир одам бор. У ўзини овутмайди ёки норозилигини яширмайди ҳам.

— Болаларни майиб қилишнинг энг қулай, беозор йўли бу, — дейди худди ўша рангли суратларга беланган китобга ниқтаб, — бу шоир дурадгорлик қилса яхши бўларди — ясаган курсисига ўтирган одам йиқилиб тушгандан кейин, иккинчи марта унга ўтирмас эди. Афсуски, бу одам болалар шоири — унинг китобидан майиб бўлган бола ўз мажруҳлигини ҳеч қачон билмайди — «шеър шу экан-да», деб ўқишда давом этаверади.

Файласуфлар айтганидек, ҳамма гап сифат ўзгаришида.

Болалар кун сайин, ой сайин ўсади, бўй тортади, болаликдан ўсмирликка, ўсмирликдан йигитликка ўтади. Аммо уларнинг ўқиган китоблари ўз ўрнида қолаверади. Бу китоблар ёғочдан ишланган от каби бир жойда туриб чопади, бир жойда туриб кишнайди. Унга ўтириб олган болалигингиз ўзини мислсиз қаҳрамон ҳис қилади, бу туйғуни ҳеч кимга беришни истамайди ва ўша от билан мангу қолиб кетади.

Мана турибди-ку сенинг болалигинг, дейлик, «билмасвойнинг бошидан кечирганлари»ни қучоқлаб.

Болалигинг бу китобдан миннатдор, ўсмирлигинг бегона, ёшлигинг бутунлай норози.

Нечун бегона, нечун норози, дема.

«Ҳамма гап сифат ўзгаришида». Лекин болаликнинг хотираси чуқур. У ўзининг қуш уйқу идрокини дуч келган китобга назр этади... ва дарров хавфлар босқичи бошланади; чунки бола ишонса — қаттиқ ишонади, алданса — ундан ҳам шафқатсизроқ алданадиган ҳеч ким бўлмайди.

Яқинда қишлоғимизнинг энг кекса чолларидан бири дунёдан ўтди. Шундай юмшоқ табиатли, меҳрибон чолнинг исми Пўлат эканлиги ҳақида энди ўйлаяпман. Албатта, исмнинг одамга дахли йўқ.

Аммо Пўлат исмли одам ҳовлининг кунгайида ўтириб, парилар ҳақида эртак айтгани қизиқ. Пўлат исмли одам қўшнисининг боласи сувга чўкиб кетганида куюниб, бир чеккада, ҳаммадан яширин йиғлагани ғалати. Энди билсам, ўша чол бир пайтлар одам ўлдирган экан.

Ахир, қотилларнинг башараси хунук, соч-соқоли ўсиб кетган, ёқалари кир бўлмасмиди, қотил дегани ҳайвонсифат, қонхўр, иккита шохи бор махлуқ эмасмиди!

Китоблар, нега менинг болалигимни алдадингиз!

Нега қотил дегани ҳам ўзимизга ўхшаган икки оёқли, икки қўлли одам боласи эканлигини ўша пайтдаёқ айтмадингиз! Наҳотки, менинг инсонпарварлигимга футур етади деб ўйладингиз! Футурни ҳақиқат эмас, алдоқ етказади.

Агар болалигимда ўша нуроний чолнинг қотил бўлганлигини билсам, мен унинг эртакларини тингламаган бўлардим, уни ҳовлимиздан ҳайдаган бўлардим.

Ахир менинг болалигим ҳаммадан кўпроқ китобга, онамдан кўпроқ китобга, отамдан, ҳатто Пўлат бободан кўра ҳам кўпроқ китобга ишонарди.

Худди шу боиски, алдамчи китоблар алдоқчи одамдан хавфлироқ.

Мана, кап-катта одам кеча кечаси билан, бугун куни билан болалар учун чиққан китобларни варақлаб ўтирибди; мактаб ёшигача, кичкинтойлар учун, ҳатто фалон синф ўқувчилари учун, деган махсус белги билан нашр этилган китобчалар. Нима, шундан бошқа иши йўқми бу одамнинг!

— Йўқ, — дейди у зарда аралаш, — мен Билмасвойни ўқиб катта бўлдим, энди ўғлимнинг нима ўқиётганини билишим керак.

— Сен тенгилар бугун болалар шоири, сен бўлса ҳали ҳам уларнинг ёзганини ўқиб юрибсан.

— Мен тенгиларнинг ҳаммаси Билмасвойни ўқиб шоир бўлишган...

— Энди менинг ўғлимдан қасос оляптилар, демоқчимисан!

— Фақат меникидан эмас, ўз ўғилларидан ҳам қасос оляптилар. Улар Билмасвойни ўқиб шоир бўлишганига қаттиқ афсусланишади ва болаларга ёзаётиб, ичида ўзларини оқлайдилар: «Биз бундан баттарини ўқиганмиз, ўқийвер, болам».

— Сенга қолса, «болалар адабиёти» деган терминни ҳам рад қиласан. Масалага бир томонлама ёндашмаслик керак.

— Гап терминда эмас. Фақат «Алдагани бола яхши» деган бемаъни тушунча бор ва китобларнинг аксарияти шу тушунча остида ёзилган...

Шундай қилиб, кап-катта одам кичкинтойлар учун чиққан китоблардан унчалик хурсанд эмас.

Файласуфлар айтганидек «ҳамма гап сифат ўзгаришида».

Мана, сенинг болалигинг: кўксига «Билмасвойнинг бошидан кечирганлари»ни босиб турибди. Сендан беш юз йил орқада (балки олдиндадир) бошқа бир болалик бор, у «Мантиқ-ут-тайр»ни ёд олаётган бўлғуси буюк шоирнинг болалиги.

Билмасвой бошдан-оёқ оврупо мушоҳадасига хос ҳаракатдан, воқеалар ривожи, адабиётшунослигимиз тили билан айтганда, динамикадан иборат. Чопиб кетаётган одам кам ўйлайди. Чопиб бораётган бола эса умуман ўйламайди.

«Болалар адабиёти» деган тушунча бугун расм.

Шарқ ҳеч қачон ўз болалари учун махсус китоблар ёзмаган, бўлар-бўлмас қофиялар тўқиб, уларни алдамаган. Шу жумладан, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» китоби ҳам «кичкинтойлар учун» битилмаган. Лекин кичкина Алишер бу китобдан баҳраманд бўлмаганда буюк Навоийнинг ижоди ҳозир сиз таъзим қилаётган даражада улуғ бўлмасди, балки.

— Болаларга инсон тасвири керак, — дейди Норози одам, — шусиз қофия тополмай сарсон ўтирган «болалар шоири»нинг сарсонлиги беҳуда, ишланавериб сийқаси чиқиб

кетган композицияни такрор китоб саҳифаларига жойлаётган «болалар рассоми»нинг санъати бир чақадир.

— Сен жуда ошириб юбординг. Болалар учун чиқаётган ўн минглаб нусха китоб бир кунда тарқаб кетяпти-ку. Ишонмасанг, китоб растасига бориб кузат!

— Ҳамма бало шунда-да! Ўша тарқаб кетаётган китоблардан бир нусхасини мен олганман, мана, томоша қил! Лекин бу китоб қайси тилда ёзилган!

«Наг гавдасининг (!) учдан бирича (!) юқорига кўтарилгач (!) тўхтаб(!) шамол турганда қимирлайдиган қоқигулга ўхшаб заҳарли илон(!) кўзларини(!) Рикки-тиккига тикибди».

Бу босинқираш. Қўрқувдан илон танаси кўзига «гавда» бўлиб кўринган одамнинг босинқираши бу. Афсуски, бу — болалар учун ёзаётган ўзбек ёзувчиларининг ичида энг иқтидорлиси Редьяр Киплинг асаридан парча. Киплинг ўзбек эмас-ку, деб ўқрайма менга. Ўзбек тилига таржима қилинган ҳар қандай китоб муаллифи, лоақал, тилдаги мушоҳадаси билан ўзбек бўлмоғи даркор. Акс ҳолда, таржима ўз моҳиятини йўқотади. Ўзбек таржимони фақат рус ёки инглиз тилини эмас, ўз тилини ҳам билиши шарт.

Бунақа китоблар жилдига эса «Болалар учун эмас, асло болалар учун эмас!», деган ёзув керак. Чунки менинг ерда қолган болам йўқ!

— Лекин бола ниманидир ўқиши керак-ку. Сенинг талабинг бўйича иш кўриладиган бўлса, ҳозирги чиқаётган китобларнинг тўқсон фойизини нашр қилмаслик керак... Тўқсон фойиз шоиру шуарони рўзғор тебратишдек улуғ ишидан маҳрум қилишга тўғри келади-ку...Норозилик ҳам эви билан-да, оғайни!

— Менинг талабим қаёққа боради. «Болалар адабиёти» деган бутун бир корхона аллақачон ишга тушган, уни тўхтатиб бўлмайди. Ҳақиқий китоб ёзиш эҳтиёжи китоб бостириш имкониятидан анча орқада. Гуллаётган имконият қаршисида қарсак чаламиз, сўлғин эҳтиёж устида йиғлаймиз, холос... Шахсан мен бу масалада йўл топдим: жавонларимдаги бор китобнинг ҳаммасини, болаларга аталмаган неки китоб бўлса, барини уларга бераман, таъқиқни бекор қиламан. Ўқийверсинлар, бола, ақли етса, ўзига керагини топиб ўқийди.

— Боланинг онги мурғак, уни йўналтириб туриш керак, сен тушунган шеърни у бошқача тушунади, оқибати ёмон бўлиши мумкин...

— Навоий ўзининг «Оразин ёпқоч кўзимдин тўкилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш» байтини битганида ёш бола эди. Бунинг «оқибати»ни эса бутун дунё билади.

— Болаларнинг ҳаммаси ҳам Навоий бўлиб туғилмайди-ку, ахир!

— Мен болада шоирликни эмас, ундаги шеърий фаросатни, иложи бўлса, нозик дидни тарбиялаш имкони ҳақида гапиряпман. Навоий ўша бир байтни ёзишдан аввал шеърий оҳанг баҳрида сузди, олди-қочди қофия эмас, чинакам мусиқани ўзига сингдирди.

Болани мазмундан аввал сўз мусиқаси ўзига тортади, сўзлардаги мукаммал мутаносиблик — ҳақиқий шеъриятнинг фазилати — илоҳий жозиба ўзига тортади.

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш —
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!...

Бу тўрт қатор шеърни мен олти ёшлик жияним тилидан эшитганман. «Интизор» сўзининг мазмунини тушунмайдиган, «карвон»ни фақат мультфильмлардагина кўрган бола, ҳали «р» ҳарфини «й» деб талаффуз қиладиган бола оғзидан эшитганман. У «энг кичик заррадан Юпитергача» сатрини шундай чўзиб ўқиди-ки, гўё у сайёра номинигина эмас, балки унинг ердан нақадар узоқлигини ҳам биладигандай эди. Шеърни болага ўқиб бераётганимда, у ёд олаётган пайтида, бунақа ўқиш менинг хаёлимга ҳам келмабди. Ихтиро боланинг ўзиники эди. Тўғрироғи, бу шеърият яратган мўъжиза эди. Энди менга айт, шу шеър кимга атаб ёзилган — болаларгами, катталаргами!.. Жавоб беролмайсан, биламан!...

Чиндан ҳам жавоб топиш қийин бу қайсар одамга. Бу одам, норози одам, балки, ҳақдир. Зеро бугун, айниқса бугун, телевидение ва кино китоб билан юзма-юз келган бир паллада, сўз билан жонсиз сурат рақобатлашаётган пайтда болаларимиз ўқиётган китобнинг савияси тубан бўлса — бу ёмон белги.

«Ойнаи жаҳон» ичига бошини кўмган болакайни қутқариш учун «сеҳрли қалпоқ» эмас, сеҳрли сўз керак. Ойнаи жаҳонда айб йўқ, айб рақобатга дош беролмаётган сўзимиздадир.

# Тиниш белгилари

Дейлик, менинг хотиним вергулга ўхшайди.

Адабий ходим — ундовнинг ўзгинаси.

Журнал редактори — нуқта.

Бу, албатта, хаёлпарастлик оқибати. Бунинг асосий гапга ҳеч бир дахли йўқ.

Асосий гап шундаки, мен унчалик камтар эмасман.

Ёзган шеърларимни ҳатто хотинимга ҳам ўқиб беришим мумкин. «Хотининг ким бўпти!» дейсизми! Тухум қовураётган мана шу аёл менинг ёстиқдошим бўлади. Уйни супураётган ҳам, ахлатни чиқариб ташлаётган ҳам каминанинг жуфти ҳалолидир. Шунинг учун бўлса керак, мен унга шеър ўқисам, у доим тухум қовураётган ёки кир юваётган бўлади.

— Бу ёзганларингни шеър қилиб бўлмасмикин, — дейди у менга ачиниб, на қофия бор, на оҳанг...

— Савия борми ўзи сенда! Ҳамма шеър ҳам қофияни кўтаролмайди... Оҳанг эса фикрнинг ўзида. Фикр эмас, туйғунинг ўзида.

— Мен сенга «ёзма» деяётганим йўқ, ёзавер, лекин оҳангсиз шеър шеър эмас-да, — деб жавоб беради ўжар хотиним.

«Мен бастакор эмасман-ку!» деб бақиргим келади-ю, тилимни тияман. Фақат тилимни тияман, ўзимни эмас...

Кейин, чопиб адабий ходимнинг ёнига кетаман. Йўл-йўлакай хотинимга ўқиган шеърлардаги тиниш белгиларини олиб, йўлга сепаман — керак одам териб олаверсин.

Мана, ўтирибди адабий ходим.

Журналхонлардан келган бир уюм хатга жавоб ёзаётган бу йигит менинг дўстим бўлади. Ўзи ёмон кўрган сохта олим юбилейига мақола ёзишга мажбурлигини айтиб, тинмай нолийдиган шу йигит билан бирга ўқиганмиз. Хуллас, мана шу кичик хонадаги энг асабий, энг ишчан, энг фидойи инсон менинг дўстимдир. Шеърларимни ўқиб берай десам, у қўлимдан тортиб олиб, ўзи ўқий бошлайди.

— Нега тиниш белгиларини олиб ташладинг! — деб бақиради у бир зум ўтмай. — Оригиналлик қилмоқчи бўпсан-да! Бу асар эмас!

— Мен асар деяётганим йўқ.

— Бўлмаса нега олкелдинг!

— Журнал фақат «асар»ларни босадими!

Дўстим ўзини йўқотиб қўяди. Мен ҳам уни йўқотиб қўйишдан қўрқиб ўзимни оқлай бошлайман.

— Ахир тиниш белгиларини фақат мен эмас, жуда кўпчилик аллақачон олиб ташлаган. Бунинг сабаби оригиналликка интилиш эмас, балки ёзган кишининг ички эҳтиёжидир: тиниш белгиларисиз ёзилган шеър (агар чинакам шеър бўлса) ўқувчини диққат билан ўқишга мажбур этади, паузани ўзи топишга, демак, фикрнинг ичига киришга ёрдам беради. Бунинг устига, шеър деган нарса, айниқса, бугунги шеър монолог эмас, ички монологга яқин. Одам ичида гапирганда эса «Эшмат келди вергул Тошмат келди вергул» ёки «Мен севаман ундов!» деб гапирмайди-ку! Тиниш белгилари умуман керакмас, деб айтмоқчи эмасман. Фақат манави шеърларга қўймаса ҳам бўлаверади, демоқчиман...

Сўнгги сўзларни ямлаб қўйганимни сезган адабий ходим яна ҳужумга ўтади ва бу сафар ўзининг (фақат ўзининг эмас) энг қадимий қуролини ўқталади:

— Сен анъана деган нарсани биласанми!



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қай бирини айтяпсан, шаклдами ёки мазмундаги анъанами!

— Иккови бир нарса.

— Раҳмат сенга, — дейман дўстимнинг ҳамиятини аллалаб. — Энди айт-чи, шеърда — майли, у тиниш белгиларисиз бўлсин, — самимийлик анъана эмасми! Сўздаги маълум имкониятларни ахтариш-чи! Ниҳоят, шу ахтаришга ҳуқуқнинг ўзи анъана эмасми!

— Гапни олиб қочма. Ҳаммангни биламан. «Оригинал» бўлмоқчисанлар, олифталик қиласанлар. Ҳо, бола, Ғарбнинг қозонига яқин юрма!..

Унинг сўнгги жумлани шивирлаброқ айтгани яна асабимга тегади, бақириб бергим келади-ю, лекин тилимни тияман. Лекин ҳамон тилимни, ўзимни эмас.

—Биринчидан, «оригинал» бўлишга интилишни гуноҳ деб хато қиляпсан, қолавераса, шеър ёзаётган одам ўзининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида кам ўйлайди. «Ғарбнинг қозони»га келсак, унинг фақат қораси эмас, таоми ҳам бор. Биз Шарқдан ҳам Ғарбдан ҳам юз ўгирмаслигимиз керак.

— Бу насрми ё назм! — дейди бошини кўтариб адабий ходим.

— Бу назм.

— Бу ёзганларингни шеър қилиб бўлмасмикин! — дейди у мени эшитмаётгандай. Мен қулоғимга ишонмайман: ҳозиргина шу гапни хотиним айтган эди-я! Мен зудлик билан хотинимнинг савиясига қойил қоламан, журналда ишласа ҳам бўларкан-ку, деб завқланаман.

У эшикни қарсиллатиб редактор ҳузурига чиқиб кетади.

Албатта, ўзимдан кўраман, дўстим, чунки камтар эмаслигимни боя тан олдим. Камтар одам индамайди. Жимлик камтарликдир. Гапирдингми, нимани гапирсанг ҳам, камтар эмассан! Камтар одам, аввало, шеър ёзмайди, агарда ёзса, бировга ўқишдан уялади, бостиришга истиҳола қилади. Нима бўлса ҳам, ўзимдан кўраман, дўстим.

Ярим соат ўтар-ўтмас ходим қайтиб киради. Менинг шўрлик шеърларимни столга улоқтиради:

— Айтдим-ку, ўтмайди деб!.. Сени деб роса қизардим. «Буларинг бизнинг адабиётни йўқ қилишга тайёр!» деб бақирди менга! Тиниш белгиларини қўйсанг ўлармидинг!!

— Кечирасан, янаги сафар белгиларни олиб келаман. Аммо редакторингга айтиб қўй, унинг «адабиёт»ини битта ўзим йўқ қилолмайман — қўрқмасин. Бу нарса менинг қўлимдан келмайди.

Ходим ғоят чарчаб ўтираркан, менга ачиниш билан, гоҳо меҳр билан, узун-узун тикилади. Бу қарашидан ўзимга-ўзим раҳмим келиб кетади. Шошиб қоғозларни йиғиштираман, ҳаялламай эшикка отиламан.

Журнал биносидан чиқаётиб қўлимдаги шеърлар остига редактор қалами билан битилган чиройли ёзувни ўқийман: «Буларни шеър қилиб ёзса бўлмасмикин!»

Бу ёзув мени эсанкиратиб қўяди. Олтин топган қулдай, қадимий битикларни кашф этган тарихчи олимдай қувониб кетаман. Бирдан хотинимни кўргим, уни қучиб олгим келади... ва уйга қараб чопаман!



Фусункор фасл.

www.ziyouz.com kutubxonasi



**Нуриддин Шукуров,**
**Илҳом Ҳасанов**

# *Камалакдек ранг-баранг*

Совет адабиётининг ривожланган социализм давридаги тараққиёт тенденциялари шуни кўрсатадики, бу адабиёт социалистик реализм методининг ранг-баранг имкониятларидан ҳар қачонгидан кўра дадилроқ, унумлироқ фойдаланмоқда. Унинг «очилмаган қўриқ»лар сари юриши жаҳон бадиий тафаккури тараққиётида сезиларли из қолдирмоқда. Жаҳон прогрессив адабиётининг бой тажрибаси, мавжуд адабий оқимлар ва мактабларнинг илғор жиҳатларига изчил партиявийлик, халқчиллик позицияларидан туриб мурожаат этиш, миллий адабиётларнинг бир-бирига яқинлашуви ва ўзаро актив таъсири, шаклланиш ва тараққиёт босқичларида тўплаган ўз анъаналари совет адабиёти тараққиётининг етакчи манбалари бўлиб қолмоқда.

Бу адабиёт ижодкордан ўз талант ва меҳнатини умумхалқ манфаатига хизмат қилдиришни, ўз маҳоратини тинмай ошириб боришни, ранг-баранг воқеликни ўзига хос йўсинда поэтиклаштиришни талаб қилиши билан янада кучлироқ, жозибалироқдир. Шу боис КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида алоҳида таъкидланганидек «партия талантларга, санъаткорнинг ижодий изланишига ҳурмат билан қараб, уларни ардоқламоқда».

Ғоявий мухолифларимиз совет адабиётининг ана шу хусусиятини бўяб кўрсатишга, социалистик реализмнинг дунёдаги энг илғор адабиёт методи бўлишга қобиллигини инкор этишга мана, неча йиллардирки, беҳуда уриниб келадилар. Уларнинг бу йўналишда ҳозирги кунда илгари сураётган қарашлари 30-йиллардаги (СССР Ёзувчилар союзи ташкил топган, Ёзувчилар Устави қабул қилинган даврдаги) алаҳсираш ҳамда васвасалардан айтарли фарқ қилмайди. Фақат эндиликда бу қарашлар совет адабиётининг етук намуналаридан «зўр маҳорат» билан юлиб олинган узуқ-юлуқ парчалар билан тўлдирилмоқда, бир ёқлама хулосалар билан «илмий» асосланмоқда.

Буржуа адабиётшунослигининг социалистик реализм ва индивидуал услублар масаласига муносабати бир гуруҳ ғарблик «советшунос»лар ишида ўз ифодасини топмоқда. У. Харкинс совет адабиётидаги услубий ранг-барангликни рад этар экан, социалистик реализмни совет ёзувчиларининг биринчи съездида қабул қилинган «янги адабий доктрина» деб баҳолайди. Г. Струве совет адиби Ёзувчилар союзига аъзо бўлиши биланоқ ихтиёрий равишда ўз ижодини чегаралаб, муайян қолипга солиб қўяди, деб жар солади. Американлик «советшунос» М. Слоним, ғарбий германиялик Г. Кранхельс, англиялик Я. Лаврин қарашларининг бу масаладаги ҳамоҳанглиги мухолифларимизнинг ҳамжиҳатлик билан муштарак мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётганларини кўрсатади. Масалан, Г. Кранхельс даъвосига қулоқ соладиган бўлсак, совет адабиётида ижодкорнинг индивидуал услубга эга бўлишини социалистик реализмнинг табиати рад этар эмиш. Я. Лаврин «Рус адабиёти панорамаси» номли китобида мавжуд адабий фактлар қаршисида кўзни чирт юмади-да, совет адабиёти 20-йиллардагина гуллаб-яшнади, чунки унда ижодкорлар эркин экспериментлар ўтказиш имкониятига эга эдилар, сўнгги ўн йилликларда 20-йилларнинг бой, ранг-баранг адабиёти ўрнига примитив, бадиийликдан йироқ адабиёт келди, деб ёзади.

Совет адабиётининг сўнгги йиллардаги ютуқларидан озмикўпми хабардор ҳар бир кишига буржуа адабиётшунослари илгари сураётган бу қарашларнинг туб моҳияти, мақсади изоҳларсиз ҳам аён. Шундай бўлса-да, социалистик реализмнинг эстетик бойлигини, турли-туман услубга эга ижодкорларнинг ягона метод доирасида эркин ижод эта олишини актив, ҳужумкор позициядан туриб атрофлича ёритган тақдирдагина ғоявий мухолифларимизнинг объективликдан маҳрум, ғайриилмий даъволарини фош этиш, майдонга келиши кутилаётган янги-янги бўҳтонларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Социалистик реализм методи совет ёзувчиларининг ижодий имкониятларини асло чеклаб қўймаганлигини, ягона метод доирасида ҳам ҳар хил услуб билан ижод қилиш мумкинлигини Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Уйғун, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов сингари кўплаб ёзувчи ва шоирларимиз турли даврларда ўз асарлари билан яққол исботладилар.

Ушбу мақолада ана шу долзарб масалани ҳозирги ёшлар прозасининг бой материали асосида ёритишга ҳаракат қиламиз. Бундай ҳаракат ғоявий мухолифларимизнинг жонжаҳдлари билан илгари сураётган қуруқ даъволарини рад этишга, шунингдек, ёш носирларимиз ижодини тўғри тушуниш, уларнинг адабий жараёнда тутган ўринларини тўғри белгилашга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ўзбек насри адабиёт майдонига 70-йилларнинг охири, 80-йиллар бошида ёшликнинг ўзидек беғубор, самимий, таъбир жоиз бўлса, «йўнилмаган» табиий овоз билан дадил кириб келган иқтидорли ёшлар билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Насримиз бу кенжа авлодининг воқеликни ўзига хос йўсинда поэтиклаштириш йўлидаги изланиш ва интилишлари, айниқса, эътиборни тортади.

Ёш носирларнинг аксариятида индивидуал услубнинг муайян қирралари намоён бўлаётганлиги қувончли ҳол. Гарчанд бу қирралар ҳали етарли даражада қабариб кўринмаётган бўлсада, ёшларнинг ўзига хос ижодий қиёфаларини тасаввур этишга ёрдам бериши шак-шубҳасиздир. Шу нуқтаи назардан улардан баъзилари ижодини кузатиб кўрайлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нурали Қобул ўзининг дастлабки асари «Ойқор»ни эълон қилганига ҳали кўп вақт бўлган эмас. Бироқ шу қисқа фурсатда у ўзига хос ижодкор сифатида иттифоқ ўқувчилари назарига тушди, адабий жамоатчилик эътиборини тортди. Хўш, Нуралини тенгдошларидан ажратиб турувчи, унинг ижодига ўзига хослик бағишловчи хусусиятлар нималардан иборат! Гарчи бу саволга жавоб ёш адиб асарларининг анча кенг таҳлилини талаб этаётган бўлса-да, биз бу ўринда умумий хулосаларимизни келтириш билангина кифояланамиз.

Нурали Қобул услубининг энг муҳим жиҳатини воқеа-ҳодисаларга юксак гражданлик позициясидан туриб оператив ёндашув ташкил этади. Сержило услуб бугунги ёшлар насрига хос умумий хусусият, бироқ Нурали Қобул ижодида бу янада бўртиброқ кўринади. Унинг асарлари орасида давр, қаҳрамон характери билан боғлиқ равишда ҳаяжонли лироромантик руҳда ёзилганлари ҳам («Ойқор», «Салом тоғлар»), изчил, батафсил тасвир принциплари асосида майдонга келтирилганлари ҳам («Тубсиз осмон»), бош ғоя, образнинг ички дунёси кўтаринки — публицистик руҳда тараннум этилганлари ҳам («Яшаш учун кечикма») учрайди ва ана шу хусусиятларнинг барчаси биргаликда олинган тақдирдагина ёш адибнинг шаклланиб келаётган сержило услуби намоён бўлади. Турли асарларида турлича мавқени эгаллаган бу хусусиятлар бир-бирини инкор этмайди, аксинча, адиб ижодида, ҳатто унинг конкрет бир асарида ҳам ёнма-ён келиб, бир-бирини тўлдиради, автор қалбининг туб-тубидан отилиб чиққан самимий овоз остида бир-бирига омухта бўлиб кетади. Бундай қоришув Нурали Қобул асарларига ўзгача жозиба бахш этади, ҳатто ортиқчадек, «адабий эзмалик»дек кўринган тасвирлар, бутун-бутун саҳифаларни ҳам асарнинг умумий руҳига сингдириб юборади.

Ижодкорнинг адабий жараёнга қўшган ҳиссаси кўпинча у яратган янги образлар билан белгиланади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Нурали Қобул яратган қариялар ҳамда болалар образлари ўзига хос ҳодиса сифатида кўзга ташланади. Тўғри, ўзбек адабиётида, шунгача ҳам болалар ва қариялар образлари кўплаб яратилган. Бироқ, ёш адиб кўп миллатли совет адабиёти қўлга киритган ютуқлар таъсирида бу образларга янгича мазмун бағишлаш, уларга шаклланган ўзига хос концепция асосида ёндашишга интилади. Нурали Қобул ижодидан бу икки образнинг салмоқли ўрин олганлиги бежиз эмас, чунки у болалар ва қариялар образларига эга адабиёт энг покиза, энг беғубор адабиёт деб тушунади ва шунга амал қилади. Унинг асарларидаги табиийлик, самимийлик илдизларини энг аввал ана шу икки образдан изламоқ мақсадга мувофиқ бўлса керак...

Адиб назарида табиат ҳамма нарсанинг аввали, боши. Инсон жониворлар, ўсимликлар, тоғу тошлар, шўх ирмоқлар, мусаффо булоқлар унинг тенг ҳуқуқли фарзандларидир. Шундай экан, уларнинг ҳар бири яшашга, меҳр-муҳаббатга, илиқ муомалага муносиб, раҳм-шафқат, ҳимояга муҳтож. Табиатни муҳофаза қилиш ёш адиб ижодида инсон характеридаги олижаноблик, эзгу интилишлар, болаларча покизалик ва беғуборликни муҳофаза қилиш ташвишлари билан қоришиб кетади ва ўзига хос бадиий талқинини топади.

«Нурали адиб сифатида самимий, керак пайтда беғараз, ўрни билан ғараздан ҳам воз кечмайди, унинг қалби ҳис ва туйғу билан тўлган, — дейди у ҳақда М. Қўшжонов. — У мана шу самимийликни, ғараз ва беғаразликни, тўлиб-тошган ҳис ва туйғуларни китобхонлар билан ўртоқлашади. У яратган ва яратаётган асарларнинг қиммати ҳам мана шунда»...

Бир неча йил аввал ёзувчи Григорий Бакланов «Дружба народов» журнали саҳифасида Мурод Муҳаммад Дўстга оқ йўл тилаб ёзган эди: «У кимлар ҳақида, нималар ҳақида ёзаётганини яхши билади. Албатта, ўзбек адабиёти ёзувчилардан қисилиб қолган эмас, аммо Мурод Муҳаммад Дўст ўз халқи ҳақида ўзига хос тарзда ўз манерасида ёза оладиган адиб бўлиб етишади». Унинг қатор ҳикоялари, «Чоллардан бири» қиссаси, «Галатепага қайтиш» романи билан яқиндан танишиш шундан далолат берадики, Мурод фақат ўзигагина хос овозда гапириш учун самарали изланмоқда.

Муроднинг қаҳрамонлари мард, ростгўй, тўпори, кўплар назаридан четда, аммо дурустроқ разм солсангиз, олам ичра ўзи бир олам бўйлаб юрувчи оддий қишлоқ кишиларидир. Улар баъзи «силлиқ» асарлардагидек автор кўрсаткич бармоғи билан қаёққа йўналтирса ўша ёққа итоаткорона юрувчи қиёфасиз одамлар эмас. Улар чинакамига яшайдилар, курашадилар, хато қиладилар, бу хатоларини баъзан англаб, баъзан англамай, англаган тақдирда ҳам ички бир худбинлик билан ҳақ эканликларига ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам ишонтиришга уриниб яшайверадилар, энг муҳими, улар воқеликка бефарқ, лоқайд муносабатда бўлолмайдилар. Қаҳрамонлардаги халқона бағрибутунлик, соддалик ва худди шу соддалиги туфайли буюклик ёш адиб барча асарларида ўз изини қолдирмоқда.

Мурод Муҳаммад Дўст — назари ўткир адиб. У инсонларни бир-бирига боғлаб турган иплар орасидан энг нозик, кўз илғамасларини ҳам кўриб туради, унинг бошқа иплар билан алоқасини чуқур ҳис этади. Унинг қаҳрамонлари ҳамсуҳбатларининг оддий ҳаракатлари, кўз уриштиришлари, гапириш манераларидан ҳам айтилмаган (балки ҳеч қачон айтилмас) фикрларни уқа оладилар.

Ёш адиб услубидаги муҳим қирра—икки қатламли тасвир унинг қаҳрамонларига табиийлик, ўзига хослик бағишлайди. Иккала қатлам параллел ҳолда бир-бирини тўлдириб давом этар экан, кураш кўпинча иккинчи «ички» қатламда кечади, фақат ўзининг энг кескин моментларидагина «ташқи» қатламга ёриб чиқади.

Ёш адибнинг тил устидаги заҳматли изланишлари ҳам эътиборлидир. Бу изланишлар бир томондан бадиий асар тилини халқ жонли нутқига яқинлаштиришга интилиш билан, иккинчи томондан, классиклар тажрибасидан ижодий фойдаланишга уриниш билан характерланади. Қуйидаги парчада ёш адибнинг классиклар тилидаги ички динамикага, халқ тилидаги соддалик, жонлилик, аниқликка интилиши равшан кўринади: «У аёлни даст кўтариб олди. Хадичанинг билаклари бўйнига чирмашган замон мажоли қочди, гандираклаб кетди, лекин сал ўтиб билакларнинг куйдиргувчи тафтига кўникди, чарчоғу оғриқ унутилди, гўё тан ҳам унут бўлдию унинг ўзи бўйнига чирмашган билакларга айланди... Фақат юракларнинг олатасир урғани сезилади, гўё бутун дашту далалар уларнинг дупурига тўлган... Сени шунчалар соғиниб эдимми, Хатча! Кўнгилдаги кину ғазабим қани! Нега йиғлайсан, Хатча! Сен ҳам соғиндингми! Соғинганинг ростми, Хатча! Бирор нарса де, шубҳаларинг бекор де, Хатча, кўнглимни қабартма, белимни букма, гавҳарни тошга урмайлик, Хатча...»

Халқона фикрлаш тарзи, тасвирдаги миллий оҳанг енгил юморга бойлик жиҳатидан Тоғай Мурод ижоди Мурод Муҳаммад Дўст ижодига яқин туради. Бироқ Тоғай Мурод ўз ижодидаги бу хусусиятларга бошқача усул ва воситалар орқали эришади.

Прозадаги бахши... Тоғай Мурод асарларини ҳар сафар қўлга оларкансиз, тасвирлар, саҳифалар оша шу иборани қайта-қайта такрорламай ўтолмайсиз. Биз халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга кучли таъсири тўғрисида жуда кўп гапирамиз (айниқса сўнгги ўн йилликда), исталган адиб ижоди мисолида бу таъсирнинг хилма-хил кўринишлари мавжудлигини кўрсатамиз. Бироқ Тоғай Мурод ижодидаги бу таъсир адабиётимиздаги мавжуд кўринишлардан бўлак бир тарзда, сифат ва моҳият жиҳатдан янгича бир даражада намоён бўлмоқда. Халқ оғзаки ижоди анъаналари унинг учун мақсадга эришиш, ўз услубини излаш йўлидаги шунчаки бир восита эмас, балки юракдан англанган, эътиқодга айланган адабий намунадир. Шу боис ёш адибнинг биз ҳаётда деярли ҳар кун учратадиган, аммо эътибор беравермайдиган қаҳрамонлари фольклорнинг ҳаётбахш анъаналари руҳидан баҳраманд бўлиб қад ростлар экан, уларни халқ эртак, достонларидаги образлар каби севиб қоламиз. Халқнинг азалий урф-одатлари, маросимлари (кураш, пойга, тўй) муҳаббат билан тасвирланган саҳифаларни ўқиётганда йироқ-йироқлардан дўмбира садоси, бахши овози элас-элас эшитилгандек бўлади: «Отлар пишқирди, кишнади. Сағриларига қамчилар тарсиллаб тушди. Чавандозлар ҳайқириб, отларини улоққа чорлади. Ниҳоят улоқ ердан кўтарилди. Тўдада жонланиш бўлди... Дупур-дупур-дупур... Отлар пишқирди, отлар кишнади. Сувлиқларини шиқирлатиб чайнади. Ёллари селкиллади. Думлари товус пати мисол ёйилди. Туёқлар остидан самога чанг ўрлади. Дупур-дупур-дупур...» Шу садо остида асарнинг умумий руҳи вужудингизга оқиб ўтади, қалбингизга эзгулик, гўзаллик уруғларини қадар экан, адолатсизликнинг катта-кичик ҳар қандай кўринишига қарши беаёв курашга йўллайди...

«У ўз асарларида кўпинча одамлардаги ва табиатдаги гўзалликни улуғлайди», — деб таъкидлаган эди адабиётшунос



www.ziyouz.com kutubxonasi

Пирмат Шермуҳамедов Тоғай Муродиинг «Юлдузлар мангу ёнади» номли қиссаси тўғрисида гапириб. Ёш адибнинг дастлабки қиссасида бўй кўрсатган бу хусусият унинг кейинги ижодида янада кучайиб, индивидуал услубнинг бақувват қиррасига айланиб бораётганини сезиш қийин эмас...

Эркин Аъзамов прозаси адабий жараёнда ўзига хос ҳодиса сифатида кўзга ташланади. Бу прозани бир сўз билан «исён» деб атагимиз келади. Ҳа, бу — асарга мавзу танлаш, асар сюжети, композицион қурилишида кўзга ташланадиган ҳар қандай чегаралар, қолипларга қарши исён. Бу — худбинлик, бадбинлик, мансабпарастлик каби ғайриинсоний хислатларга қарши, бу хислатлар урчитувчи ноҳақлик ва қабиҳликка қарши исён. Бу — ўз-ўзимиздаги лоқайдлик, беларволик, маънавий мешчанлик ва руҳий ғарибликка қарши исён. Бу — инсонни комилликка, ўзаро меҳр-муҳаббат ва шафқатга чорловчи исён. Эркин дунёни ҳар хил қора ишлардан ҳоли, одамларни ҳар қандай майда икир-чикирлардан юқорироқ кўрмоқ истайди, шунга интилади. Бу йўлдаги ҳар қандай акс таъсир унинг қалбини жунбушга келтиради.

Эркин Аъзамов услубининг ўзига хослигини, энг аввал, биринчи шахс тилидан берилган баёндаги бафуржалик, аналитик тасвир, психологик таҳлил белгилайди. Бундай баён тасвир объектини ўқувчига яқинлаштиради, икки ўртада самимий бир вазият вужудга келтиради. Эркин дастлаб аҳамиятсиздай кўринган деталь — тафсилот, деталь — предмет ҳамда деталь — характеристикаларини қалаштириб ташлайди. «Анойининг жайдари олмаси» ҳикоясини олиб кўрайлик: «бир ёғи қирмизи, бир ёғи хол-хол, бандининг туби қизил қумга тўлган олмалар», дунёдаги ҳеч бир тилга тўғри келмайдиган «Чантриморэ», «Каламакаторэ» сўзлари, «икки тарафига ҳам «Барнаул» деб ёзилган пачоқ чамадон», «унга ҳамма ёқ ўзиники, кўрган одами аммаваччасидек синашта» эканлиги, анойининг ёқимсиз товушда жўр бўладиган ашуласи... Ҳикояда бу деталларнинг бирортаси ҳам ортиқча юк бўлиб қолмайди. Улар биринчидан, образлар ҳаётийлиги, жонлилиги, табиийлигини, шароит типиклигини вужудга келтириш учун хизмат қилса, иккинчидан, воқеаларнинг кейинги ривожи учун ўзига хос пойдевор бўлиб қолади, ёки ҳеч бўлмаганда, ўрни-ўрни билан чақмоқдек чақнаб, қаҳрамонлар характерининг очилмаган қирраларини, уларни ўраб олган муҳитни ёритиб юборади. Рамазоннинг кейинги хатти-ҳаракатларини англаш учун юқоридаги «чамадон», «олма» ҳамда деталь-характеристика қанчалик муҳим. Бир пайтлар шунчаки эрмак учун айтилган «Хуш қол энди, Зуҳрахоним, Айро тушса бу жон сендан...» мисраларининг Рамазон қамалгандан сўнг эсланиши-чи! Боягина аҳамиятсиздай кўринган деталь «жонланади», қаҳрамон ҳолатини тушунишга ёрдам беради.

Эркин Аъзамовнинг воқеликка актив, жанговар муносабати холис, ортиқча кучанишларсиз бошланган тасвир охирлаган сайин бўй кўрсата бориб, асар сўнгида кучли публицистик ҳайқириқ ёки самимий қалбнинг ҳаяжонли сўроғи тарзида майдонга чиқади. «Кеча кечаси бировнинг йўталидан уйғониб кетдим. Қаттиқ йўталларди, бетон деворга қозиқ қоққандек бўғиқ йўтал. «Қизимми!! Уйқум қочди. Хотинимни уйғотиб «Туриб қарасанг-чи!» дедим. Нариги хонага чиқиб, қизимдан хабар олган хотиним: «Э, қўшнининг боласи-ку!» деди. Ўша заҳоти хотиржамгина уйқуга кетибман.

Нега бундай, Рамазон!»

«Қор босган довон» ҳикоясида воқеа энг майда тафсилотларигача эринмай келтирилади. Унчалик мураккаб ҳам бўлмаган, қаҳрамоннинг ўз эътирофига кўра, кундалик майда-чуйдалар остида кўмилиб, хотирадан кўтарилиб кетиши ҳам мумкин бўлган воқеа: Янги йилни уйда кутиб олиш илинжида йўлга чиққан, дуч келган биринчи юк машинасига илашиб «машинанинг ҳақиқий хўжайини» Сафаровдан миннатдор бўлиб кетаётган, ночор, юпун кийимдаги уч студент. Изғирин, совуқ... Йўлда Бўрон чатоқ деган чўпон уларни машинадан тушириб қолдиради. Бор гап шу. Фақат ҳикоя охиридаги риторик мурожаат ана шу оддийгина «гап»га ўзгача бир мазмун юклайди: «Шунда беихтиёр олижаноб Сафаров эсимга тушади. Бўрон чатоқни эса негадир эсламайман. Сизлар эслайсизларми уни! Ким эди у! Қанақа одам эди! Нега у бизни йўлдан олиб қолган эди, Малик, биласанми! Сен-чи, Нишон, лаънати Дурдара йўлидаги ҳимоясиз ҳамроҳим!» Энди воқеадан ҳам кўра унинг асл моҳияти, ҳа, текст остида ястаниб ётган ана шу моҳият ўқувчи ўйини, қалбини, вужудини қамраб олади.

«Ўзим кўрган, ўзим билган нарсаларни ёзишга ҳаракат қиламан», — ёш адиб услубининг энг муҳим қирраси, дастлабки асарлари муваффақиятининг сири унинг бу эътирофида лўндагина баён этилган.

Хайриддин Султонов — ўз қатъий сўзи, бақувват овозига эга бўлиш учун самарали изланаётган ёшлардан. Унинг изланишлари нисбатан кенг кечмоқда. Шу боис унинг ижодида мавзуси, композицион қурилиши, поэтикаси жиҳатидан бирбиридан фарқ этиб турувчи асарлар учрайди. Шунга қарамай, бу иқтидорли ёш носир услубида шаклланган баъзи жиҳатларни ҳозирданоқ ажратиб кўрсатиш мумкин.

Лирик тасвир Хайриддин Султоновнинг катта-кичик барча асарларини ягона услуб доирасида ўрганишга имкон берувчи муҳим жиҳатлардан. Бундай тасвир айрим ўринларда, масалан, унинг тарихий мавзулардаги асарларида лироромантик характер касб этади. Хайриддин Султонов услубидаги лирик, лироромантик руҳ унинг улуғ адиб Ойбек прозасидан ижодий баҳраманд бўлаётганини кўрсатади. Бироқ, Ойбек услубидаги бу қирралар кўпроқ кўтаринки пардаларга мос тушувчи ҳаёт материалининг кучли таъсири остида майдонга келарди. «Навоий», «Қутлуғ қон» романларида шундай ҳолни кўрамиз. Хайриддин Султоновда эса аксарият ҳолларда кундалик, кўплар назаридан четда турган воқеа-ҳодисалар, оддий, камтарин, камсуқум кишилар образи тасвир объекти сифатида танланади.

Бу эса ёш адиб ижодига Василий Шукшин адабий тажрибаларининг кучли таъсиридан далолат. Хайриддин ана шундай кундалик воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар замиридаги гоҳ ўйчан, гоҳ маъюс, гоҳ ғамгин, гоҳ қувноқ лирикани топиб ўқувчини унинг бағрига олиб кира олади.

Тўй — халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий урфодатлардан. Ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлган ҳозирги даврда тўйларимиз тобора гўзаллашиб, серфайз бўлиб бормоқда. Эндиликда деярли ҳамма бунга кўникиб, одатланиб қолди... Хайриддин биз кунда дуч келадиган, кўникмага айланган ана шу ҳодисани тасвирламоқчи бўларкан, унинг бағрида яшириниб ётган лирик оҳангни санъаткорона илғай олади.

Хайриддин Султонов ўзини қизиқтирган мавзуга, у хоҳ тарихий, хоҳ замонавий бўлсин, муайян ҳаётий эҳтиёж асосида ёндашади ва у ҳақда илиқ, соф бир муҳаббат билан, бутун юрак ҳароратини бериб ёзади. «Ёзади» сўзи ёш адибга нисбатан қўлланганда хийла ғариб кўринади назаримизда... Ҳарқалай, Хайриддин Султонов асарларида сўзлар, жумлалар жойлашуви мақсадга шунчалар мувофиқ танланган, ўрниўрнига қўйилган бўладики, сиз баъзан бадиий асар ўқиётганингизни ҳам унутиб қўясиз. Сўзлар, иборалар, жумлалар кўз ўнгингизда аниқ предмет ва образлар қиёфасига кира боради». «Ҳаёт эртаги» ҳикоясидан олинган қуйидаги персонаж нутқини ўқиркансиз, автор изоҳларисиз ҳам бу нутқнинг кимга тегишли эканини, унинг касби, ёши, маданий даражаси, бошқа персонажларга нисбатан тутган ўрнини аниқ ҳис этиб турасиз: «Энди-чи, болалар, илонларни кўрамиз! Жим! Шовқинламанглар! Қани, Дилфуза, бу ёққа кел-чи! Чаққон-чаққон! Севар қани! Болалар! Илонлар чўлларда, саҳроларда, сувсиз жойларда асосан судралиб яшайдиганлардан ҳисобланади... Тоҳир, қафасга яқинлашма! Қайт! Ҳой, кимга айтяпман!»

Хайриддин Султоновда гражданлик туйғуси хийла актив. Унда ҳар қандай воқеа-ҳодиса, образни тарихий аспектда кўриш, ёритиш майли кучли. Унинг тарихий мавзулардаги асарлари ҳам сюжет асосида ётувчи воқеаларнинг ҳаётийлиги, тилининг равонлиги ва самимийлиги билан эътиборни тортади. Хайриддиннинг бундай асарларида қаҳрамонлар тарихий факт қулига айланиб қолмайдилар...

Бу жиҳатдан Асад Дилмуродов ижоди Хайриддин услубига хос хусусиятларга яқин изланишларни бошдан кечираётгани билан эътиборни тортади.

Асад Дилмуродов ўзи туғилиб ўсган Ургут тоғларининг сўлим табиати, кўҳна Самарқанднинг афсонавий обидалари, бу маъмур воҳанинг меҳнатсевар, танти одамлари тўғрисида ёзишни ёқтиради. Унинг қаҳрамонлари биланд тоғлар салобати, сахийлиги, ялангтўшлигидан андоза олгандек таассурот қолдиради: унинг асарлари камалаксифат безаклар, феруза гумбазлардан ранг олганга ўхшайди: «Пештоқ ўмровидан ўсиб чиққан икки гумбаз ва икки минора ҳавода муаллақ қотган. Миноралариинг қўзиқорин салласини эслатувчи гулдасталари



www.ziyouz.com kutubxonasi

камалакдай ёнади. Пештоқ сарҳадлари ҳам кошинлар тили билан сўзлайди. Катта равоқнинг ислимий гуллари, морпеч бурама безаклари сокин нурланади».

Ёш адибнинг воқеа-ҳодисани ижтимоий-тарихий контекстда кўришга, инсонни рангин табиатнинг бир бўлаги сифатида тасаввур этишга интилиши унинг асарлари поэтикасида сезиларли из қолдирмоқда. Адиб кўпинча қаҳрамонлар руҳий оламидаги ўзгаришларга мувофиқ келувчи, уни кучайтирувчи, таъкидловчи табиат ҳодисаси ёки тарихий обида тасвиридан фон сифатида фойдаланади. «Мерган» ҳикоясида қаҳрамон руҳий изтиробларига мос тушувчи қор кўчуви ҳодисаси асосий воқеа-ҳодисалар билан ёнма-ён бериб борилади. «Сирли зина» қиссасида Шоҳизинданинг ғаройиб қирқ зинаси, «Шердор» ҳикоясида гўзал ёдгорлик пештоқидаги «икки адад шер, икки адад кийик» тасвири қаҳрамонларни тарих занжирининг зарур бир ҳалқаси сифатида ҳис этишга, ижтимоий-тарихий шароитни, образлар қалбидаги нозик «тебраниш»ларни англашга, автор мақсади ва позициясини тушунишга ёрдам беради. Шуниси муҳимки, адиб бу каби тасвирларни иллюстратив тарзда тақдим этмайди, балки характерлар мантиғи, воқеалар ривожидан табиий равишда ўстириб чиқаради. Шер, оҳулар тасвири «Шердор»га қаҳрамонлар нисбатан сокин фаолият доирасида бўлганларида олиб кирилади ва воқеаларнинг кейинги ривожи учун «старт чизиғи» вазифасини ўтайди. Тўқнашувлар кескинлаша борган сари бу тасвир ҳам янги-янги маънолар билан бойийди. Мана, Муҳаммад Авазнинг не-не умидлар билан йўллаган совчилари саройдан қувилди, ўзи Ялангтўшбий Баҳодирга қарши фитна уюштиришда айбланди, суянган дўстлари ҳибсга олинди. Муҳаммаднинг бу воқеалардан кейинги руҳий кечинмаларини, воқеликка муносабатини акс эттиришда яна ўша тасвир қўл келади: «Ганч нақшлар, заррин ҳам кошинкорий безаклар. Ганчхок қотган қўлларини томошабин кўзлар таъқиб этади. Бу кўзлар паноҳ ва нажот истайди, қорачиқларида ҳадик яширинган... Ё фалак! Малика палакка ўз кўзларини чизғон экан-да!»

Ёшлар прозасининг талантли вакиллари ижодини ана шу тарзда кузатиш далолат бериб турибдики, ёш насримиз ягона метод доирасида чуқур, кенг қамровли услубий изланишлар фаслини бошдан кечирмоқда.

Тўғри, бу ўринда биз ёш адиблар услубининг бўртиб кўринаётган баъзи қирралари устида тўхталиб, кўпроқ уларнинг ютуқларини қайд этдик. Аммо, бу ёш носирларимиз ижоди камчиликлардан холи, ҳар жиҳатдан мукаммал деган бир ёқлама хулосани зўр бериб ўтказишга интилганимиздан эмас, албатта. Ёш носирлар олдида ҳали ҳал этилишини кутиб ётган муаммолар, ошиб ўтилиши зарур бўлган довонлардан анчагинаси кўндаланг турибди. Масалан, ёшлар насрида характерлар, конфликтлар замирида ётувчи ижтимоий маъно салмоғи янада кучлироқ, таъсирчанроқ бўлишига эришиш ана шундай проблемалардан биридир. Адабиётда инсонни ўзига хос шахс сифатида, ҳаётий ташвишлар қуршовида, конкрет муҳитда кўрсатиш мумкин. Бироқ ана шу конкрет шахсга, ҳаётий ташвишларга умуминсоний, умумбашарий масалаларни сингдира олиш ундан ҳам муҳим. Барча буюк адиблар тажрибаси шундан далолат беради, шунга ундайди. Ёш адибларимиз бу тажрибани тезроқ, мукаммалроқ эгаллашларини истардик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## УЧИНЧИ УЧРАШУВ

Истеъдодли қаламкаш Алишер Ибодиновнинг номи сизга яхши таниш. Унинг «Гулсапсар ҳиди», «Оқ, оппоқ булут» китобларини ўқиб, муаллифни севиб қолгансиз. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти унинг навбатдаги ҳикоялар тўпламини — «Қуёш ҳам олов»ни босмадан чиқарди ва сиз — азиз китобхонлар ҳукмига ҳавола этди. Шуниси диққатга сазоворки, тўпламдан жой олган аксари ҳикояларнинг қаҳрамонлари ёзувчининг тенг-тўшлари, яъни яратувчан ёш замондошларимиздир. Китобни варақлар экансиз, сиз уларнинг ранг-баранг орзу-умидлари, ташвишлари, руҳий кечинмалари ҳамда қайғую қувончларидан воқиф бўла борасиз.

Ҳикояларни бир ипга маржондек тизиб турган жиҳат кенг маънодаги муҳаббат эканини илғаб олиш қийин эмас. Ёш келиннинг кўнгилда ардоқлаб юрган муҳаббат туйғуларидан тортиб («Бир томчи ёш») қаҳрамонларнинг она-Ватанга бўлган муҳаббатларигача («Қуёш ҳам олов», «Кўл бўйида») Алишер Ибодинов қаламига хос бўлган самимий руҳ билан суғорилганки, булар сизни беихтиёр ўзига ром қилиб олади.

«У анқайиб турган Гулнорага тушунтирди: қадим замонларда дарада ҳур қизлар яшаганлар. Худди амазонкалардек. Бир куни ёв босган. Ҳур қизлар ёв билан олиша-олиша ҳув баланд чўққига чекинадилар. Ёв ҳар тарафдан ўраб кела бошлабди. Шунда қизлар маликаси тиз чўкиб тоғ-тошларга ёлворибди. Улкан қоя бирдан ёрилибди-да, уларни ўз бағрига олибди. Иффатни жондан азиз билган ҳур қизлар ҳамон қоя бағрида эмиш...

Ғалати афсона экан... Амазонкалар...

— Айтишларича, ҳур қизлардек соф, бошдан-оёқ покиза бир қиз келиб: «Ҳур қизлар-у-у! Чиқинглар!», деса қоя яна тарс ёрилиб улар озод бўлар эмиш».

Муаллиф истайдики, ҳар биримиз ёруғ юз билан ўша улкан қоя тагига бора оладиган, ёруғ юз билан: «Ҳур қизлар-у-у! Чиқинглар!» дея оладиган бўлайлик ва биз чорлаганда «қоя тарс ёрилиб» кетсин...

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.**

## УЛУҒЛАР ҲАЁТИ

Ўн тўққизинчи асрнинг 60-йилларида Англия ва Германияда расм бўлган бир анкетага қизларининг тавсияси билан Карл Маркс ҳам жавоб ёзган эди. Гарчи бу жавоблар нимҳазил шаклда баён этилган бўлса-да, моҳият эътибори билан Маркснинг инсонни қиёфасини белгилашда катта аҳамиятга эгадир. Бу жиҳатдан унинг, айниқса, биринчи ҳамда охиридан иккинчи сўроқларга қилган жавоби характерлидир. Яъни, «Одамлардаги қайси фазилатни қадрлайсиз?» деган сўроққа Маркс «Соддаликни», деб жавоб қилган; «Севимли ибратномангиз нима?», деган сўроққа эса, «Инсонга хос жамики хислатлар менга ҳам бегона эмас», деб жавоб қилган.

Сўз К. Маркс ҳамда Ф. Энгельс ҳақида борганида, одатда, кўз ўнгимизда инсониятнинг улуғ доҳийлари намоён бўлади ва биз беихтиёр «Коммунистик партия манифести», «Капитал», «Анти Дюринг» каби ўнлаб ўлмас асарларни эслаб кетамиз. Бироқ, бу улуғ шахсларнинг ўзаро дўстлигини фақат инқилобий ҳаракатдаги ҳамкорликдан қидириш, гарчи барча кейинги муносабатларнинг асосида шу факт ётган бўлса ҳам, масалага бир томонлама ёндашишга олиб келади. Маркс ва Энгельс шахсий ҳаётларини ҳам бир-бирларисиз тасаввур қила олмас даражада дўст эдилар, десак муболаға бўлмас. Биргина мисол: 1850 йилнинг 19 ноябрида К. Маркс Ф. Энгельсга мактуб йўллаб, оилаларининг бошига оғир мусибат тушганини — эндигина бир ёшга тўлган кичик ўғиллари Хенрих Гвидо тўсатдан нобуд бўлганини хабар қилади ва хатининг сўнгида «Агар сенга оғир ботмаса, фурсат топиб хотинимнинг кўнглини бир сўрасанг, у бутунлай ўзини йўқотиб қўйган», деб илтимос қилади. Энгельс зудлик билан Женни Марксга хат йўллайди. Бу хатнинг таъсири қандай бўлганини К. Маркснинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин:

«Қадрли Энгельс!

Сенинг мактубинг хотинимнинг дардига малҳам бўлди. У ҳозир ғоят изтиробга тушган, ғам ич-этини тирнаб ётибди. Чунки, ахир, ўғилчамизни унинг ўзи эмизган, ҳар қандай оғир шароитда ҳам қийинчиликларни ўз бўйнига олиб уни кўз қорачиғидек асраб келган эди. Бунинг устига, у бахтсиз гўдагимиз моддий муҳтожликнинг қурбони бўлди, деган ўйдан ўзини қўярга жой тополмай қолган...» (К. Маркснинг Энгельсга ёзган хатидан, 1850 йилнинг 23 ноябри).

Бу ва шунга ўхшаган қизиқарли маълумотларни сиз яқинда Москвадаги Сиёсий адабиётлар нашриётида чоп этилган (олтинчи нашри) «Оддийлик ва инсонийлик» деб номланган китобчадан ўқиб олишингиз мумкин. Китоб икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимдан Маркс ва Энгельсларнинг ўзаро бир-бирларига, Халқаро ишчилар ҳаракатининг таниқли намояндаларига, оила аъзоларига ва шунингдек бошқаларнинг бу улуғ доҳийларга ёзган дўстона, самимий мактублари ўрин олган. Иккинчи бўлимда эса қариндош-уруғларнинг ҳамда инқилобий курашдаги дўсту биродарларнинг К. Маркс ҳамда Ф. Энгельс ҳақидаги хотиралари жамланган.

**Москва, Сиёсий адабиётлар нашриёти**

## ОЧИЛАЁТГАН ҚЎРИҚ

Адабиётшунос олим Бегали Қосимовнинг «Излай-излай топганим...» деб номланган рисоласида «аҳамияти ва моҳияти биргина халқ ёхуд мамлакат билан, бир ёки бир неча авлод тарихи билан чегараланмайди»ган, аксинча, «жаҳон тарихининг бурилиш нуқталари» сифатида «умумбашарий аҳамият»га молик ҳодисаларга бой 1905—17-йиллар оралиғидаги ўзбек адабиёти муаммолари ҳақида баҳс юритилади. Тадқиқотнинг йўналиши илмий-назарий характерда бўлиб, материал тарихий аспектда олиб текширилган. Гарчи олим ўз олдига 1905—17-йиллар ўзбек адабиётининг баъзи бир назарий муаммоларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлса-да, таҳлил давомида фақат ўзбек адабиёти масалалари қобиғига ўралашиб қолмайди. Бу эса, ўз навбатида, асарнинг илмий қимматини янада оширган.

Хўш, 1905—17-йиллар адабиётида етакчи тенденциялар қайсилар эди? Ўзбек танқидий реализми рус ва бошқа халқлар танқидий реализмидан қайси жиҳатлари билан фарқланади ва нима учун? Улуғ Октябрь инқилобигача Туркистон ўлкаси ижтимоий ҳаётида рўй берган ҳодисаларнинг ўрганилаётган давр адабиётига таъсири қай тарзда кечдию қандай сифат ўзгаришларини вужудга келтирди? Ва, ниҳоят, тадқиқотчининг мазкур давр адабиётининг ўрганилишига киритган янгилиги нималарда кўринади?

Бу ва шу каби саволларга китобнинг ўзини ўқиб чиққанингиздан сўнг тўлиқроқ жавоб оласиз.

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти**



www.ziyouz.com kutubxonasi



# АСАЛ НЕГА ШИРИН?

*Ҳаймағ жанрининг ижодкори шоир*
*Марайим Пислоқий билан суҳбат*

Қурматли Марайим Пислоқович! Редакциямизга келган хатлар билан танишганда ўзингиз ҳам пайқаган бўлсангиз керак: аксарият ёшлар Сизнинг ҳаймағ жанрини қай тариқа кашф этганингиз билан қизиқишибди. Шу сабаб суҳбатимизни айни шу муаммодан бошласак!

— Бош устига, лекин... (Суҳбатдошим тўсатдан илжайиб жим қолади. Мен таажжубланиб унга тикиламан: назаримда суҳбатдошим жилмайган пайти, унинг чеҳрасидан нур ёғилиб, биз ўтирган хона янада чароғонлашгандек бўлади.)... Лекин ҳаймағ жанрининг кашф этилишига антиқа бир воқеа сабаб бўлган!... Агар «хўп» десангиз бир бошдан гапириб берсам.

— Қулоғим Сизда!

— Бундан чамаси беш йил илгари мен мактабда муаллимлик қилиш билан бир қаторда шеър ҳам машқ қилиб турардим. Ўша пайтлари районимиз газетаси редакцияси қошида «Мусича» номли ижодий тўгарак ташкил этилганди. Табиийки, мен бир ҳаваскор қаламкаш сифатида ушбу уюшма йиғинларига қатнашиб юрардим. Натижада гоҳи-гоҳи шеърларим район газетасида кўриниб қоларди. Бора-бора «Мусича» уюшмасининг раҳбари Ғилмоний билан қил ўтмас дўст бўлиб қолдик. Яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ: айнан мана шу дўстим Ғилмоний кўмагида ҳатто икки бор шеърларим область газетасида босилиб чиқди ва бир ҳафтагача номим қишлоғимиз одамлари оғзидан тушмай қолди...

Худди шу кунлари тўсатдан Ғилмоний ўз машинасида каминанинг кулбаи харобасига бостириб кириб келса бўладими! Бошида гирмонский шляпа, эгнида финка кўйлак, оёғида япончa босоножка, кўзида французча кўзойнак! Американа вельвет шим кийиб олган... Олдинига: «Арши аълодан тушдими бу муҳтарам зот!» дея танимай ҳайрон бўлиб қолибман. Танигач эса, дарҳол бабоқ хўрозларимнинг биттасини унинг шарафига бўғизлаб ташлаш учун ўрнимдан кўзғалган эдим, Ғилмоний тўхтатди:

— Хўрозни, насиб этса, кейинги сафар ермиз... Ҳозир мен шошиб турибман! Икки килогина асал керак бўлиб қолди срочни... Сенинг асалари сақлашинг эсимга тушиб қолдию, қанот ёзиб келдим...

Ёзнинг ўрталари, яъни айни асал олинадиган кунлар эди. Лекин ошно-оғайнилар билан область газетасида босилиб чиққан шеърларни ювамиз, деб бу ишга ҳеч қўлим бормай юрган, ҳозир ҳам учта ҳамкасаба дўстим билан хиргойи қилганча «оқсалла»ни майдалаб ўтиргандик... Бу ёғи қандоқ бўлди энди! Ғилмонийга ётиғи билан аҳволни тушунтириб: «Эртага пешиндан кейин кел! Икки кило эмас, беш кило асал олиб қўйганим бўлсин!» дедим.

Ғилмоний эртага курортга кетаётганини айтиб қовоғини солди ва мўлтираган оҳангда деди:

— Ўзинг биласан бозорнинг асалларини ҳам, магазиннинг асалларини ҳам ишончли деб бўлмайди! Уни еган бемор тузалиш ўрнига баттар бўлиши мумкин...

Нима дейишимни билмай қолдим. Асаларилар ичган одамни ёнига йўлатишмайди, мен эса, эрталабдан бери оғайнилар билан... Ушбу хаёллар оғушида иккиланиб турган эдим, кайфи ошиб қолган оғайниларимдан бири Ғилмонийнинг мўлтираган қиёфасига кўзи тушиб:

— Э, тутунни аччиқроқ қил, ҳеч нима қилмайди!— деди.— Сени деб бир дўстинг шунча йўл босиб келса-ю...

— Чақса ўлармидинг! — деди иккинчиси. — Шу пайтгача бировни асалари чақиб ўлдирганини эшитганимиз йўқ...

Ғилмоний менга диққат билан тикилиб турарди. Шунча гапсўздан кейин яна баҳона изласам, Ғилмоний бир умрга мендан аразлашини кўнглим сезиб, таваккал қилдим ва:

— Қани, кетдик!— дедим.— Менга ёрдамлашиб юборасизлар...

Тегишли асбобларни олиб, асалари уялари қаторлашиб турган боғ этагига келдик. Тутатгичга тезак солиб, сеткани бошга кияётган эдим, оғайниларимдан бири:

— Э одобсиз! Сеткани меҳмонга бермайсанми! Асалари сеники-ку ахир, қачон мол эгасини тепибди!— деди ва қўлимдан сеткани юлиб олди...

Мен иложсиз юзимни ҳимояламасдан четкадаги қутини очиб, тутун пуфлагандан кейин рамкаларнинг қай биридан асал олиш мумкинлигини текшира бошладим... Шу пайт менга далда бериб турган оғайниларимдан бири чийиллаб сўкиниб юборди. «Нима бўлди экан», деб энди ўгрилган эдим, икки асалари бирданига бурнимга ёпишса бўладими. Арини ҳайдайман деб беихтиёр қўлимдаги рамкани ташлаб юборган эканман, шу заҳоти юзимга олов босилгандай бўлди... Кўз олдим қоронғилашиб урра қочиб қолдим, лекин қани асалариларни ҳайдаб бўлса... Булутдек ёпирилишиб келади-я, азаматлар! Боғ орқасидаги катта анҳор эсимга тушиб, панжам билан юзларимни бекитганимча ўша томонга чопдим... Ҳамма жойим жаз-жаз ёниб куяётгандек эди. Шу сабаб кийим-бошим билан ўзимни анҳорга отишга мажбур бўлдим... Ярим минутлардан кейин сал ором олиб сувдан бош чиқарсам, асалари тўдаси ҳамон тепамда ғув-ғув учяпти... Дарҳол бошимни яна сувга тиқиб сузиб кетдим. Беш метрлар ўтиб, бош кўтарсам, хайрият арилар илгариги жойда ғужғон ўйнашаётган экан. Шунга қарамай яна йигирма метрлар чамаси сузиб бордим-да, кейин қирғоққа чиқдим.

Боғни айланиб ўтиб, ҳовлига кирсам, оғайниларимнинг биттаси қовоғини шишириб уйига жўнаб қолибди. Иккинчиси сўкинганича мотоциклни ўт олдираяпти. Бурнини ушлабушлаб қўяди. Учинчиси билагини уқалаганича Ғилмонийга тасалли беряпти:

— Хайриятки энсангиздан чақибди... Кўзингиз ёки бурнин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гизга найза ургандами, эртага курортга жўнашингиз ҳам амри маҳол эди, меҳмон...

Ғилмоний:

— Ҳа...— деди-ю, менга кўзи тушиб минғирлади.— Э Марайим, айб биздан ўтди... Агар мен...

Бир лаҳзага ёнаётган вужудимга яна керосин сепилгандек бўлди. Ғилмоний кўзимга Азроилдай кўриниб, аламдан тишларим ғижирлаб кетди... Лекин Ғилмонийнинг ҳали кўп ёрдами тегиши мумкинлиги эсимга тушиб, лабимни тишладим. Сўнгра базўр илжайиб:

— Баҳона билан чўмилиб олдик ҳам... Мен ҳозир,— дедим-у ичкарига кириб кетдим. Кийимларимни алмаштириб, қайтиб чиқсам Ғилмоний йўлга шайланиб турибди:

— Ҳай, майли, Марайим,— деди эътирозга ўрин қолмайдиган овозда.— Мен эртага жўнашим керак. Бугун баъзи бир жойларга албатта боришим керак, акс ҳолда... Узр, менга рухсат!

— Асал...—чайналдим мен, лекин Ғилмонийнинг тўхтовсиз жўнаётганига ичдан хурсанд эдим.

Ғилмоний жўнаб кетди. Лекин то қоронғи тушмагунча арилар ёнига йўлаб бўлмади. Боз устига юз-кўзим, билакларим тобора шишмоқда эди... Ҳамма нарсани қўйиб уч кун анҳор бўйида юз-кўзим, билакларимга лой чаплаб ётишга тўғри келди. Оғриқни-ку, айтмай қўя қолай. Ана ўша кунлари ҳаймағ жанри ҳам кашф этилди!.. — Шундай дея суҳбатдошим қувлик билан илжайиб менга тикилди.

— Яъни! — тушунмадим мен. — Сиз айтиб берган воқеанинг ҳаймағ жанрига нима алоқаси бор!..

— Бор-да!

— Қандай!

— Хўп, олдин сиз менга айтинг: асал нега ширин!

Очиғини айтганда мен бу хусусда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Шу боис жўяли бир гап айтолмай, масала моҳияти менга қоронғи эканлигини тан олдим.

— Ана, фақат сиз эмас, катта кўпчилик шундай!— деди суҳбатдошим бир қадар койиниш билан. — Биз ҳар бир нарсага, ҳар бир воқеа-ҳодисага ибрат кўзи билан қараш зарурлигини кўпинча унутиб қўямиз. Ваҳоланки Ньютон «тўп» этиб ерга тушган олмага қараб бутун олам тортилиш қонунини кашф этган, биз эса... Осмондан тушган тош пешонамизни ғурра қилгудек бўлса ҳам, бу ҳодиса моҳиятига эътибор бермасдан, пешонамизни силаб-сийпаб, оҳ-воҳ чекиш ёки сўкиниш билан банд бўламиз...

Аммо мен Ньютондан ибрат олдим! Арилар ҳужумидан қутулгач, анҳор бўйида юз-кўзим, баданимга лой чаплаб, оғриқдан тўлғаниб ётарканман, беихтиёр ўйланиб қолдим: қизиқ, нега зарур келиб қолганда эгасини танимайдиган даражада ваҳшийлашиб кетувчи арилар умр бўйи асал йиғиш билан банд бўлишади! Иккинчидан, нега асал ҳамиша ширин бўлади!.. Баданимдаги шишлар қайтгунча уч кун анҳор бўйида шу ҳақда хаёл сургач, пайқадимки, арилар беҳисоб гулларнинг энг хушбўй жойларидан нектар йиғгани учун ҳам асал ҳамиша ширин бўларкан... Яъни арилар барча гулларнинг қаймоғини бир жойга йиғиб ишлов беришаркан, натижада... Хуллас, мен ўйланиб қолдим: бадиий ижод соҳасида ҳам асаларига тақлидан иш тутилса, яъни бир неча жанрларнинг энг қаймоғли жойидан бир чимдим-бир чимдим олиб, хуштаъмли янги адабий масаллиғ яратса бўлмасмикин! Ушбу мулоҳазамни амалда синаб кўра бошладим. Узоқ ва машаққатли тажрибалардан кейин камина, ниҳоят ҳайқириқ шеър, масал ва ғазал жанрларининг хусусиятларини ўзида мужассам қилган янги «ҳаймағ» жанрини яратишга муваффақ бўлди...

— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур... Сизга янгидан-янги жанрлар кашф этиб, китобхонларни ҳали ҳеч бир менюда кўрсатилмаган асалдан ҳам ширин масаллиғлар билан хурсанд қилишда омад тилайман!

— Қуллуқ!..

Суҳбатни Б. ЯКТОЕВ олиб борди.

---

# *ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ЙИЛЛИК МУКОФОТЛАРИ*

*Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг секретариати 1984 йилги мукофотларни қуйидаги энг яхши бадиий асарларга беришга қарор қилди:*

*ОЙБЕК НОМИДАГИ МУКОФОТ ёзувчи Асқад МУХТОРга — «Илдизлар» қисса ва ҳикоялар китоби учун;*

*ҲАМИД ОЛИМЖОН НОМИДАГИ МУКОФОТ шоир Омон МАТЖОНга — «Сени яхши кўраман» ва «Дарахтлар ва гиёҳлар китоби» тўпламлари учун;*

*ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МУКОФОТ ёзувчи Латиф МАҲМУДОВга — «Қирдаги лолалар» қиссаси учун;*

*СЕРГЕЙ БОРОДИН НОМИДАГИ МУКОФОТ таржимон Сергей СЕВЕРЦЕВга — кейинги йилларда ўзбек шеъриятидан қилган таржималари учун.*

www.ziyouz.com kutubxonasi



Дадахон Нурий



Шавкат Раҳмон

# *МУКОФОТЛАР МУБОРАК!*

*«Ёшлик» журнали редколлегияси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган конкурс якунларини кўриб чиқиб, юбилей йилида журналда босилган қуйидаги асарларни мукофотлашга қарор қилди:*

## *БИРИНЧИ МУКОФОТ*

*Ёзувчи Дадахон НУРИЙга — «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» муаммоли очерки (5-сон) учун.*



Александр Селиванов



Зоҳир Аълам

## *ИККИНЧИ МУКОФОТ*

*Шоир Шавкат РАҲМОНга — 6-сонда эълон қилинган шеърлари учун.*

*Рассом Александр СЕЛИВАНОВга — журналнинг эсдалик дипломини ишлагани учун.*



Шуҳрат Ризаев



Зулфия Мўминова

## *УЧИНЧИ МУКОФОТ*

*Ёзувчи Зоҳир АЪЛАМга — «Иккию бир» ҳикояси (3-сон) учун.*

*Танқидчи Шуҳрат РИЗАЕВга — «Маҳорат етишмагач» деган мақоласи (6-сон) учун.*

*Шоира Зулфия МЎМИНОВАга — 11-сонда босилган шеърлари учун.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

# 1984 йил «Ёшлик» журнали саҳифаларида эълон қилинган асосий асарлар рўйхати

НАСР

**Эркин Аъзамов.** Жавоб. Қисса. 8,8-32.
**Зоҳир Аълам.** Иккию бир. Ҳикоя. 3,20-28.
**Маъсума Аҳмедова.** Оддий ҳикоя. 3,32-34.
**Ашурали Жўраев.** Сўқмоқлар. Ҳикоя. 4,23-26.
**Қамчибек Кенжа.** Гаров. Ҳикоя. 12, 23-27.
**Мурод Муҳаммад Дўст.** Истеъфо. Қисса. 4,35-61.
**Мурод Муҳаммад Дўст.** Совчилик ҳангомаси. 12, 18-21.
**Ҳамид Маллаев.** Зурёд. Қисса. 5,7-28.
**Туроб Мақсуд.** Бешик. Ҳужжатли қисса. 10,12-28 ва 11,25-39.
**Рауль Мирҳайдаров.** Сурат. Ҳикоя. 11,39-42.
**Баҳодир Муродалиев.** Кампирнинг ўғли келди. Ҳикоя. 5,30-33.
**Нормурод Норқобилов.** Юк. Ҳикоя. 2,20-25.
**Анвар Обиджон.** Олтин юракли автобола. Фантастик қисса. 1,10—27.
**Раҳимжон Отаев.** Қалб дарчаси. Бадиа. 12, 29-34.
**Ражаббой Раупов.** Яна бир баҳор. Ҳикоя. 7,6-9.
**Эмин Усмон.** Кўнгил кўзи. Қисса. 9,23-47 ва 10,35-52.
**Эркин Усмонов.** Назокат Саидовна. Ҳикоя. 2,26-29.
**Шукур Холмирзаев.** Табассум. Ҳикоя. 9,17-21.
**Хуршид.** Йўлакдаги одам. Ҳикоя. 5,34-36.
**Ҳожиакбар Шайхов.** Дархон қўшиғи. Фантастик ҳикоя. 8,35-38.
**Мирёқуб Қобилов.** Пойга. Ҳикоя. 10,30—34.
**Ғаффор Ҳотамов.** Қудуқ тепасидаги ой. Қисса. 6,30—51 ва 7,11-22.

НАЗМ

**Матназар Абдулҳакимов.** 5,5—6.
**Азиз Абдураззоқ.** 6,73.
**Эргашали Абдуллаев.** 1,5-6 ва 11,37-38.
**Ҳабиба Абдураимова.** 3,30-31.
**Усмон Азимов.** 12,9
**Муҳаммад Али.** 10,5-6.
**Жўра Алимардон.** 2,15.
**Оллоёр Бегалиев.** 5,4.
**Хуршид Даврон.** 8,40-42.
**Баҳодир Ёқуб.** 5,6.
**Собир Жаббор.** 1,29.
**Юсуф Жумаев.** 12,28.
**Гулчеҳра Жўраева.** 10,9.
**Венера Иброҳимова.** 3,29.
**Ҳамза Имомбердиев.** 8,45.
**Баҳодир Исомов.** 5,3.
**Анвар Исроилов.** 9,15-16.
**Гулчеҳра Йўлдошева.** 3,30.
**Зафар Комилов.** 5,36.
**Саид Мамарасулов.** 7,62.
**Гулистон Матёқубова.** 3,31.
**Омон Матжон.** 2,37-38 ва 10,7.
**Малика Мирзаева.** 1,28.
**Мукаррама Муродова.** 8,45.
**Носир Муҳаммад.** 2,19.
**Нормурод Норқул.** 5,29.
**Ҳамид Норқулов.** 12,21.
**Гулчеҳра Нуруллаева.** 11,13-14.
**Анвар Обиджон.** 8,47.
**Нурилло Остонов.** 5,5.
**Нодира Рашидова.** 3,46.
**Муҳаммад Раҳмон.** 5,51.
**Шавкат Раҳмон.** 6,28—29.
**Сирожиддин Саидов.** 6,57-58.
**Ҳабибулло Саидғани.** 1,29.
**Шарифа Салимова.** 10,29.
**Эркин Самандар.** 7,25.
**Гулнора Саноева.** 3,31.
**Абдумўмин Саъдуллаев.** 2,15.
**Турсуной Содиқова.** 9,7.
**Муҳаммад Солиҳ.** 7,24.
**Бибисора Туробова.** 3,30.
**Олим Тошев.** 5,4.
**Яҳё Тоғаев.** 5,3.
**Маъсуда Убайдуллаева.** 3,29-30.
**Муҳтарама Улуғова.** 7,60-62.
**Равшан Файз.** 5,28.
**Аъзам Худойбердиев.** 9,48.
**Ҳалима Худойбердиева.** 1,30-32 ва 10,6.
**Нафас Шодмонов.** 2,14-15.
**Ёқубжон Хўжамбердиев.** 5,51.
**Назар Шукуров.** 2,13.
**Эшқобил Шукуров.** 5,40.
**Шуҳрат.** 7,23.
**Замира Эгамбердиева.** 5,61.
**Манзура Эгамбердиева.** 5,50.
**Момохол Элмуродова.** 2,13-14.
**Мақсуда Эргашева.** 1,8-9.
**Йўлдош Эшбек.** 10,7-8.
**Зулфия Юнусова.** 3,29.
**Муҳаммад Юсуф.** 6,65 ва 11,57.
**Ўроз Ҳайдаров.** 2,14.
**Нафиса Ҳакимова.** 3,30.
**Дадахон Ҳасан.** 5,72.
**Ойдин Ҳожиева.** 10,8.

ҚАЛДИРҒОЧ

**Чори Авазов.** Шеърлар. 2,18.
**Шарофат Ашурова.** Қудуқ. Ҳикоя. 2,16-18.
**Мақсуд Бекжонов.** Шеърлар. 4,62.
**Шокир Жуманиёзов.** Уйғониш. Шеър. 7,50.
**Муножат Имомова.** Шеърлар. 6,8.
**Ҳамид Маллаев.** Рақиблар. Ҳикоя. 2,4-12.
**Абдурасул Мамадалиев.** Шеърлар. 6,7—8.
**Зулфия Мўминова.** Шеърлар. 11,22-24.
**Чоршъам Рўзиев.** Шеърлар. 7,49-50.
**Холмўмин Тўхтаев.** Шеърлар. 2,29.
**Абдулла Қўшбоқов.** Шеърлар. 12,22.
**Ҳабибулла Ҳотамқулов.** Раскольников армони. Шеър. 7,50.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## «ЁШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ

**Абдуғани Абдувалиев.** Янги йилдан бошлаб. Ҳажвия. 1,78.
**Шермат Алломов.** «Ҳаймағ»нинг кашф этилиши. 4,78-79 ва 12,73-74.
**Б. Наби.** Бир шингил райҳон. 7,78-79.
**Мавлонбой Низанов.** «Пошшойи куйлагим». 11,79.
**Саъдулла Сиёев.** Раиснинг ақли шошди. 4,76-77.
**Рауф Толиб.** Этик ва туфли. Масал. 7,79.
**Нормамат Тоғаев.** Ақлимни олиб кетди. Монолог. 2,79.
**Музаффар Турсунов.** Эрмакнома. Ҳажвия. 2,79.
**Ориф Фармон.** Керак, керак. Ҳажвия. 1,78.
**Ислом Шоғуломов.** Гаров. 8,78—79.
**Оҳунжон Ҳакимов.** Қора бало. Ҳажвий ҳикоя. 5,77-79 ва 6,78-79

## ПУБЛИЦИСТИКА

**Абдуваҳоб Абдуманнопов.** Мукофот. 6,63-64.
**Шароф Бошбеков.** Семинардан сўнгги ўйлар. 8,44.
**Ҳамид Исмоилов.** Давр талаби. 8,46.
**Жалгас Йўлдошев.** Устюрт жумбоғи. 12,51-54.
**Мирза Карим.** Гагаринга ҳамнафас эди. 4,27-29.
**Қамчибек Кенжа.** Раиса. 1,37-40.
**Санъат Маҳмудова.** Неча гулгун пок қизлар. 3,60-62.
**Аҳмад Мелибоев.** Тиниқ осмон ҳаммага керак. 4,68-69.
**Раҳимжон Отаев.** Унутилмас сабоқлар. 8,43-44.
**Қутлибека Раҳимбоева.** Яхши ёзайлик, рост ёзайлик. 8,46.
**Нусрат Раҳматов.** Кашфиёт пиллапояларида. 6,59-62.
**Назир Сафаров.** Қутлуғ дорилфунун. 7,43-44.
**Саъдулла Сиёев.** Искандарнинг очиқ қуллари. 12,44-46.
**Жўра Саъдуллаев.** Яхшилар ёди. 3,55-57.
**Қодиржон Собиров.** Дунёни сен тебратасан... 1,33-36.
**Қодиржон Собиров.** Улуғбек осмони. 2,33-35.
**Қодиржон Собиров.** Тонгдай тиниқ истиқбол. 3,51-53.
**Тўра Сулаймон, Нурали Қобул.** Маслак ва матлаб. 6,53-56.
**Ўктам Усмонов.** Ўзбекистон дея аталур. 6,9-11.

## ҚУТЛАЙМИЗ

**Жобир Наврўз.** Тасвир самимияти. 7,63.
**Сайёр.** Ёшим эллик.... Шеърлар. 7,64.
**Саъдулла Сиёев.** Созингиз синмасин. 2,41.
**Тўра Сулаймон.** 2,42-43.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ

**Абдулла Қодирий.** Унутмайсизми... «Ўтган кунлар» романидан. 4,7-12.
Қодирий ҳақида дил сўзлари. 4,12-13.
**Хуршид Дўстмуҳаммедов.** Отабек шуурининг оний сурати. 4,63-64.
**Умида Йўлчиева.** Қолди. Шеър. 4,64.
**Шавкат Каримов.** Эътироф ва эътиқод. 4,70-71.
**Ёқубжон Мамадалиев.** Кумушбиби. Шеър. 4,64.
**Замира Рўзиева.** Қодирийнинг Кумушга мактуби. 4,71.
**Ўткир Ҳошимов. Умарали Норматов.** Реалистик тасвир қудрати. 4,16-22.

## АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

**Жамол Инжия.** Шеърлар. 6,52.
**Юрий Нагибин.** Шоҳчорбоқ тонги. 12,37-40.
**Ғалим Сейтназаров.** Дашт ўлкаси. Боғлар. Шеърлар. 1,76-77.
**Ян Судрабкалн.** Рус халқига. Шеър. 1,76.
**Геворг Эмин.** Шеърлар. 12,35.

## АДАБИЙ ТАНҚИД

**Ботирхон Акромов.** Шеъриятда рост сўз зарурати. 3,67-70.
**Хадича Лутфиддинова.** Ҳаёт каби улуғ. 8,66-67.
**Салоҳиддин Мамажонов.** Мунаққид истеъдоди. 7,45-48.
**Умарали Норматов.** Севги сеҳри. 2,55-60.
**Шаҳобиддин Одилов.** Дилда дардинг бўлмаса... 10,57-61.
**Шуҳрат Ризаев.** Маҳорат етишмагач. 6,70-73.
**Норбой Худойберганов.** Ёзувчи олами. 3,63-66.
**Иброҳим Ҳаққулов, Тилак Жўра.** Табиатдир менинг давомим. 8,61-65.

## НАФОСАТ ЧАМАНИ

**Тоҳир Йўлдошев.** Юракдаги эҳтиёж. 10,62-65.
**Нодир Норматов.** Жилолар жозибаси. 9,49.
**Қутлибека Раҳимбоева.** Ғазаллар суратлаганда. 3,76.
**Шерали Сокин.** Машаққат завқи. 8,33.
**Фарҳод Файзиев.** Мўйқалам сеҳри. 11,49-50.
**Ҳамид Қаҳрамонов, Тўра Мирзо.** Телетеатр ташвишлари. 1,73-75.

## БИР КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

**Жамшид Пиримов, Шойим Бўтаев.** Икки ўт орасида. 1,70-72.

## МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

**Аловиддин Ҳамроев, Нусрат Раҳматов.** Биологик кураш: биринчи тайм. 3,58-59.
**Ўткир Ҳошимов.** Маънавият меъмори. 3,47-49.

## МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

**Хуршид Даврон.** Юракка йўл излаш зарур. 1,46.
**Малика Иброҳимова.** Янги куртак. 1,47.
**Алексей Кондратович, Одил Ёқубов.** Илдизлар ва қанотлар. 4,65-67.
**Абдулла Орипов.** Истеъдодга ишонмоқ керак! 1.45.
**Мамажон Раҳмонов.** Театр — етакчи куч. 1,44.
**Азиз Саидов.** Партер нега бўш? 1,44-45.
**Акбар Юнусов.** Ижодий жасорат қани? 1,45-46.

## МАЪМУРЧИЛИК ПРОГРАММАСИ

**Анорбой Қуронбоев.** Меҳнат билан санъат муштарак. 2,32.

## БОЙЧЕЧАК

**Набижон Боқиев.** Ғўзапоя минган бола. Эртакдек ҳикоя. 5,37-40
**Ҳамза Имомбердиев.** Шеърлар. 3,50.

## САДОҚАТ

**Юрий Ряженцев.** Умри ўзи бир достон. 8,55-57.
**Мажид Саматов.** Ўзбек Гастеллоси ҳамхонам эди. 5,68-69.
**Борис Тихомолов.** Буюк учлик. 8,58-60.
Хизмат давом этади... Фоторепортаж. 2,30-31.
«Ҳаётни севгандек севаман сени». 5,70-72.

## ДАВРА ГУРУНГИ

Граждан бўлмоғинг даркор. 5,41-45.
Ёзувчининг муқаддас ҳуқуқи. 12,58-62.

## «ЁШЛИК» ЙЎҚЛАМАСИ

**Довудхон Аббосов.** Шеърлар. 6,15.
**Абдулла Абдужалилов.** Шеър. 6,13.
**Мусахон Абдуллаев.** Шеър. 4,6.
**Матназар Абдулҳакимов.** Шеърлар. 12,42-43.
**Пўлат Авезов.** Амудан эсган саболар. 9,4.
**Хумоюн Акбаров.** Шеърлар. 4,14.
**Кенгесбой Алламберганов.** Қуш ҳақида эртак. Ҳикоя. 9,9-12.
**Шукри Аппазов.** Шеърлар. 8,39.
**Рустам Аҳмадалиев.** Шеърлар. 4,6.
**Ёқубжон Аҳмаджонов.** Шеър. 6,14-15.
**Ғайрат Асроров.** Учликлар. 4,15.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**А. Аҳмедов.** Дўстлик сарҳади. 11,15.
**Музаффар Аҳмедов.** Шеърлар. 9,5-6.
**Тошпўлат Аҳмедов.** Шеър. 3,14.
**Холиқ Бақоев.** Сафарбар ёшлик. 3,13-14.
**Зайниддин Баҳриддинов.** Шеърлар. 8,5-6.
**Мели Furjqulov.** Шеърлар. 8,6.
**Хосият Бобомуродова.** Шеър. 7,4.
**Самандар Воҳидов.** Шеърлар. 3,18.
**Олқор Дамин.** Шеърлар. 8,6.
**Эргаш Ёндош.** Шеър. 6,15.
**Б. Ёриев.** Шеърлар. 11,16.
**Дилором Ёрматова.** Шеър. 8,6.
**Юсуф Жумаев.** Шеърлар. 3,15-16.
**Сайловбой Жумағулов.** Нағал. Ҳикоя. 9,13-14.
**Умматхон Жўраева.** Шеър. 4,4.
**Жаҳонгир Исмоилов.** Шеърлар. 3,19.
**Абдукарим Йўлдошев.** Шеър. 4,15.
**Кенгес Каримов.** Шеър. 9,6-7.
**Ҳалим Каримов.** Шеър. 4,4.
**Юсуфжон Латипов.** Жала. Ҳикоя. 12,11-16.
**Зоир Мамажонов.** Икки ҳикоя. 11,18-21.
**Аҳмаджон Мамажонов.** Шеър. 4,6.
**Зиёвиддин Мансуров.** Шеър. 6,14.
**Зикрилла Неъматов.** Шеър. 3,14.
**Гули Нигор.** Шеър. 6,13.
**Р. Ниёзова.** Шеър. 11,16.
**Азиз Носиров.** Меҳнат ва муҳаббат нашидаси. 8,4.
**С. Омонқулов.** Шеърлар. 11,16.
**Нурилло Остонов.** Шеърлар. 8,5.
**Омоной Раббимова.** Шеърлар. 8,6.
**Бахшилла Ражабов.** Шеърлар. 3,17.
**Илҳом Ражабов.** Шеърлар. 7,4.
**Кенгес Раймов.** Шеър. 9,6.
**Гулчеҳра Раҳимова.** Шеър. 9,7.
**Ҳамроқул Ризо.** Шеърлар. 12,17.
**Бахриддин Рўзиев.** Ажаб саодат эрур. 7,3
**Сабрулла Салимов.** Шеър. 3,18.
**Садриддин Салимов.** Шеърлар. 3,17-18.
**Искандар Соғинбоев.** Шеър. 9,7.
**Жонибек Сувонқулов.** Шеърлар. 12,17.
**Йўлдош Султонов.** Шеър. 4,4.
**Розияхон Тоштемирова.** Олтин водий кўзгуси. 4,3.
**Исмоил Тўлаков.** Қодир Юсупов. Шеър. 4,2.
**Салима Умарова.** Шеър. 4,4.
**Фарид Усмон.** Шеър. 4,4.
**Иброҳим Фозилов.** Достонларда битган гулистон. 1,4.
**Маҳмуд Худойбердиев.** Шеър. 6,14.
**Тоҳир Шамсибоев.** Изланишлар йўлида. 6,12.
**Ғулом Шомуродов.** Шеър. 3,19.
**Роза Шокирова.** Шеър. 6,13.
**Усмонжон Шукуров.** Шеър. 4,4.
**Марзия Эрдонова.** Шеърлар. 3,19.
**Х. Эшонқулов.** Шеърлар. 11,16.
**Абдурашид Қодиров.** Шижоат. 2,3.
**Муқимжон Қодиров.** Шеърлар. 4,5-6.
**Абдурашид Қосимов.** Шеърлар. 12,42.
**Хайрулла Қосимов.** Шеър. 6,14.
**Ҳалима Қорабоева.** Шеър. 4,4.
**Абдували Қутбиддинов.** Шеърлар. 8,7.
**Нафиса Ҳакимова.** Шеърлар. 4,14-15.
**Одил Ҳотамов.** Шеър. 7,5.

## «ЁШЛИК» АНКЕТАСИ

**Маҳмуд Усмонов.** 9,78-79.
**Иброҳим Ҳамробоев.** Яхши шогирд—устознинг юзи. 9,77-78.

## ЎЗБЕКИСТОННОМА

**Султон Акбарий.** Тенгдош умр баёзи. 10,66-68.
**Жўра Саъдуллаев.** Фарғонадай сўлим бир чаман. 8,51-54.
**Азиз Ҳамидов.** Чароғон диёр. 10,53-56.
**Малик Қаюмов.** Буюк бир жасорат. 6,3-6.

## ҲАМЗАХОНЛИК

«Девони Ниҳоний» (**О. Бўриев** таржимаси). 3,54.

## НАВОИЙХОНЛИК

**Алишер Навоий.** «Сўздирки, нишон берур...» 2,46.
**Иброҳим Ғафуров.** Ишқ ҳамда мурувват. 2,44-46.

## ГУЛЧАМБАР

**Машраб Бобоев.** Барҳаёт виждон. 5,59-60.
**Нелли Зиганшина.** Истеъдоднинг сўнмас ёғдуси. 4,33-34.
**Ғулом Каримов.** Замон садоси. 9,67-68.
**Абдулла Орипов.** Мангулик қадар теран. 5,57.
**Шукур Холмирзаев.** Шолохов сабоқларидан бири. 5,58.
**Талъат Солиҳов.** «Венсеремос» — «Биз енгамиз!» 7,65-66.
**Озод Шарафиддинов.** Фаолликнинг ёниқ машъали. 9,64-66.
**Бегали Қосимов.** Ҳар сўзни шиор қилиб. 11,64-65.
**Иброҳим Ҳаққулов.** Келажакка дахлдор. 11,59-62.

## МУТОЛАА

**Неъмат Аминов.** Оламшумул қаҳқаҳа. 6,66.
**Аҳмад Аъзам.** Ҳикоянинг ҳиссий кўлами. 6,67-69.
**Н. В. Гоголь.** Пушкин ҳақида бир неча оғиз сўз. 7,76-77.
**Муҳаммад Солиҳ.** «Сеҳрли қалпоқ эмас, сеҳрли сўз». 12,65-67.

## «ЁШЛИК» САҲНАСИ

**Шукрулло.** Жанжал. Комедия. 6,17-27.
**Ўткир Ҳошимов.** Сиздан угина... Комедия. 7,26-41.

## АДАБИЙ САБОҚ

**Максим Горький.** Ёзишга қандай ўргандим. 5,46-49.
**Миртемир.** Жиндак ўгит. 1,48.
**Ойбек.** Ўзбек поэзиясида тил. 11,54-56.
**Михаил Светлов.** Ёғоч велосипед ихтиро этманг. 3,78-79.

## ТЕНГДОШЛАР ТЕНГДОШЛАР ҲАҚИДА

**Нодир Норматов.** Сўз қадри баланд. 1,7.
**Муҳаммад Юсуф.** Шоирда эҳтирос бўлса. 1,7.

## ДЎСТЛИК ЧАМАНЗОРИ

**Абдукарим Алланазаров.** Изтироб. Шеър. 10,71.
**Муҳаммал ал Бухорий, Юсуфжон Ҳамдамов.** «Ашшабиба» — Ёшлик. 10,69—70.
**Зикрилло Валиев.** Аҳмад Зоҳир. Шеър. 10,72.
**Шодмон Жўраев.** Тасанно. Шеър. 10,72.
**Неъмат Иброҳимов.** Шеърлар. 10,73.
**Асқарали Маҳкамов.** Шеър. 10,72.
**Ибодулло Саъдуллаев.** Пикассо. Шеър. 10,71.
**Ғойибназар Эрназаров.** Одамга ўхшайсан. Шеър. 10,71.
**Жамолиддин Тошматов.** Дуторнинг икки тори. 12,47—50.

## ДЎСТЛАРИМИЗ ОВОЗИ

**Аъзам Раҳнавард Зарёб.** Ёзувчи бўлмоқчи эдим... Ялангоёқлар. Ҳикоялар. 11,43-48.

## ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ

**Мирпўлат Мирзаев.** Газли манзаралари. 10,11.
**Абдулла Орипов.** Карвон. 10,3-4.
**Ҳусниддин Шарипов.** Вятка қўшиғи. Шеър. 10,28.
**Анвар Эшонов.** Фахрия. 10,10-11.

## ОЙБЕКНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

**Ҳомил Ёқубов.** Ойбек Ленинградда 12, 63—64.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАЪНАВИЙ ОЛАМ

**Санобар Нишонова.** Педагог ҳикоялари. 9,53-56.
**Шодмонбек Отабоев.** Садоқат синови. 1,41-43.

## «ЁШЛИК» ПОЧТАСИ

**Мамараҳим Бойқулов.** Тарбия — ўз-ўзини англаш. 4,72.
**В. Козимов.** Расмий жавобдан. 9,63.
**Назрулла Маннопов.** Барчамиз масъулмиз. 9,58-59.
Мендан муаллим чиқармикан? 8,69.
**Раҳимжон Отаев.** Рисоладаги киши. 5,75-76.
Оиладан муқаддас нима бор? 6,76-77.
Орзуларим бир жаҳон, аммо... 8,68-69.
**Тамарахоним.** Яхшилик уруғи. 9,59.
**Ф. Турсунов.** Расмий жавоб. 9,62.
**Гулчеҳра Турғунова.** Одамий эрсанг... 4,73.
**Уйғун.** Боғлар завол топмасин. 9,57-58.
«Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик». 8,70-71.

## ШЕЪРИЯТ ТАЛҚИНЛАРИ

**Рауф Парфи.** Шеърлар. 3,35-37.
**Аҳмад Отабоев.** Ҳар нафас — эҳтирос. 3,39-40.
**Иброҳим ҒАФУРОВ.** Олтин шафтолилар. 3,37-38.

## КЎПЧИЛИККА ҲАВОЛА

**Мурoджон Мансуров.** Парвоз ва инқироз. 8,48-50.
**Дадахон Нурий.** Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик. 5,62-67.
**Саъдулла Сиёев, Мурoджон Мансуров.** Хиёнат ва диёнат. 9,50-52.

## АДАБИЙ МЕРОС

**Эркин Аҳмадхўжаев.** Мавлоно Лутфий ғазалиётидан. 6,74-75.

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

**Поль Верлен.** Шеърлар. 10,74.
**Гарсиа Лорка.** Шеърлар. 10,74.
**Панчатантра.** 7,67-75; 8,72-77; 9,69-74; 10,75-79; 11,72-78.
**Рудакий.** Мунаввар сўзлар. 9,75-76.
**Стефан Цвейг.** Бир кеча даҳоси. Новелла. 3,41-46.
**Фридрих Шиллер.** Шеърлар. 11,51.
**Р. Абдуллаева.** Граждан даҳо. 11,52-53.
**Ҳенрих Ҳейне.** Германия. Достон. 2,47-54.

## ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН

**Луи Арагон.** Айғоқчи. Ҳикоя. 5,52-56.

## ТАФАККУР ГУЛШАНИ

**Абдуллоҳ Аш-Шабровий.** Унвон ал-баён. 4,74-75.

## ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

**Усмон Азимов.** Қасида. 9,3.
**Абдулла Орипов.** Инжу диёр учун. Шеър. 1,3.

## УСТОЗ ВА ШОГИРД

**Раҳим Бекжонов.** Илм — бу фидойилик. 7,51-52.
**Хуршид Дўстмуҳаммедов.** Фахр. 7,53-55.

## «ЁШЛИК» БАҲСИ

**Абдулла Воҳидов.** Саодат сарчашмаси. 2,39-40.
**Ражаббой Раупов.** Хушомаднинг мактаби борми? 11,62-63.
**Эркин Юсупов, Фозилжон Исмоилов.** Камолотнинг чегараси йўқ. 1,51-53.

## ҲАЁТ БЎСТОНИ

**Юрий Андреев.** Бахтли бўл, ўғлим! 1,54-69 ва 2,61-78.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# АВТОРЛАРИМИЗ

**Матназар АБДУЛҲАКИМОВ.** 1948 йили Урганч районида туғилган. Таганрог Давлат педагогика институтини битирган. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Хоразм область бўлимида адабий консультант.

**Усмон АЗИМОВ.** 1950 йилда Сурхондарё областининг Бойсун районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган (1972 йил). «Инсонни тушуниш», «Ҳолат», «Оқибат», «Кўзгу» шеърий тўпламларининг автори. В. В. Маяковский номидаги мукофот лауреати. Ўзбекистон Радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар Бош редакциясида хизмат қилади.

**Қамчибек КЕНЖА.** 1946 йили Андижон областида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини 1969 йили тамомлаган. «Соғинч», «Яшил барг» номли шеърлар ва ҳикоялар тўпламларининг муаллифи. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи аппаратида ишлайди.

**Юсуфжон ЛАТИПОВ.** 1954 йили Хоразм областида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоялари вақтли матбуотда эълон қилинган.

**Раҳимжон ОТАЕВ.** Чимкент областининг Туркистон районида 1949 йили туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ёш ёзувчиларнинг VIII Бутуниттифоқ семинар-кенгашида иштирок этган. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи аппаратида ишлайди. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

**Ҳамроқул РИЗО.** 1941 йили туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. «Сирдарё қасидаси», «Зангори дарё», «Яйлов мушоираси» шеърий тўпламлари чоп этилган. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

**Жонибек СУВОНҚУЛОВ.** 1944 йили Зомин районининг Ҳайиткултепа қишлоғида туғилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. «Зангори уфқлар» шеърий тўпламининг автори. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. ЎзТАГнинг Сирдарё областидаги мухбири.

**Абдурашид ҚОСИМОВ.** 1964 йилда Наманган областининг Тўрақўрғон районида туғилган. ТошДУнинг филология факультетида ўқийди. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

**Абдулла ҚЎШБОҚОВ.** 1960 йили Бахмал районида туғилган. Жиззах Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимида таҳсил олади. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи пропаганда бюросининг Жиззах области бўйича вакили.

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ёшлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный, общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: **Ҳ. СОЛИҲОВ**
Техник редактор: **В. УРУСОВА**
Корректор: **М. НАБИЕВА**
Журнал макетини **М. ОВСЯННИКОВ** тузган

Адресимиз: 700000, Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар:
Бош редактор ўринбосари — 32-54-73
Масъул секретарь — 32-65-27
Проза бўлими — 32-57-34
Шеърият, адабий танқид ва санъат бўлимлари — 32-56-41
Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда, «Ёшлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 25.11.84 й. да туширилди. Босишга 6.12.84 й. да рухсат берилди. Р-13956. Қоғоз формати $84 \times 108^1/_{16}$. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 146413 нусха. Буюртма № 4765. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26.

© «Ёшлик № 12, 1984.

«Ёш гвардия» нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi